

84
A 39

ЧИНГИЗ
АЙТМАТОВ

2

К
НО
УРА
Комп
ИДЛ

ТАНДЛАНГАН
АСАРЛАР

ИККИ
ТОМЛИК

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

ҚИССАЛАР
ВА
ХИКОЯЛАР

ИККИНЧИ
ТОМ

1102

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Фахр. Еглом ноҳидати
Адабиёт ва санъат
нашриёти

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА О'РТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

С (күрп)
А 39

НАТНАДНАТ
ЧАТРАДА
ЭНТИНН
СОТМІННА

Айтматов, Чингиз.
Таланттан асарлар. Икки томдук. Т., Адабият ва санъат наш-
рияти, 1978.
Т. 2. Киссадар ва хикоялар. 1978. 392 б.

Атокми кыргыз совет тауучиси, Ленин ва Давлат мукофотлари даярлати
Чингиз Айтматовнинг икки томдук «Таланттан асарлар»и нашр этилмоқда.
Иккинчи томга «Бүткүл», «Биричи муаллим», «Сомон аялы», «Ок кеме»
каби киссалар, «Ок эмигр», «Рақибдар», «Байрамтол соҳилдеризда» номд.
хикоялар киргизилди.

Айтматов, Чингиз. Избранные произведения. В 2-х т. Т. 2. Пов-
сти и рассказы.
С (Кир)

70303-53
А 352 (00)-78 147-78



БҮТАКУЗ



Булдоқдан эндингина ярим чesлак сув олган ҳам эдимки, дашт буйлаб кучли кийкирик янради:

— Хе-э-эй! Академик, тумшугингга туширама-ан! Мен кулоғимни динг қилиб, тошдай котиб турадим. Аслида исми Камол, бу ерда Академик деб дақаб куйинган эди. Ҳа, уйлаганимдай бўлиб чиқди. Нариги томондан тракторнинг «тир-р» эгган овози эшитилмасди. Тумшугимга туширмоқчи бўлган одам ўша, Абубакир. У яна дағдага соғиб роса сўкадиган бўлди-да, ҳатто мушт кўтаришдан ҳам қайтмайдиганлардан у. Сув етказиб беришга улгура олмаппан, тракторлар икки-та, мен бўлсам якка ўзим. Шунга қарамай, манави якка от-аравада уларга сув ҳам, ёниги ҳам, мой ҳам, яна бошқа баго-баттарларни етказиб беришим керак. Тракторлар бўлса бу атрофда яккаю ягона ҳисобланган булдоқдан тобора узоқлашиб борарди. Улар ёниги цистерналари сақланадиган бирдан-бир шийпонимиздан ҳам борган сайн олтиглашиб кетмоқда. Шийпонни ҳам яқинроққа кўчиришга уриниб кўрдик, аммо қаёқда дейсиз, у ҳам сув билан боғлиқда. Абубакирға ўхшаванлар бўлса буни тушунишни ҳам истамайди: «Тумшугингга соламан!— деб бақиргани-бақирган.— Менинг бу ерда озидан сўлагги оқиб юрган ландавур студентни деб бекорра вақт ўтказишга тоқатим йўқ»,— дейди.

Мен эса у ўйлагандек студент ҳам эмасман. Ҳатто инстпутта киришни ҳасилимга ҳам келтирмаганман. Мактабни тутатиним биланоқ шу ерта— Анорхой даштга келган эдим. Бизни бу томонга юборётганлариди мажлисда ҳаммамизни, шу жумладан мени ҳам: «Кўриқ ерларни забт этувчи донгдорлар, янги ўлкаларни кашф этувчи кўрқмас ташаббускорлар!» деб аташган эди. Дағдаб шунақа эдик, энди-чи? Айташга ҳам урласан киши: «Академик». Бу лақабни мента Абубакир кўйган. Бунга ўзим айбдорман. Кўнглимдагини яшира олмаман, худди ёш боладек ўз-ўзимга гапириб, ҳасилларга берлиб кетаман, кейин одамлар мендан кулиб юришади. Лекин улар бунинг учун мен эмас, мендан кўпроқ тарих ўқитувчимиз, ўлкашунос Олдирёв айб-

дор эканини билсалар эди... Шу ўқитувчимизнинг гапига кириб, энди роса таъзиримни ешман...

Шу аснода, бочкани тўлдирмасданоқ сойлик бўйлаб йўлга тушдим. Аслини айтганда, бу ерларда сира йўл бўлмаган. Бу ёлғизоёқ йўлни ҳам аравада қатнайвериб, ўзим отганман.

Қорамтир, кенг дағда етагида трактор турибди. Унинг кабинаси устида Абубакир ўтирибди. У ҳавода муштни ўйнатиб, ҳамон мени сўкар, гўрди оғиб гўра тикарди.

Мен отга қамчи босдим. Бочкада сув чайқалиб елкамга саврар, аммо мен буни писанд қилмай, отни баттар қамчилар эдим. Абубакир ҳозир таъзиримни берса керак. Бу ерта юборишларини ўзим илтимос қилганман. Ҳеч ким мени мажбур эггани йўқ. Бошқа йилгити қизлар Қозоғистонга, газеталарда ёзилётган ҳақикий кўриқ ерларга кетишган. Мен бўлсам бир ўзим Анорхой даштга келибман. Бу ерда шу йил баҳорда биринчи марта иш бошладилар. Шунда ҳам айти иккита трактор билан ишта киришилди. Утган йили агроном Сорокин — у бу ерда ҳаммамизнинг бошлиғимиз ҳисобланади — бир ерта баҳори арпа экиб, синаб кўрган экан. Айтишларига қараганда, ҳосил ёмон бўлмабди. Агар иш шу зайдда давом этса, эҳтимол Анорхой даштда ем-хашақ масаласини ҳал қилиш мумкин бўлиб қолади.

Бироқ хозирча эҳтиёткорлик билан иш кўриш керак. Анорхой сратонда қараб кетади: ҳатто тиканлар ҳам турган жойида қовжираб қолади. Эрта кузда молларини шу ерта қилловга хайдаб келган қолхозлар эса, ҳали экин-тикишни бошламай «қани кўрайлик-чи, бошқалар нима қиларкин», деб кутиб турадилар. Бунинг устига, биз бу ерда озмиз, бор-йўғи: икки тракторчи, икки прицепник, ошпаз аёл, сув ташувчи, яъни мен ва агроном Сорокин. Кўриқ ерларни забт этувчилар армияси мана шулардан иборат. Ким билсин, эҳтимол бизнинг ҳақини мизда ҳеч ким ҳеч нарса билмас, биз ҳам оламда нима-лар бўлаётганидан бехабармиз. Гоҳо Сорокингина бирор йилгиле топиб келарди. У отда яқин атрофдаги чуқурлар хўзурига бориб, рация орқали бошқалар билан жанжаллашиб, қилинган ишлардан ҳисоб берар эди.

Гап бундай экану мен бўлсам кўриқ ерларни, чексиз даштларни кўраман деб юрибман! Дарвоқе, бунинг ҳаммасига тарих ўқитувчимиз Олдирёв сабабчи бўлди-я. Шу одам бизга Анорхой даштини бошлаб таърифлаган

эди: «Асрлар бўлиб кўл урлимай, Кўрдай ён бағирлари-дан тортиб то Балхашнинг қаминшзорларигача чўзалиб кетган Анорхой дашти эрману шувоқзорлар билан бе-заниб, савлат тўкиб ястаниб ётибди. Афсоналарга қара-ганда, қадим замонларда уюр-уюр йиқилар Анорхой тепаликларида ялашиб, дом-дараксиз йўқолиб кетган. Сўнг ёввойиллашиб кетган отлар тўдадашиб узоқ вақтлар дайдир юришар экан. Анорхой — ўтмишнинг тилсиз гу-воҳи, даҳшатли жанглар майдони, кўчманчи саҳройи қабилаларнинг макони. Ёзининг замонамизда эса Анор-хой даштлари бой ва сахий чорвадорлик ўлкасига ай-лантирилгани керак!» ва ҳоказо, шунга ўхшаш сўзлар.

Уша кезларда Анорхойни картадан кўриш сўзлар. Занқил эди: у кафтдайтина жойини эгалаб ётарди. Эн-ди-чи? Эрта тонгдан кечгача бу даштдаги аравани у ёк-дан-бу ёққа тарақлатиб ҳайдаганим-ҳайдаган. Кечқурун ҳолдан тоғиниб, юз машаққат билан отни аранг аравадан чиқараман-да, олдига той-той қилиб боғланиб, машина-да келтирилган пичандан ташлаб кўяман. Сўнг ошпа-зимиз Алдей нима берса ҳам еб оламман-да, ўтовга ки-риб мўкка тушганимча тошдай қотиб ухлаб қоламан.

Дарҳақиқат, Анорхой эрман-шувоқзорлар билан безаниб, савлат тўкиб ётарди. Қани энди, вақт бўл-са-ю, бу чексиз даштларни соатлаб кезиб, унинг гўзал-лигидан баҳраманд бўлсанг.

Ҳаммаси ҳам майли-ю, аммо бир нарсага ҳайрон-ман: Абубакирга менинг нима ёқмай қолди, у мени нега бунчалик ёмон кўради? Агар бу ерда мени нима-лар кутаётганини илгаридан билсайдим... Мен ҳар қан-дай таъбни қийинчиликларга чидашга тайёрман. Ахир, бу ерда меҳмонга келганим йўқ-ку. Бироқ, негадир, бир-та яшаб, бирта ишлашимиз лозим бўлган одамлар ҳа-қида сира ўйламаган эканман. Ҳамма ерда ҳам одам — одам-ку, деганман-да...

Мен бу ерда машинада икки кунда етиб келдим. Мана бу тўрт гилдирақли аравани ҳам мен билан бир-га олиб келишди. Уша пайтда унинг дастидан шунча-лик азоб-укубатда қолганимни ҳасиниқта ҳам келтир-маган эдим.

Ахир мен бу ерда прицепшик бўламан, деб келган эдим-ку. Бир баҳор тракторда ишлаб, уни ўрраниб олиб, тракторчи бўлиб қоламан деган орузда эдим. Районда ҳам менга худди шундай дейишган. Мана шу оруз ме-

ни Анорхойга бошлаб келган. Бу ерда келиб қарасам, прицепшиклар етарли экан, мени сув ташига қўйишди. Бошдаёқ бу ишни рад этиб, уйга қайтиб кетишим мум-кин эди. Нега десангиз, мен ҳозиргача араванинг шот-сини ҳам, бўйинтуруқни ҳам ушлаб кўрмаган эдим. Умуман шу кунга қадар ҳеч қаерда ишлаганим ҳам йўқ эди. Фақат шанбаликлардагина, қанд завонда онамга кўмаклашардим. Отам фронтда ҳалок бўлган экан. Мен уни эслаб олмаيمان. Шунинг учун ҳам муस्ताқил ҳаёт бошлашга қарор қилган эдим... Нима бўлса ҳам иссиён-да қайтиб кетишим керак эди-я. Лекин уялдим. Бу ер-га келиш олдидан мажлисда қанча дув-дув гап бўлди, ахир. Онам ҳам рози бўла қолмади; у менинг врач бў-лишимни оруз қиларди. Аммо мен ўз фикримда қатъий туриб олдим, сизга ёрдам бераман, деб кўндирдим. Чул-га борнишга қатъий бел боғлаб, тезроқ йўлга чиқишга ошқардим. Энди дарров қайтиб борсам одамларнинг юзига қандай қарайман? Хуллас, араванда сув ташинишга тўғри келди. Аммо бошини ташган кулфатларнинг бои-си бу эмас.

Бу ёққа келаётганимда йўл-йўлакай, машина усти-да тик турганимча чор атрофга суқланиб боқардим, мана, қадимий афсонавий Анорхой дашти! Машина яс-си тепаликларда, эндигина яшиг туста кириб келаётган дашт юзюнда аранг кўзга чалиниб турган йўл бўйлаб елдек учиб борарди. Ерлар қор наמידан бўғланиб ётар-ди. Нам ҳавода бултўрғи томтирлардан эндигина ниш-уриб чиқаётган Анорхой ёввойиларининг аччиқ ҳиди ди-моққа урилиб турарди.

Қаршидан эсаётган шамол кенг даштликдан таъбиат-нинг бир олам шовқинини ва соф баҳор нафасини олиб келарди. Биз уфқ сари елиб борардик, у эса олис-олис-ларда, майса билан қолланган тепаликлар остида орқа-сига тисарилиб, Анорхой даштининг кўз илғамас кен-ликлари сари имлаётгандек, тобора узоқлашиб кетмоқ-да эди. Шунда мен тўё ўзимни ўтмиш замонларнинг са-доларини эшитаётгандай сездим. Ер тўё милг-минг тўёқлар остида дарзага келиб тувилмайди. Саҳройи кўчманчиларнинг сон-саноксиз отлиқ аскарлари найза ва байроқларини кўтариб океан тўлиқлилари сингари даҳшатли хайқирик, ғала-ғовур билан елиб югуришар-ди. Кўз ўнгимда даҳшатли жанг манзараси намён бў-ларди. Темир жаранглаб, одамлар қий-чув кўтаришар,

отлар бир-бирларини тишлаб, тепишарди. Менинг ўзим ҳам, қаердадир, мана шу қайноқ жанг ичида юрардим гўё... Аммо жанг суронлари тиниб, баҳор фасли кириши билан Анорхой даштида оқ ўтовлар ёйилиб кетар, қишлоқ устида тезак тутунлари осмонга ўрмалар, чор атрофда кўтон-кўтон кўйлар, йилқи подалари ўтлаб юрар, туя қарвонлари кўнгиракларини жаранглатиб қаяққандир келиб, қаяққандир йўл олар эди...

Паровознинг узоқ-узоқларга таралган чўзиқ овози мени ҳушимга келтирди. Ёлинни ҳилпиратиб, думини ёйиб, елдек учиб бораётган пойгачи от каби, вагонлар устига туғун буруқсатиб паровоз ўтиб борарди. У узоқдан мента худди шундай туюлди. Поезд борган сари кичирайиб, қора чизикдай бўлиб қолди ва ниҳоят кўздан гойиб бўлди.

Биз даштда жойлашган якка-ёлғиз разъезд ёнидаги темир йўлни кесиб ўтиб, яна йўлимизда давом этдик...

* * *

Манзилга етиб келган дастлабки кунларда ўзимни осмондан тушиб қолгандай ҳис қилдим. Йўлда хаёлимни банд этган манзаралар ҳамон кўз ўнгимдан кетмасди. Дада шийонининг яқинидаги тепалик устида қадимий ёлгорлик — хотин кишининг хайкали турарди. Кул ранг, кўпол йўнлиган бу трант парчаси неча асрлар мобайнида ерга чуқур ботиб, кўрникчи синтари, йироқларга боқиб турарди. Унинг ёмғир ва шамол тавсиридан дят еб, бир оз қийшайган ўнг кўзи, қоракини оқиб, пучайиб қолгандай, қовоқлари остидан хўмрайиб туриши кишини ваҳимага соларди. Мен унга узоқ вақт синчиклаб қараб турдим, сўнг ўтовга келиб, Сороқиндан сўрадим:

— Уртоқ агроном, сизнингча бу ерга манови хайкални ўрнатган ким?

Сороқин қаяққандир кетишга оғланаётган эди.

— Қалмоқлар ўрнатган бўлса керак, — деди у отга мина туриб ва жўнаб кетди.

Кошки, у вақтларда мени бундай жавоблар қаноатлантира олса! Хали яхши танишиб улгурмадан бўлсам ҳам тракторчи ва прицепникларга муурожаат қилдим:

— Иўк, бу туғун эмас. Қалмоқлар бу ерга ўн еттинчи асрда келишган. Бу қабр устидаги хайкал бўлса ўн

иккинчи асрга мансуб. Афтидан, бу хотин хайкалини муўлашар фарбга қилган буюк ҳужум даврида ўрнатишган. Биз қирғизлар ҳам улар билан бирга Енисей соҳилларидан бу ёққа — Тянь-Шань ўлкаларига келиб қолганимиз. Бизгача бу ерда қипчоқ қабилалари, уларга қалар эса малга сочди, тиниқ кўзли одамлар яшаган.

Тарихни яна ҳам чуқурроқ қовлаштирдим-у, аммо трактор ёнида турган комбинезонли йигит сўзимни бўлди. Бу Абубакир эди.

— Ҳой, тирранчал! — деб қовоқ остидан мента фарзабли ўқрайди у. — Жудда олим кўринасан. Қани бу ёққа кел, ўтовдан шприц билан тавотни олиб чиқ.

Мен бўлсам унга шприц билан солидолни олиб келибман.

— Эҳ, академик! — деди у менсиматган бир оҳангда тишини қисиб ва қизариб кетган кўзлари билан еб кўйдудек бўлиб. — Биз саводсизларга лекция ўқишни билмасану, отни туядан ажратолмайсан.

Шу-шу «Академик» бўлиб қолдим. Мана мен ҳозир ўз аравам билан Абубакирга яқинлашмоқдаман, унинг жағи ҳамон тинмасди. У шудгор ичидан лойга ботиб мен томон югуриб келяётди.

— Бунача тошбақага ўхшаб судралмасанг! Яна қанча куттирмақчисанг! Бўғиб ташлайман сен итвачани, она сўти оғзидан кетмаган битта академик камайса камайбди-да.

Мен тракторга хомушгина яқинлашдим. Ўзимни оқлаш учун нима ҳам дея олардим? Ахир, трактор менинг айбим билан тўхтаб қолган. Хайриятки, прицепшик аёл — Қалипа менинг ёнимни олди:

— Кел эйди, ўзингни бос, Абубакир! Бақирит-чақириндан нима фойда? Уни қара, бечоранинг рангида-ранг қолмабди. Шўрлик жуда қийналиб кетибди, — деди-да, қалтираб турган кўлларимдан челакни олиб, радиаторга сув кўя бошладим. — Бусиз ҳам жонини жабборга бериб ишлатити-ку. Кўриясанми, қора терга ботиб кетибди... — Мента нимал — жеркиб ташлади Абубакир. — Уинда ўтириб китобини ўқийверсин эди!

— Майли, бас қил эйди! — Тинчтишга уринарди Қалипа. — Мунча баджаҳл бўлмасанг! Яхши эмас!

— Агар киши бунақаларнинг ҳаммасини кечираверса ўзини балога кўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Планинг бажарилганини сендан эмас, мендан сўрайдилар. Бу

хумшар олим жонини халқуаимга келтираётгани билан кимнинг иши бор, ахир!

Менинг олимимиз мунча дастак бўлиб қолди. Нега ҳам ўқиган эканман, қасқдан ҳам тарихчи Олдиёровни эслаш қолдим.

Мен бу ердан тезроқ қайтиб кетишга шонилардим. Ахир саҳронинг у бурчи ҳам бизга ўхшағандарга мунтазаир бўлиб турибди-ку. У ерда тракторчи Садабек ишлайди. У ёши анчага бориб қолган, жиддий киши, жаҳли чиқса ҳам бақириб-чақиравермайди.

Орқамдан трактор моторининг овози эшитилди. Абубакирнинг тракторига жон кириб юриб кетди. Мен сал енгил тортиб, наминқан фуфайкада жунжикчиб турардим. Бу Абубакир мунча баджаҳл, мунча заҳар экан-а? Хали қари ҳам эмас, ўттиздан сал ошган. Тўғри, юзи анча хушук, ёноқ суяклари бўртиб чиққан, қўллари ардон панжасидай бақувват, аммо ўзи анча хушқомат, кўзлари бўлса важоҳатли, совуқ, сал нарсага қонга тўлди. Жонни бўғизга келди. Бундай пайтларда эҳтиёт бўлмасанг, сени гажиб ташлайди.

Ўқинда бир воқеа бўлди. Оқшомдан ёмғир бошлади, тун бўйи савадаб чиқди. Йанб кетган кигиз устидан бир маромда чақиллаб оқиб тушаётган томчиқлар қандайдир мунгли оҳангда, кишига ниманидир шивирлагандай туюларди. Ёмғир эрта билан ҳам тинмади. Биз ўтовда ўтиравериб бекорчиликдан зерикиб кетдик. Агроном Сорокин қаергадир кетган эди — шундай кунда ҳам унинг иши бошидан ошиб-тошиб ётади. Чорвачилик учун ҳам жавобгар-да. Шу сабабли у бирор дақиқа тиним билмас, эртаю кеч умри эгарда ўтарди.

Ёмғир бир оз пасайганда Садабекнинг кичик укаси — прицепчик Эспиркеп менинг отимга минди-да, чўпонлар олдига жўнади. Алдей билан Қалипа бўлса челақларни кўтариб, бўлоқ бошига сувга кетишди. Ўтовда биз уч киши — Абубакир, Садабек ва мен қолдик.

Табииминиз хира, ҳар биримиз ўз ниминиз билан банд эдик. Абубакир оёқларини узатиб ёнбошлаганча папирос чекарди. Садабек ўчоқ олдиданги тўқим устига ўтириб, битиз ва мумланган пишпик ип билан эски эгиптин амарди. Мен бурчакка тикчилиб олиб китоб ўқирдим. Ўтовнинг ичи зах. Ивиган наमतдан кўй ҳиди келар, тепадан аҳён-аҳёнда чой сёқли сув томчиқлар эди. Ташқарида эса ҳалқоб сув юзига шовуллаб ёмғир ёғарди.

Абубакир зерикиб эснадди, қўлларини кирсиллатиб керишди, у ёқ-бу ёққа қарамай, қовоғини остана, қўлдиги папирос қолдигини улоқтирди, кигизнинг бир чеккасига бориб тушди. Намат тутаб, жазғанақ ҳиди чиқа бошлади. Садабек папирос қолдигини олди-да, қўлга ташлади.

— Эҳтиёт бўлиш керак, — деди у чарм орасидан тупқиланган мумли ипни ўтказаркан, — нима, жойингдан қўзғаломайсанми?

— Ҳа, нима бўлти, — деб жаҳл билан бошини кўтарди Абубакир.

— Намат ёниб кетай деди.

— Оббо, матойингни қара-ю, — менсмай тиржайди Абубакир. — Илма-тешик эгиптинги ямайлсанми, ямайвер, бошқаси билан ишинг бўлмасин!

— Гап бойликда эмас. Бу ерда сен бир ўзингмас, ўз уйингда ҳам эмассан.

— Уа уйимда эмаслигимни билман! Уйимда бўлсам сен билан таплагиниб ҳам ўтирмас эдим. Тушундингми, миймун башара. Худонинг қаҳрига учрамасам суртун қилингандай, сену сенинг хотининга ўхшаш аҳмоқлар яшайдиган Анорхойга келиб қолармидим.

Садабек мумланган ипни куч билан силтаб тортиди. Битиз унинг қўлидан отилиб чиқиб орқасига тушди. У Абубакирга нафрат билан узоқ тикилиб турди, сўнг бир қўлида этик, бир қўлида тарапг тортиқлан ипни ушлаганича, газаб билан олдинга интилди.

— Майли, сенинча, мен аҳмоқман, бу ерга ҳаммамизни боқиб учун мен билан бирга келган хотиним ҳам аҳмоқ бўлсин! — Оғир нафас олиб тапирарди у. — Бошқа ҳамма анорхойликлар ҳам, сенинча, суртун қилинган кишиларми? Нима, уларни бу ерга сен хайдаб келганисан? Қани, жавоб бер, эси пасл! — деб бақирди у ва ўнг қўли билан нагадди эгиптининг кўнжидан ушлаганича ўридан ирғиб турди.

Абубакир бир чеккада ётган калоча ўзини отди, калласини елкалари орасига олиб уришга ҳозирланиб турди. Мен кўрқиб кетдим. Вазият жуда қалт эди. Улар бир-бирини ўқидириб кўйиши ҳам ҳеч гап эмасди.

— Кўй, Абубакир! — дедим югуриб бориб. — Уни урма! Кўй, Садабек, шу билан тенглашиб ўтирма! — деб, оёқлари остида ўралашиб, саросимлада яллиниб-ёввордим. Садабек мени бир чеккага итариб юборди. Улар

жангга хозирланган арслондек, ұтов ичиде гир айланн-шарди. Бирдан бир-бирге ташланиб қолниши, Абубакирнинг кўлидаги кич Салабекнинг боши устида ялтиллади. Аммо Салабек шу захоти чап бериб, иккага кўли билан кичини ушлаб қолди. Абубакир кучли эди, ўз рақибини ерга йиқитиб, остига босиб олди, икка-даси хирғиллашиб, сўкиниб, юмалашганча олишиб кеттиди. Мен югуриб бориб Абубакирнинг кўлидан чикиб кетган кичоқта бутун гавдам билан ташландим, ниҳоят, уни олганимча ўтовдан чикиб қочдим...

— Алдей! Қалипал!— сув олин қайтаётган аёлларга қараб қичқира бошладим.— Тезроқ, тезроқ, улар уришининг, бир-бирини ўлдириб қўяди.

Аёллар челақларини ташлаб, мен томон югуришди. Биз ўтовга етиб келганимизда Салабек билан Абубакир ҳамон ерда ағанашиб ётишарди. Уст-бошлари йиртилган, юз-кўзлари қонга бўялган. Зўрға ажратиб қўйдик. Алдей эрини судраб эшикка олгиб чикиб кетмоқчи бўлди. Лекин Абубакир бир зарб билан Қалипалнинг кучи-ғидан чикиб кетди.

— Ха, маймоқ ит, сеними, ҳаги тўхтаб тур!.. Сен мурдор ҳаги оёғим остига йиқилиб тавба қилгасан, ўшанда Абубакирнинг кимлигини билгиб оласан!

Паст бўйли, қотмадан келган Алдей унга яқин келиб, юзига тик боқиб гапира бошлади.

— Қани, тегиб кўр-чи! Кўзларинггни ўйиб олайки, ўзингни ўзинг танимай қолгин!

Салабек бамайлихотир хотинининг кўлидан ушлади: — Қўй, Алдей, салқайи гап кетсин у...

Мен бу орада ташқарига чикиб, тўпологияда отиб юборилган гайка кичини қидириб топдим-да, ўтовдан нарироқ бориб, уни тош ҳайкал ёнига кўмиб қўйдим. Узим бўлсам, ўтирдим-у, бирдан йиғлаб юбордим. Паст, бўғиқ йиғидан бутун вужудимни қалтироқ босган. Мени ҳеч ким кўрмас эди, ўзим ҳам қандай ҳолатга тушиб қолганимни билмас эдим. Фақат ўша тош ҳайкалгина, тўё дардимни тинглаётгандай, бўм-бўш қолган кўз чанопи билан мента хўмрайиб боқиб турарди. Атрофда туман билан қопланган нам, сокин ва ҳорғин чул ястаниб ётарди. Унинг кўҳна ва чуқур сўкуватини бирон шарпа бўзмасди, ёлғиз ментина кўз ешлатарини арттар, ҳамон пиқиллаб йиғлаб ўтирдим, мен бу ерда узоқ, жуда узоқ вақт, то қош қорайгунча ўтирдим.

Ешонлар билан безанган чўлда ана шу зайдда яшайман... Куч-қувватим борича меҳнат қиламан. Лекин шунга қарамай, ҳамон ишим ўнгидан келмайди. Мана, хозир Абубакирдан ана яхшигина дакки едим. Оқибат нима бўлади — ўзим ҳам билмайман. Аммо умидсизликка тушиб ҳам ярамайди. То йиқилгунча ўз ўрнингда ниҳкам турмоғинг керак.

— Қани, Серко, қимиргал! Илдамроқ! Иккимиз ҳам четик бўлайлик, ишдан қолмайлик...

II

Эртаси кунни одатдагидан барвақтроқ, тонгортада турдим. Кеча ўтовда ётиб ўзимча шундай аҳд қилган эдим: бор кучимни ишга солиб шундай ишлайинки, бирон киши койишгина эмас, ҳатто таъна ҳам қила олмасин. Узимнинг бошқалардан кам эмаслигимни бир кўраётиб қўйи.

Даставвал ёлғизини келтириб, бақларга ўзим куйиб қикдим. Сўнгра, иш бошлангунга қадар тракторларнинг радиаторларини сувага тўлдириб қўйи деб, аравам билан булоқ томон жўналдим, ундан кейин нонушта қилиб олишга улгуруш ва бирор дақиқани ҳам зое кетказмай ана сув ташиб керак. Ҳозирча иш мен ўйлагандек бо-раётганди.

Бу орада гира-шира, оқимтир туман қопланган уфқ ортидан аста-секин кўёш бош кўтара бошлади. У тўё чексиз чўзғилиб кетган Анорхой даштларига назар ташлашдан чўчиб, анча вақтгача ўрнидан қўзгалмай турди. Сўнг яна бир қараганимда қиё боқиб, жамолнинг кўз-кўз қилаётгандай кўринди. Кўёш тиг ураётган пайтдаги кўз манзарасидан гўзалроқ нарса бўлмаса керак! Тўё дашт манзарасидан гўзалроқ нарса бўлмади кўтариниб улкан ложувард денгиз ўз қиртоқларидан кўтариниб чиққану, шу бўйича мовий тўлқинлари музлаб қолгандай, унда-мунда куйқа тортиб қолган қисмлар тўқ-кўк ва сарғиш тусда жилваланади.

О, Анорхой, о, бепоен дашт! Нета сукут сақлайсан, нималар ҳақида хаёл сурасан? Асрлар бўйи нималарни сир сақлаб келгилсан, келажакда сени нималар куттипти? Мен бор йўри бир сувчиман, лекин бунга ўқинмайман. Ҳаги мана шу ерларга ҳам, машиналарга ҳам ўзим ҳукмрон бўламан. Ахир иккита тракторимиз, бу ерда қилинётган ишларнинг ҳаммаси — ишнинг бошланини, холос. Мен, талқикотчиларининг Анорхой даштда кат-

Та ер ости дарёлари бор, деган фикрини алгақарда ўқитган эдим. Эҳтимол, бу ҳали тахминдир, аммо, нима бўлса ҳам, ишончим қомилки, кишилар бу ерларга сув келтирадидлар. Анорхойдан кўм-кўк бор-рёллар шивирлашиб, соя-салқин ариқалардан сувлар шарқираб оқди, дашт шамоли майин эсиб олти бугдойзорлар ҳосилни кўз-кўз қилади. Бу ерда наҳару қишлоқлар бунёда келади. Бизнинг авлодларимиз бу чўлги фохр билан Анорхой бўстони деб атайдилар. Яна бир неча йиллардан сўнг бу ерларга менга ўхшаш бирор ўси-рини йилит келганда, эҳтимол, унга сув ташувчи арава билан чўд бўйлаб кун бўйи санқиб юришга ва қандайдир бир бадфеъа ўзбошимчанинг сўкишларини эшитишга тўғри келмас.

Лекин ҳар ҳолда, мен унга ҳасад қилмайман, чунки мен бу ерда биринчи бўлиб келганларданман!..

Аравани тўхтатиб кўйиб, эрталабки Анорхой кенгликларини томоша қилдим. Мана шу дамда ўзимни ер юзидagi энг бахтиёр, энг кучли, ҳатто энг гузал одам деб ҳис қиламан. Ҳа, Анорхой ерлари сановат ўлкасига айланади!..

Ниҳоят, уфқ ортидан заррин нурларини сочинб, баркашдан куеш кўтарилди.

Куннинг бошланishi ёмон эмас. Моторлар ҳам ишлаб турибди. Сувни пешма-пеш ташиб келтиришга ҳам улгуряшман. Аммо ҳали кечга узок...

Сувга қатнаб юрганимда бир вақт булоқ бошида кўй-кўзидларинг кичик бир кўтонини учратиб қолдим. Уларин бу ерда бир қизча ҳайдаб келган экан. У кўйларин булоққа яқинлаштирмай, ариқчада сугормоқда эди. Қаёқдан келиб қолди у? Эҳтимол, биздан этак-роқдаги кўш тепалик ортидан, сойлик томонидан келгандир. Чўпонлар ўша ёқда ўрнашган эди. Қизнинг чеҳраси мента танишдай туюлди. Мен қайси бир журналда худди шу қизга ўхшаш, кокили пешонасига тушиб турган ёшгина хитой қизнинг суратини кўрган эдим. Балки шунинг учун мен уни қаердадир учратгандай бўлаётгандирман.

Биз бир-биримизга жимгина қардик. Менинг кўтл-маганда бу ерда пайдо бўлиб қолганим унга қанчалик гайри табиий туюлган бўлса, унинг бу ерга келиб қол-лиши ҳам мента шундай кўринди. Бироқ ҳеч нарса бўл-магандай аравадан сакраб тушдим-да, ишбилармон

кишилардай, булоқдан сув олиб бочкани тўлдиря бош-ладим.

Шу маҳал кўйлар ҳам сув ичиб бўлишди, қиз улар-ни бир чеккага ҳайдай бошлагди. Енимдан ўтиб кета туриб:

— Бу булоқнинг оти нима?— деб сўради.

Мен ҳозир сув олганимда лойқаланиб қолган, нур-суз жигвавланиб турган булоқ кўзига термигганимча ўғилниб қолдим. Дарвоқе, яккаю ягона булоғимизнинг бирин номи бўлса керак, ахир? Мен ҳамон ўғилниб ту-рарманман, бу орада сув тиниб, юзи равшанланиб, ту-би куюк кўк тусга кирди.

— Бўтакўай— дедим қизга қайрилиб.

— Бўтакўз булоғи?— пешона сочиниб бир сикитиб табассум қилди қизча.— Жуда тўзал экан оти! У ҳақи-қатан ҳам бўталоқнинг кўзига ўхшайди, ўйчан кў-ринади.

Биз гапга киришиб кетдик. Қиз бизнинг томонлар-дан экан. У, ҳатто ўқитувчим Олдиёровни ҳам танир-кан. О, бу кимсасиз чўлда нотаниш қиз орандан сезимли ўқитувчимнинг номини эшитиш қандай яхши! Эҳти-мол, у ҳам Анорхойга ана шу муаллимнинг тапи билан келгандир. Қиз ўтган йили мактабни, бизникини эмас, бошқа мактабни тамомлаб, ҳозир сакмонча — кўйлар-нинг кўзлаш дарида чўпон ёрдамчиси бўлиб ишла-ётган экан.

— Қўрамиздаги қудуқнинг суви шўр,— деди қиз.— Мен бу ерда булоқ борлигини эшитгандим. Ўзимнинг ҳам оқин сувларни кўргим келиб кетди, кўзларим ҳам энгил сув қанақа бўлишини билгисени дедим! Кў-зларини боқиб, катта қилиб чўпонга топшираман, ке-йин уинперситетга ўқишга кетаман...

— Вақт-соати етса мен ҳам ўқимоқчиман,— дедим. — Бироқ мен механизация мактабига кираман. Мени аслида бу ерда тракторда ишлаш учун юборишган эди, манави аса, шунчаки, вақтинча...— бочкани кўрсатдим унга.— Вақтинча ёрдамлашяшман... Сув ташигани бош-қа биронини юборишлари керак.

Мен бу гапни чакки айтиб кўйдим, оғзимдан чиқиб кетганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Уялганимдан ар-зойи баданимдан иситма чиқиб кетди, аммо яна шу он-даёқ муздаб кетдим — узоқдан Абубакирнинг ёқимли овози эшитилди:

— Ҳэ-э-эй академик, жағингга туширамани!

— Обобо, кўп гапириб юборибман-ку!

— Нима бўлди?— Ҳайрон бўлиб сўради қизча.

— Ҳеч нима. Шундай, сувни олиб бориш керак,— дедим қизариб.

Қизча кўзларини келган йўли билан ҳайлаб кетди. Абубакир шудгорнинг узоқ чеккасда, трактор кабинасидан туриб мушгини ҳавода силкитганича, томоғини йиртиб бақиради.

— Кетиман-ку, ахир, кетимани! Овозингни ўчирсангчи! Одам деган бетона қиз олдиди шунчалик ҳам бақирадимми?— дедим ғазаб билан ва отни чоптириб кетдим.

Бочкадаги сув шалоп-шудлуп чайқалиб, сачраб, бошимдан оёғимгача шалаббо қилди. Тўкилса тўкилгаверсин, менга деса бир томчиси ҳам қолмасин! Мен бундай хўрликка ортқ чидаёлмайман!

Абубакир кабинадан сакраб тушди-да, яна ўтган сафаригадай менга ташланди. Мен жигловни тортиб, отни таққа тўхтадим-да:

— Агар сен шунақа бақираверадиган бўлсанг, ишини таштайману кетаман,— дедим жаҳл билан.

У кутималганда бу гапдан довдириб қолди, лекин хуштак чағиб юборди-да, етти пуштим қолмай сўка бошладди.

— Сен лапашанг академиксиз ҳам Анорхой бор эди, бундан кейин ҳам ўт тушкур бу чул қуриб кетмайдил! Йўқол бу ердан тезроқ! Энди сен қолган эдинг менга тил тепзмаган, нишонсиз студент!

Мен аравадан сакраб тушиб, қамчини трактор орқасига улоқтириб юбордим-да, одимлаб кетдим.

— Тўхта, Камол! Ундай қилма! Қаяққа борасан, тўхта!— деб орқамдан қичқирди Қалипа.

Бу гап мени баттар қизиштирди, қадамимни яна тезлаштирдим.

— Тўхтама уни, кўявер, қуриб кетсин!— Абубакирнинг овози эшитилди орқамдан.— Усиз ҳам звинни қилармиз!

— Сен одам эмассан, ваҳший ҳайвонсан, нима қилиб кўйдинг!— дашном берарди унга Қалипа.

Уларнинг аглавақатча жанжаллашгани кўлогимга чағиниб турди.

Тобора олдига интилди, қадамимни тезлаштирдим.

1102

Қаерга боришим — аҳамиятсиз. Арпрофда тирик жон йўқ, тўрт томоним кун-қуруқ дага. Булоқни, дага шипонинини орқада қолдириб, тош ҳайкал турган тепаликни ҳам босиб ўтдим. Даргазаб бўлиб тиржайиб турган тош кампир бўм-бўш қолган қоп-қора ва нурсиз кўзлари билан мени кузатиб, узоқ асрлар давомида ерга қандай ботиб турган бўлса, ҳозир ҳам шу тахлитда бақрайиб турарди.

Мен ҳеч нарсани ўйламай кетиб борардим. Фақат биргина негатиим бор эди, у ҳам бўлса — кетиш, иложи борича бу ердан тезроқ кетиш. Бу даянати Анорхой даштини елкамнинг чуқури кўрсин.

Кўз ўнгимда хувиллаб ётган куруқ чул. Барча паст-бағландликлар, қиру сойлар, чор атрофдаги ҳамма нарса бир-биринга ўхшарди. Бу жонсиз, бир-биринга ўхшаш манзарани ким яратди экан? Нета таҳқирланган, хўрланган мен бу аччиқ шувовқзор, шўр босиб ётган беноен кенгликларни кезиб чиқшим керак экан? Қаяққа назар ташлама — кун-қуруқ, жонсиз биёбон, яйдок дага. Бу ерда одамзод учун нима бор? Унинг яшашини учун бошқа жой қуриганми? Эрталабки ўй-хаёлларим энди мента жулда кулгилди бўлиб туюлди.

Мен ўзимнинг окжизлигимни, бошпанасизлигимни ва тушқин аҳволдалигимни бутун вужудим билан ҳис этиб: «Мана сента ёвшонзор гўзал даштлару, мана сента Анорхой ўлкасин!» деб ўз-ўзимдан кулардим.

Тепамда осмони фалак, теварақ-атрофим дашт, ўзим эса гўё бу ерга аглақаердан келиб қолганману эгнимдаги қавитган фуфайқа, оёғимдагиза эгтик ва ранги ўчиб кетган шапкада муштрай га ўхшаб кўринардим.

Шу ҳолатда йўлсиз кетавардим. «Бирор ерда тепани йўл панга чиқиб қоларман,— деб ўйлардим ўзимча, сўнг бирор разъездеда юк вагонларига осилиб ман, Одамлар олдига бораман...»

Орнимда тубеқларнинг дуккур-дуккури-ю, оғла пишиқирини эшитилганда ҳам ҳатто қайрилиб қарамай эдим. Бу Сороккин. Ундан бошқа одам бўлиши мумкин эмас. Ҳозир хойнаҳой койиб беради, сўнгга ялғини, майли, нима бўлса бўлар! Лекин орқамга қайтмайман, қайтганини хаёлимга ҳам келтирмайман.

— Тўхта!— хитоб қилди пастроқ овоз билан Сороккин. Мен тўхтадим. Сороккин терга ботган отида менга

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
O'QUV VA O'RTA ELAKSUS TA'ILIM VAZIRLIGI
TOSHIKENT VILOYATI QARIKSIKIS
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

яқинлашди. Мағлла қошлари остидати кўм-кўк, ўткир кўзлари билан менга жимгина тикилиб турди-да, сумкасига кўл солиб ундан бир қизил қоғоз олди — бу дашига келган кунимок, зўр ифтихор билан унга топширган комсомол йўлланма эди.

— Ма, буни қолдириб кетиш мўлкин эмас, — у йўлланмани хотиржамлик билан менга узатди.

Мен унинг боқилида на таъна, на дашномдан асар кўрмасдим, у мени айбламасди ҳам, ачинмасди ҳам. Бу қараш — мушкул ишларни бажариб, ҳар қандай тасодифий қийинчиликларга кўниб қолган одамнинг жиддий нигоҳи эди. Сорокин каффи билан ҳорғин, соқол босган юзларини арғиб оларкан:

— Агар разъезда бормоқчи бўлсанг, хув анави сойлик томон ўнроққа қараб юр, — деб кўрсатди у менга ва отини буриб, секингина орқасига қайтиб кетди.

Мен ҳайрон бўлиб, унинг орқасидан қараб қолдим. Нима учун у мени уринмади, нега бу ерда қолишга ундамади? Нега у бошини куйи солган, от устида муңчалик ҳорғин ўтирибди? Оғласи — хотин, бола-чақадари аллақаяқларда, узоқда. Ҳзи бўлса бу ерда йил — ўн икки ой чўлпи кезио юргани-юрган. У қанақа одам Ҳзи, бўм-бўш Анорхойнинг нимаси қизиктираркин уни? Нима сабабданлигини ўзим ҳам билмайман-у, бирок унинг орқасидан аста-секин эрташиб боравердим. Кечкурун биз ҳаммамиз ўтовда тўнланшидик. Ҳеч ким чурқ этмасди. Ҳўртага сукунат чуққан, фақат гулхандати ўтинларгина чарс-чарс енарди. Вунинг ҳаммасига айбдор мен эдим. Ҳамон ҳеч ким оғиз очмади. Лекин Сорокиннинг хафақон ва жиддий чеҳрасида унинг нимадир демоқчи эканлиги сезилиб турарди.

— Ҳўш, энди нима қиламиз? — деди Сорокин ниҳоят ҳеч кимга қарамай.

— Нима бўлти, Анорхойни сел босибдими? — деди Абубакир заҳарханда қилиб.

Шундан сўнг Садабек оҳиеста ўрнидан туриб, жимгина ўтовдан чиқиб кетди. У Абубакир билан бўлган муштлашшдан сўнг у билан гаплашмас, афтидан, ҳозир ҳам гапга аралашмоқчи эмас эди. Унинг укаси, принчипик Эсиркеп ҳам ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтиб, яна жойига ўтирди.

Абубакир у билан ҳам чиқиша олмасди. Бир кунни илтимосимга кўра Эсиркеп мени Садабекнинг трак-

торига биркитилган плутга ўтқазди-да, Ҳзи сув ташийдиган арвагага чиқди. Бироқ у сувни бир оз кечиктириб келтирган экан, Абубакир унга ҳам дўқ урибди. Аммо Эсиркеп Ҳзини ҳақоратлашга йўл қўймабди. У ҳам беллашадиганлардан. Ахир у мендан уч еш катта.

Абубакирнинг гапига ҳеч ким жавоб бермасди.

— Бу ерда ўйлаб ўтиришнинг нима ҳождати бор, — қўшимча қилди у, — ишни ким тўхтаган бўлса уша жавоб бераверсин.

— Гап ким ҳақу ким ноҳақ эканлигида эмас! — жавоб қилди Сорокин унга қарамай. — Бу ерда бир еш йигитнинг тақдирини ҳал бўлалти, у энди нима қилиши керак?

— Тақдир эмиш! — фикринди Абубакир. — Бунақа академикларнинг тақдирини аллақачон ҳал бўлган, булар бир нулга қиммат, қўлдан иш келмайдил! — менсимай кўл силтади у. — Ҳўш, Ҳзинг ўйлаб кўр-чи, Сорокин, булар нимага ярайдил? Биз ўз кўчимиз билан гафла етиштирганнимизда улар ўн йилгаб ўқиб юришди. Уларни биз боқдик, кийинтирдик, хўш, нима на-тивка чиқди, мактабда буларга нимани ўраттишди? Машинани биллимаса, отга бўйинча солишни эптай олмаса, ҳатто айилни ҳам дурустгина тортолмаса... Нега энди мен унинг учун тер тўкишим керак экан. Унинг олимлигини бошимга ураманим, тош хайкалларнинг сирини билса билгилди-да, нима бўлти? Қўлдан бирон иш келмаса. Бас, шундай экан, ўзгаларни ҳам ишдан қолдирмай, тўғини шикитилатиб жўнаб қолсин! Сен ҳам, Сорокин, менга ёпишаверма, мен ёлғиз ўзим сменачисиз ишляпман, ҳеч кимдан тап тортадиган жойим йўқ! Агар ортинча кўринаётган бўлсам — эртагаёқ бу ердан фойиб бўлишим мўмкини. Аммо тилимни тиймайман: мен бунақа академикларни бир тийинга олмайман!..

— Бас қил! — деди Сорокин, ҳамон Абубакирнинг юзига қарамай, унинг сўзини чўрт кесиб. — Бунни биз сенсиз ҳам биламиз. Гап бунда эмас. Қани, айт-чи, Камол, Ҳзинг нима демоқчисан?

Мен ҳадеганда жавоб қайтаролмадим. Абубакирнинг гапларини тинглаб ўтириб, унинг сўзларида ҳам жон борлигини англадим. Аммо бу сўзларнинг ҳаммаси райирлик ва адоват билан айтилган эди. Нега? Ахир мен қўлсиз-оёқсизаманми, ёки Абубакир қилган ишни ҳеч қачон қила олмайдиган, ўтакетган ландавурманми?

Еки саводлигимиз менга хагал беряптими? Мен буни тушуна олмасдим. Бирок, шундай бўлса ҳам, Сорокиннинг саводлига иложки борича бамайлихотир жавоб бершга уриндим.

— Мен бу ерга прицепшик бўлиб ишлаш учун келганман. Менга мана шуниси аҳамиятли. Эгар-жабдуқни бўлса урдагай оламан. Буни ҳамма билди, ҳатто Абубакирнинг ўзи ҳам билди. Бундан кейин ҳам худди шундай ишлайвершим мумкин эди. Аммо сув ташишни хоҳламайман. Хоҳламайман, вассагом!

— Бизда бошқа иш йўқ,— деди Сорокин.

— Демак, кетишим керак экан-да!— тавкидладим. Қалипа менга қаради-да, фамгин хўрсиниб қўйди:

— Камол, мен ўз ўрнимни сенга бериб, сенинг арванганда сув ташиыверардим-у, аммо сен бунига кўнмайсан-да...

Бу кутилмаган гап бўлди. Қалипа ўзининг раҳмдиллигиданми, ёки Абубакирнинг бакириб, сўкинган пайтларида хижолат тортиб ҳар вақт нима биландир унинг кўпчилигини юмшатишга ва билиптирмасликка ҳаракат қилганиданми, ҳайтовур, шу сўзларни айтишга журъват этганди. Мен ҳам ўйлаб-негиб ўтирмай қизик устиди:

— Кўнаман!— деб юбордим.

Утов сув сепгандай жим бўлиб қолди. Тулхандаги ўтиннинг чире-чире этиб ёнаётганига эшитиларди. Ҳамма ҳайрон бўлиб менга қаради. Балки мени, эси хушини йитиб олиб, сўздан қайтар деб ўйлаётгандир-лар? Шундай бўлиб чинқидики, мени кўролмайдиган ва менга ҳеч қандай яхшиликни раво кўрмайдиган киши чапталганга ўзимни ўзим тутиб бердим. Лекин бошқа ҳеч нарсга демадим. Айтилган сўз— отилган ўқ. Сорокин менга яна бир синовчан назар ташлади-да.

— Шу гапни гапми?— деб сўради.

— Ҳа!

— Менга барибир!— деди Абубакир ва тулханга тушди. Аммо олдиндан айтиб қўйди:— сал гап бўлса, қалганга тушираман!— унинг менсимай истеҳзо ва адолат билан ўқрайган кўзлари қоронғида совуқ чақнади.

— «Сал гап бўлса» деганинг нимаси? Нега элдан бурун дўқ қилисан?— деди ҳозиргача ўзини тутиб ўтирган Эсиркеп ортқ чидай олмай. — Элиб кетгади, бу шунчалик мушқул ишми, донишмандлигини қара-ю! У менинг плутимда ишлаган.

— Сендан ҳеч ким сўраётгани йўқ, бирояннинг ишига аралашма. Ҳали кўраминг. Тракторга ҳам, ишга ҳам мен жавобгарман...

— Бас қил!— Сорокин яна норозилик оҳангида Абубакирнинг сўзини бўлди ва менга қараб:— Эртдан ишга туш, — деди-да, ўрпидан туриб эшик томон юрди.— Ҳайр, эли дам олинглар.

Ушга кеча дегарли ухлай олмадим. Абубакир билан ишимиз қандай бўларкин? Ахир ҳозиргача у билан аҳён-аҳёдагина учрашардим, эртдан бошлаб эса тун-кун унинг ихтиёрида бўламан. Гарчи прицепшикнинг вази фақи чидам ва сабр-матонатни таяиб қилса ҳам, мени унча чўчитмасди. Албатта керакли жойларда плут тишини илдам ва аниқ кўтариб туширишга кўнликш керак, токи тракторнинг ҳаракати бирор минут ҳам тўхтаб қолмасин. Ундан ташқари, мен тракторчига ҳамма иш-да — машинани юзиб артишда ҳам, ремонт қилишда ҳам ёрдамлашим керак. Қалип, Абубакир сўраган кўнчилигим, болганим, гайкасиними ёки яна бошқа зарур парселарни дарҳол топиб бермай кўр-чи...

Кейин билсам Алдей ҳам мижжа қокмабди. У қоронги кечода ёнимга келиб ўтирди-да, бошимни силди:

— Уйлаб кўрсанг бўларди, Камол, сен у билан чиқинша олмассан, оққўнгли, ювошгинасан. Унинг кўнгли-дагини топа олмасан. У сени қийнаб қўяр.

— Мен унинг кўнглини топмоқчи эмасман! Қийноқларига бўлса кўнликш қолганман.

— Майли, ихтиёр ўзингда, ўзинг билгасан,— деди паст товуш билан ва хўрсинганича ўз жойига кетди.

III

Абубакир билан биринчи кунданок тўқнаша бошладик.

— Уйку элтиб прицеп остида қолсанг, мен жавобгар эмасман!— Абубакирнинг иш олдидан айтган бирдан-бир сўзи шу бўлди.

Бирок ухлаган ҳаёлимга ҳам келмасди. Бутун ҳаёлим аниқ ва бениқсон ишлаган билан банд. Фалокат босиб тишлар остига тушиб кетиш мумкин, деган хаёл билан донм қийналганидан кўра, яхшисин, ҳозирок бу ишдан бош тортиш маъқул эди-ю...

Рама устида икки ёққа қеришган оёқларим тағдиди кронштейнларга пулат тишлар маҳкам бириктириб қў-

йилган эди. Плуг тишлари кўриқ ер қатламларининг бугданиб етган бағрини бирин-кетин тилди, аёлариб, ёнма-ён қизлаб боршарди. Трактор ёвшонларни босиб-янчиб, тинимсиз гуриллаб, филдиряк занжирларини шалдиратиб шахдам юриб борарди.

Абубакир орқасига бир марта ҳам қайрилиб қарамасди, мени борми-йўқми деб ҳам қизикмасди. Мен фақат унинг йўғон бўйинини кўриб турадим. Бу билан гўё у менинг то ишни ташлаб кетмагунимча еки сабр-тоқатимга ишонч ҳосил қилмагунча синамоқчидек эди. Эҳтимол, у мени ҳолдан тойдириб, бу шидан воз кетириш учун тракторни тинимсиз қувиб ҳайдаётгандир. Ҳеч қанақа амортизацияси бўлмаган қаттиқ темир курсида, чанг-тўзон ва мотордан чиқётган газдан нафаси бўғлиб ўтириш нақадар маза эканлигини Абубакир яхши билади. Аммо мен таслим бўлишни ўйламадим. Гоят катта куч билан ишлаётган асаблар, кўз-қулоқлар ва плуг штурвалини маҳкам ушлаб олган қўллар — менинг туриш-турмушим шундан иборат. Иш давомида ёнқ этмай ўтирдим, ҳатто жаҳди билан тракторни тошлоқ ерларга солиб борганида ҳам, плуг дам-бадам жўяклардан сакраб чиқиб кетиб, тишлари чақмоқ тошларга урилиб, учқунлар сақраганида ҳам, ўтиргичдан сакраб-сакраб кетганимда ҳам финг демедим.

Кечқурун Абубакир тракторни шидан тўхтатганда шундай чарчатган эдимки, умримда бунчалик бўлган эмасман. Оғиз-бурним, кўз-қулоқларим — ҳаммаси чанг ва кум билан тўлган эди. Мўкка тушиб, шу ердаёқ ухласам дердим. Лекин қимир этмай Абубакирнинг бўй-руғини кутиб турдим.

— Лемехни кўтар! — деб қичқирди у кабинадан бошини чиқариб. Узи эса тракторни шудтордан чиқарди-да, моторни ўчириб, плуг ёнига келди, эгилганча плуг тишларининг дамини кўздан кечирди.

— Алмаштириш керак, ўтмаслашиб қолди. Эрта лабгача тайёр бўлсин! — деди.

— Хўп, — дедим мен.

— Занас тишларни қолдириб, плугдан тракторни ажрат.

Мен унинг талабини бажаргач, жимгина шийон томон кетди. Орқасидан қараб қоларканман, унинг хатти-ҳаракатига фақат аччиғанибгина қолмай, унга ҳасад қилаётганимни сездим. У гўё сира чарчамгандай, ба-

майлихотир, лапанглаб кетиб борарди. Менинг-ку алаббатта жонимни олдир-я. Бироқ унинг ўзи ҳам тиқчимайди, ахир. Ишнинг кўзини билишини қаранг-а, аблаҳнинг! Мен бир хўрсениб кўйдим-да, ўтин-чўпларни териб, қучоқ-қучоқ қилиб плуг ёнига уя бошладим. Тунда плуг тишларини алмаштириш учун тулхан ёқиб керак эди. Каттагина ўтин фарамини тайёрлаганимдан кейин кечки оёқатга кетдим.

Нақадар мушфиқ ва меҳрибон бу Алдей! Мента олдиб қўйган шилпилдоқни индамай ер эканман, унинг мента ич-ичидан ачиниб қараб турганини кўрсангиз эди. Бахузур ўтириб овқатланишга вақтим йўқ. Мен ундан ҳар эҳтимолга қарши сақлаб қўйилган фонарни сўрадим.

— Бу сенга нима учун керак? — деди у фонарни бера туриб.

— Керак, плуг тишларини алмаштираман.

— Ахир, шу ҳам иш бўлдим, бу қандай гап! — дея бақирди у Абубакирга қараб. — Бунга йўл қўймайман! Мушудай болаги таққирлашга ҳақинг йўқ.

— Мента нима, қўймасанг қўйма, — қўрслик билан жавоб қайтарди Абубакир ёта туриб.

— Аралашма! — жеркиб берди хотинини Садабек. — Камолнинг ҳам ўзига яраша ақли бор.

— Ҳечқиси йўқ, Камол, сенга ўзимиз ёрдамлашамиз. Кетдик Эсиркел! — дея мен билан бирга кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди Қалипа.

— Керак эмас, ташвишланманглар. Ўзим уйдагайман, — дедим-да, фонарни кўтариб ўтовдан чиқиб кетдим. Атрофни сукунат, чексиз зулмат қоллаб олган. Мен суя ичиб олайини деб бўлоқ томон қайридим. У қоронғи, соқини чуқурлик ичида секин-аста бикирлаб қайнар ва зулмат оушида йилт-йилт товланиб атрофга салқинлик таратарди. Ҳақиқатан ҳам у бўталоқнинг кўзини эсла-таркан, кўкқиселди ўша салқончи қиз эсимга тушиб қолди. Уша кезде унинг неъмти ҳам билдиб ололмаган эканман. Қаерда экан ҳозир ўша хушвоз гажақдор қиз?

Плуг олдига етиб келгач, дарҳол нишга киришдим. Тишларни имкони борича юқорига кўтариб, ўт ёқа бошладим. Фонарнинг ҳам алаббатга фойдаси тедди. Гайкаларини бураб бўшатиб олдим-да, йўқотиб қўймаслик учун шанкамга солиб кўйдим. Бугун тун бўйи плуг остида ётиб ишладим. Гайкаларни бураб чиқариш жуда мушкул, ўйгайсиз эди. Улар қўл бормайдиган жойларга ўр-

натилган. Бунинг устига, тулхан ҳам дам-бадам ўчиб қоларди. Мен плуг остидан ўрмагаб чиқиб, ётган жойида ўтти пуфлаб ёндирадим. Қанча вақт утганини билмайман, аммо ҳамма тишларни алмаштириб бўлмагунча тинмадим. Шундан сўнг кўз ўнгим қоронғилашгандай бўлди, оёқларимни аранг судраб трактор олдига етиб олдим-да, кабинага кириб ётдим. Шилгинган-тилинган, жонсиз қўлларимдан олов чиқиб, зирқираб оғирди. Эрта тонгда мени Қалипа уйғотди. У сув ташувчи аравада келганди.

— Радинаторга сув кўйиб бўлдим. Кел, ювини, Камол, қўлингга ҳеч кўйиб юбораман,— деди Қалипа.

У мёндан ҳеч нарсани сўраб-суриштириб ўтирмади, мен ҳам унинг бу ишдан миннатдор бўлдим. Бировларнинг раҳмдиллиги ҳамма вақт ҳам ёқавермайди. Юз-қўлимни ювиб бўлгач, Қалипа аравадан тутунчада овқат ва бир шиша квас келтирди. Қовурилган дондан тайёрланган нордон муздек квас жуда лаззатли бўлиб, ҳовурингга чиқариб юборарди. Бу алаббатта, Алдейнинг фам-хўрлиги эди.

Абубакир ҳам келди. У ҳеч нарса дегани йўқ. Ишимдан бирор нуқсон тополмагач, нима ҳам дея олар эди. Жимгина бориб тракторни плуг олдига ҳайдаб келди. Мен плугни тиркадим. Сўнг яна ишга киришдик.

Шу кундан бошлаб плугни дядди бошқарадиган бўлдим. Ҳанимга ишоч ҳосил қилдим. Модомики, биринчи синовдан ўтдимми, энди охиригача чидайман! Қаршимда кабина деразачасидан ҳамон ўша йўғон, чайир бўйин кўриниб турарди. Трактор ҳам бир текисда, шиддат билан гурिलाб, олға босмоқда. Бир маромда, штурвалга маҳкам ёпишганимча кетяман.

Пешинга келиб Абубакир кутилмаганда трактор то-торини ўчирди.

— Туш, танаффус,— деди у.

Биз трактор соясида, ерда жимгина ўтирардик. Абубакир папиросни асабий тишлаб, чайнаб чекарди, сўнг комбинезон ва кўйлагини ечди-да, кўёшда тоблгандай деб кийимлари устига ётди. Унинг елкалари кенг, мушкуллари таранг тортиб турарди. Менинг ҳам кўёшда тоблгантим келиб кетди. Кўйлагимни ерта ёзиб, эндигина чўзиламоқчи бўлган эдим, Абубакир бошини кўтариб менига хўрайиб қаради-да:

— Орқамни қашиб кўйи— деб буюрди ва гўё мен

ўнинг буйруғини дарҳол бажаришимни олдиндан билганидай, эндидай бошини кўли устига кўйиб ётди.

Мен жим туравердим.

— Эшитсанми, йўқми?— бошини кўтармай ғазаб билан елкаларини силкитди.

— Қашламайман!

— Мен айтдимми, қашлайсан!— у ўрнидан даст турди-да, қўлларини белига тираб олдимга келди.— Хўш? Яна қанча кутшим керак?— мен бир оз орқата тисарилдим.

— Сен доим мен ишчман, мен ҳаммани боқаетибман, деб кўкрагингга урғанинг урған. Аммо сен фақат ишлагетгайлигинг учунгина ишчисан, чин кўнглингдан ишчи эмассан. Сен аслида бой бўлишинг керак эди!

— Бой ҳам бўлсам бўлардим! Лекин сен менинг жаҳлимни чиқараверма,— деди-да, тўсатдан бурнимга бир чертди.

Мен сакраб ўрнимдан турдим-да, мушт кўтариб унга ҳамда қилдим. Абубакир худди шунни кўтиб турган эди. Сўнгги кунларда кўнглида тўпланган бутун нафратини мушгига жамлаб нунақаям туширдими, соққадай думалаб кетдим. Аранг тизамда туриб, бенхтёр ғазаб билан яна Абубакирға ташландим. Унинг ҳар зарби мени оёқдан куллатарди.

— Мен сенга мушт қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!— Асабга тегишни ҳам кўрсатиб қўяман!— деди у чўндай мушти билан устма-уст тушираркан.

Аммо мен ҳам ўрнимдан қайта-қайта туриб, овоз чинқармай жон-жаҳдим билан унга ёпишардим. Ҳар гал юзини — ваҳшини башарасини мўлжаллаб урмоқчи бўлардим, лекин у қорнимга, биқинимга, кўкрагимга аниқ мўлжал билан туширарди.

Мен яна ўрнимдан туриб, секин унга яқинлаша бордим. У кўлини кўтарди ва худди қасосболардай томоқ кириб, кулгочкашлаб гарданимга яна бир мушт туширди. Мен чурқ эммай, лабларимни маҳкам тишлаб, ерда чўзилиб ётардим.

— Етгисанми, академик? Қани ҳидлаб кўр-чи, ердан ниманинг иси келаркин!— деди у оғир нафас олиб, ёрилган лабларидоғи қонни тўптириб ташларкан.— Бу сенинг тош ҳайкаллар ҳақидаги лекциянг эмас.

У оёқларимиз остида топталган кийимлари томон кетди ва гўё ишни қойиб қўйган кишидай, кийи-

мини қоқиб, бамайпихотир кия бошлади. Менинг бу жангда ҳам голдиб чиққандилигини сезмас эди. Ха, гарчи мен ер тишлаб ётган бўлсам ҳам енгилмаган эдим. Хаккият учун куч, мушт ишлатиш ҳам мумкин эканлигида ишондим. Кимки сени урса, сен ҳам уни уришинг мумкин ва зарур экан. Бу мен учун гадаба эди.

Абубакир комбинезонини кийгунча нафасини рост-лаб ўзимга келиб олдим. У моторни ёндирини биланок сакраб ўрнимдан турдим-да, тезлик билан кийинларимни кийдим. Пилутга чикиб, ўз ўрнимга ўтириб олдим.

Трактор турдилаб, шудгор бўйлаб юриб кетди. Уша бесўнақай чайир бўйин кабина деразасидан ҳамон кўриниб турар, мен ҳам ҳам пилут штурвалига ёпишганча борардим.

IV

Хастимизда баъзи ўзгаришлар бўлиб ўтди. Уруғлик ташини учун бизга кўш оти билан арава берилди. Яна бир киши ҳам келди. Энди суз ташувчи учун ҳам анча енгиллик туғилган эди. Садабек билан Эсиркепининг тракторларини экишга тайинлашди, биз эса Абубакир билан ер ҳайдашда эдик.

Диа бир жуда муҳим янгилик бўлди.

Бундан бир неча кун аввал, тушки овқатдан кейин аравада далага кетаётганимизда, мен булоқ бўйида сақмончи қизни кўриб қолдим. Аравадан сакраб тушдим. Аравакаш отларни тўхтатмоқчи бўлганди-ю, лекин Абубакир кўймади:

— Ҳайдайвер, йўлингдан қолма,— деб буюрди у но-рози оҳангда.

Мен қиз томонга югурдим, кўйларини ўз ҳолига қўйиб у ҳам менга пешвоз келаверди. Мен ённга етмасдан тўхтадим, чунки иш бошлагунча ўша жойда бўлиш учун аравага етиб олишим керак эди.

— Салом!— деб қичқирдим ўзоқдан.

— Салом!— деб жавоб берди қиз ҳам. Жойида тўхтаб қолди.

Уни кўриб жуда қувониб кетдим, лекин ҳадеганда бирон гап айтишга журъат этолмай турдим.

— Аравангиз қани, нега кўринмай кетдингиз? Ҳозир қаердасиз?— деб сўради қиз.

— Мен ҳозир трактордамани!— деб қичқирдим гурур билан.— Биз ҳу-ув анави даладамиз! Кечирасиз, мен жу-да шошилиман!

— Чопинг, чопинг!— деб кўлини силжитиб қолди у менга.

Араванинг кетидан югура кетдим. Орқамга бир қайрилиб қараб кўйдим. Қиз ҳалиги жойда орқамдан қараб турарди. Арава тўхтамай кетиб борарди. Қизнинг кўли силкиб хайрлашиб қолганидан, бунинг устига, баҳор чоғи келг сахро кўйида елиб бораётганимдан ўзимни бешиқон бахтиёр хис этдим...

Эртаси кунни у биз ишлаган ерда пайдо бўлиб қолди. Яқингинадаги тепанинг устида кўй-кўзиларни боқиб юрарди. Ложақал бирор дақиқача бўлса ҳам унинг олди-га бирим боргим келардики, лекин бу Абубакир деганимиз менга руҳсат берармиди. Бунақа ишлар унинг кўлидан келмайди. Бу ҳақда мен ундан илтимос ҳам қилмадим.

Келгуси гал, қиз яна тепаликда пайдо бўлганида Абубакир билан биз тириллаб турган трактор ёнида эдик. Абубакир моторнинг қаериндир текшираётганди.

— Нета бу қизча тез-тез келадиган бўлиб қолди?— деб сўради у.

— Билмадим.

— Оти нима унинг?

— Билмайман.

— Эҳ, академик,— деб ерга тулпурди у. Кейин қиз томонга қараб кўйди.— Ўзим ажойиб нарса кўринадди.

Мен унга ғазаб билан қарардим.

— Бор, ўрнингга ўтири!— деб бақириб берди у. Биз ишга тушиб кетдик.

Бу орада қиз тепаликда ўтлаб юрган кўй-кўзиларини биз ишлаган жойдан юз метрча нарироқдаги очик майдонга ҳайдаб тушди. Қани энди унинг олдига чопиб борсаму, суҳбатлаганиб, нешонасига тушган жингала сочи-ларига тикилиб бирпас ўтирсам...

Трактор тусатдан тўхтаб қолди. Абубакир кабинадан бошини чиқариб:

— Ричатини боғла! Бу ёққа кел!— деб қичқирди.

Мен пилут устидан тушиб, ҳайрон бўлган ҳолда унинг олдига келдим. У одагга иш пайтида мени кабинага яқинлаштирмасди.

— Утири,— деди ўз ўрнини менга бўшатиб.— Ҳай-дашини ўргани!

Мен анграйиб қолдим. Бунни ундан сира кутмаган эдим. Абубакирга нима бўлди, наҳотки у мени ёқтириб

қолган бўлса? Нима бўлса ҳам, ўйлаб ўтирмай, буйруқини бажаришга шайландим.

— Педани бос. Улагични бура, ҳа, шундай. Энди педани секин бўшат. Ричагларни маҳкам тут.

Трактор гурилдаб жойидан қўзғалди. • Сўнгра мол қўраси ёнбошидаги ерни ҳайдай бошладик. Севинганимдан теримга сипмай кетдим. Мен ҳозир ҳеч нарсани ўйламадим, оғамдаги ҳамма нарсани унуттандим. Ҳаёлимда фақат бир нарса — тракторни маҳкам тутуш, уни бошқариш, механизмларини мирдан-сирпича билгиб олиш орузи ҳўкмрон эди. Мен буни қачондан бери ҳавас қилиб юрарман, ахир. Мана энди қудратли тракторменинг қўлларимга итоат қилиб, филдирақларини шакирдатиб, ерни ўширгангича олга юриб бормоқда. Шунда ўзим ҳам тўё механизмга айланганману, бутун диққат-эътиборим зарур ҳаракатларни бажаришга қаратилган эди.

Мол қўрасининг этагига етганда тракторни яхшигина бура бошладим. Тўғри, принцепшик бўлмаганидан, бурилишда анчагина ер ҳайдалинмай қолди. Аммо бунига ташвишланмаса ҳам бўлади: Анорхойда ер озмунчанми!

Шу тарада далаги бир неча марта айтаниб чиқдик. Энди юрагим унча ҳовлиқмай, ўзимни анча эркин ҳис қилардим.

— Кўрқма, академик! — деб бақирарди қудонимга Абубакир. — Мен бирпасга бир ерга бориб келаман. Агар бирон нарса бўлса моторни ўчир!..

У юриб бораётган трактордан сакраб тушди-да, устидаги чангини қоқиб, сақмончи қиз томон йўл олди. Бу маҳал қиз анча ёнгинамига келиб қолган эди. Мен шундагина Абубакирнинг ниятини сездим. Маълум бўлишича, у мени кабинага қаразўйлик билан ўтқазган экан.

Абубакир қизнинг ёнида туриб, у билан бамайлихотир сўзлашарди. Унга нима ташвиш... иш бўлса бажарилипти, трактор ёнида, бирон нарса бўлса дарҳол югуриб келиши мумкин.

Унинг бу хатти-ҳаракати менга ёкмади. Лекин шунга қарамай, ҳозир машинани бошқараётганлигимдан хурсанд эдим. Кабинада туриб қизга қўл сийтаб, унга бирон илтиқ гап айтишни истардим. Қани энди бу ерда Абубакир бўлмади у қизга нималар дегетган экан? Қиз унга нималар деб жавоб беришгилкин? Қиз унга эҳтиёт билан муомала қилса яхши бўларди.

— Сен уни гиеҳдай оёқ ости қилдим, расвойи олам қилдим, деб хаёл қиландирсан? Билиб кўй, лавнатчи, у замонлар ўтиб кетган, ҳозир замон бизники, шу билан эди сенинг кўчинг битди, — деди. Унинг эгитини яланг оёқ кийдириб, икки кўлини орқасига боғлашди, миллиционерлар уни отга ўнгариб, бири етаклаб, бири ҳайдаб олиб келишди. Мен Дуйшаннинг отига миндим, у ёнимда ишба кетди.

Биз йўлга тулганимизда орқамиздан юрак-бағирни эаддиган даҳшатли бақирган овоз эшитилди. Қора хотин орқамиздан югуриб келарди. У ақлдан озган мажнундай югуриб эрининг ёнига келиб, сувсар телпагини тош билан уриб туширдди, юзига кўл сояиб юборди:

— Қонинни суздай ичдинт, қонхўр! Бошимга не-не кунларни солмадинт, жузон ўлгур! Менинг кўлимдан энди ўлгинг кутулмаса, тиринг кутулмайди!— деб бақариб ўкиртганини эшитганда, юрак бағрим эзилгуб кетди.

Қирк йилдан бери оғиз очмай, эрининг кўзига тик қаролмай юрган бу фаринбинг юратганда йиғилиб қолган дард-аламлари бугун ҳамма тўғонларни чилпарчин қилиб, селдек ўшириб чиққандай бўлди. Унинг чинқирик овози бағанд-бағанд дара қояларига бориб урилиб, акса-садодай янгради. Гоҳ у, гоҳ бу томонга югуриб ўтиб, кўм-кўк томирлари ўйнаб кетган орик, косовадай кўлдари билан сўқадай бошини қаерга яшириниши билмай тиширишаб қолган эрининг устига гўнг, кўм сочиб, кесак отиб, кўлгига нима илинса, шу билан уриб, унга даянэтлар ёғдирди:

— Юрган йўлингда ўт унмасин, илоҳим, ўлгинг кўмилмай дадада қолиб кетсин, суягинг қайтиб келмасин, қарға-кузғунлар кўзингга ўйсин, қорангни иккинчи кўрмай, ўл, ўл, ҳаром ўл!— деди-ю, жинни бўлган одамдай бақириб-ўкириб, шамолда тўзғен кетган сочларидан қочгандан кўзи тушган томонга югуриб кетди.

Шу воқеа устига етиб келган кўни-кўшинларни от чоптириб унинг орқасидан қувиб кетилди.

Емон туш кўриб босинқираб чиққан одамдай бошманинг гувиллаши тўхтамади. Кўз олдидини қоронғи парда босиб, эс-ҳушимни йнголмай, дилгим ғаш, ўзим хувноб келавердим. Дүйшэн саз олдидида отни етаклаб кетяпти. У битт боғланган бошини кўйи солиб, жимгина хаёл суриб борарди.

Анча юртанимиздан кейин касофат дара кўринмай кетди. Милционерлар илгарилаб кетиб кўринмай қолганлигини: Дүйшэн отни тўхтатди-да, дард-аламли кўздари билан биринчи марта менга тик қаради.

— Олгиной, кечир мени, сени бу кулафатлардан сақлай олмадим, кечир мени,— деди. Кўлларимдан ушлаб, қаттиқ бир хўрсиниб олди.— Сен кечирганинг билан, Олгиной, бари бир ўзимдан бир умр домонгинг бўлиб юрман.

Хўнраб йнглаб отнинг ёлгита юзминни кўйиб олдим. Кўнглимни йнги билан бўшатиб олгунимча Дүйшэн ёнимда нафасини ҳам чиқармай сочимдан силаб турди.

— Кўй, Олгиной, бохудалага жонингга жабр қилма,— деди у бир вақт.— Ганимга кўлоқ сол, Олгиной, ўтган

кўши полостга бўлганимда ўкишинг тўғрисида гаплашми келдим. Шаҳарга юбориб ўқитамиз, дейишди. Эшитганимми? Юр, энди кетдик.

Адир оралаб шилдираб оқиб турган тиниқ сувга етганимизда Дүйшэн меҳрибонлик билан менга қараб:

— Отдан тушиб ювиниб олсанг-чи!— деди. Кейин чулғитгидан совуи олиб менга узатди.— Мен нарироқ бориб отга ўт едириб турай, ечиниб сувга тушиб ювиниб ол. Ҳаммасини унут қил, зинҳор хаёлингга келтирма энди. Чўмилиб ол, Олгиной, етиб торлаган, хўпми?

Хўй дегандай бош иргадим. Дүйшэн нари кетиб, қўрқинмай қолган эди, ечиндим, сескана-сескана сувга кўз ташлаб қараб турардим. Кўм-кўк, тошқин сув тўлқини тулғитмига келиб урилиб нималарнидир вижирлаб рап оқди. Ховучаб сув олиб кўкракларимга селдим. Ба-данымдан муздай сув оқиб тушганини кўриб шунча кўндан бунд биринчи дафъа беихтиёр кўлиб юбордим. Ийраб-ийраб кўлдими! Яна анчагача устига сув кўйиб турардим, кейин суягинг чуқур жойига ўзимни ташладим. Сув оқими бир зумда мени яна сиза жойига олиб чиқиб кўйдим, мен бўлсам яна ўрнимдан туриб, ҳадеб ўзимни қайиниб кўнганиниб турган оқимга отаман.

— Сувжон, шу кунларинг ҳамма шалтоқ, ифлосларини юниб кел! Мени ўзинггадэй ҳаюл ва мусаффо қил!— деб шинарилай, ўзимдан-ўзим куламану, деким нимадан кулганимни ўзим ҳам билмайман...

Оқ, қани энди одамзоднинг бостан излари бир умр фомасидди! Дүйшэн билан иккаламиз тоғдан тушиб кетган сўкмоқ йўлини тополсам, сажда қилиб, муалли-комининг бостан изларини ўпардим. Бу сўкмоқ мен учун ҳодима йўллардан ҳам аянз. Менга янги ҳаёт бағишида-ган, янги умид-орзулар ҳада қилган, ёруғ дунёга чиқарган ўша кун, ўша сўкмоқ, ўша йўл хайрли бўлсин... Ўша кўнгига минг бор раҳмат, ўша замон туфроғига офарин... Икки кундан кейин Дүйшэн мени станцияга олиб борди.

Бу воқеадан кейин овулда қолнишга кўнглим ҳам бўлмади. Янги ҳаётга янги жойда қадам қўйиш керак эди. Бу қарорим овулдагиларга ҳам маъқул бўлди. Сайқал бўлиб билан Қарангбой отам мени кузатиб боришди, улар кўзларига ёш, йўлимга аташган туғун, хаггадарини кўтариб, боғлардай егиб-югуриб юришарди. Мен

билан хайр-хўшлаггани бошқа кўшинларимиз ҳам, та-
жанг Сатимқул ҳам етиб келди. У:

— Хайр, энди болам, худо сени ўз панохида сақласин,
ой бориб, омон қайт! Ўзингни дадил тут, Дуйшэннинг
йўриғидан чиқмасанг, борака тонасан. Бизларнинг ҳам
унча-мунчага ақлимиз етадиган бўлиб қолди, деб оқ
йўл тилаб қолди.

Мақтабимиз болагари борица араваннинг орқаси-
дан анча ергача югуришиб келиб, узок вақт қўл силкиб
хайрлашиб туришди. Мени бир нечта етим болагара
кўшиб, Тошкентга, болагар уйига жўнаттишди. Станция-
да бизни чарм куртка кийган бир рус аёли кутиб олди.

Станцияга кечга яқин етиб келдик. О, айланай сендан,
кўктам майса, теракзор станциями! Юрагимнинг ярмини
бир умр ўша ерда қолдириб кетган бўлсам керак...

Бир оздан кейин поезд ҳам етиб келди. Бизнинг
айрилишимизни билгандек, мўрадаб қараб турган сарв-
комат тераклар кечки шамолда тебраниб, бир-бирига
аганимадаларни шивирлаб, оқ тортиб, ҳасрат қилган-
дай бўлишди. Дуйшэн ҳар қачна сабр-қаноатли бўлса
ҳам, бу гап ўзини босиб туришга уриниб, сир бой бер-
масликка ҳаракат қилса ҳам, юрак дардини яшира олма-
ди: унинг кўнглидан нимагадур ўтаётганини, барибир,
ўзим ҳам билиб тургандим. Менинг томоғимга ҳам олов-
дай бир нарса келиб тўқилиб қолди. Дуйшэн тикил-
ганича кўзини меңдан узоқмай, юз-кўзларим, тугма-
ларимгача силаб тураверди.

— Сени бир умр ёнимдан силжитмасдимку-я, Ол-
тиной,— деди у.— Лекин, нима қилай, сени ўқиндан
қолдиришга ҳақим йўқ-да. Ўзим ҳам унча саводли
эмасманки... Нима бўлганда ҳам, ўқинга кетганинг
маъқул! Ўқиб яхши ўқитувчи бўласан, мактабимиз
эсинга тушган кездари ҳали роса куларсан ҳам... Май-
ли, илгойма тилаган тилагимга етказсин...

Шу орада дарани янграйтиб узоқдан паровоз ово-
зи эшитилди, поезд чироклари ҳам кўриниб қолди.
Станциядаги одамлар юзларини кўтариб қимирлаб қо-
лишди.

— Ана, ҳозир энди жўнаб кетасан!— деди титроқ
овоз билан Дуйшэн, кўлимни каттиқ сиқиб.— Бахтли
бўл, Олтиной, ўзингга эҳтиёт бўл, шикўилиб ўқини па-
йндан бўл...

Бирон жавобага ҳам тилим бормадди, кўз ёшларим
бўриб қўйганди.

— Инглама, Олтиной,— деб Дуйшэн кўз ёшларим-
ни арттиб қўйди-да, тўсатдан бир гап эсига келиб:— Ана-
ни биз эжкан теракчаларин, Олтиной, мен ўзим парварши
қиламан. Омон бўлсанг, катта одам бўлиб келганингда,
бўй чўзиб чиройли бўлганини кўрарсан ҳали.

Шу пайт поезд ҳам етиб келди, шарақ-шурук қилиб
инголлар бир-биринга урилиб тўхтади.

— Қани энди, хайрлашайлик, бери кел, манглайинг-
дан бир ўнай!— Дуйшэн мени каттиқ кучоқлаб пе-
шонимдан ўлди.— Эсон-омон бўл, оқ йўл сента, бахтинг
очилсин, чиройим! Ҳеч нимадан кўрқма, дадил қадам бос!
Бир сакраб вагон зинапоясига чиқдим-да, орқамга
каффилиб қаралдим. Синган кўлини буйинига осиб олган
Дуйшэннинг билгилар-билгилмас кўз ёши аралаш мента
терминлиб қараб қолгани ҳеч кўз олдимдан кетмайди,
Кейин менга қараб талинган эди, шу онда поезд ўрни-
дан қўлгашиб жўнади.

— Хайр, Олтиной! Хайр, чиройим!— деб қичқирди у.

— Хайр, муаллим, хайр, аяна устозим!
Дуйшэн интон билан ёлма-ён югуриб бораверди, ке-
либ орқанда қолди, бир вақт ўзини яна зарб билан ол-
динга ташлади:

— Олтин-ой!— деб бақириб юборди. Мента муҳим
бир танин айтолмай қолганига ўқиниб бақирди. Юра-
гининг энг теран еридан чиққан бу нидо ҳали-ҳали ку-
доримдан кетган эмас...

Поезд туннелдан чиқиб, тўғри йўлга тушиб олди, то-
бора тезлашиб Козлоғистон қир-далаларидан мени янги
ҳафт сари олиб кетди...

Хайр муаллимим, хайр, биринчи мактабим, хайр,
болганим чоғим, хайр, еростиди кўзи оқилмай қолган ти-
нин овулоқ сипатин, тинхон соф муҳаббатим...

Ҳа, Дуйшэн орзу қилиб бизларга тасвирлаб берган
катта шоҳарда, деразалари катта-катта мактабларда
ўқидим. Риофиккин битирганимдан кейин, мени Москва-
га институтга юборишди. Шу узок ўқини йиллари ҳар-
гал бошимга мушкул иш тушиб, умидсизлик мени ет-
моқчи бўлиб ҳамда қилганида, энг қийин дақиқаларда
Дуйшэнни кўз олдимга келтирардим, унинг танинлаб
абган гаплари менга мадад бериб келди, мени олға
удлар, тисарилганимга қўймаздди. Одамларнинг бир ўқиб

миясига куйиб олган нарсалари мента жуда зўр машаққатлар билан насиб бўларди. Нега деганда, мента ҳамма дарсларни бошидан бошлашга тўғри келди.

Рабфакада ўқиб юрган чоғимда муаллимимга мактуб юбориб, унда ошқора муҳаббат наҳор қилдим, сизни кутишга аҳд қилганиман, деб хабар қилдим. Лекин, афуски, хатимга жавоб ололмадим. Шу-шу хат ёзиб туришимиз ҳам тўхтаб қолди. Назаримда у ўқинимга халақит бермаслиқ учун мендан ҳам, ўз хузур-ҳаловатидан ҳам воз кечди шекилли. Балки, бу қилган иши тўғридир... Эҳтимол, бошқа сабаби бордир?... Ушанида озмунича қон ютмадим, бошимга не-не ҳаёллар келмади...

Биринчи диссертациямни Москвада ёқладим. Мен учун бу катта жилдний ютуқ эди. Ана ўша йиллари ўзим ўқиб билан овора бўлиб кетиб, овудга боришга ҳеч илож тополмадим. Шу ўртада уруш бошланиб қолди. Кеч кузакда Москвадан Фрунзета эвакуация қилиниб кетаётганимизда ўша муаллимим мени биринчи марта ўқинишга жўнатган станцияда поездан тушиб қолдим. Бахтимга, овудимиз ёнидан совхозга ўтиб кетадиган бир арава ҳам учраб қолди.

О, жондан аяз Ватаним, сен билан оғир жангу жадал кунларига узрашиши насиб бўлди. Ортимнинг обод бўлганини кўриб, қувондим. Янги-янги овудлар пайдо бўлибди, янги-янги кўчалар очилди, янги кўприклар бино бўлибди... Лекин уруш дилни сиеҳ қилиб турибди-да.

Овудга яқинлашган сари юрагим қинига сизмай, тинирчилай берди.

Узоқдан янги-янги, нотаниш кўчалар, уй ва боғларга кўз ташлаб келипман. Уша мактабимиз турган тепаликка кўзим тушди-ю, юрагим шув эгиб кетди — тепаликда икки аяни терак ёнма-ён қад кўтариб, шамолда чайқалиб туришибди. Шу ойда бўтун умрим бўйи «муаллим» деб атаб келган одамимнинг ўз номини биринчи марта тилга олдим:

— Дуйшан! — деб шивирлаб кўйдим. — Дуйшан, қилган ҳамма яхшиликларинг учун раҳмат! Эсингдан чиқармабсан, демак, ўйлаб юрибсан... Офарин, сендек садоқатли зотга!..

Аравакаш бола кўз ёшларимни кўриб:

— Нима бўлди сизга, опа! — деб ташвишланиб сўради. — Ха, ҳеч нимал Бу колхозда бирон кишини танийсанми?

— Бўлмаса-чи! Ҳаммалари ўз одамларимиз.

— Дуйшанни биласанми, муаллим бор эди-ку?

— Дуйшан дейсизми? У армияга кетган-ку. Ўзим уни шу аравада военкоматга оёриб кўйгандим.

Овудга бурлишда боладан, арвангги тўхтаб, деб илтимос қилдим, аравадан тушдим. Ерга тушиб ўйлиниб туриб қолдим. Шу оғир кунларда таниш қилдириб, мени танибсизми, мен фалончи бўламан, деб уйма-уй юришни ўзимга эп кўрмайдим. Дуйшан бўлса армияда экан. Ин-инийкин, кеноний билан амакким бор жойга қадам босмаганим бўлсин, деб онг ичгандим. Одамзоднинг кўп нуқларини кечирши мумкин, лекин бунақанги ёвузликни ҳеч ким ҳам кечирмас, амакким билан кенониймга қорини кўрсатиш ниятим ҳам йўқ эди. Йўлдан бурлиб тепаликка — кўштерак ёнига қараб кетдим.

Эх, тераклар, жон тераклар! Қанча-қанча сувар оқиб ўтди-ю, у маҳалда сизлар кўм-кўк кўчат эдингиз! Мана, инди сизларни экал, вояга етказган одамнинг ҳамма орду-истаклари, айтган гаплари рўёбга чиқди. Нега маънос кўриниши, шовулдаб нимадан қайгурасиз? Ё қиш яқинлашиб қолди, нагирини шамоллар ыпроқларимизни тўқиб юборди деб, шўнинг ташвишини қилмасизми? Ё бўлмаса халқингиз там-тусаси, қайгу-аглами шох-шаба-дарингизни эфиривитимиз?

Ха, хади нагирини қиш ҳам келади, бебош бўронлар ҳам бўлади, лекин баҳор ҳам келади...

Кўзги ыпроқларинг шовулдашига узоқ вақт қулоқ солиб турдим. Тераклар ёнидан ўтган ариқларни кимдир ичидида тозаллаб кўйибди: ерда оёқ, кетмон излари бор. Ариқ тўла лиммо-лим тиниқ сув, узалиб тушган сап-сарик терак барглари суя юзиди қалқиб турибди.

Тепаликдан мактабнинг бўялган тунука томи кўришиб турарди, нагирини мактабимиздан пому шишон ҳам қолмабди.

Тепаликдан тушиб, овудга учраган бричка аравада етганимга қараб кетдим.

* * *

Уруш тугаб, талаба кунлари ҳам етиб келди.

Халқ озмунича қора кунларни бошидан кечирдимми? Бодаллар мактабга отагларининг полевой сумкаларини кўтаришиб югуриб кетшарди. Эракалар қайниб яна меҳнатга киришиб кетдилар, бева қолган хотинлар кўз ёши тў-

ка-тўка охири тақдирга тап беришди: қариндош-уруғ, ака-укаларини, эриларни умид билан зориқиб кутганлар ҳам кўп бўлди. Ахир, ҳамма бирдан қайтмади-да.

Дүйшэннинг холи нима келганини билолмай доғда юрдим. Овулимиздан шаҳарга келиб-кетиб юрганлар, Дүйшэн бедарак бўлиб кетди, сельсоветга шундай қороз келганини дейишди.

— Ким билсин, балки ўлгандир, — деб тусмоғ ҳам қилишди. — Бедарак кетганига, ахир, озмунча вақт бўлди-ми... дейишди.

«Демак, муаллимим қайтиб келмас экан-да, деб баъзи-баъзида хайлимдан ўтказиб кўрдим. Уша станцияда хайрлашганимиздан буен дийдор кўришиши насиб бўлмабди-я...»

Хар замон-хар замон ўтмишимни хотирлабману, юрагим гам-гуссага тўлиб-тошай деб қолганини пайқамай юраверган эканман.

Қирқ олтинчи йил кеч кузакда Томск университетига илмий командировкага жўнаб кетдим.

Сибирь ерларига биринчи марта қадам қўйишим эди. Уша киши олди кезларида Сибирнинг қаҳри келгану ўн тамгин кўринарди. Асрларни кўрган ўрмонлари деразадан қоп-қора девордай туюлади. Урмонлар оралиғидаги сайхон жойларда мўрсицдан оқ тулуғ бурқираб турган, томлари қора қишлоқчалар кўзага ташланиб туради. Муз қотган дарагаларга биринчи қор тушгану, ҳавода қарғалар тўп-тўп бўлиб қатиллаб парвоз қилиб юришибди. Осмоннинг қоноғи солинк.

Поёздада вақтим чоғ кетипман. Купемиздаги ҳамроҳларимиздан бири фронтдан келган қўлтиқтаёқли инвадид йиғит ҳарбий ҳаётдан қизик-қизик воқеалар ва латифалар айтиб кўлдиргани-кўлдирган. Ажойиб-ғаройиб гапларга шундай устак, беозор аскияларни ҳам худди чиндай бўлиб кўринади, вагондагиларнинг ҳаммаси уни яхши кўриб қолишди.

Новосибирскдан ўтганимизда поёзимиз қандайдир развездада бир минутча ушганиб қолди. Мен дераза ёнида ҳалиги йиғитнинг шўхлиғига қараб кулиб тургандим.

Поёзд ўрнидан қўзғалиб, жадаллашди, станциядаги якка уй дераза олдидан сўзиб ўтгандай бўлди, стрелка-чига кўзим тушганда деразадан шартта орқамга тисарилдиму, шу заҳоти яна ойнага ёпишиб олдим. Уни,

Дүйшэнни кўриб қолдим! У будка ёнида қўлида байроқ-чи тўтиб турган эди. Нима бўлганини ўзим ҳам билмай-ман.

— Тўхтатинг! — деб бутун вагонни бошимга кўтариб бақирдиму, нима қилишимни билмай, ўзимни вагон ёниги томон олдим, шу лаҳзада кўзим стоп-кранга тушди, шартта плюмбагини узиб олдим.

Вагонлар бир-бирига урилиб, поёзд бирдан тормозилди, яна шундай шиддат билан орқасига тисариди. Поккалардаги юклар тумбурлаб ағанаб тушди, идиш-тоноқлар шақирлаб кетди, боғалар билан хотинларнинг йиғичи эшитилди. Кимдир ваҳимадан овози бўғилиб:

— Поёзд одамни босиб кетибди! — деб бақириб юборди.

Мен бўлсам вагон зинапоясидан сакрадим, назаримда жақинимга ағанаб тушгандай бўлдим, кўзимга ҳеч нарса кўринмай қолди, ақл-ҳушини йўқотган одамдай стрелкачининг будкасига — Дүйшэннинг ёнига ютүрдим. Орқамдан колдукторнинг хуштаги эшитилди. Вагондордан одамлар сакраб тушиб, улар ҳам орқамдан ютүришди.

Бир нарсада поёзднинг у бошига бориб етдим. Дүйшэн ҳам менига қараб чопиб келипти.

— Муаллим, жоним Дүйшэн! — деб бақирдиму, ўзимнинг унинг бағрига олдим.

Стрелкачи менига қараб хайрон бўлиб тўхтаб қолди. Дүйшэннинг худди ўзгичаси, юз-кўзларни кўйиб қўйганидай, лекин нагари мўйлов кўйиб юриши одати йўқ эди, ўзи ҳам анча кексайиб қолди.

— Сизга нима бўлди, синглим, нима гап? — деб меҳрибонлик билан сўради у қозоқ тилида. — Янгишдинини шеклиди. Стрелкачи Жонгазин бўламан, отим Вейнов.

— Вейнов?

Адамни мўрида, уялганимдан доғлаб юборишимга сиз қолди, сўраганимни босиб олдим, ер ёрилмади-ю ери қормади. Нима номдачқулчилик қилиб қўйдим? Юзимни кўзларим билан беркиптиб, бошимни ҳам қилдим. Бу кўнимдан кўра ер юта қолса бўлмаганини мени! Стрелкачининг уяр сўраб, халқдан кетирман сўрашим керак эди, мен бўлсам худди тош қотгандай, дамим нимига тушиб тураверишман. Юзуриб келган йўловчилар ҳам нима сабабдандир жим туришарди. Узим бўлсам, ҳозир бақириб роса сўжишди мен бетамизини,

деб кутиб турибман. Лекин ҳеч ким миқ ҳам этмади. Мана шу муҳжнн жингликдан қандайдир бир хотин:

— Бечора шўринг кўрғурини кўзига эри, ё укасига ўхшаб кўринганда!— деди. Одамларга жон кирди.

— Муңча ваҳима қилмаса,— деб биров тўнғиллаб кўйди.

— Муңча ёзпирмасангиз, ахир, бу касофат урушда не-не кўнлар бошимизга тушмайтми дейсиз...— деб шарт-та кесиб гап қайтарди бир аёл.

Стрелкачи кўлларини юзимдан олди:

— Қани юринг, вагонингизга олиб бориб кўй, со-вуқда қолдингиз,— деди. Шундай деб кўлимдан ушлаб олди. Бир томонимдан яна бир офицер ушладди.

— Юринг, гражданка, ҳечқиси йўқ, хафа бўлманг,— деди.

Одамлар йўл беринди, мени худди дафн маросими-дагидай икки кўлтигимдан ушлаб боришди. Бизлар се-кин қадам ташлаб олдинда борамиз, қолган ҳамма ки-шилар кетимиздан боришарди. У ёқ-бу ёқдан югуриб келатган йўловчилар ҳам бизга қўшилишиб боришар-ди. Кимдир тивит рўмонини елкамга ташлади. Купедаги кўлтиқтаёқли ҳамроҳимиз ён томонида оқсоқланиб бо-рарди. У ел олдинга ўтиб юзимга бир қараб олди. Хўш-чақчақ, меҳрибон ва доворак бу шўх йигит нима учун-дир бош яланг, назаримда, кўзларидан милтиллаб ёш оқиб кетяпти. Бўни кўриб менинг ҳам кўзим ёшларди. Поезд бўйлаб охишта қадам ташлаб боришимиз, телеграф-симёточларининг хўштак қалиб гўнғиллашлари кўлоғим-га худди марсиядай эшитиларди. «Йўқ, энди уни кўриш мента насиб бўлмайди».

Вагонимиз ёнида бизни поезд бошлиғи тўхтатди. У бармоғини мента бигиз қилиб, бир нималар деб бақи-рар, суд жавобгарлиги, штраф ҳақида нималарнидир жаҳл билан гапирарди. Мен бўлсам бу гапларга эъти-бор ҳам бермадим, шу пайтда дунёни сув олиб кетса тўнғиллаб ҳам чиқмасди. У протоколнинг кўлимига тутқа-зиб, кўл кўйдириб олмоқчи бўлди. Мен бўлсам қилам олншта ҳам мадорим йўқ. Шу пайтда ҳалиги ҳамроҳи-миз унинг кўлидан қоғозни юлиб олиб, кўлтиқтаёқлаб тумшугининг тагига бориб юзига бақирди:

— Тинч кўйсанг-чи, уни! Мен кўл кўяман, стоп-кран-ни узган мен бўлман, жавобини ўзим бераман...

Кеч қолган поезд Сибирь еридан, қадимги рус ўлка-

сидан янғиллаб боради. Тун қоронғисида кўшимининг интарасидан мулғли куй садолари янграйди.

* * *

Йиллар кетидан йиллар келди. Турмуш ўз йўлидан қолмай, порлоқ келажак ва унинг қатга ва кичик ғам-тошмишлари бир умр даъватини бас қилмади. Ёшим бир жойга бориб қолганда эрта чиқдим. Умр йўлдошим тўзуқ, бамаъли одам, боғаларимиз бор, олганмиз аҳли, аноқ-чаноқмиз. Ўзим ғалсафа фанлари докториман. Тез-тез сафарда бўлман. Жуда кўп мамлакатларда бўл-дим... Уш-ўша овулимизга бормагандим. Бунинг ўзига яраша анча-муңча сабаблари бор эди, албатта, лекин ўзимни ошноқ қилиб кўрсатгиш ниятим йўқ. Овулим би-дан борди-келди узилиб қолганлиги яхши эмас, бунда ўзимни гўноқкор деб билман. Лекин пешонамга ёзил-гани шу эканми...

Мен ўтмишимни унутиб юборганим йўқ, унутиб юбо-ринга кўрбим ҳам келмасди. Йўқ, ундан қандайдир уюқлашиб қолдим, ҳолос.

Юзларча шундай чашмалар бўлдики, янги йўл очил-са, бу чашмаларга янғилган сўқмоқ йўллар эсдан чи-қиб кетарди, сувиғида йўлдан бурилиб борадиган йў-ловчилар тобора камаяди, шу билан бу чашмаларни ял-ни ёки наъзатқ босиб кетади. Кейин бора-бора йўловчилар кўлига кўринмай ҳам қолади. Бундай чаш-малар онда-сонда бироғганинг эсида қолиб жазирама исеник кўнларда ташнасини қондириб учун йўлдан бу-риниб чашма бошига борса бораб. Йўловчи келади-ю, ўз босиб кетган чашмани қидириб топади. Гиёҳларни динглаб очили-ю, ҳайратидан «оҳ!» деб юборади: алла-қачонлардан бўён ҳеч ким дойқазалатмаган, муздек бутдоқ сувиғини топиқлиги ва чуқурлиғини кўриб ҳайратда қолади, бутдоққа у ўзини ҳам, кўёшин ҳам, осмонни ҳам, тоғ-тошларни ҳам кўради... Кўради-ю, шундай жойлар-ни билмаслиги гўноқ, ёр-биродарларни ҳам бундан ха-бардор қилиш керек, деб кўнглидан ўтказиб кўяди. Шундай деб ўлайди-ю, янаги сафарача ўзи ҳам эси-дан чиқариб кўяди.

Билсан ҳаётга ҳам шундай бўларкан, шунинг учун ҳам бунинг оти ҳаёт бўлса керак...

Бундай чашмалар яқинда овулимизга бориб келга-нидан кейин эсимга тушиб қолди.

Сиз ўшанда мени, нима важдан бирданга Куркуредан кетиб қолдикни деб хайрон бўлгандирсиз? Хозир сизга ёрилиб айтган дардларимни ўшанда одамларга айтсам бўлмасмики? Йўқ, ўшанда кўнглим жуда бузилиб, номуе кучлилик қилди, ўзимдан-ўзим уялиб кетдим, шу важдан дарҳол жўнаб кета қолдим. Мундоғ, юрагимга кулоқ солиб кўрсам, Дуйшэн билан дийдор кўришгиллик ҳолим йўқ, кўзига тик боқиб қаролмасдим. Ўзимни босиб, юрак тўлкинимни тинчиттишим керак эди, фикр-ўйларимни бир жойга тўплаб, фақат овулдошларимга эмас, яна бошқа кўндан-кўп дўстларимга айтмоқчи бўлган гапларимни яхшилаб ўйлаб бир қарорга келишим зарур эди.

Ўзимни туноҳкор ҳис қилганимнинг яна бир бонси шунки, бу нээат-икромлар менга эмас, бошқа бир зотга атаганини керак эди, янги мактаб очин маросимда мен эмас, бошқа бир зотни тўрага ўтқаниш лозим эди. Бунга ҳаммадан аввал фақат биринчи муаллимимиз, овулимизнинг биринчи коммунист қария Дуйшэннинг ҳақи бор эди. Ҳолокки бунинг акси бўлди. Биз ҳаммамиз тўкин дастурхонда меҳмон бўлиб ўтирдигу, бу бебаҳо одам шу улғу айём кўна ҳам почтачилигини қўймай, бир замонлар шу мактабда ўқиб одам бўлган талабаларнинг юборган табрик телеграммаларини мактабнинг очилги вақтига етказиш таъинида юрди.

Бу илтифоқо содир бўлган воқеа эмас. Бундай ҳо-дисаларни мен ўзим кўп кўрганман. Шунинг учун ҳам мен ўз-ўзимга савол бераман: оддий кишиларни Ленин сингаги астойдил нээат-хурмат қилиш одатимизни, ажабо, қачон тарк қилиб қўйдик?.. Худого шукур, хозир бу нарсалар ҳақида риёкорлик, тилғерламалик қилмай, рўйирост гапирадиган бўлиб қолдик. Бу жиҳатдан ҳам Ленинга янада яқинроқ бўлиб олганимиздан ўзимизни миёнг бор бахтиёр ҳис қиламиз.

Ўз замонасида Дуйшэннинг қандай муаллимлик қилганидан ёшлар беҳабар. Катталардан кўллари дунёдан ўтган. Дуйшэннинг шогирдларидан кўллари урушда ҳа-док бўлиб кетишди, улар чиннакам совет жангчилари эдилар.

Муаллимим Дуйшэннинг қиссасини ёшларга етказишни ўз бурчим деб билардим. Менинг ўрнимда ҳар қандай киши бўлганда ҳам шундай қиларди, бу турган гап. Лекин, афсуски, овулдан ўзилиб қолгандими!

Душэндан ҳам хабар тополмай, бора-бора унинг сий-моси хотирамда сокин музейхоналарда сақланганидан донд елгорликдай бўлиб қолди.

Ҳали муаллимим ҳузурига бориб, туноҳимни бўй-нимга олиб, ундан кечирим сўрашим бор. Елвориб, уэр сўрайман.

Москвадан қайтиб келганимдан кейин Куркурега бориш ниятим бор; одамларга янги интернат-мактабга «Дуйшэн мактаби» деб ном қўйишни таклиф қилмоқчиман. Интернат-мактабга ҳозир почтачилик қилиб юрган шу оддий қолхозчининг номини қўйсак дейман. Сиз ҳам, овулдош дўстим, менинг бу таклифимни қувват-ларсиз, деб умид қиламан. Ўйлайман, илтимосимни ерда қолдирмасиз.

Москвада ҳозир тун, соат бир. Меҳмонхона балконида чиқиб, осмондаги юлдузлардай чарақлаб турган Лепоби Москва чироқларини томоша қилиб, овулмига борсам, муаллимим билан кўришиб, оппоқ соқолларидан ўрсам, деб хаёл сўриб турибман.

* * *

Деразаларни ланг очиб қўйдим. Уйга роҳатлижон ҳа-но оқиб кирди. Ершиб борзетган кўкши тонг нурида бошгаб қўйган этюд ва хомаки суратларимни кўздан кечириб турибман. Бундай суратларим кўп, бир неча марта ҳаммасини янгидан бошлаган пайтларим кўп бўлган. Лекин яхлит бир сурат ҳақида фикр айтишга ҳали эрта. Энг муҳим нарсани ҳали толганимча йўқ. Тонг сукуватида хаёл сўриб қадам ташлаб юрибман, кеч ўйимнинг охирига етолмайман. Ҳар гал ҳам шу калфитига ўтади. Ҳар гал, суратим ҳали хаёл пардаси-дан чиқмагани, деб ўзимни қаттиқ ишонтираман.

Шундай бўлса ҳам, ҳали айвонга тушмаган суратим устида сизлар билан гаплашиш ниятим бор. Маслаҳат-лашмоқчиман. Бу суратим овулмизимнинг биринчи усто-ан, биринчи коммунист қария Дуйшэнга бағишланади, бунинг албатта билиб турибсиз.

Лекин мураккаб ҳаёт, муқаддас курашини, турли-туман тақдир ва инсонлик ҳисларини буюқлар билан ифо-да қилиш қўлимдан келармикин, шу томонини ҳали ўзимча тасаввур қилолмай юрибман. Бу диммолим тўла қосани чапқатмай, бир қатрасини ҳам зое кетказ-

Май сиз замондошларимга етказишниг иложи қандай бўларкин? Ниҳоятми сизга етказиш билан бирга, уни ҳаммамизнинг ижодимизга айлантириш учун нима қилсам бўларкин?

Бу суратни чизмасликка иложим йўқ, лекин шунча ўй-хаёллар, андиша-ю, андуҳлар мени қамраб олганки! Вазан ўйлаб ўтириб, бу ниҳоятми бунёдга чиқариш қўлимдан келмас, деган ўмидсизлик мени енггандай бўлади. Вазан бўлса қаёқдан ҳам тақдир қўлимга расом қаламни тутқазди, деб яна бир ҳаяжонга тушаман. Қандай азоб, қандай надомат кунларга қолдим ўзим! Вазан библиографияга қон тўлиб, ўзимни шу қадар бақувват ҳис қиламанки, тоғни талқон қилиш ҳам ҳеч гап бўлмай қолади менга. Шундай кезларда: разм сол, ўрған, сарасини саракка чиқар, деб хаёли суриб кетаман.

Душэн билан Олтиной кўштератини суратга сол, ахир, сен бу тераклар қиссасини билмасанг ҳам, ёнгангинда сента озмулча хузур бағишлаганми! Офтобда ўпшиқиб кетган яланг оёқ боланинг суратини сол. У бола бағандага чиқиб терак шохига ўтириб, узок-узокларга зағқ билан кўз ташлаб турибди.

Екин бир сурат солиб, унга «Биринчи муаллим» деб ном қўй. Бунда Душэн болаларни қўлига кўтариб сувдан ўтказиб турган бўлсини, қип-қизил почалуэстин кийган, семиз-семиз ўйлоқи от минган анави тўйос одамлар хўрлашиб, уни майна қилишгаётган бўлсин...

Е бўлмаса муаллимнинг Олтинойни шахарга кузатиб турганини тасвирла. Охирти марта юратгидан нидо чиқариб хайрлашгани эсингдами? Шу даҳзани шундай ажойиб суратга тортинки, суратинг Олтинойнинг кудоғи тағиди ҳали ҳам кетмаган Душэн нидоси синағари ҳар бир кишининг юратгидан акс-садо топсин.

Ўзимга-ўзим шундай дейман. Ўзимга-ўзим анча гандарини маъқуллаймаю, лекин ҳаммаси ҳам рўёбга чиқавермайди-да... Суратим қандай чиқисинга ҳозир ҳам кўзим етмайди, лекин бир нарсага қаттиқ аҳд қилганиман: наланиман.

1962 йил

СОМОН ИҶЛИ



Ота, мен сенга ёлгордик ўрнатолмадим. Сенинг қаерга дафн этилганлигини ҳам билмаймаман. Ушбу асаримни, отам Тўракул Айтматов, сенга бағишлайман.

Она, сен бизни улгайтиб одам қилдинг. Сенинг узоқ умр кўришингни тилаб, онам Нанма Айтматова сенга бағишлайман.

I

— Омонмисан, кутлуғ далам!

— Шукур. Келдингми, Тўлганой? Бугутургидан анча чўкиб қолбсан. Соқларинг оппоқ, кўлинигда ҳасса.

— Умр ўтиб боряпти, она-Ерим, орадан тағини бир йил ўтди. Бугун менниг сиргинадиган куним.

— Келишингни билардим. Кутаяётгандим, Тўлганой. Бу сафар набиранигни ҳам эргаштириб келмоқчи эмасмидинг?

— Шундай эди-ю, лекин бу сафар ҳам ёлғиз келдим. — Демак, сен унга ҳали ҳам ҳеч нима айтмабсан-да, Тўлганой?

— Йўқ, айтолмадим.

— Ишқилиб, эртамин-кечми, ахир бир кун у ҳам эшитди-да, Тўлганой. Эди отанга элак тутиб бўлди, дейсалмин?

— Тўғри айтасан. Эртамин-кечми, ахир бир кунни билардим. Узи ҳам улгайиб, яхши-ёмонни тушунадиган бўлиб қолди. Бирок мен учуи ҳали ҳам темир қанот наланинга ўхшаб кўринади. Боғалик қилиб ўтган-кетганини тўғри тушунолмади, кўнгли совиб қолмаса деб ташвишланаман. Бари бир одам ҳақиқатни бир кун эмас, бир кунни билгани керак-да. Мен билган ҳақиқатни, сирдошим хосиятли Ер, сен билган ва эл билган ҳақиқатни ҳозирча ёлғиз ўғини билмайдим, хотос. Билганда нима дер экан, қандай ўй-хаёлларга бораркин, тапнинг тапига етолармикин? Қандай қилиб ўзинг дилни орритмай, ёшлигиданоқ ҳаётдан кўнглини қолдирмай, сиримни айта олсам экан? Қани энди икки оғиз сўз билан битадиган нш бўлса. Кейинги кунларда фақат шунин ўйлайман, тушу кун хаёл сураман. Кишда тобим қочиб, тўшақда ётганимда ҳам ўлимдан кўркмаган эдим, ажал етса тап тормай ўлимни қарши олардим. Бирок, куним битиб, кўзим

қочиб кетса, айтадиган васиятгни айтолмай. Ҳазим донан тўғра омиб кетаманми, деб юрагимга ваҳима тушиди. У сен йўқ, буни қайдан билсин, у тентак, мактабни ҳам йитиштириб кўйиб, ёнимдан сижмамай қолди. Она-сенни кўли ўзганаси: «Энажон, қаеринг оғрипти? Сув пачағини, ё доридан берайми? Устанигни ёпиб қўйим, аяловон!» — деб гирди-капалак бўларди. Ушанда тилим бермади, кучим етмади. Бойқушим, нинда ҳеч кирн йўқ, қандайдя норасида гўдак эди. Ҳеч нимадан гўмон қилмасан. Унга нима ҳам дея олардим. Шуларины ўйларкан-дан, қолламининг ўчини тополмай қийналардим. Ундай кунда ҳам, бундай қилиб ҳам фикрларимни тарозлети оғини кўрардим: бу нарса жўнгина сўзлаб берадиган юздобок эмас экан-да. Қаччалик ўйламай, бари бир бир фикрга қелиб тўхтаймаман: бўлган ҳақиқатни бола тўғри тушувиши деб мен унга ёлғизгина ўз тақдиринингизна эмас, балки бутун замонамининг тарихини, ўтган-кетгандар кўрсатди, ўзим ҳақимда, барига гувоҳ бўлган, саҳоватли далам, сенинг ҳақиқатда, қолаверса, ўша кезде мен нимадан бохабар мишиб ўйнаб юрган велосипедни ҳақдан айниб беришим керак. Балки шундагина тўғри қилган бўларман. Турмуш ҳаммамизни бир туғунга боғлаб, аялтирдик қориттириб қўйган экан, ҳеч нимани ширини ҳам, кўшини ҳам бўлмайдим. Хатто бола эмас, юзга етми ҳам бу ишни ҳар хил тушуниши мумкин. Қўлимнинг оғинида шу катта қарамдан кутулсам, ўлган армонени кетардим...

— Бу айтгиларинг тўғри, Тўлганой. Қани бериюқ сен, нани бу тошти ўтир. Оёқ оғриқсан-ку. Утир, бир кунини қиларман. Олдинги сафар бу ерга келганинг эсирарман, Тўлганой?

— Қани бери қачча вақтлар ўтиб кетди-ку, эслол-наим!

— Мен, сен ўзи воқуларин эслагинга бир ҳаракат қилдиб юрди, Тўлганой. Қани бир бошиндан эста-чи.

— Динда яқин қолмабди, Кичкинадигимда, ўртим келсади, ота онам етказиб келиб, гарамлар тапига ўтирсан, қўншиларди.

— Ҳа, билдасанми деб кўлингга бир бурда нон ҳам бериб қўншиларди.

— Кейин, каттариб қолганимда, эл яшовга кўчганим, буа атрофда экинларни кўриб югуриб юрардим. Унда мен пингиллаб чопиб юрадиган, соқлари тўзган са-

рик кыз эмасмыдм. У, богалик-эй, унинг ҳам ўзгача ташти бор экан! Чорвадорлар ху пастки томондан Сарик Ейиқ текислигида чангу тўзон кўтариб кўчиб жү-нашар эди. Бирининг кетидан бири турна қатор тизили-шиб ййовга, салқин адирилга ошқини йўл олишарди. Ушандаги ёшлик чоғларим-эй! Уюр-юори билан дучур-лашиб, кишилашган йилқилар босиб кетгудек бўлиб ке-лишаверса, бугдойнинг пайдан сакраб чиқиб, уларни хуркитиб юборардим.

«Эй, ердан чиққан албаст, ҳап сеним!»— деб йилқи-чимар узун таерни кўтариб мени қувлаб юборишарди.

Неча минглаб қўй тўқилари дўл ёққандагидек ду-пурлашиб ўша йўлдан ўтиб туришарди. Уларнинг орқа-сидан бой овуқларнинг кўч-кўронлари ўтиб борар, йўр-та миниб, қип-қизил чўғдек кинишган қиз-жувонларни кўргашимда, ҳайрон бўлиб, сўққаниб қараб қолардим. Анча жойгача уларнинг орқасидан эргашиб югуриб-элиб борардим. Қани энди, мен ҳам шунақа рўмоғ ўраб, шунақа кўйлақ кийсам, деб оруз қилардим.

— Рост, Тўлганой, сен унда яланг оёқ, яланг бош бир қашшоқнинг қизи эдинг. Бироқ, ўшандай шойлар-ни киймасанг ҳам, бўйинг етганда оқ саркидан келган, етилиб тўлишган қандай сулув қиз бўлдинг. Сен унда кўланканга қараб қадам босардинг. Айниқса эрта би-ланги кўланканг худди ўзингдек хушбичим бўларди.

— Ушанда мен ўн етти ёшларда эдим. Уша йилг ўроқ ўриб юриб Сувонқул билан учрашмаганмыдм. Су-вонқул бу ерта Толоснинг юқори егидан ёлганиб кел-ган эди. Ҳозир кўзимни юмсам ҳаёлимда Сувонқулнинг ўша вақтдаги қиёфаси тавдаланади. Ештина, ўн тўққиз-интирмагалардаги йигит, ўн хипчароқ кўринса ҳам, кўй-лари пайдор, темирдек салмоқли эди. Чакмоннинг доимо елкасига ташлаб юрарди. Енингда шеригинг ўроқ ўриб юрса, кишининг қалбини қувонтирарди: ҳар кишининг қиё-минни келтириб ишлайдиган азаматлар бўлади-ку, Су-вонқул шундайлардан эди. У тезда ўзаб кетар, мен ҳам ўроққа чаққон эдим, шундаям ортга қолиб кетардим. Сувонқул қайтиб келиб, менинг тегинимдан ўра бош-лаганда наза тортардим: «Сизни биров ёрдамга чақирди-ми? Тагтайманг, кетинг бу ердан, ўзим ҳам битира-ман!»— десам кўлиб кўйиб, нидамай ишлайверарди, ўшанда нимадан орланган эканман? Энди билсам, эрка-ланган эканман...

— Сизлар ўшанда ишга доим элнинг олдн бўлиб ке-лардиларинг, Тўлганой.

— Тўғри. Эл уйғонмай, ғира-шира тонт ёришганда Сувонқул билан иккимиз бирин-кетин ишга кетардик. У мени беринг томондан қарши оларди. Уша кунлар, ўша кезиниб тонт ошлар бизнинг севги кунларимиз экан. Бирга-бирга келгаётганда дунё бошқача кўриниб, бошқа-ча сениларди. Эг-ортга нон берган жонажон деҳқон да-дам, бўлариб-сарғайиб ётсанг ҳам, оппоқ тонтларни ден-диланг тошиб, қучоғини сенчалик очиб, сенчага ўра-либ ним кутиб оларди! Уша тонтларни сенга ҳамроҳ бўлиб биз кутиб олардик, ўша тонтларни сенга ҳамроҳ бўлиб тўғрай кутиб оларди. Кўримсизгина бўз тўғрай бошонда бетиним қанот қоқиб тирпираб, гўё одамнинг бошонда учиб юргатг юратг каби бир нуқтадек бўлиб кўринса ҳам, қанчалар нозик, қанчалар киши дилини тўққондантирувчи кўшиқлар тўқиб, зорланиб сайрар эди. «Ан, бизнинг тўғрай сайради!»— деб кўяр эди Су-вонқул. Қизиқ, тўғрайни ҳам ўзимизники қилиб олган эканми. Хушбозингдан айланай, тўғрайим...

— Рост, Тўлганой, ўша тўғрай сизларнинг тўғрай-ингиз эди.

— Эсингизми, Ер, ўша ойдн кечар? Бағки, табиатда, ининчи бор ундай тун бўлмас. Ой ёруғида ўроқ ўра-ниб деб Сувонқул иккаламиз қолиб кетмаганмыдик. Ҳу-уфқ орнидан кумуш ранг ой кўтарилганда, юлдузлар қанг омон узра бирин-кетин кўз очилди. Ушанда биз ўнат кетганда Сувонқулнинг тор чакмонини остимизга со-ча бир арққ қуритга бош қўйиб чўзалиб ёганимиз. Шу ке-ча биз Сувонқул чўндек қўли билан коқилганини сизлаб, даб Сувонқул чўндек қўли билан коқилганини сизлаб, кингидимизди, юнмидан эркалатиб сийнаганда, унинг кени эртинг уриётган қалбининг ҳарорати қафтидан кезиб кетди. Мен унга эркилаб: «Сувон, нима дей-сиз, биз бақани бўламизми, а?»— десам, эсингдами бизнинг айтган сўзларим: «Ер-суи элга тенг бўлса, биз-ниг ҳам экин энгилган еримиз бўлса, биз ҳам эл қатори ер қайлаб, экин элиб, хирмон кўтарсақ, бизнинг бахти-миз ўша. Бизга бундан ортгининг нима кераги бор, Тўғрай. Деҳқоннинг улуши экан экиннида»— демаган-мики. Унинг айтган сўзларига нима учундир беҳад қу-шониб кетиб, бўйиндан маҳкам кучганимча, лабларга даб жон-ганим билан ўйдим... Сўнгра ариқдаги сувга

чүмилтиб чиқдик-да, яна ўз ўринимизга келиб, кўл ушла- шиб, жимгина осмонга қараб, роҳатланиб ётдик.

Ер, сен ҳам ўшанда сокин ойдни тунда салқин тор- тиб, бизга кўншлигиб яйраб ётдинг. Фармасел эсланда ши- рин асагл ҳиди широлжорн билан эрманинг хушбўй ҳи- дига арағлашиб бугдойзорга тараларди, бугдойзор шу- вуллаб, бошқоларга тушган ой нури олтин кўлдек чайқалиб ётарди. Еки ўша тунни табиат бизга атаганиб шундай ҳолда бахш этдимкин? Ярим кечаси юлдузлар тўласига қарасам, сомон йўли оламнинг у бошидан бу бошигача ёнгилиб ётган пайти экан. Сувонкулнинг айт- ганлари эсимга тушиб, хаёлимда осмоннинг ўша кумуш йўли билан қандайдир азамат бир деҳқон катта кучоқ сомон кўтариб ўтгану, гўё унинг улкан кулоғидан сочи- либ тушган дон, тўпон барака тўқиб из қолдириб кет- гандек эди. Оразминизга етсак, менинг ҳам Сувонкулим шундай сомон кўтарган деҳқон бўлса, хирмоннинг бету- дан биринчи совуриб олган сомондан кучоқ тўлдириб йўлга тушганида, худди ўшандай барака тўқилган йўл солиб ўтса, деб ўйлиниб ётдим. Она-Ерим, биринчи марта сенга ўшанда гапирдим. Эсиндами менинг айтганиларим?

— Эсимда, Тўлганой! Сен ўшанда мента юзланиб, бундай дегансан: «Ер, жон ато этган Ер, бизни кўтариб юрган Ер, сен бизга бахт бермасанг, нега Ер бўлиб атал- тансан, биз нечун дунёга келганимиз! Биз сенинг боғала- рингизга, Ер, тилакдош бўлгин, оруз-ниятимизга етказ- гин!»— деб айтгансан, Тўлганой.

— Ҳа, шундай деганман. Кун чиқар пайтда кўзимни очсам, Сувонкулим ёнимда йўқ. У аллақачонлар туриб, ўроқ ўриб ётган экан. Качон турганини билмайманг, роса кийратиб ташлабди; бугдой пойда боғ-боғ бугдой ую- либ етибди.

«Ҳой, Сувонкул, бу нима қилганингиз?»— дедим. У кафти билан терини артиб: «Сени ухлапти дегандим»— деб кулиб кўйдим. Мен унинг бу шиндан бир оз ўпкалаб: «Кечати гапларингиз қани, шу ҳам тенг шериклик бў- либдими?»— десам, у ўроғини ташлаб, югуриб менинг олдимга келди-да, кучоқлаб кўлида кўтарганича: «Кў- зингдан айланайин, Тўлган, кўзингдан ўрғилиб кетай, тенг шерикмиз, бундан буён яхши, ёмоннинг барига ше- рик бўламиз!»— деди. Шу зайлда мени кўлидан куй- май, эркалатганича алданарсалар ҳақида гапирди, мен бўлсам хурсандлигимдан кулардим. Бир вақт қарасам,

мени кўтарганича тепаликка югуриб чиқди-да, кўтарил- ганб келаятган куёшга қараб: «Эй куёш, кўрдимми? Кўрдимми менинг жононимни! Мана, мана, кўриб ол, кўрмингизни бер, бергин сулончигин аймай!»— деб қич- қирди. Ҳазилми, чиними — билмайман, мен ўшанда йилдаб юбордим, қалбим қувончга тўлганидан ўзимни тўтолмай анчагача энтикиб-энтикиб йиғлардим...

— Кўй, Тўлганой, энди йиғлашниг яхши эмас. У йиғи бошқача йиғи эди, одамнинг умрида ундай йиғи бир мартагина бўлади. Энди нимага йиғлайсан. Йиғла- ма, ёки тилакларингизга эриша олмадиларингизми? Айт-чи, тўртинчи, сизларчалик ким бахтли бўлолди?

— Гапнинг тўсри. Йиғи замонда Сувонкул иккимиз кам ўз меҳнатимиз билан воғта етдик. Билсан-ку, қи- шу ёз асмай кўлимиздан кетмон тушмади. Меҳнатимиз юз кетмади — уйли-жойли бўлдик, мол-ҳол орттирдик. Келатганимизга етиб, уч фарзандли бўлдик. Ҳа, бирин-кетин уч ўғил кўрдик. Ҳозир баъзан ўйлаб ўтириб хаёлимга шунадай муҳажир фикрлар келди: нима учун йил сайин кўнраб ўхшиб туғавердим экан? Одамларникидек орала- ридан юз-тўрт йил ўтганда, балки, бундай фалокатдан шайда қозинишимди. Балки, бугундай дунёга келишма- ганда нима қиларди! У, шўринг кўрурлар... Айлиниб- келишиб кетайларим, сўзимни оғир олманглар, кечин- ринглар, кечиринглар оналарингиз! Юрагим тутаяқиб, ўриб ётганимизга гапим-да! Қандай қилай энди...

— Тўлганой, эсингиз йиғ... Сўзингизни қайтариб ол. У болаларга шак келтирма. Уларни мен тирноқдайлигиз- дан кўриб билиб юрдим-ку. Уларнинг босиб кетган из- лари кўрмингизни билди, менинг кўксимда муҳр бўлиб келганимиз қолган. Тўлганой, у уяда ора-ниларни сиз- ларнинг фарзандларингиз эканини Сувонкул бу ерта биринчи марта трактор қайлаб келганда билдим.

— Ҳа, қа алува ёнганда, Сувонкул ўша йилги қиши билан кўзини нарига томондаги катта қишлоқдаги тракторлар муретида қутқиб, тракторчиликни ўрганиб юрди. Унда тракторни ким билсин. Сувонкул уйга кечи- либ келганда қордаги бир бўлмағур шиларга ўрағлашиб юрди, ундан кўра бурунги бригадирлигизга яхши ярагани, ва қатори тирикчилигингизни қийсангиз-чи, аманли, ва кўришмо ҳам кетарди. Шундай десам, яна кулиб кўрди: «Тракторни сен ўйинчоқ билдиб юрганга ўхшай- сэн! Шовша ҳали, Тўлган, эзда ҳайдаб келганимизда би-

ларсан» — дер эди. Даладан совкогитб чарчаб кетганини кўриб, «Ке, куй энди» — деб аяр эдим. Уйлаб кўрсам, Сувоңкул ишнинг кўзини билгнб юрган экан. Тракторчилар ўқишга овуддан саводни бирон кимса чиқмаганда, Сувоңкулнинг ўзи мен бораман саводимни ҳам чиқараман, деб бригадирликдан бўшаб олганди. У кездарда Қосим билан Майсалбек мактабга қатнаб юришарди. Отасига ўшалар муаллимлик қилишди. Кечкурун уй ичимиз билан оворамиз. Сувоңкул ерга бағрини берип ётиб олди, ёзини ўрганганда, уч ўғли уч томонидан ўратиб, ота, бундай қилиб ёзинг, қиламини бундай ушланг, қўлингизни қалтиратманг, тўғри ёзинг, деб пужурлашиб ётар эди. Сувоңкул кетмон чопгандан баттар қора терга тушиб кетарди. Ҳазини тўғолмай қулгим келарди. «Куйсаларинг-чи, болалар, оталарингиз жонига тегмай, мулла қилмоқчимисизлар уни? Сувоңкул, жонингизни мунча қинамай, ё муллагилки, ё тракторни ўргансангиз-чи» десаь, хўрсиниб кўарди. «Ҳаммадан ҳам сеники ўтиб кетди-ку. Тракторни ўрганиш учун ачагина муллагилк керак экан-да. Масхара қилаверма!» Ҳайтовур, шундай қилиб юриб, охири мақсадига етди.

Илк баҳор, эндигина тулпроқ кўлчиб қолганда овунинг четидан дуқураган овоз чиқиб, аглаклардан хўркан йилқилар кўчани қоқ ёриб, пишқириб, тўни билан чопиб ўтишди. Нима бўлдики, деб эшикка чопиб чиқсам, чорбоғ эгалида трактор келаетган экан. Қоп-қора чўян машина тутунини бурқситиб, баҳайбат филдираклари билан ерни ўйиб, тумбурлатганича тобора кўчага яқинлашиб келаверди. Унинг атрофидаги халқини кўрсанг, ёшу қари демая, бутун овул чувиллаб, чопқиллашиб юришарди. Одамларга кўшилиб мен ҳам ютуриб етиб бордим. Қарасам, уягла ўғлим бир-бирини маҳкам ушлашиб, трактор ҳайдаётган отасининг ёнида келишарди. Турқларини кўрсанг, ёвни енгиб келаетгандек, кўзлари чирокдек чақнаб, юзларидан нур ёғиларди. Уларнида йўқ хўрсанд бўлиб, гердайнб, мақтанлишиб келишаетган экан. Улар ўша кунни эртагабоқ кўприк томонга чопиб кетишган экан, мента айнишмабди ҳам, юбормай кўяди, дейишган бўлса керак. Болаларга эсим оғиб, бирон нима бўлиб қолмасин, деб:

— Қосим, Майсалбек, Жаїноқ, ҳа сенларини! Тўшинглар! — деб қичқирсам, тракторнинг гуриллаганидан ўз товўшимини ўзим ҳам эшитмай қолдим. Сувоңкул ме-

нинг нима деганимни тушунди шекилли, кўрқма, дегандек қулмисираб қўли билан ишора қилиб кўйди. Унинг ҳам қулочни кўксига ситмай суюниб келарди. Сувоңкул ўшанда ёлгина, қора мурут йилгит эди. Э, худое, боладаринг отасига шунчалик ўхшаш эканлигини ўшанда қосим бўладими. Тўртагаси ҳам бирга туғилгандек. Аммоқса, Қосим билан Майсалбек худди Сувоңкулнинг қулочини — кўлиб қўйгандек эди. Кенжам, Жаїноғчим бўлди, мента ўхшашроқ, оқ сариқдан келганди.

Трактор шу бўйи овудда тўхтамасдан тўғри далага оғиб кетди. Ҳаммамаз бирдек: отлик ҳам, пиёда ҳам унинг кетидан қолмай эргашиб келамиз, ҳаммадан қўлингизни парса — тракторнинг ер ҳайдаши эди. Тракторнинг уч қатор тиши ер бағрини ёриб, чимларни кесиб кўйориб юриб кетганда одамларнинг бари чувиллаб, «Балли-балли!» дейишиб, хўрқиб тисарилган одамларга қамчи босиб, унинг кетидан бирга юра бошлади. Нима бўлиб кўпчиликлдан айрилиб қолганимни билмадим, бир нақт қарасам, ёлғиз ўзим қолибман. Трактор борган сари узоқлашиб бораяпти — мен бўлсам, янглини орқадан жавдираб қараб турибман. Бирок, ўшанда ер юзидан менчалик бахтли киши бўлмагандир, кетимчи чексиз эди. Сувоңкулнинг овулга биринчи марта трактор ҳайдаб келганигами, ё фарзандларимни шундай қўлга кўришиб, дастёр бўлиб қолганигами — қолди бирини кўпроқ суюлишимни билмай, ёлвордим: «Қотаралиниб ўтирган бўй-басгидалингдан айланайлар!» (Қоқим отагилдасек одам бўлсангизлар розиман, ўшанда розиман тақдиримга!» дея такрорлардим.

Ҳа, Тўлғоноғ, Она бўлиб, оналик давратининг элгитерини дамларини ўшанда тотган эдинг. Сен уйда тулдириб қолдинг, куч-қувватини аёл эдинг. Ишда ҳам ёшлардан қолганимиз эдинг.

Тани жонинг сиз бўлди, ишлаганга нима есин. Қолдиринг, шундан ҳам боқимиз ёр бўлган экан. Бираўстан теракларгак ўшаларни эр етиб, ҳар бири ўз йўлида қилиб қолганимиз. Қосим отасига тордими, трактор қарабдими деб юриб, трактор ҳайдаб, кейин комбайнчиларни ҳам ўрганиб олди. Бир ёз комбайнда ишлагани бўлиб, сулонинг нариги бештаги «Кайинди» комбайнда ишлаб юрди. Кейинги йили яна ўзимизнинг овулга комбайнчи бўлиб келди. Она бечорага болаларининг бари бирдек азиз, аглабатта. Шундай бўлса ҳам

Уртанча ўғлим Майсалбек билан кўпроқ фахрланардим. Эҳтимол, соғиниб юрганимдандир, уендан эрта учган паллопондек, Майсалбегим ўилан эрта кетмадим. У ёш-литиланок мактабда яхши ўқимасмиди. Китобога жулда уч эди, китоб деганда муқассидан захотди, Шундай қилдиб юриб, мактабни битирган захотди, муаллимликка ўқини учун шаҳарга кетмовиди. Кенжатоғим, Жайноқ эса, ўтакетган қизикчи, очик-сочик йигит бўлиб ўсди. Уйда турини йўқ эди унда. Комсомолнинг секре-тариман, деб, ёшлар қаерда бўлса: мажлислами, уйин-дами, тўғарақлами, деворий газета чиқаришгаптими — бу ҳам ўшалар билан бирга ўша ерда бўларди. Гоҳ жиним кўзиб: «Хай, санки, тармонингни ҳам, тушатиингни ҳам олиб, бир йўлга қолхоз илорасига кўчиб бора қолсанг-чи. Сенга ун-жойиниг ҳам кераги йўққа ўхшайди!» — десам, Сувоқкул ўғлининг тарафини олларди. «Уришма, онаси, кўпчиликиниг юмуши. Бекор юрган бўлса, ўзим ҳам тизгинини тортиб кўйардим» — дер эди. Сувоқкул ўша кезларда тағин бригадирлик қилаётган эди. Чунки тракторни энди ёшлар хайдай бошламаганмиди.

Кўп ўтмай келинлик ҳам бўлди. Қосим «Қайинди»да ишлаб юрганда бир-бирига кўнгли кўнли қолган бўлса керак, Алманни ўша ёқдан олиб келмадим. Кўҳликки-на, хитча белги, ёшгина қиз экан, энг аввал бошдан унга меҳр кўйиб, ўз боламдек кўриб қолдим. Келин ақлли бўлса, ўз болангдек бўлмай нима бўларди. Ростини айтиш керак, келиним ёмон чиқмади. Шунинг ўзи онданинг катта ризқи-ку. Ҳозир ўйлаб қарасам одам бошига давлат куши кўнганда, одамнинг ўз феъли атворидан, онага, энг халққа қилган муомаласидан бир-бирига улашиб, унб-ўсиб, кўлайишиб бахт учиб кетар экан-да. Шундай топилган толе қадр-қимматини бўларкан. Ўз қонингдек — тукилса, жон берган билан баробар экан.

Алман келган йил — унутилмас йил, эсдан чиқмас ёз бўлди. Ўша йили экинлар жулда эрта пишиб берди. Сойдаги катта сув ҳам ҳар йилгидан эрта тўлиб-тошиб оқди. Икки-уч кун сурункасига ёққан ёмғир тоғдаги қорларни дарров эритиб юборди шекилли, дарёнинг ранги бузылиб, ҳадемай селдек тошқинлаб бостириб келди. Эскидан қалқиб турган оролчаларни бир кечада ямтаб, юнб кетса бўлади.

Шунга қарамай, об-ҳаво ўнгидан келиб, бир текисда

юнб турди. Етилиб, қолган бўғдойлар сарғиш тортиб ер юзиди қолдиб, эгати уфққа туташиб кетган қирлар-деги экинлар пишиб берди. Ушанда бизлар қўлга ўроқ тўлиб ишта киришиб кетдик. Майдон чеккаларини ўриб, комбайнга йўл очдик. «Энди келининг билан беллашмай, унда роҳат қилиб ўтирсанг бўлмайимми!» — дедувинлар ҳам йўқ эмасди. Бу сўзларга мен парво қилмас-дим. Қўлдан кетса, эл қатори ишлаганга нима етсин. Келиним иккаламиз бирдек ўроқ ўриб юрдик. Ўша кун-ларини хотиралар ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Алман буғдойлар чеккасида ўсиб турган гулхайридан бир донга териб олиб, бир вақт қарасам, мендан уялиқинган бўлаёлар орасидан жимгина кетиб борётган экан. Бу олмаен, қўлидагини нима қилар экан, деб турсам, буа ёқовида турган комбайнга яқинлаб борди-да, гулхайридан комбайн зинаповсига қўя солиб, яна югуриб кетди. Комбайнда одам қораси кўринмасди. Қосим қабурдоқ кетган экан. У эрта-индин ўрмига тушамиз деб келибдини шайлаб кўйган эди. Алманнинг бу ишга на қиммати қувониб, худо хоҳлса, иккаласи аҳил яшаб кетишар экан, деб келинимдан кўнглим тасадли топди. Алманнинг ўшидаги қиёфаси ҳали ҳам кўз ўнгимда: бошида қизил дурра, егинида оқ кўйлак, хушбичим нимча, қўлида гулхайри ушлаган, ўн қора мағиздан келган, шаҳзо қўлағи чақнаган сулув келинчак эмасмиди. У, оқоиб келинми! Гулга мафтун келиним. Ўзим гул-га шўрбул эди, эрта кўксамда қор остидан бўлса ҳам бирорча териб келарди... Эсим кўрсин, нимани гапирётган экан. Ха, хи, ўша кўннинг эртасига ўрим бош-лашиб кетмадим.

Нима тармининг биринчи кўни ўзгача бир байрам эмасди. Шунга юрне ўша кўни қоноти солинган бир кимовани кўрсатди. Бу кўни ҳеч ким байрам деб ата-маен ҳақ, ҳар кимнинг овозида қандийдир қувноқлик, кўни туринда ҳам, қандийдир арнаси, минган оти, қил-ган иш қаммаси-ҳаммасидан бирдек қувноқлик, тўғ-риқини айтганда, ўрмининг дастлабки кўни ҳеч ким ишлаб келмади. У кўни ўйин-кулгидан, ҳазил-мазах толарини кўла бўшамайди. Айниқса ўроқчилар орасида қўнқ бўлади, унда ёшлар, қиз-жувонлар кўп эмасми. Томоша ўшларди. Қосим МТСдан мукофотга олган ве-досинини миниб, эрталаб комбайни олдига кетаёт-ган эди, бир тўда шўх жувонлар уни тугтиб олишди. «Не-

га сен велосипеднигдан туша солгиб, бизга салом бер-
майсан? Сен гердайиб қонбесан! Уроқчиларни кўзга
илмай қолганга ўхшайсан!»— дейишиб, Қосимни ҳар
томондан тортишиб, Алиманга бош эгиб кеचирим сўра-
тиша бўладими. Қосим бу билангина кутулдоггани йўқ.
«Кўллук қилдим, кўллук қилдим!»— деганига қарамай,
сен эди бизни велосипеднигга миндириб, худди ўрис
қизлардек сайр қилдирасан, дейишиб, бир-бирларини
велосипедга кўтаришиб миндиришиб, орқасидан қий-чув
кўтариб юришиб Қосимни роса овора қилгиди. Шунда
ҳам велосипедда жўи ўтиришмай, ўинаниб: «Войдод,
акажон, ўлдим, энди ўлдим, йиқилдим, войдод!»— дей-
ниша, бошқаларининг ичати узилгудек бўлиб: «Ўлсанг
ўл, ўлсанг ҳам бўйнидан кучоқлаб йиқил!»— дейишиб
дагани бошларига кўтариб кўлишарди. Шундай қилиб,
Қосимнинг жингига тепшарди. Унинг ўзи ҳам кўлгидан
маст бўлиб, бўлди энди, деб бирини айланттириб келса,
яна бири тегажаклик қилиб унга осилгиларди: «Ҳа, ме-
нинг ундан нимам кам? Буриним нучук, кўзим қийшиқ-
ми?»— дейишиб жони-ҳолига кўйишмасди. Охири Қо-
симнинг ҳам жини кўзирди: «Ҳой, сизлар нима баҳо,
кўтурдингларми? Оч канадек ёнишасизлар-а? Бас энди.
Маехарабозлик қилгани келганми-сизлар ё ишлаган-
ми?» Шаддот келинлар шунда ҳам бўш келмай: «Ано-
вини қаранглар! Ишин сен қиласан, хуккумат комбайнини
нимата чпқариб кўйибди!»— дейишарди.

Ешларгина эмас, нарироқда туриб бу ўйин-кулгига
биз ҳам роса қонардик, кўлавериб пчакларимиз узилар-
ди. Ҳо, ўшандати мусаффо осмон! Ўшандати куёшнинг
порлаши, ўшандати доғли бошоқлар, ўшандати эгининг
кулгиси!

— Ҳа, Тўлғаной, ўша кунни худди шундай бўлган
эди. Сен ўша кунни ўз толеннигни янада чуқурроқ тушу-
ниб, менга сирингни айтгандинг.

— Мен ҳозир ҳам шунин айтмоқчиман. Ҳозир ҳам
ўша фикримдан қайтмайман. Ҳозир ҳам ўша кунларни
туганмас жумбоқдек гапириб берман.

Тез орада ўроқчилар ишга киришиб, адирда иш қи-
зиб кетди. Саратон авжига миниб, кўёш сели қайнади.
Қалбим эрталабки қувончдан толпиниб, руҳим шодла-
ниб, майин шабадалдан лаззат олгандек роҳатланарди.
Ўша кунги қувончларнинг барчаси мен учун, менинг то-
леним учун ато қилингандек туюларди. Кўзим кўриб, ку-

лоени увқаниннг ҳаммаси борлиқини, ҳаёт тўзалдиқларини
олиб, ором бахш этарди. Бир томондан ўроқларининг
жаринги, бир ёндан шовуллаб тўкилаётган бугдойлар-
нинг ёқимли овози эшитилиб турса, нариёқда Қосимнинг
комбайни тошқин сувдек туркираб «Меҳнат кўшиғи»-
нинг илтича куйини куйлаётгандек, бугдойини шипириб
ўроқда эди. Комбайнда ўтирган Қосим шаршарадек
кўлиниб тўшаётган бугдойга кафтини тўтиб бир ҳовуч
донин юзига яқинлаштириб хидлаганда, ўзим ҳам бир
бор семирди кетгандек бўлдим: янги доннинг ҳидидек
борман ҳид борлиқини!

— Э-эй, аравакаш, эртароқ бўл!»— деб Қосим тоғ те-
пенда туриб жар солгандек қичқирган эди, Дарҳол
орани етиб келиши билан камбайн тўхтади, Алиман:
«Кўзини эгтиб берайин!»— деб кўзани олганича Қосим
томонга югурди. Бугдойзор орада оқ кўйлак, қизил
дурридан Алиман югуриб борар экан, кўлида ушлагани
кўри эмас, гўё юрагини тортиқ қилиб кўтариб бораётган
деб, селван ёрига бутун борлиғи билан берилганлиги
унинг барча ҳаракатларидан сезилиб турарди. «Ҳойна-
қой, Сувонқул ҳам чанқаб қолгандир!»— деган ҳаёл
билан ён-веримга қарасам у кўрунимасди. Қайдан кўри-
син, ўрим бошлангандан кейин бригадирда тиним бўлар-
миди. Эрталдан-кечгача отдан тушмай дага айланиб
воргани юрарди.

Қосим пайт ўроқчиларга аталган янги бугдой нони
кам тафёр бўлди. Янги нонга биринчи бўлиб ўроқчилар-
Дарё орғида, қоровулхона рўпарасидати ўрмон тезда куз олушига кирди. Дарёдан то юқорига, Қора қарағай-кўз олушига кирди. Дарёдан кетган чакалакзорларни дуддор четарасигача чўзилиб кетган чакалакзорларни дуддор олов янглиғ кузги хазонрези босганди. Энг чидамли дарахтлар — туқ сарик рангли тоғ терати ва қайин ўрмонлари айниқса кўзга яққол ташланиб турарди. Улар улкан ўрмоннинг қор босган бағанд чўққиларигача — қабригоч ва арчалар қорайиб турган ерғача чўзилиб кетган эди.

Қарағайзор кўйини ҳамма вақт тоғ-тоза ва қасрларда-томоқ салобатли. Қайқа қараманг, фақат қаттиқ дарахтларнинг жипар ранг танаси, смолагли кўруқ хил, бутун ўрмон пойнта тўқилган қорамтир игна япроқлар. Кекса қарағайларнинг учда ғир-ғир шамол эсади.

Лекин бутун эрта тонгданоқ тоғлар бошида чағни-дир, безовтагиланган зағчалар айганиб қолди. Жон-жаҳди билан чағнилаган зағчаларнинг каттакон таласи қара-қалдор ўрмон тепасида бетиним айланаверди. Улар боғта овозини эшитган захотийк безовтагиланган бўлса, сўнг кудли бироз озор бергандек бир-бирларига гал бермай чағнилаб, қирқилган қарағайларни тоғдан олиб тушаётган икки кишининг изидан тавқиб этарди.

Ёғочларни отларга боғлаб судратиб келишарди. Уракқул отнинг жигловини тутиб олдинда борарди. У туртиниб, илашининг бари буталарга илиниб, кўшга кўшилган кўкнздай хансирарди. Унинг ортидан, ёғоч орқасидан Мўмин бобо елиб келарди. Бундай бағандликда унга ҳам осонмасди, чолнинг нафаси қисилиб қолганди. Унинг кўлида қарағай пишанг бўлиб, бу билан у йўл-йўлаккай ёғочларни ўнглаб борарди. Ёғочлар тоғ-қўнқаларга, тоғ тошларга ҳадеб қалалиб қолаверар, қовилка келганда эса нишабга кўндаланг бурилардан пастта юмалаб кетгудай бўлларди. Унда фалокетдан қочиб кўттилиб бўлсан — нақ мажақлаб ўлдирди.

Пишанг билан ёғочларни тўғрилаб бораётган кишига айниқса хавфли, ҳар бағо юз бериши мўмкин. Кўруқудан бир неча бор юганни ташлаб қочган Уракқул ҳар сафар чоғ ўз ҳаётини хавф остига кўйиб, ёғочни қин-қинда тўтиб, унинг от ёнига қайтишини ва югандан тўтишини кўтаётганини кўриб уялиб кетарди. Лекин ўз

айбингни яширмөк үчүн, уни бировга тўнказмак керек, деб бекорга айтилмаган-да.

— Сен нима, мени нариги дунёга жўнатмоқчиминсан? — Уразкул кайногасига кичкирди.

Атрофда Уразкулнинг овозини эшитадиган ва унга дакии берадиган ҳеч ким йўқ эди: кексаларга шундай муомала қилишни ким кўрган? Кайногаси, буни мен атайлаб қилибманми, ахир ўзим ҳам ёғоч тагида қолиб кетишим мумкин-ку, худди у буни қасддан қилаётгандек унга бунча кичкиришининг нима кераги бор, деб кўрканиса пичирлади.

Бу ҳол Уразкулнинг яна багтар жаҳлини чиқарди. — Эҳ, сени қара-и! — газабланди у. — Сени бошиб қолса ахир сен ёшингни яшаргансан. Сенга нима? Мен майиб бўлсам, қизинг кимга қолди, уни ким олади? Шайтоннинг қамчисидай бу бепушт кимга керак...

— Тушуниб бўлмайдиган одамсан, ўғлим. Сенда одамларга ҳурмат деган нарса йўқ, — деди бунга жавобан Мўмин.

Уразкул ҳатто тўхтаб, чолга разм солди:

— Бундай чоллар аллақачон ўчоқ олдда ёнбошлаб ўзини оловга тоблаб ётибди. Сенга эса маош оқиб келиб турибди. Қаёқдан келпти, бу маош? Менинг шарофатим билан келпти. Сенга яна қанақа ҳурмат керак?

— Кел, куй энди, айтдим-кўйдим-да, — мулоийм-лашди Мўмин.

Шундай қилиб улар юришда давом этди. Яна бир доvon ошиб, қияликда тин олгани тўхташди. От бучу-дай терга тушиб, кўпика қопланди.

Сон-саногонсиз зарғалар эса ҳамон тинчимас, чарх уриб айлангани айланган. Гўё бугун кун бўйи чағил-лашта қасд қилгандай зўр бериб чағилларди.

— Кишининг эрта тушинини сезпти, — деди Мўмин оҳиста гапни бошқа ёққа буриб ва бу билан Уразкулни жаҳуддан туширмоқчи бўлиб. — Учиб кетишининг пайида бўлпти. Ҳалақит бергани ёқтирмайди, — деб кўшиб кўйдди, худди ақлисиз қушлар учун уэр сўрагандек.

— Ким уларга ҳалақит берипти? — кескин бурилиб қаради. Уразкул. Бирдан қизариб кетди. — Алганимлар деб алжиксан, чол, — деди секин дўқ урган оҳангда.

«Эҳ, — хаёлга келтирди у, — нимага шора қилипти! Бу нимаши, унинг зарғалари дастидан қаравайга термаслик, бир шохини ҳам синдирмаслик керак эканди!»

Йўқ, бекор айтибсан! Ҳозирча бу ерга мен хўжайинман». У газаб билан уймағлашаётган зарғалар галасига қаранди:

— Эҳ, пулемёт бўлгандами! — деди ва бурлиб утган сўз билан сўкканди.

Мўмин жим қолди. У кўевини сўкишинини кўп эшитганиди.

«Яна айнапти, — ич-ичидан ғам торти чол. — Ичди — қойнонга айланади. Наҳорда бош оғринга тортса ҳам — бир сўз қотма. Одамлар нега шундай бўлиб қолшар экан-а? — ўйга толи Мўмин. — Сен унга яхшилик қилдинг, у сенга ёмонлик қайтарди. Уялмайди ҳам, уялшини қабилга келтирмайди ҳам. Худди шундай бўлгани дозим-дек Ҳамиша ўзиникини тўғри деб билди. Фақат унга икши бўлса бўлгани. Ҳамма унинг атрофида гирдиқана-дек бўлиши керак. Агар исгамасанг мажбур қилади. Икшиямки, мана бундай тоғда, ўрмонлар орасида ўтиради, унинг кўли остида битта, иккита одами бор. Каттароқ омалга минса борми? Худо кўрсатмасин... Бундайларни жойдан силжитиб ҳам бўлмайди. Ҳамиша ўз улушини чағиллаб қолди. Сен бунақалардан ҳеч жойга қочиб кутулдоломайсан ҳам. Ҳамма жойда у сени кутиб туради, ишлаб тонади. Ўзининг дориламон яшашин учун сенинг жонингни сўғуриб олади. Ҳамиша ҳақ бўлиб чиқади. Ҳа, бундайларни силжитиб бўлсан...»

— Хўш, етар қаққайиб туриш, — Уразкул чолнинг жўнларини таркатиб юборди. — Кетдик! — буйруқ қилди у. Улар йўлда давом этишди.

Бугун эртагабданок Уразкулнинг кайфияти жойида эмасди. Эртагаб, асбооб-ускуналарни билан нариги қир-қоққа, ўрмон тарафта ўтиш керак бўлган чоғда, Мўмин наобрасини мактабга олиб боришга шошарди. Бугун қўлдан озиб бўлди! Ҳар кун эртагаб отин агарлайди, болани мактабга элтиб қўяди, кейин уни яна олиб келгани борди. Бу ташландиқ дайди билан овора. Қаранг-я, мактабга кечинкиш мумкин эмасмиш. Бу ердаги иш шундайки, худо билди охири нима бўларкин, бундан чиқди — бу ишни кейинга қолдириб турса бўларкан-да? Шундай эмасми? «Мен, — дейди, — бир зумда қайтиб келишим, бола мактабга кечинса муаллиманинг олдига уялдиман». Уялладиган одамнинг топибсан! Аҳмоқсан-да! Бу муаллиманг ўзи ким бўлди? Беш йилдан бери устидан битта палъто тушмайди. Фақат дафтар билан, сўмка

билан кўрасан... Домо йўлда кўл кўтариб машина кутгани-кутган — ҳадеб районга тушади, ҳамйша унга нимадир етишмайди, гоҳ мактабга кўмир дейди, гоҳ ойна, гоҳ бўр ҳатто даггагача сўрайди. Ҳе, номусли муаллим! Бундай мактабга келармиди? Қанақа от топишибди-я — «митти мактаб». У чиндан ҳам митти-да. Ундан нима наф келарди. Ҳақиқий ўқитувчилар шаҳарда. Мактабдари ойнади. Ўқитувчилари галсук тақиб олган. Лекин шаҳарда шундай-да... Бошиқлар у ерда ҳашаматли машиналарда кўчалардан қандай ўтишди. Машиналарини айтмайсанми?! Қоп-қора, ялтирок, бу машиналарини «лип» этиб ўтиб кетгунча тўхтаб томоша қилгини келарди. Шаҳар одамлари эса, худди бу машиналарни кўрмаётгандек парво ҳам қилишмайди. Вақтлари йўқ — шошилшди қарққадир чопишди. Ана у ерда, шаҳарда ҳаётни — ҳаёт деса бўлади. Қани энди ўша ёққа етисанг, бирон жойга ўрнашиб олсанг экан. У ерда одамларини амалига қараб хурмат қилишни билшди. Лозими — демак, хурмат қилишинг шарт. Катта амалга — катта хурмат. Маданиятли одамлар. Шунинг учун ҳам у ерда меҳмонма-меҳмон юриш, ёки у-бу совет қилиш, ёоч ташиш ёки шунга ўхшаш аллақандай ишларни қилишга тўғри келмайди. Бу ердагига ўхшаб — эллик сўм, кўпи билан юз сўм бериб, ёғоч олиб, устиндан шикоят эанб юрмайди: Ўразқул порахўр, фалон-пистон... Нодонлик!

Ҳа, шаҳарда бўлгандами... Эҳ, тоғига ҳам, ўрмонига ҳам, мана бу дардинсар ёғочларга ҳам, пуштсиз хотинига ҳам, манави вагакисаланг, беақл чолга ҳам кўл силтаб юборган бўлардим. Эҳ, султига тўйган отдек жўш уриб кетардим-да! Узнми хурмат қилишга мажбур этардим. «Ўразқул Багажанович, кабинетингизга киринишга рухсат эгинг». У ерда шаҳарликка уйганиб олардим. Нета мумкин эмас экан? Айтайлик, биронга кўлдан микрофони билан ўйнаб ашула айтганган тўзал артисткага: айтишадими, улар учун энг муҳими одамнинг амалдор бўлишимши. Мана шунақасини кўлтиғидан олиб галсук тақиб юрсанг. Кинога борсанг. У бўлса туфлисини тикиллатиб, атир таратиб юрса. Уттан-кетган бурнини чўнаб қолаверадди. Қарабсанки, болалар туғилди... Ўғлимни юристликка ўқитардим, қизим эса роля чалди. Шаҳарлик болалар дарров кўзга ташланади — ақлли бўлишди. Уйда фақат русча тиллашишди: улар калла

ишни эски қишлоқ сўзларини чиқариб ташлашди. Улар фарзандларини шундай тарбиялаган бўларди: «Паночка, мамочка, уни олиб бер, буни олиб бер...» Ўз жиперондингдан бирон нарсани аёб ўтирармидинг? У кўп-кўпдан биларди-ки, ким эканини кўрсатиб кўярдди. Бошиқлардан нимага кам унинг? Нима, юқоридагиларнинг ундан бирон жойи ортинқми? Улар ҳам ўзига ўхшатган одамлар-да. Уларнинг омади келган фақат. Унинг эса омади келмаган. Бахт кўлиб боқмаган. Ўнда ҳам айб бор. Ўрмончилар курсини битиргач, шаҳарга кетиши керак эди, техникумга кириши керак эди, ёки бўлмаса институтга. Шошли — амалга учди-да. Кичкина бўлса ҳам, қар ҳолда амалда. Мана энди тоғма-тоғ юр, шакка ўхшиб ёғоч таш... Бунинг устига мана бу қарғалар ортинқми, Нимага бунча қарғилашди, нимага айганиб қолинди? Эҳ, пулемёт бўлгандами...

Ўразқулнинг авзойи бўзчилишга арзигулик сабаблар бор эди. Эзни ядло қилиб ўтказди. Куз этиб келди, ёз билан бирга чўпонлар ва йилқибоқарлар даврасидати меҳмондорчилик даврлари ҳам ўтиб кетди. Худди кўшиқда айтилгандай: «Йилвадати чечаклар очилди бўлди, этангани йилгитириб қол...» Куз келди. Ўразқулга кўрсатилган хурматлар учун, инфератлар учун, қарзлар учун, ваьдалар учун ҳисоб-донишдан пайт келди. Бунинг устида мақтаниб катта кетгаларни-чи: «Сенга нима керак? Хари бўладиган наркита қараган ёғочми, фақат шуми? Шунинг нимасини танириб ўтирбсан. Машина олиб келасан-да, олиб келтирмасан».

Отиндан гуллаб, ҳадялар олиб, ароқни ичаредди, мана энди бўяқлиб, терга ботиб, ер юзидати ҳамма нарсани даънат ўқиб, тоғма-тоғ ёғоч судраб юрибди. Бу ёғочларнинг дахмаза бўлганини айтмайсанми? Умуман, бунинг ҳаётида рўшнолик кўрмади. Бехосдан калласига лоп этиб бир фикр келди: «Ҳаммасига тупураман-да, бошим оққан томонга кетаман». Лекин у шу заҳотнқ ҳеч қайқара кетолмаслигини тушунди. Ҳеч кимга ҳеч қарда келдики жойи йўқ ва кўнгли тилгаётгандек ҳаётни ҳеч қардан излаб тополмайди.

Бу ердан кетиб, ёки ваьдангдан тоғниб кўр-чи! Уни бу ошина-оғайнилари тўтиб беришди. Одамлар ярамас бўлиб кетган. Уттан йили ўзининг буғи авлодди қариндошинга ҳали қилинган кўзичоқ учун қараган ёғоч ваьда

килганди, кузда эса карагай учун тоқорита чиққиси келмади. Бу айтмоққа осон, қани у ёққа бир чиқиб боқ, ётоқларни аррагаб, юмалатиб кўр, кейин биласан қанақа эканлигини. Яна бунинг устига карагайлар беш йил-ун йиллик бўлса қани, уларни эглаб кўр-чи! Олтин берса ҳам бу ишга қўл уртинг келмайди! Аксинча, ўша қуналари Мўмин чолнинг тоби қочиб кўрпа-тўнлик қилиб ётиб олди. Бир киши улдасидан чиқолмайдиган бундай ишни. Ҳа, бирон қимса умрида ёлғиз ўзи тоғдан ёғоч олиб тушининг улдасидан чиққан эмас. Йиқитиш-ку мумкин, лекин йиқитган билан карагайни пастга олиб тушиб бўлмайди... Нима бўлишини олдиндан билганди, Сейдахмадни ёнига олиб чиққан бўларди. Лекин Уразкул тоққа тирмашиб чиқиб юришга эришди-да, биринчи дуч келган карагай билан қариндошдан қутулиб қўй қолмоқчи бўлди. Лекин у анча-муничасига кўнмади: унга ҳақиқий қарагай керак эмиш, вассалом. «Кўнчюқин олшини биласан, тапнингнинг улдасидан чиқшини билмайсанми?» Уразкул жаҳли чиқиб, ҳовлидан уни ҳайдаб чиқарди: олмайсанми — жўнаб қол. У йилгит ҳам бўли келмади. Сан-Тош ўрмончилик заповеднигининг қоролди Уразкул Балажанов устидан дарҳол шикоят хатни ёзиб, унга шундай тўғри ва нотўғри гапларни қўшдики, оқибат-натижаяда Уразкулни «социалистик ўрмон кушандаси» сифатида отиш лозим эди. Кейин районнинг ва ўрмончилик министрлигининг турли хил текширув комиссиялари Уразкулни узоқ вақт сарсон қилишди. Зўрға қутулди. Мана сента қариндош! Яна: «Биз ҳаммамиз Шохдор она буги боғчаларимизмиз. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» эмиш. Ҳаммаси беқор гап, қачонки, бир тийин учун бир-биримизнинг ёқамиздан олиб, турмага тикишга тайёр бўлсак. Қанақасига буги авлодидан бўлайлик. Бу илгари вақтда бўлган, одамлар бугига ишонинган. Нақадар бефаҳм ва содда бўлишган-а, ўша замоннинг одамлари, кулгили! Энди эса ҳамма маданиятли, ҳамма саводли. Кимга кераги бор бунга, бу эртаник еш боғчаларга айтса бошққа гап.

Шу воқеадан кейин Уразкул бошқа ҳеч қимга, ҳеч қалақа танишга, ҳеч қандай қабилалошга, ҳатто Шохдор она бугининг минг туққани бўлса ҳамки, биронта новдани, биронта чўшни бермасликка онг ячди. Яна ёз келди. Кўм-кўк тоғли яйловларда ўтовлар

оқариб, ер-кўкни подаларнинг шовқин-сурони тuting, арқиларда ва дарёда сув тортилиб қолди. Кўш пордалан, сархуш қимиз ҳиди келар, гул бўйи фуфуралар. Ошиқ ҳавода ўтовларнинг олдиди, кўм-кўк майсадар устиди, ошна-оғайнилар даврасида ўтириб қимиз ичиб, кўн гушга тўйиб кайф қилишга нима етсин. Кейин эса бошни айлантириш учун бир стакан ароқни симириб, шундай кайфга келасанки, ўзингни гўё дарахтларни илдани билан кўпориб ташлагудек ёки бўлмаса анови тоғнинг бошини ўзиб олгудек ҳис қиласан...

Бундай кўнларда Уразкул ичган онтини унутарди. Катта ўрмоннинг катта хўжайини деб аташлари унга ноқадар хуш келарди. Яна ваъдалар берди, яна ҳадялар қабул қилди. Яна қадимий карагайлар қайси бирларининг қуни битиб, кўз келганда умри тугашини сезмасди. Кўз эса ҳосили ўриб олнган далагалардан сездирмай келиб, тоғ сари пинҳона силжиди-да, бутун атрофини қоплаб олди. У босиб ўтган йўлда, майсадар сарғайди, ўрмонни ҳазонрезги босди.

Мевадар пишди. Кўзлар тўқли бўлди. Уларни алоҳида отарларга — тўқилларни алоҳида, қўйларни алоҳида да тўлага айришди. Дёллар йиғилган сариё ёғни мешга жойлаб олишди. Эркактлар водийга қим биринчи бўлиб қайтиши ҳақида тўрун қилишарди. Кетиш олдиндан эса, ёзда Уразкул билан галгайганлар, фалон қуни, фалон соатда ваъда қилинган ёғоча машина олиб ўрмонга келишлари ҳақида уни оғоҳлантириб қўйдилар.

Мана шу бутун кечкурун иккита карагай ёғоч олиб кетгани принципни машина келади. Қарагайнинг биттаси пастда тайёр турибди, машина келадиган жойга, дарёдан ўрқазиб қўйилган. Иккинчисини мана, пастга олиб тушиништи. Агар Уразкул ҳозир ушбу ёғоч устидан еб-ичинишарди. Мажбур бўлаётган — бу азоб-уқубатлардан қутулиши учун шу заҳотлик қусиб ташлаган бўларди.

Афсуски, ўзининг тоғдати даянати бу тақдирини ўз-ичинишга қодир эмас: машина тунда ёғоч олиб кетиши учун шу бутун кечкурун принцини билан келади.

Ҳамма иш ўнгидан келса яхшику-я: йўл совхоз ўртинидан, тўғри идоранинг олдиндан ўтади, бошқа йўл йўқ, совхозга эса милиция, госинспекция келиб туради. У ер-да шна райондан келганлар ҳам бордир? Уларнинг кўзига ёғоч ортган машина дуч келиб қолсамки: «Хўш, ёғоч-

ни қаяқдан олиб келипсиз ва қаяққа? — деб сураниптира бошлаганди.

Бу хаёлдан Ҳразқулни совуқ тер босиб кетди. Ҳамма-хамма нарсага — боши устида айланаётган зағчаларга, бахтсиз Мўмин чолга, бундан уч кун бурун шаҳарга картошка сотгани кетган дангаса Сейдахмадга ғазабни жўшиб уриб кетди. У тоғдан ёғоч олиб тушилишини биларди-ку ахир! Демак, сездирмай жўнра қолган... Энди фақат бозордаги ишларини битиргандан кейингина қайтади. Бўл-маса Ҳразқул, чол билан никеласини ёғоч судраб келишига жўнатиб, ўзи бу азобдан қулулган бўларди.

Лекин Сейдахмад узоқда, зағчаларга ҳам қўл етмайди. Ҳаммасининг аламини хопинидан олиши мумкин — лекин уйга етиш амри маҳол. Биргина Мўмин чол бор. Тоғдан нафаси бўғилиб, қаҳри ғазабни ортиб, ҳар қадамда отзидан оқ ит кириб, қора ит чиқиб келаётган Ҳразқул отта ҳам, унинг орқасидан келаётган чолга ҳам раҳм қилмай, чапталлар орасидан йўл солди. Бу от ҳаром ўйса майли, бу чол ўйса ҳам майли, юраги ёрилиб ўзи ўйса ҳам майли. Ҳразқулнинг шаъни ва амалига ярашмаган, унинг кўнглидагидек бўлмаган бу дунёга ўт тушсин.

Ҳразқул ўзини тутолмай, отни қияликдан тикка чангаллар орасига ҳайдаб кетди. Майли, Мўмин чаққон ёғочлар атрофида гирдиқапалак бўлиб қолсин. Қани у ёғочни элламай кўрсин-чи! «Мажақлаб ташлайман, аҳмоқ чолни, вассалоҳ», кўнглидан ўтказди Ҳразқул. Бошқа вақтда у ҳеч қачон ёғоч билан бундай хавфли нишаб-ликка ўзини уришга юраги бетламаган бўларди. Бу сафар шайтон йўлдан озирди. Мўмин ҳам уни тўхтатиб қолишга уйлурмади, фақат қичқириб қолган холос: «Қаяққа келисан? Қаяққа? Тўхта!» — ёғоч чирпирак бўлиб айланиб, бутталарини янчиб пастга юмалаб кетди. Ёғоч ҳўл ва оғир эди. Мўмин ёғочни ушлаб қолиш учун пишанг солмоқчи бўлди. Лекин зарб шундай кучли эдики, пишанг чолнинг кўлидан отилиб чиқиб кетди.

Ҳамма иш кўз очиб юмтувча бўлиб ўтди. От йиқилди ва ёни билан пастга суриниб кетди. От суриннаётиб Ҳразқулни ҳам уриб йиқитди. У титраб-қақшаб буталарга тирмашиб, илиниб, юмалаб кетди. Шу пайт қани хазон устидати аллақандай шокли жонворлар ҳўрқиб қочиб қолди. Улар талвасага тушиб, жон-жаҳдан билан сакрай-сакрай қайинзорлар пчида гойиб бўлди.

— Буғилар! Буғилар! — кўркув ва шодлигидан ўзини йўқ хурсанд бўлиб қичқирди Мўмин. Кейин гўё ўз кўзларига ишонмагандек жим бўлиб қолди.

Ногоҳ тоғ кўйида суқнат чўқди. Зағчалар бирдан гойиб бўлди. Юмалаб кетаётган ёғоч ёшлина бақувват қанини босиб, эзиб қияликда илиниб қолди. От эгар-боллаш оғиб, оёққа турди.

Ҳамма ёни йиртилди кетган Ҳразқул эмаклаб бир томонга чиқиб олди. Мўмин кўевига ёрдамлашгани ташлашди:

— О, муқаддас она Шохдор буғил! Бизни ҳозир у кутказди! Кўрдинг-ку. Бу Шохдор она буғилнинг боладари. Бизнинг онамиз қайтиб келибди! Кара-я!

Ҳразқул юз берган воқеага ҳали ҳам ишонқирамай жойидан ғамгин ҳолда хижолат чекиб турди-да, қоқини бошлади:

— Кўп вайсама, чол. Етар энди, отнинг абзалини чиқар.

Мўмин итоаткорона шопилгинч равишда отнинг абзалини ола бошлади.

— О, кудратингдан ўрғилдай, Шохдор она буғил! — у хурсандлигидан ёлдирашини кўймади. — Буғилар бизнинг ўрмонимизга қайтибди. Шохдор онамиз бизни унутмабди! Бизнинг гуноҳимиздан ўтибди...

— Ҳали ҳам егудираялсанми? — дўқ қилди Ҳразқул. У энди кўрувни унутган ва яна эски ғазабни бўғизга келтирди. — Эртанингни айтгисанми? Узинг жиннин бўлган-дуриб, бошқалар ҳам аҳмоқона эртатимга ишонаверадил, деб ўйлайсанми?

— Мен ўз кўзим билан кўрдим. Булар буғиллардир, — бўш келмасди Мўмин бобо. — Наҳот сен кўрмаган бўлсанг, ўғлим? Сен ўзинг кўрдинг-ку.

— Ҳўш, кўрдим. Учтаси чопқиллаб кетди, шекилди.

— Рост, учта. Менга ҳам шундай туюлди.

— Нима қипти шунга? Буғил бўлса буғил-да. Манга бу ёрда одам ўз жонидан жудо бўлишига сал қолди. Нимасига қувониб керак экан. Булар агар буғилар бўлса, демак, довод ортидан келган. У ёқда Қозоғистонда, тоғнинг нариги томоннда, ўрмонларда ҳали буғилар бор, дейишди. У ер ҳам заповедник. Заповедникнинг буғилари бўлса эҳтимол. Келса келибди-да. Бизнинг нима ишимиз бор. Қозоғистоннинг бизга дахли йўқ.

— Балки, бизда яшаб қоғар улари? — орзу қилиб гапирди Мўмин бобо. — Қани энди қоғар...

— Бас, энди, — унинг сўзини бўлиди Ҳраққул. — Кетдик!

Ёғочни ҳали анча пастга судраб тушиш, кейин эса яна отда дарёдан судраб олиб ўтиш керак эди. Бу ҳам оғир иш. Агар ёғоч дарёдан омон-эсон олиб ўтилса, сўнгра яна машинага ортлагилган тоғ ёнбарғирига етказиш даркор.

Эҳ, қанча меҳнат.

Ҳраққул ўзини бутунлай бахтсиз ҳис қилди. Бутун борлиқ унга ноҳақ яратилгандай туюлди. Тоғлар бўлса, ҳеч нима сезмайди, ҳеч нима истамайди, ҳеч нимадан зорланмайди, бир жойда тургани-турган, ўрмонлар эса аввал кузга, ундан кейин қишга ўтади, бунинг ҳеч қандай машаққатли жойи йўқ. Зағчалар ҳам ўз эркинча учиб юради. Истаганича чағилгайди. Бугилар, атар улар ҳақиқатан ҳам бугилар бўлса, довонинг нариги ёнидан келадиди-да, ўрмонда дайдиб юрaverади, қандай юради, қанақа юради, ўзининг иши. Шаҳарда одамлар адофалыт кўчаларда бепарво қадам ташлашди, таксиларда юришди, ресторандарда ўтиришди, вақтичорлик қилдишди. Унинг пешонасига мана шу тоғларда юрини битилган, у бебахт... Ҳатто унинг мана шу ҳеч нимага ярамайдиган қайноғаси Мўмин чаққон ҳам ундан бахтлироқ, чунки у эрталак ишонади. Овсар одам. Овсарлар ҳаминша ўз ҳаётидан мамнун.

Ҳраққул ўз ҳаётини кўрарга кўзи йўқ. Ҳаёти ўзи истеганча эмас. Бу ҳаёт Мўмин чаққонга ўхшатилганга хос. Унга эса, нима ҳам керак? Умри меҳнатда ўтати, бир кун дам олиш йўқ. Умрида эса бирон инсон унга қарам бўлган эмас, у эса ҳаммага қарам бўлиб келган, ҳатто ўзининг кампирига ҳам — чол ҳатто унга бир сўз қайтармайди. Шундай шўрпешона эрталак билан ҳам бахтиер бўлаверди. Урмонда бугиларни кўриб, худди юз йил дунёда излаган ака-укаларини учратгандек, кўз ёши қилиб юрибди-я.

Эҳ, нимасини гапирасан...

Улар ахири сўнги манзилга чиқишди, у ердан узун тик йўл дарёга тушиб борди. Тин олгани тўхташди.

Дарёнинг нариги бетида, қоровулхона ёнидаги Ҳраққулнинг уйи олдида қандайдир буге кўтарилди. Буге қараб самовар қайнаб турганини билса бўларди. Де-

мак, уни хотини кутаётди. Лекин бундан Ҳраққул енгил тортмади. У оғзи билан энгликиб нафас олар, ҳаво ечишмасди. Кўкраги, боши оғир, юраги гулгиллаб урарди. Пешонасидан тер қуйиларди. Олдиди эса, ҳали узоқ ва тик нишаб турибди. Уйда эса пултсиз хотин кутиб ўтирибди, самовар кўйиб ўтирилганларига қуяйми, кўнглимини толмоқчи... Бирдан чопиб бориб, бу қориндор самоварни бир тегиб, учириб юборгиси келиб кетди. Кейин эса хотинига ташланаб, ўлгудай урса. У ҳаёдан хотинининг дод-фарёдини эшитиб, унинг бахтсиз қисмати тини тасаввур қилиб, хузур қилди.

«Яхши бўлти, — ўйларди у. — Ажаб бўлти. Мен қийналганимда нега у роҳат қилиб ўтириши керак?»

Унинг ҳаёлиларини Мўмин бўлди.

— Мен эсимдан чиқараёзиман, ўғлим, — шоша-пиша хатосини тузатмоққа уриниб Ҳраққулнинг олдига келди. — Мен болгани олгани мактабга боришим керак ахир. Дарслари тугади-ку.

— Хўш, нима бўлти? — атайин ваэмин оҳангда сўз қотди Ҳраққул. — Нима қил дейсан?

— Жаҳлинг чиқмасин, болам. Ёғочни шу ерда қолдирман. Ўзимиз пастга тушамиз. Сен уйингга бориб оқатланасан. Мен шу пайтда отда чопиб мактабга бориб келаман. Болгани олиб қайтаман. Кейин келиб ёғочни олиб кетамиз.

— Шунга ўйлаб топгунча анча бош қотирдингми, чол? — заҳархандалик билан гап қотди Ҳраққул.

— Бола ахир йиғлайди-да.

— Нима бўлти шунга? — қизишди Ҳраққул. Ниҳоят чолин хумордан чиққунча сўкишга баҳона топилди. Кун бўйи Ҳраққул жанжалга баҳона ахтарди, мана энди Мўминнинг ўзи унга баҳона топиб берди. — У йиғлар экан деб биз нимизни ташлаб кетайликми? Эрталаб мактабга олиб бораман, деб бошини қотирдинг. Олиб бординг, яхши. Энди мактабдан олиб келаман дейсан. Мен нима сенга? Е биз майнабовчилик ўйнашимми бу ерда?

— Керати йўқ, ўғлим, — зорланди Мўмин. — Шундай кунда. Менга-ку майли-я, бола кутади-да, шундай кунда йиғлайди-да...

— Нима шундай кунда? Бу қанақа хосиятли кун ўзи! — Бугилар қайтди. Нима керати бор эди шундай кунда...

Ураккул довлдираб, хатто хайратидан жим бўлиб қолди. У тиканли бутталар орасида юмалаб, кўркувдан юрати ёрилаётганда сакратан соялари лип этиб ўтгандай кўзга ташланган бу бугиларни аллақачон унутган эди. Ёғоч билан пастта юмалаганда биргина дақиқада тақдирни ҳал бўлиб кетарди. Унинг бугиларга қарашга ҳам, чолнинг вайсашига кўлоқ солишга ҳам ҳоли кенмай қолганди.

— Сен мени нима деб ўйлагансан?— деди у секин ва жаҳл билан чолнинг юзига пишқириб.— Афсус, соқолинг йўқ, бўлмаса бошқаларни ўзингдан кўра аҳмоқроқ деб ўйламаслигинг учун юлиб ташлардим. Сенинг бугиларингни бошимга урамани. Нимасига яна мен уларни ўйлашим керак экан. Сен мени гап билан чалғитма. Қани тур, ёғочни ушла. То дарёдан олиб ўтмагунимизча, бирон нима ҳақида гинг дема. У ёқда ким мактабга боряпти, ким йиғлапти — менинг ишим йўқ. Бас, энди кетдик...

Мўмин ҳар сафаргидек бўйсунди. У токи ёғоч жойига бормагунча Ураккулнинг кўлидан кутулиб кетолмаслигини билгиб, сукут сақлаганча жон-жаҳди билан ишларди. Қалби туген уриб ётса ҳам, у бошқа бирон сўз котмади. Набираси уни мактаб олдига кутиб турибди; ҳамма боғалар уй-уйига тарқаб кетишган, фақат ёлғиз унинг етим набирасигина йўл пойлаб, бобосини кутмоқда.

Чол барча синфининг боғалари мактабдан қандай ер тепиниб отилиб чиқилини, қандай уй-уйига чоққиллаб кетишини кўз олдига келтирди. Оч қолпшган. Улар йўлдаёқ ўзларига тайёрланган овқатнинг ҳидини сезишди ва қувончга тўлиб, ҳаяжонланиб уйларнинг деразаси остидан чолиб ўтишди. Оналари аллақачон кутиб ўтиришибди. Ҳар бирининг чеҳрасида одамни қувонтирадиган табасум. Она ўзига оғирми, енгилми, болагни учун табасум қилишга ҳар қачон ўзида куч топа олади. Хатто она: «Кўлларинг-чи? Кўлларингни ким ювадир?»— деб ўшқириб турганда ҳам бари бир, унинг кўзларида ўша табасум яширинган бўлади.

Мўминнинг набираси ўқшга тутинган кундан бери кўли сиеҳдан аримай қолди. Бу бобосига хатто ёқиб тушарди: демак йиғичча иш билан машғул. Ана, ҳозир унинг набираси сиеҳти кўллариди шу йил ёзда сотиб олинган портфелини ушлаб йўлда турибди. У, эҳтимол,

кутавериб чарчатган ва энди кўзини ўзмай, отда йўртчиб келаётган бобом дўнгликда кўрниниб қолмасмикан, деб бевозталаниб тургандир. Ахир у ҳамisha ўз вақтида келарди-ку. Бола ҳар сафар мактабдан чиққанида бобоси сал нарида уни тоқатсизлик билан кутиб турарди. Ҳамма уй-уйига тарқаб кетар, у эса бобоси томонга чопарди. «Ана бобом турибди, чоғлик!» дерди бола портфелига. Чоғиб бораётиб ҳаяжонга тўлганча тўхтаб қоларди. Агар ён-вериди ҳеч ким бўлмаса, у бобосига ташланиб, эски уст-бошларининг ва ёғти кўруқ пичанинги ўн кўнгикиб кетган ҳидидан нафас олиб, юзларини унинг қорнига ишқаб кучоқлаб оларди. Уша кунлари бобоси нариги қирғоқдан пичан таширди, қишда қилин қорда у ерта этиб бўладими. Яхшиси кўзда ташиб келтирган маъкул-да. Кейин анча пайтгача Мўминдан чўзгилган пичанинги аққимтил ҳиди келиб юрди.

Бобо богани ўзининг орқасига, отининг сағрисига мингаштириб олар, шу билан у ёқдан-бу ёқдан галлашиб этиб келиб қолганларини сезинмасди. Тоғ тепалигининг икки чўққиси орасидаги пастқамликдан ошиб ўтури Сан-Тошга келишарди.

Боганинги мактабга қаттиқ берилгани бувисининг аччиғини келтирарди. Бола кўзини очган захоти, англи-тали кишиниб, портфелига китоб-дафтарларини соларди. Кечаси ҳам портфелини ёнига қўйиб еришдан бувисининг жаҳли чикарди:

— Бу ярамас портфелга бунча ёпишиб қолдинг? Шу сента хотин бўлиб қолганими, қалинига бизни сотиб ер экансан-да...

Бувисининг гапи боганинги у кулоғидан кириб, бу кулоғидан чиқиб кетар, қолаверса, гап нима ҳақда бораётганини ҳам унча тўшуниб етмасди. Унинг учун энг муҳими — мактабга кечикмаслик эди. У ҳовлига отилиб чиқиб бобосини шоширарди. Фақат мактаб кўзга ташлангандагина тинчланарди.

Бир сафар, улар бари бир кечикиб қолшди. Уттан ҳафтада тонг хиёл ёришганда Мўмин отда нариги қирғоққа йўл олди. Эрталаб барвақт пичанга бир қатнов қилишга қарор қилганди. Ҳаммаси жойида бўлаётган-ди, лекин йўлда пичан сочилиб кетди. Яна ҳамма пичани қайта боғлаб, яна отга ортиш керак эди. Шошиб боғланган пичан қирғоқнинг ўзида яна сочилиб кетди. Набираси эса нариги томонда кутиб турарди. У га-

дир-будур тошнинг устига чиқиб, портфелини силкириб ва қичқириб аллақимни чақирарди. Чол шошар — арқон чагашиб кетган, ечиб бўлмас, кўр туғун тушиб қолган-ди. Бола эса ҳамон қичқиради, шунда чол унинг йиғлаётганини англади. Пичанни ҳам, арқонни ҳам ташлади-да, тезроқ набирасининг олдига етиб бориш учун отга миниб, уни кечувдан ҳайдаб кетди. Дарёдан ўтувчи ҳам анча вақт ўтди: кечувдан ўтши осонмас, суя кўти, оқим тез. Кузда ҳали унча кўрқинчли эмас, ёзда отни чапна ағларди. Мўмин ниҳоят дарёдан ўтиб, набирасининг олдига борганида у ҳўнтраб йиғларди. Бобоенга қарамас, фақат йиғлар ва сўйланарди: «Кечикдим, мактабга кечикдим». Чол отдан энгашиб, болани эгарга кўтариб олди-да, йўртиб кетди. Бу мактаб кўр-кўр яқин орада бўлгандами, боланинг ўзи биз этиб бориб келаварарди. Шунинг учун бутун йўл бўйи тўхтамай йиғлади, чол уни ҳеч нима билан овутолмади. Мактабга ҳам ҳўнтраб йиғлаган ҳолида олиб келди. Дарё бошланиб кетган эди. Тўғри синфга олиб кирди.

Мўмин муаллима олдига қайта-қайта уэр сўраб, бунинг бошқа тақорланмаслигини айтиб сўз берди. Лекин ҳаммасидан ҳам чол кечиккани учун набирасининг кўйиб-пишанини ва зорлагни йиғлаганини кўриб изтироб чекди. «Илоҳим мактабни ҳаминша шундай севинда», — хаёлига келтирди у. Хар ҳолда болапақир нимата бўнчалик йиғлади. Демак, юрагида бир армон бор-да... Ҳозир ҳам, ёғочнинг атрофида чарх уриб, тоғдан тезроқ монига, тоғ бу томонига чопиб ўтар, тоғдан тезроқ настинкака сирғалиб тушсин, ҳеч қаярга илпиниб қолмасин, деб ёғочнинг остига пишанг солғиб, итариб бораркан, Мўминнинг хаёлидан набираси кетмасди — нима бўлди экан-а?

Уразқул эса шоммасди. У отни етказиб борарди. Бу ерда кўп шошиб бўлмади — узун, тик нишабиникдан қиялаб юришга тўғри келди. Лекин унинг гапни инобатга олиб, ёғочни шу ерда қолдириб, кейин келиб олиб кетиш мумкин эмасми? Эҳ, куч-қувват бўлгандами, ёғочни шартта елкасига кўйиб, дарёдан ўтган ва машинага ортиладиган жойга элтиб ташлаган бўларди. Мана-е, олинлар ёғочларингни ва йўқолдинглар. Мўминнинг ўзи бўлса набирасининг олдига отилган бўларди.

Қаёқга дейсиз, булар хом хаёл. Ҳали тошлар ва ша-

рақликлардан юриб қирғоққа етиш, сўнг кечувдан ёғочни от билан судраб нариги томонга олиб ўтиш керак. Отнинг силлаши қуриди — у тоғда қанча паст-бағаландиларга чиқиб тушмади... Ишқилиб, охири баҳаёр бўлсин, агар ёғоч дарё ўртисда тошларга илпиниб, ёки от қоқиниб йиқилиб тушса иш чатоқ?

Улар сувдан кечиб ўтишганди Мўмин бобо дуо қилиб турди: «Ўзинг қўли, Шоҳдор она буғи, илоҳим ёғоч илнимасин, илоҳим от йиқилмасин». Эттиқларни елкасига ташлаб, илтонининг почасини тиззасидан ююри шимариб олган яланг оёқ Мўмин бобо қўлда илтинг билан сувда сузиб бораётган ёғоч ортидан ариган ёғочни улуғларди. Ёғочни оқимга қия қилиб судрашарди. Дарё суви қанча тоза ва тиниқ бўлса, шунча совуқ ҳам эди. Кузнинг сувиди.

Чол бўнга бардош берарди: Майли, оёқ узиниб тушмайди. Ишқилиб, ёғоч тезроқ олиб ўтилса бўлган. Бари бир ёғоч илниниб қолди, аксига олгандай, сертошлик ерга келганда таққа тўхтади. Бундай ҳолларда отга жиндай дам бериб, кейин яхшилаб бир «чу!» дейилса — кучли силтов билан ёғочни тошлар панжасидан тортиб олга бўлади. Лекин отга миниб олган Уразқул толиқиб кучдан кетган жониворни қамчи билан аймай саваланди. От орқа оёқлари билан чўққайиб, сирғалиб, қоқиниб кетар, лекин ёғоч жойидан қўзғалмасди. Чолнинг оёқлари музлаб қолди, кўзи тина бошлади. Боши айланди. Жарлик, жарлик устидаги ўрмон, осмондаги булутлар пастга туша бошлади, дарёга шўнғиб, шўх оқимда сузиб, яна жойига қайтди. Мўминнинг мазаси қоча бошлади. Лаянати ёғоч! У кўриб ётганда эди, бошқа гап эди, сувда ўзи сузиб кетарди. Буни эса ҳозиргина қирқиндил-ю, дарров дарёга судраб тушинди. Ким ахир шундай қилди! Оқибати шу бўлади-да. Уйланмай қилганиннинг охири воли. Қайраёғочни қурисин деб ташлаб келтишга Уразқулнинг раъйи йўқ. Инспекциянинг кўзи тушиб қолса, тақиқланган ўрмондан қимматли дархатларни ўндрликча қирққан, деб акт тузади. Шунинг учун ҳам қирқилган ёғочни шу захотиёқ гумдон қилгани керак.

Уразқул ўқчаси билан отни ниқтар, қамчи билан бошга уради, сўқинар, худди ҳаммаси учун гўё у, Мўмин айбдордек, чолга бақирарди, ёғоч эса жойидан жинимасди, у баттар тошга ўрнашиб борарди. Чолнинг

сабр-тоқаттн тутади. У бутун умрида биринчи марта га-
заб билан овозини бадалдлатди.

— Туш отдан!— у Уразқулнинг ёнига жиддий бориб,
уни эгардан тортди.— Отнинг тортолмаётганлигини
кўрмайсанми? Ҳозирок туш!

Ҳайрон қолган Уразқул жимгина бўйсунди. Эгардан
этини билан тўғри сувга сакради. Худди шу дақиқадан
бошлаб, у гаранг ва кугоғи битиб қолгандай, ўзини
йўқотган эди.

— Қани кел. Кўтардик! Қани ол!— Мўминнинг ко-
мадаси билан улар ёғочни жойидан бир оз кўтариб,
уни тошларнинг сиқувидан бўшатиб нишангнинг устига
индиридилар.

От нақадар ақдли жонивор! У айни шу пайтда тош-
ларга қоқиниб, тойиниб пастромкани тордай таранг
тортиб олдинга силкинди. Лекин ёғоч ўрнидан бир ку-
ғалди-ю, тойиб яна ботиб қолди. От яна бир силкинди
ва ўзини тўтиб қололмай сувга йиқилиб тушиб, тишир-
чилатанча эгар-жабдуғига ўралишиб қолди.

— Отни! Отни кўтар!— Мўмин Уразқулни туртди.
Улар биргаликда отни базўр оёққа турашиб кўйишга
мувассар бўлишди. От совуқдан титрар, аранг сувда ту-
рарди.

— Еч отни!

— Нимага?

— Еч деспман сента. Бошқатдан боғлаймиз. Паст-

ромкани ол.

Яна Уразқул жимгина бўйсунга қолди. Отни ечиб
бўлгач, Мўмин унинг юганини кўлга олди.

— Энди кетдик,— деди у.— Кейин келамиз. От да-
минни олсин.

— Қани, тўхта-чи!— Уразқул чолнинг кўлидан
юганини тортиб олди. У худди уйқудан кўза очгандек бўй-
ди. Бирдан яна асл ҳолига қайтди.

— Сен кимнинг бошини қотириясан. Ҳеч қайёққа
бормайсан. Ёғочни ҳозир чиқарамиз. Кечкурун ёғочга
одамлар келишади. Гап-сўзсиз отни эгарда, эшитип-
санми?

Мўмин жимгина бурилди-да, совуқ қотган оёғи би-
лан оқсаганча саёздап қирроқ томон юрди.

— Қайёққа кетясан, чол? Қайёққа деспман?

— Қайёққа! Қайёққа! Мактабга. Набирам у ерда роса
тушдан бери кутяпти.

— Қани қайт-чи! Қайт!

Чол кугоғ солмади. Уразқул отни дарёда қолдириб,
ёна кам қирроқда, тошлоқ устида Мўминга етиб олди,
ёнаёндан ушлаб ўзига тортди.

Улар юзма-юз туриб қолдишди.

Уразқул эгчиллик билан чолнинг бўйинига осилган
жеки кирга этикни юлиб олди-да, қайноғасининг боши-
га, юз-кўзига икки марта куголчаклаб урди.

— Қани юр!— хириллади Уразқул этикларни бир
чеккага улоқтираркан.

Чол этик олдига бориб, уни хўл кумдан кўтариб,
қаддини ростлаганда лабларидан қон тирқираб оқарди.

— Ярама!— деди Мўмин қонни тупуракан, этикни
оши елкасига илгб.

Бу ҳеч кимнинг сўзини қайтармаган Мўмин чакқон-
нинг сўзи эди. Бу совуқдан кўкарган, эски этикларнинг
оёнасига илган, лаблари қонаб кетган бечора чолнинг
сўзи эди.

— Юр!

Уразқул уни судради. Лекин Мўмин куч билан унинг
кўлидан силганиб чиқди-да, орқасига қарамай жимгина
нарига кетди.

— Хап саними, қари аҳмоқ! Энди кунингни кўрсата-
ман!— Уразқул унинг орқасидан мушгини дўғлайтириб
дочкага қилди.

Чол қайрилиб қарамади. У «ётоқ туязинг олдидаги
бунчага бориб ўтирди, эгитини кийди ва уйига тез юриб
кетди. Ҳеч ерда тўхтамай, тўғри отхонага кирди. У ер-
дан Уразқулнинг дахлсиз, меҳмонга миниладиган, пой-
ида чопадиган, биров эгарлашга ботинолмайдиган бўз
оти — Олабощни етаклаб чиқди. Худди ёғочни чиққандек
Мўмин уни ҳовлидан эгарсиз, узангсиз миниб чиқиб
кетди. У деразалар ёнидан, ҳали ҳам шақиллаб қайтаб
ётган самовар ёнидан от-чоптириб ўтганида ташқарига
отлиб чиққанлар — Мўминнинг хотини, қизи Бекей ва
ёни Гулжамол чолга бир гап бўлганини дарров фаҳм-
лашди. У ҳеч қачон Олабощга минмас ва ҳеч қачон ҳов-
лидан бунчалик шовиллиб чиқмаганди. Бу Мўмин чақ-
қошнинг исёни эканлигини улар ҳали билишмасди. Кек-
садан чонгадиги бу исён уни нималарга гирифтор
қилишини ҳам билишмасди.

Қирроқ томондан эса отни етаклаб Уразқул уйга
қайтарди. От олдинги оёғини оқсаб босарди. Аёллар

жим туриб, унинг ҳовлига яқинлашиб келишга кўз тикиб туришарди. Уразқулнинг куйиғидан нималар келаятганини, у ўша кунни уларга қандай ҳам-аламлар келтираётганини ҳали аёллар ҳаялга ҳам келтиришмасди...

У ҳўл, шағоллаган этикда, ҳўл штогда вазмин ва оғир қаламлар билан улар олдига яқинлашиб, аёлларга гамгин назарда хўмрайиб қарайди. Хотини Бекей безовтаганиб қолди:

— Нима қилди, Уразқул? Нима бўлди? Ҳамма ёрнинг ҳўл бўлиб кетибди-ку. Ероқ оқиб кетдимиз?

— Йўқ, — кўл силтади Уразқул. — Ма.— У юганини Тулжамолга узатди.— Отни отхонага олиб бор.— Шундай деб ўзи эшик томонга юрди.— Юр уйга, — деди у хотинига. Кампир ҳам улар билан бирга бормоқчи эди, Уразқул уни оstonага йўлатмади.

— Сен нари тур, кампир, Сента ҳеч қандай иш йўқ бу ерда. Уйингга бор, хап ўтир.

— Нима бўлди сента?— хафа бўлди кампир.— Бу нимаси? Чолингга нима бўлди? Нима гап?

— Уйинг ўзидан сўра, — жавоб қилди Уразқул. Уйда Бекей эрининг ҳўл уст-бошларини ечиб, унга нўстин берди, самоварни олиб кириб, чой куйишга тутинди.

— Чойни кўй, — қатъий рад қилди Уразқул.— Ароқ бер.

Хотини очилмаган яримталикни олиб, стаканга қуйди.

— Тўлдириб қуй, — бўйруқ қилди Уразқул. Бир стакан ароқни сувдек ичиб юборгач, нўстинга ўралди-да, кигизга чўзиллиб, хотинига деди:

— Қўйдим, сен менинг хотиним эмассан, мен сенинг эринг эмасман. Жўна, бу уйда сенинг наинг қолмасин. Қорангни ҳам кўрсатма. Вақт фаниматда жўнаб қол!

Бекей уҳ тортди, каравотга ўтирди ва ҳар таггидек кўз ёшларини ичига ютиб, секин гапирди:

— Днами?

— Нима, янами?— бўкириб юборди Уразқул.— Йўқол!

Бекей уйдан отилиб чиқди ва ҳар домгидек қўлла-рини бўкиб, ҳовлини бошига кўтариб хўнграб йиғлай бошладди:

— Мен, бахти қаро, бу дунёга нега келган экан-дими...

Бу чоқ Мўмин чол Олабошда набираси олдига йўриб борарди. Олабош — чоққир от. Деким бари бир Мўмин неки соатдан энёдроқ кечикди. У набирасини йўлда уратди. Болани муаллиманинг ўзи уйга олиб келаятганди. Уша муаллима бешинчи йил кияётган, шамол килиб кетган, енглари кўпол, ҳеч ўзгармас палъотсиди. Хорган аёлининг қовоғи солиқ кўринарди. Анчадан бери аюллайвериб кўзлари шишган бола қўлида портфели билан бечора ва хўрланган қиёфада унинг ёнида келарди. Муаллима Мўмин чолни қаттиқ сўроққа олди. Чо-т аса аёлининг олдига отдан тушиб, бошини куйи солиб турарди.

— Агар вақтда келиб олиб кетмайдиган бўлсангиз, — деди муаллима, — болангни мақтабга олиб келманг. Мента шонманг, ўзимда ҳам тўрттаси бор.

Мўмин яна уэр сўради, бундай ҳол бошқа такрорланмайди деб, яна сўз берди.

Муаллима Жилисойга қайтиб кетди, бобо билан на-бирга эса уйга йўл олишди.

Бола отда бобосининг олдига ўтириб жимгина борарди. Чол ҳам унга нима дейишини билмасди.

— Жуда оч қолдингми?— сўради у.

— Йўқ, муаллиманиз нон берди, — жавоб берди на-бирга.

— Негга бўлмаса миқ этмай келгисан?

Бола шунда ҳам гапирмади.

Мўмин гуноҳқорона жимгайдди:

— Оҳ, аразқўй болагинам.— У боланинг фуражжасини олиб, бошидан ўлди ва яна фуражжасини бошига кийгизиб қўйди.

Бола кие ҳам боқмади. Иккаласи ҳам шундай маънос ва жим кетишди. Мўмин жиповини маҳкам тутиб, салт отда бола уриниб қолмасин деб, Олабошнинг бошини бўшатмай борарди. Энди шоншининг ҳам кевати йўқдай эди.

От тезда ундан нима тагаб қилинаётганини пайқайди, ярни йўрғалаб юриб кетди. У ерга нағалини тақидан аяқиб уриб, пишқириб борарди. Шунанга отда қани энди ёнига ўзини хиргойи қилиб кетсанг. Одамнинг ёлғиз-адида куйлайдиган кўчиги озми? Рўёбга чикмай қол-

ган орзулар ҳақида, ўтган умр ҳақида, севган чоғларинг, бошдан кечирган воқеаларинг ҳақида...

Инсон кўнглида армон бўлиб қолган нарселарни эслашни хуш кўради. Аслини олганда инсоннинг ўзи ҳам нимадан армон қилаётганини унчалик тушуниб етмайди. Лекин ҳар замон-ҳар замон шу ҳақда ўйлаб кўйгиси, унинг тағига етгиси келади.

Яхши от — меҳрибон ҳамроҳ...

Мўмин чоғ набирасининг сочи тақир олинган энсасига, ингичка бўйини-ю, шалпанг қулоқларигача қараб ўнмаган ҳаётида буткул иши-ю, меҳнатидан чеккан барча ташвиш ва гамларидан энди фақатгина ёғназ мана шу ҳозирча ноҷор бола қолганини ўйларди. Бобоси уни оёқка турғизишга улгурса яхшику-я. Лекин у ёғназ қолсами — оғир бўлади. Ўзи мушглек-ку, аммо фельдхуйли. Унинг олдидигина, мўминигина бўлгани яхши эди... Ахир ўразқулга ўхшатарлар уни ўлғудай ёмон кўриб, бўрининг тавқибига тушган бунчадай бурда-бурда қилиб ташлайди-ку...

Шунда Мўмин боғинга лип этиб шиттобли соя солиб ўтган ва кўккидан ҳайрат ва шодлик хитоблари отилиб чиқишга сабабчи бўлган ўша бугиларни эслади.

— Ёиласанми ўғлим, нима? Бугилар юртимизга қайтиб келди,— деди Мўмин бобо.

Бола елкаси устидан ялғ этиб қарали:

— Ростми?

— Рост. Ўзим кўрдим. Уч бош.

— Каёқдан келганикин улар?

— Менимча, довол орқасидан. У ерда ҳам ўрмон бор. Ҳозирги куз худди ёздагидай-да, довол очиқ. Шунинг учун бизга меҳмон бўлиб келган.

— Улар биз томонда қоладими?

— Ёкса қолади. Ҳеч ким тегмаса, яшаб юраверади. Озуқа сероб бизда. Бу ерда хоҳла мингта буги боқ. Илгарин вақтларда, Шохдор она буги даврида, бу ерда уларнинг сон-соноғи бўлмаган...

Бу хабарни эшитиб боланинг муздатган кўнгли эриб, хафалиги тарқалганини сезган чоғ яна ўтган замонлар ҳақида, Шохдор она буги ҳақида ҳикоя қилишга тушиб кетди. Ҳозирнинг эртасига ўзи ҳам берилиб кетиб, қани энди бирдан шундай бахтли бўлиб қолсанг-да, бошқага ҳам бахтинингни улашсанг!— деб қолди. Бутун умр шундай яшасанг. Мана шундай, худди ҳозиргидай, худди

ҳозирги сохтагидай. Лекин ҳаёт бундай қурилмаган, наёт билан ёлма-ён наингдан изма-из юрадилган, ҳеч наҳдл аримайдиган бахтсизлик қалбинга, ҳаётингга беманрда дахл қилиб туради. Ҳатто ҳозирги дамда, у набирси билан бахтёр бораётган чоғида ҳам, чолинг қалбидла шодлик билан таниши ёлма-ён турарди: у ёқда ўразқул нима қилди экан? У яна нима шумликин тайибриб турган экан, қанақа зулм? Унга, итбатсизлик қилишга журъат этган чоғга қанақа жазо ўйлаб кўйди экан? Ахир ўразқул бунини шундай қолдирмайди-ку. Бўлмади уни ўразқул дейишмасди-да.

Қизини ва унинг ўзини кутаётган бахтсизлик турғисида ўйламаслик учун Мўмин набирасига бугилар, бу жондорларнинг каромати, марҳамати, гузадлиги ва учқурлиги, худди шуларнинг шарофати билан ҳар қандай бағонни даф қилишлари ҳақида ҳикоя қиларди.

Болага яхши эди. У уйда нима кутаётганлигини билмасди. Унинг кўзи ва қулоқлари енарди. Наҳотки бугилар қайтиб келган бўлса? Демак, ҳаммаси туғри эканди! Бобосининг айтишича, Шохдор она буги одамларнинг ёвузлигини кечирган эмиш ва ўз бодаларига Насиққул тоғларига қайтишга руҳсат этганимиш. Бобоси айтдики, бу ер қандайлигини билгиш учун ҳозирча учта буги келган, агар уларга ёкса, унда ҳамма бунчалар яна патанга қайтади.

— Бобо,— деб бобосининг сўзини бўлди бола,— баг-ин, Шохдор она бугининг ўзи ҳам келгандир? Балки, бугер қандайлигини унинг ўзи кўриб, кейин бодаларини қақирмоқчидир?

— Эҳтимол,— деди Мўмин ишончисизгина. У тутилиб қолди, ўзини ноҳуш сеза бошлади: ортиқча берилиб кетгани афқми, бола унинг сўзларига ортиқча ишониб юборганини йўқми? Лекин Мўмин чоғ набирасини ишончдан қайтаришга уринмади. Бу энди жуда кеч эди.— Ким билди,— елкаларини қисди Мўмин.— Балки, баг-ин, Шохдор она бугининг ўзи ҳам келгандир. Ким билди...

— Ҳозир биламиз-да. Юринг, бува, сиз бугиларни кўргин жойга борамиз,— деди бола.— Мен ҳам бир кўрай.

— Улар ахир бир жойда турмайди-да.

— Биз ниндан борамиз. Уларнинг пайдан узоқ-узоқ-

ларга излаб бораверамиз. Уларга кўзимизнинг қири тушди дегунча, қайтамиз. Шунда, улар одамлар тегмаслигини билдиб олади.

— Гўдаксан-да,— кўлимсради бообо.— Уйга борайлик, ўша ерда матлум бўлади.

Улар қоровулхонага яқинлашиб, уйлар ортидаги сўқмоқдан боришарди. Уйлар орқа томондан — худди елкасини ўтириб турган одамга ўхшарди. У чага уй ҳам пчида нима бўлаётганидан ҳеч бир нишон бермай турарди. Ховли ҳам бўм-бўш ва жимжит. Мўминнинг юрагини ноҳуш ваҳм босди. «Нима юз берган бўлиши мумкин? Уразқул унинг бахтсиз қиз Бекейни урдимикин? Еки маст бўлгунча ичганимикин? Яна қандай фалокат юз берши мумкин? Нега бунча жимбитлик, нега шу маҳалда бўлса, бу машлум ёгонни дарёдан судраб чиқиш керак,— ўйтади Мўмин. — Кўй, шу Уразқулни, яхшиин у билан алоқани ўзиш керак. Билганини қилиб, қолган ҳаммасига тушуриш даркор. Эшакка унинг эшак эканлигини исботлаб беролмайсан-ку».

Мўмин отхонанинг олдига келди.

— Туша қол. Мана, етиб ҳам келдик, — у набирасига ҳаяжонланганини билдирмаслик учун хотиржам гапирди. Бола кўлида портфели билан уйга чолмоқчи бўлганида, Мўмин бообо уни тўхтади: — Тўхта, бирга борамиз.

У Олабошни отхонага боғлаб чиқди-да, болаани қўлидан ушлаб, уйга қараб юрди.

— Менга қара,— деди бообо набирасига,— агар мени сўқнмса, сен кўрқмагин ва у ердаги ҳар хил гапларга аҳамият қилмагин. Бунинг сенга дахли йўқ. Сенинг ишинг мактабга қатнаш.

Бироқ айтганидан ҳеч нима содир бўлмади. Улар уйга келишганда, фақат кампир Мўминга хушламайгина тикилди-да, лабини тишлаб яна ўзининг тикаётган ишга берилди. Мўмин чол ҳам уйга ҳеч нима демасди. У хона ўртасида қовоғини солган ҳолда сертак туриб, кейин қозондан катта қосадаги ун ошнини олиб, нон ва қошиқ келтирди-ю, набираси иккаласи кечиккан тушликка ўтиришди.

Жимгина овқатланишди, буниси эса ҳатто улар томонга қайрилиб ҳам қарамади. Унинг жигар ранг сўглини юзиди газаб тўнгиб қолганди. Бола қандайдир муҳлиш

қилинса содир бўлганини пайқайди. Чол-кампир эса жим юрди.

Болага шундай ваҳимали, шундай ташвишли туюлдики, томоғидан овқат ҳам ўтмай қолди. Овқат устида одамларнинг жим қолиб, ўзларининг аллақандай ёмон иш бўлгани хаёлларига берилишидан ёмони йўқ. «Балки, бунга биз сабабчидирмиз?» — деди бола хаёлида портфелига. Портфель дераза тоқчасида турарди. Бола қолдан портфели билан шивирлаша бошлади:

«Сен ҳеч нима билмайсанми? Вобом нега бунча гапиринг? Унинг гуноҳи нима? Бугун нега у кечикди, нега Олабошни эгарсиз миниб бординг? Ахир ҳеч қачон бундай бўлмаганди-ю. Балки у ўрмонда бўғиларни кўриб қолиб, ушлиниб қолгандир?.. Эҳтимол, ҳеч қандай бўғи йўқдир. Бу ёлғондир? Унда нима? Нега бўлмаса гапирдинг? Агар у бизни алдаган бўлса, Шоҳдор она буги қаттиқ рандинди-ку...»

Мўмин овқатланиб бўлгач, болага секингина деди:

— Сен ховлига чиқавергин, бир иш бор. Менга ердимлашсан. Мен ҳозир чиқаман.

Бола итватқорона чиқиб кетди. У эшикни ёпган замон, бунисининг овози келди:

— Қаякқар!

Ёгонни келтиргани бораман. Боя дарёда тиқилиб қолганди,— жавоб қилди Мўмин.

— Ҳа, пайқаб қолдингми? — қичқирди кампир. — Динига тушди! Сен бориб қизингнинг ҳолини кўр. Уни Кўлжамол уйига олиб кетди. Сенинг туғмас телба қизинг нимага керак энди. Бор, кимга ўхшаб қолганини энди ўзи айтсин. Эри уни уйдан куттирган итдай ҳайдади.

— Ҳўш, нима бўлти, ҳайдаса ҳайдапти-да,— деди қиндиқ устида Мўмин.

— Эҳ, сени қарат Кимсан ўзинг! Қизларингнинг бари оёқ, набиранингни ўқитиб амалдор қилмоқчи бўлсанми? Кутинер. Ўзингни бабога гирифтор қилганинга арависа яки, Тагин Олабошни миниб чопибди. Сени қара-ю! Кўр-палитга қараб оёқ узатганингда эди, ким билан ўйнашаётганингни билардинг... У сенинг бўйинингни сапчадай уюб ташлайди. Сен қачондан бери одамларга гап қай-қоридилган бўлиб қолдинг? Қачондан бери бошир бўлиб қолдинг? Қизингнинг бизникига етаклаб келишини хаёлинг-га ҳам келтирма. Остонага йўлатмайман.

Бола матлос бош эгиб ҳовлида секин-секин юрарди.

Уйдан кампирнинг қичқирини келарди, кейин эшик тараққади ва Мўмин уйдан отилиб чиқди. Чол Сейдахмаднинг уйига йўл олди, йўлда эса унга Гулжамол дуч келди.

— Яхшиен ҳозир эмас, кейин, — деди у чолга. Мўмин бўшашиб тўхтаб қолди.— Йиғлапти, ўрди уш, — пичирлади Гулжамол.— Айтадики, улар энди бирга яшамасмиш. У сизни қарғайпти. Ҳаммасига отам айбдор, деди.

Мўмин чурқ этмади. Нима десин? Энди уни ҳатто ўз қизи ҳам кўришни нстамайди.

— Уракқул ўзиникида пичиб ётди. Ҳайвон ҳайвонлигини қилди-да,— пичирлаб гапирди Гулжамол.

Улар ўй суриб қолишди. Гулжамол ачиниб хўрсинди. — Ҳеч бўлмаса, бизнинг Сейдахмад тезроқ кела қолса эди. Бугун қайтиши керак. Биргалашиб шу ёғочни олиб чиқсадларинг бир бағодан кутулардиларинг.

— Гап ёғочдами?— бошини чайқайди Мўмин. У ўйлаб қолди ва ёнига келиб турган набрасини кўриб, унга: — Бор, сен ўйна, — деди.

Бола нарига кетди. У молхонага кириб, яширган дурбинини олди. Уни артди. «Ишларимиз ёмон,— у дурбинига фалгин сўзлай бошлади. — Бунга биз портфель нискамиз айбдорга ўхшаймиз. Бирон-бир жойда бошқа мактаб бўлганда эди. Биз портфельм билан ўша ёққа ўқишга кетардик. Ҳеч кимта билдирмасдик... Фақат, бобомга қўйин бўлади, қидиради. Сен-чи, дурбин, ким билан оқ кемлага қарайсан? Уйлайсанки, мен баллиқ бўлмайманми? Мана кўрасан. Оқ кемата сузиб бораман...»

Бола пичан фарамнинг орқасига беркиниб, дурбинда атрофга қарай бошлади. Узоқ қараш кўнглига синади. Бошқа вақтда бўлса, қараб кўзинг тўймайди: куз ўрмонларига қолланган тоғлар кўринади, юқори ошпоқ қор, паст ял-ял ёнади, кип-қизил чўғ.

Бола дурбинни жойига қўйиб, саройдан чиқаркан, бобосининг эгар-жабдуқли отни ҳовлидан олиб ўтиб кетаётганини кўриб қолди.

Бола бобосининг олдига чопаман деб турганди, уни Уракқулнинг қичқирини тўхтатди. Уракқул чики кўйлақда, елкасига пусти ташлаган, башараси сигирининг шишган елинидай кип-қизил эди.

— Эи! — дағдаға билан қичқир у Мўминга. — От-

ни қалққа олиб кетяпсан? Қани, жойига киритиб қўй. Кемча олиб чиқамиз. Қўлингга тегиза кўрма. Энди сен бу ерда ҳеч ким эмассан. Мен сени шидан бўшатаман. Ҳоҳлаган томонингга жўна.

Бобо ағамли кўлимсираб отни қайтариб отхонага олиб кирди. Мўмин кўкқисдан беҳад кекайиб ва чўкиб қолгилдек бўлди. У чорини шамиллатиб, атрофга боқиб борарди.

Бола бобоси тортган жабрдан бўғилиб, йиғлаганини ҳеч кимга кўрсатмаслик учун дарё қирғоғи бўйлаб чопиб кетди. Олдидаги сўқмоқни туман босганидан гоҳ кўра илгамас, гоҳ яна оёғи остида кўриниб қоларди. Бола кўра ёшларини оқизиб чопиб борарди. Мана унинг сувоқли харсангларди: «танк», «бўри», «эгар», «ётоқ туя». Бодан уларга ҳеч нима демеди: улар ҳеч нима тушүнмайди, жойида қотиб тургани турган. Бола фақат «ётоқ туя»нинг ўрқачини кучоқлади ва сарғиш тошга энгашиб, иложсиз дарду ҳасрат ўтида ўртаниб хўнграб йиғлади. У йиғлай-йиғлай юратгани бўшатди ва тинчланди.

Охири бошини кўтариб, кўзини артди-да, олдинга қариб доғ қотиб қолди.

Нақ унинг рўпарасида, нариги қирғоқда, сувда учта буён турарди. Ҳақиқий буёнлар. Тирик. Улар сув ичгани келган, энди ташналикни қондирганга ўхшарди. Битвоси — энг катта шохлиси яна сувга бошини эгиб сув емирар экан, сувга гўё шохларини ойнада кўрмоқчи бўлиб тикилаётгандек туюларди. У кўнғир тусли, кўк-рякдор ва кучли эди. Бошини силкитганда юнгли, оқиш дивидан сувга томчилар саҳраб тушди. Эркак бўғи кучоқларини қимирлатиб болага диққат билан разм солди.

Лекин ҳаммасидан ҳам кўра майда шохли, икки бичини дўшайган оқ бўғи болага кўпроқ тикилди. Унинг шохлари калгтароқ, лекин жуда чиройли, худди Шохдор оғи бўғининг ўзгинаси эди. Кўзлари шаҳло, тип-тиник. Уни эса — ҳар йили битгидан қулунлайдиган қоматдор билга ўхшайди. Шохдор она бўғи бу хум калга, шалланг кўлоқ болгани қаерда кўрганини эслаётгандай, унга кўра умай қараб турди. Унинг кўзлари намли ялтириб, узоқдан ёниб турарди. Буридан енгил хоҳур кўтариларди. Унинг ёлгинасида, шохсиз бўғича орқасини ўтпириб қолгани новдасини кемирарди. Унинг ҳеч нима билганини йўқ. Семиз, ғайратли, кувноқ. У бирдан новда ке-

миришин куйди-да, дикирлаб елгаси билан она бүгүнгө тургунинг кетди ва унинг атрофунда үйноктуб, эркадан бошлады. Узунинг шохсиз бошини Шохдор она бүгүннинг бикинига ишкелди. Шохдор она бүгү бугеи хамон болага тикилиб турарди.

Бола нафасини ичуга ютүб, тошлар панасидан чыккан ва худди тушдандай, күүларини ойдунга чүзүб киргоқка, сувинг үзүгө якин келди. Бугилар хеч бир хуркемади, нариги киргоқдан унга бамайлихотип караб турарды.

Уртада, сув остидеги тошлар устидан иргиллаб, теве оқар, кум-күк тиник даре кайнаб окиб етарди. Алар уларни айрыб турган шу даре бугмаганда гүе бугиларнинг ойдунга бориб уларга күүл теккизиш мүмкундиди эди. Бугилар текис, тоза шагал устиде туришарди. Уларнинг оркасында, шагал тутарган жойда эч үрмонунг кузги хазон резиси алгон туска товланарди. Ундан юкору да — жар тепасида каратай ва тог терети ял-ял бивали. Ундан хам юкоруоқка чексиз үрмону тог тизмасындагы оптоқ кор кугага ташлананди.

Бола кугаларини юмди ва яна очди. Куга ойдунда хамон уша манзара, огтин япроқун дарактордан сел берироқка, топ-тоза шагал устиде хамон уша эртаклардагы бугилар турарди.

Мана улар бурнидиде, тизилганча шагалдан үрмон томонга юриб кетди. Ойдунда — катта буги, уртада шохсиз бугича, улар ортунда Шохдор она буги. У кайрилиб, болага яна бир бор караб куйди. Бугилар дарахторга кириб, буталар орадаб кетди. Улар тепасида кизил новдалар чайкалар ва огтин япроқлар уларнинг таранг ва силдик елкасында түкиларди.

Кейин улар сукмоқдан жар томон юкоруига кутарилди ва шу ерда туттади. Болага гүе бугилар яна караб тургандек туюлды. Катта буги бугининг чүзүб ва шохларини оркасында ташлаб худди карнайдай садо солди: «Ба-ба!» Унинг овози жар ва даре устиде узоқ аксе-садо бериб таралди: «А-а!»

Шундагына боланнинг хуши жойнга келди. У оёгини кугага олгоб таниш сукмоқдан унга чоптеб кетди. У жонининг борича чопарди. Ховлидан физиллаб үтиб, эшкениланг очиб, энтикканча, остонадан туриб кичкырды:

— Бобо! Бугилар келди! Бугилар! Улар шу ерда!
Бир бурчакка гамгин ва жимгинга үтирган Мүмшини

бобо унга бир караб куйди-ю, хеч нима демеди, гап нима келди эканлигини аник тушунмади.

— Учир, овозингнине! — дүк килди кампир. — Келсе келбиди-да, хозир улардан хам бошка ташвиш күй.

Бола жимгинга чыкыб кетди. Ховли кимсасиз эди. Куз күеши гира-шира ялангоч тог тизмалары — Корволтор ортунга болди. Күеш хароратсиз куюк шафагы билан тогларини дога рангига буркарды. Муз котган шафақ бу ердан кузга тог чүккүндарига бекарор шууга сочиб турарди. Урмонга гира-шира коронгилдик чүккди.

Иачрини турди. Бола эти увушинб қалтирай бошлады.

VI

Түшакка кирганида хам эти увушини қолмади. Анча-анча ухлай олмади. Ховлига аллақачон коронгилдик чүккөн. Боши зиркирарди. Лекин у миң этмасдан етарди. Унинг орбиб қолганини хеч ким билмасди. Унуттандилар. Бу ерда уни унутмай хам нима қилишени!

Бобо бутунгай тинчинни йүкүтиб куйди. Узини куйрети жой тополмасди. Гоҳ ташкари чыкар, гоҳ ичкери кинир, гоҳо ачинниш билан чуккур нафас олиб үтириб олар, тоно турарди-да, қаертандир кетарди. Кампир бугеи чолла дилки берар ва айни пайтда у хам тинмай гоҳ у ёқка, гоҳ бу ёқка юрар, ховлига чыкар ва яна зум үтмай кайтпо кирарди. Ховлида кандайдыр ноаник, узук-юлук овоз эшитилди, кимнингдир шойилнич оёк шарпаси, кимнингдир сүкниниш кулоқка чагинарди, афтидан, Уразкул яна ерунга бошлаганди, аллаким энтикиб-энттикиб йнгаларди... Бола уринда жимгина етар, барча овоз ва оёк шарпадаридан, уйда ва ховлида юз беретган бутун воқеалардан чарчоги ортар эди.

У кугини юмиб олди. Узунинг елгезилгини, унуттагынын сездирмай, бүгүн күндан берн ору қилиб юрган нафасини күрренини эслай бошлады. У катта даре кироринда турарди. Сув шунчалык тез оқардыки, унга узоқ тикилиб туриш мүмкин эмасди, куга тиниб, бош айланиб кетарди. Даренинг нариги киргоғида эса унга бугилар караб турарди. У кечга якин күрган уша учала буги ховли хам уша жойнда эди. Хамма-хаммасы унинг куз олдунда қайта такоролана бошлады. Шохлари катта эркак буги бошини сувдан кутарганда унинг намли лабларидан яна уша сув томчылары окиб тушди. Шохдор она буги эса, худди у аввал күргани сингари меҳрибонлик би-

дан тикилиб турарди. Унинг кўзлари катта-катта, қора ва намли эди. Бола ҳайратда қолди. Шохдор она буги худди одамларга ўхшаб, худди бобоси сингари гамили ва аянчли хўрсинар эди. Кейин улар бутага орқали дарахзорларга кириб кетди. Бугилар устида қизил новда чайқалар ва олтин япроқлар уларнинг тарап, сийлиқ елкасига учиб тушарди. Улар жар бўйига кўтарилиб, шу ерда тўхтади. Катта буги бўйинини чўзиб, шохларини елкаси оша орқасига ташлаб «Ба-ба!» дея қарнайдай садо солди. Бола унинг овози дарё устида узоқ янграб турганини эслаб, ўзинча жилмайиб кўйди. Шундан кейин бугилар ўрмонга кириб, ғойиб бўлди. Лекин бола улардан ажралишни истамасди, у ўзи истаган нарсаларни яна кўриш учун хаёл сура бошларди.

Яна тезоқар улкан дарё кўзи олдидан шилдат билан оқиб ўта бошларди. Оқим тезлигидан унинг боши айланди. У бир сакради ва дарё устидан учиб ўтди. Ҳамон кумлоқда ётган бугилар яқинига енгил ва оҳиста кўнди. Шохдор она буги уни ёнига чақирди:

— Сен кимнинг боласисан?

Бола ниндамасди. У кимнинг боласи эканлигини айтганига уяларди.

— Биз бобом билан сени жуда яхши кўрамыз, Шохдор она буги. Биз сени анчадан бери қутаётган эдик,— деди.

— Мен ҳам сени билман. Сенинг бобонгни ҳам. У яхши одам,— деди Шохдор она буги.

Бола севиниб кетди. Лекин ўз миннатдорчилигини қандай байн этишни билмасди.

— Истасанг, багликка айланаману, дарё бўйлаб сузаниб Иссиқкўлга, оқ кемага етиб бораман,— деди бола тўсатдан.

У бунинг улдасидан чиқа оларди. Бироқ Шохдор она буги унга ҳеч нима демасди. Шунда бола ечинна бошларди ва худди ёздагидек, дарё ёқасида толнинг шохидан ушлаб, сувга тушди. Сув иссиқ ва димиккан эди. У кўзи очик ҳолда сув тагидан сузиб кетди. Сон-саноксиз олтин кум доначалари майда сув ости ўтлари билан қўшилиб гирдоб ҳосил қиларди. Унинг нафаси бўғида бошларди. Лекин иссиқ оқим эса уни ҳамон олиб кетарди.

— Ёрдам бер. Шохдор она буги, ёрдам бер мента, мен ҳам сенинг фарзандингман, Шохдор она буги!— дея бақирди у.

Шохдор она буги унинг ортидан кирғоқ бўйлаб югурди. У шундай тез югурдики, ҳаво вириллаб кетди.

Бола устидан кўрпани отиб ташлади ва дарҳол енгил торқди. У терлаб-пишган эди. Лекин бундай пайтларда бобоси уни яна яхшироқ ўраб кўйишини эслаб, кўрпата ўралиб олди. Уйда ҳеч ким йўқ эди. Чироқ пилити ёниб турган, шунинг учун ҳам у хонани хиратгина ёритиб турарди. Бола ўрнидан турмоқчи, сув чўмоқни бўлди, лекин ташқаридан қандайдир кескин овоз эшитилди. Кимдир бирорта бақирди, аллаким йнғлади, кимдир уни яна чақирди. Ғала-ғовур, оёқ шарпаси эшитилди. Кейин нақ дераза тагидан ух тортиб икки киши ўтди. Улар бир-бирини етаклаб бораётгандек эди. Эшик тарақлаб очилди, кампир жаҳл билан ҳарсиллаганича Мўмин бобоси уй ичига итариб юборди. Бола бобосининг бунчалик қаттиқ кўрққанлигини ҳеч қачон кўрмаган эди. Афтидан, у ҳеч нарсани англамасди. Чолнинг кўзлари бебаранжом жавдирарди. Кампир уни кўкрагидан итариб, ўтиришга мажбур қилди:

— Утир, ўтир аҳмоқ чол, сўрамаса арадашиб нима қилсан. Биринчи марта шундай бўлпимми уларда. Ҳаммаси яхши бўлсин десанг, тумшугингни сукмай тек ўтир. Нима десам, шунга қил. Эшитяпсанми? У биз билан дуст-дешмоқчи эмас, балки дунёдан бездирмоқчи, тушуняпсанми? Кексайганда, қаерга ҳам борамиз? Қаерга?— кампир шундай деди-ю, эшикни тарақлатиб ёпиб, шопшопича чиқиб кетди.

Уй яна жимиб қолди. Фақат чолнинг хиратлаган уяв-юяв нафас олиши эшитилиб турарди. У ўчоқ ёнида чинқайганча бошини қаттираётган қўллари орасига олиб ўтирарди. Бирдан чол тиз чўкди ва қўлларини чўзиб, кимтадир зорланганча илтижо қила бошларди:

— Ол мени, олиб кет, бу толеи настни! Унга фарзанд ато қил! Унга қарасам юрак-бағрим қон бўлди. Ҳеч бўлмаса битлагина тирноқ ато эт, раҳминг келсин бизга...

Чол йнғлаганича гандираклаб ўрнидан турди-да, дедорни ушлаб бориб, эшикни очди. У ташқари чиқди, эшикни ёлди ва эшик ортида кафти билан овозини бериниб ош-ичидан ўксиниб йнғлади.

Бола ночор аҳволда қолди. У яна қаттирай бошларди. Унинг тоҳ иссиққа, тоҳ совуққа отарди. У турмоқчи, бобоси ёнига бормоқчи бўлди. Лекин қўл-оёқлари унга ичонат қилмас, боши зирқираб оғирди. Чол эшик орқаси-

да юм-юм йиғлар, ҳовлида эса яна бадмаст Ҳразқул ту-
полон кўтарарди, Бекей хола дод-фарса солиб йиғларди
Икки томонни ҳам Гулжамол билан бўви ялғиниб-ёйвориб
тинчитишди.

Бола ўз хаёл дарёсига чўмган эди.

У яна ўша гезоқар дарё ёқасида. Иккинчи соҳилда
шағал устида эса худди ўша бўғилар турибди. Шунда
бола илтижо қилди: «Шоҳдор она бўғи, Бекей холага
шоҳингда бешик олиб кел. Сендан ўғиниб сўрайман, улар-
га бешик олиб кел. Уларда ҳам фарзанд бўлсин», узи
бўлса сув юзасидан Шоҳдор она бўғи томон югуригиб
кетди. У сув юзасидан чопиб борар экан, қулаб тушмас-
ди, шу билан бирга, соҳилга ҳам яқинлашолмасди, худди
бир жойда лепсиниб туриб қолгандек эди. У ҳамма вақт
Шоҳдор она бўғига ялғиниб-ёйворарди. «Сен шоҳингда
бешик олиб кел. Шундай қилгинки, бобомиз йиғламасин,
шундай қилгинки, Ҳразқул амаки Бекей холага урмасин,
шундай қилгинки, уларда фарзанд туғилсин. Мен ҳамма-
ларини севаман, Ҳразқул амакини ҳам севаман, сен унга
фақат фарзанд бер. Уларга шоҳингда бешик олиб кел...»

Болага узоқдан кўнғироқча жаранглагандай эшитил-
ди. У тобора кучлироқ жарангларди. Она бўғи тор бўй-
лаб югурарди, у бешикни — қайндан ясалган кўнғироқ-
чаги бола бешикни бандидан шоҳларига кўтарганча
келтираётган эди. Бешик кўнғироқчасининг жаранги ҳам-
ма ёққа тарала бошлагди. Шоҳдор она бўғи жулда шош-
лаётган эди. Кўнғироқча овози тобора яқинлаша бош-
ладди.

Бу шиманинг овози? Кўнғироқча жарангига моторнинг
узоқдан турриллаган овози жўр бўлди. Қаердадир юк
машинаси келарди. Машинанинг турриллаши тобора ку-
чайиб, аниқроқ эшитиларди, кўнғироқчанинг жаранги
эса, худди ундан чўчигандай узуқ-юлуқ эшитила бошла-
ди, кўп ўтмай эса, уни моторнинг турриллаши бутунлай
босиб кетди.

Бола темирларни шарақлатиб, ҳамма ёқни дарзага
солиб ҳовлига оғир машина келиб тўхтаганини эшитди.
Ит хурганча ташқарига отилди. Дераза ойнасига бир
зум чирок ёруғининг акси тушиб турди-ю, шу заҳо-
тиёқ учди. Айни чоқда моторнинг овози ҳам жимиб қол-
ди. Кабина эшиги тарақлаб ёпилди. Келган кишилар,
афтидан, учовлон бўлса керак, ўзаро гаплашиб, бола ёт-
ган дераза ёнидан ўтиб кетишди.

— Сейдахмад келди, — бирдан Гулжамолнинг ку-
ночили овози янгради, унинг эри томон шошлаетгани
эшитилгиче турарди. — Биз бўлсак кутавериб, тоқатимиз
тоқ бўлди!

— Ассалому алайкум, — жавоб қилишди унга нота-
ни кишилар.

— Хуш, тинч ўтирибсизларми? — сўради Сейдахмад.

— Шукр. Нега мунча кеч?

— Шунисида ҳам шукр. Совхозгача етиб келдим,
буловчи машиналарни кутаман-кутаман, қани кела қол-
са. Хеч бўлмаса Жиглисойгача етиб олсам дейман. Бир
маҳал мана булар ёғоч олиб кетгани бизнинг томони-
мига келишаётгиди, — дея ҳикоя қиларди Сейдахмад. —
Тор оралиғи қоронғи. Йўлни ўзинг биласан...

— Ҳразқул қани? Уйдами? — қизиқиб сўради келган-
лардан бири.

— Уйда, — иккиланиб деди Гулжамол. — Сал тоби
кочибди. Ташвишланманглар. Биэда гунаб қоласиз, жой
бўлса бор. Юринглар.

Улар рози бўлишди. Лекин бир неча қадам босган,
тўхтаб қолишди.

— Ассалом, оқсоқол. Ассалому алайкум, бойбича.

Келганлар Мўмин Собо ва кампир билан саломла-
нишди. Чол билан кампир ҳам уятга қолмаслик учун
уларни ҳовлида кўтиб олишди. Балки Ҳразқул ҳам уя-
лар? Ипқилиб, ўзини ва бошқаларни уятга кўймасин-ди.

Бола бироз тинчланди. Умуман, у ўзини етиги ҳис
эта бошлагди. Боши ҳам унчалик орймаётган эди. Ҳатто
ўрнидан туриб, машинани кўздан кечирмоқчи бўлди: у
қанақа, тўрт егидирақлими ёки олти егидирақлими?
Инчими, эскими? Прицепи қанақа? Утган ёзда уларнинг
уйига ҳатто ҳарбий юк машинаси ҳам келганди — егиди-
рақлари баланд, худди тумшуги кесиб олингандек эди.
Биш солдат шofer болгани кабиюта ўтириётган эди. Қан-
дай яхши! Олтин ранг погонли ҳарбий киши эса Ҳраз-
қул билан бирга ўрмонга тушиб кетишди. Қанақаси бу?
Хеч бунақаси бўлмаганди-ку.

— Сизлар жосуэни излаяпсизми? — сўради бола сол-
датдан. У жимайиб кўйди.

— Ҳа, жосуэни излаяпсиз.

— Бизникида ҳали биронга ҳам жосуэ келгани йўқ, —
деди бола раҳмани.

Солдат кўлиб юборди.

— Нимага керак у сенга?
 — Мен уни нздан кувяб, тугиб олардим.
 — Оббо изкувар-е, ҳали ёшлик қиласан.
 Олтин рангли погонли ҳарбий киши Ураққул билли ўрмонни айланниб юришганда, бола шофер билан гаплашиб олди.
 — Мен ҳамма машиналарни, ҳамма шоферларни яхши кўраман,— деди бола.
 — Нима учун?— қизқиб сўради шофер.
 — Машиналар — яхши, кучли ва тез юради. Улардан ёқимли бензин ҳиди келади. Шоферлар бўлса ёш, уларнинг ҳаммаси ҳам Шоҳдор она бунининг болалари.
 — Нима? Нима?— ташуммади солдат.— Қандай Шоҳдор она?
 — Сен ҳали билмайсанми?
 — Йўқ. Бунақа фаройиботни ҳеч қачон эшитмаганман.
 — Сен ўзинг кимсан?
 — Мен қарагандалик розоқман. Шахтёрлар мактабида ўқитанман.
 — Бунинг сўраётганим йўқ, сен кимнинг фарзандисан?
 — Ота-онамин.
 — Улар кимники?
 — Улар ҳам ота-онасининг фарзандлари.
 — Улар-чи?
 — Эй, отайини, шу зайдда тўхтовсиз савол бериб сурништираверниш мумкинми, ахир.
 — Мен бўлсам Шоҳдор она бунинг фарзандларининг фарзандиман.
 — Бунинг ким айтди сенга?
 — Бобом.
 — Ҳар қалай, тўғри эмас,— солдат иккиганиб, бош чайқади.
 Бу катта бошли, шалпанг кўлоқ боланинг Шоҳдор она бунинг авлоди эканлиги уни қизқитириб қўйди. Солдат ўз авлоди қардан тарқалганини билмаслиги маълум бўлиб қолганлигидангина эмас, ҳатто етти пуштини билмаслигидан бир оз хижолат ҳам тортиди. Солдат фақат ўз отасини, бобосини ва бобокалонини биларди, холос, Бошқалари-чи?
 — Сенга етти ота-боболарнинг номларини эсда тутишни ўргатишмаганми?— деб сўради бола.
 — Ургатишмаган. Нимага керак бу? Мен улар ҳақи-

да ҳеч нимани билмасам ҳам, ҳамма қатори бинийдек ининиман.
 — Бобом, агар одамлар ўз ота-боболарини билмасандир, улар айниб кетади, дейди.
 — Ким айнийдир? Одамларми?
 — Ҳа.
 — Нима учун?
 — Бобом айтдики, унда ҳеч ким ёмон ишлардан ҳайрат қилмайди, чунки болалар ва болаларнинг болалари ҳам уни эсламайди. Шунингдек, ҳеч ким яхши иш ҳам қилмайди. Чунки, бари бир, болалар унинг яхши ишлари ҳақида эсламайди-да.
 — Бобонг қизик экан-ку!— Солдат чиннакам ҳайратда қолди.— Фаройиб. Аммо у сенинг бошининг бўлмагур нарсалар билан тангитиб қўяётганини билмаса керак. Ахир, сенинг бошини катта-ку... Кўлоқларинг ҳам шунча-лик каттаки, худди бизнинг полигонимиздаги локаторларга ўхшайди. Сен унинг тапларини тинглама. Коммунизма боряпмиз, космога учяпмиз, у бўлса сени нимага ўргатыпти? Уни бизга, сиёсий машғулотта олиб боришса борми, бир зумда маълумотли қилиб қўярдики. Сен ўсиб, ўқиб-ўрганниб олганингдан сўнг бобонгдан воз кечиб қўя қол. У нодон, маданиятсиз киши.
 — Йўқ, мен ҳеч қачон бобомни ташлаб кетмайман.— Ўлтироз билдирди бола.— У яхши.
 — Ҳозирча шундай. Кейинроқ тушуниб оласан.
 Ҳозир овозларга кўлоқ солиб турар экан, бола ўша ҳарбий машиналарни эслади. У ўшанда солдатга нима учун бу ердаги шоферлар, айниқса, у билган шоферлар Шоҳдор она бунининг фарзандлари эканлигини яхшиглаб тушуштириб беролмаган эди.
 Бола унга тўғрисиини айтди. Унинг сўзларида ҳеч қандай уйдирма йўқ эди. Утган йили худди шундай куз пилласида, эҳтимол, сал кечроқмиди, пичан олиб кетиш учун тоққа совхоз машиналари келган эди. Улар қоронвулхонанинг ёнидан эмас, балки унга бир оз етмасдан Арчаларга олиб борадиган йўлга бурилди, сўнг юқорилгаб бориб, ёзда ўриб қўйилган пичанлар томон кетишди. Қоровултоғдаги моторларнинг мислига турилташини эшитган бола йўлнинг айрилишига қараб чоңиб кетди. Бирдангина шунча машина! Бирининг кетидан бири тизилдишиб кетган. Бутун бир қолонна. У машиналардан ун бештачасини санади.

Хаво айниб турибди. Бутун-ерта қор ёғиб қолмиш синдики бор. Унда «хайр, хашақлар, келгуси йилгача» деявериш мумкин. Бу жойларда пичанни ўз вақтда ташиб олмасанг, кейин доғда қоласан. Ўтиб келолмайсан бу ерда. Афтидан, совхозда турди хил ишлар кўпайиб, вақтни келиб қолганлиги учун ўриб тайёрлаб қўйилган пичанни бир йўла ташиб келтиришга қарор қилинган эди. Бироқ бола буни билмасди. Тўғриси айтганда, унинг нима иши ҳам бор? У ҳовлиқиб, қувонганидан ҳар бир машинанинг қаршисига чиқди, бир оз ким ўзарга чопишди, сўнг бошқасини қарши ола бошладди. Енгил юриб бораётган юк машиналарининг ҳаммаси яп-янгил каби нагалари чиройли, ойналари эса кенг эди. Кабинада ёш йилгилар ўтиришибди. Уларнинг ҳаммаси бир хилди муртсиз, айрим кабиналарда эса иккитадан ўтиришибди. Бу шерик бўлиб ўтиртанлар пичанни йиғиш ва болаш учун боришаётган эди. Уларнинг ҳаммаси болага чиройли, қувнок, жасур бўлиб туюлди.

Умуман-ку, бола янглишмаганди. Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Машиналар соз эди, улар Қоровултоғдаги шарағли, заранг йўлдан ўтгач, елдай учиб борарди. Бола дарнинг вақти чоғ эди — хаво ҳам ёмон эмасди, бу ерда яна қажқандир пайдо бўлиб қолган шалпанг қулук, катта бошли тирмизак бола ёшлик шўхлиқларини ичига енгдиrolмай қувонганидан ҳар бир машина қаршисига тирдиқапалак бўларди. Бола яна кўпроқ севишини ва шўхлик қилсин учун унинг хатти-ҳаракатларида қулмасдан ҳазил аралаш қўл силкиб, пўниси қилмасдан бўларди...

Энг охирида келаётган юк машинаси хатто тўхтади ҳам, кабинадан потонсиз, ҳарбий фуражкасиз, аммо кенга кийиб олган солдат кийинидаги ёш шофер йилги бошини чиқариб қаради.

— Дўшминсан, нима қилиб юрибсан бу ерда, а? — ошқ юз билан болага кўз қисиб қўйдди у.

— Узим, шундай. — бамайлихотир жавоб берди бола.

— Сен Мўмин бобонинг набираси эмасмисан?

— Ҳа.

— Узим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Мен ҳам Бугибой авлодиданман. Бу бораётган болаларнинг ҳаммаси Бугибой авлодидан. Пичанга борипмиз. Эндиги Бугибой авлодлари бир-бирини биллишмайди ҳам, тарқалишиб кетган... Бобонгга салом айт. Қулибекки, чуқ-

болнинг ўғли Қулибекки кўрдим деб айтгани. Қулибек Армиядан қайтиб келиб, совхозда шофер бўлиб ишлайди экан, дегин Хайр, омон бўл — хайрлашиш олдидан у болага қандайдир ҳарбий значок совға қилди. Жуда радиги. Орденга ўхшаб кетади.

Машина қолгон каби бўкириб шериклари ортидан шимолдай учиб кетди. Нотаҳон болада Бугибой авлодидан бўлган акаси — бу оқ кўнгли, мард йилги билан бирга келиш ишгекни туғилиб қолди. Аммо йўл хувидаиб қолган бўлиб, у уйга қайтишга мажбур бўлди. Қайтаркан, бобосига учрашув ҳақидаги таасуротларини таъбириб берди. Значокни бўлса кўкрагига тақиб олди.

Уша кўни кечқурун осмон тумбази остидаги тизма тоғлардан қаттиқ шамол — Сан-Тош шамоли тура бошладди. У бўронга айланди. Урмон япроқлари кўюндек осмонга учиб чиқиб тобора кўкка ўрлар, гувилаганча тор чўққисиди уйнарди. Зум ўтмай хаво шундай бузилдики, кўз очиб бўлмай қолди. Бирдан қор учқундай бошланди. Ана-мана дегунча ер юзи оқ чойшабга бурканди, ўрмонлар чайқалди, дарё жўш урди. Қор тушди, у бўралиб-бўралиб еғарди.

Бир амаглаб моғларни ҳайдашга, ҳовлидаги у-бу нарсагарни йиғиштиришга, иложи борича уйга мўл ўтти олиб келишга зўрға улгуришди. Кейин эса уйдан чикмай қамалиб олишди. Бундай эрта тушган назирини совуқда ким ҳам эшикка чиқадди дейсиз.

— Бунинг кимга кераги бор? — ҳайратланиб ташвиниланарди Мўмин бобо, ўчоққа ўтти қаларкан. У шамолнинг хуштак чагишига ҳамон қулук тутар, дараза олдига бориб ташқарини кузатарди. Дарча ортида тир айланниб ётаётган қор ҳаш-паш дегунча уюлиб қолган эди.

— Утир ўринингга! — мингиллади буви. — Биринчи марта шундай бўляптими? «Бунинг кимга кераги бор?» эмини. — Тақлид қилиб масхаралади кампир. — қиш қишлигини қилишни керак-да.

— Бир кунда-я... Сендан сўраб ўтирармиди? Вақт-соғти келибди, ёғадиди-да.

Учоқ мўриси увиғлай бошлади. Бола олдин бобосига ҳўжалик ишларида ёрдам бериб, совуққа қотди, бирок ўзини тезда қианшиб ёниб кетгандан сўнг уй ичи исиб қолди. Ҳамма ёқини дуд аралаш қарагай смоласини

Хиди қолгадн. Исниниб олгач, болаиниг ҳам кўнглин жо-
ннга тушди.

Кейин овқатганишди. Сўнг ухлаш учун ўринга ки-
ришди. Ховлида эса қор бўрағалар, шамол уяллардан.

«Ўрмонда балки жуда кўрқинчидир»,— ўйлади бола
ойна ортндаги тўвиллашга кулоқ солиб, у баногоҳ қан-
дайдир англаб олиш қийин бўлган овозларни, шовқин-
суронларни эшитиб, ўзини кўярга жой тополмай қолди.
Кимдир бировни чақирди, кимдир унга жавоб қайтарди.
Дастлаб болага шундай туюлаётгандай бўлди. Шундай
пайтда қоровулхоната ким ҳам келарди? Бирок Мўмин
бобо ва кампир хушёр тортишди.

— Одамлар,— деди кампир.

— Ҳа,— шонқирамай деди чоғ. Кейин безовтагана
бошлади:— Бемаҳалда ким бўлди?— у тезгина кийинга
бошлади.

Кампир ҳам шошиб қолди. Турниб, лампа чироқни
ёқди. Бога ҳам нимадандир чўчиб, турниб кийинди. Бу
орада одамлар уйга яқинлашиб келишди. Ғовур-ғувур,
оёқ товушлари. Номаяълум одамлар қорни фарчилаглиб
босиб, айвонга келганларида оёқларини қоқиб, тақил-
лата бошладилар.

— Оқсоқол, эшикни очинг! Совқотдик!

— Кимсэлалар?

— Узинглизники.

Мўмин эшикни очди. Қорда, нагирини шамолда сов-
қотган кишилар уйга бостириб келишди. Булар кундузи
Арчалара томонга пичан ортшига кетган ўша ёш шофер-
лар эди. Бога уларни дарҳол таниди. Унга ҳарбий зна-
чок тақдим қилган Кулибек ҳам бор эди. Улар бировни
кўнглидан ушлаб олиб киришди. У инградар, оёғини
судраб босарди. Уйда бирдан қий-чув кўтарилди.

— Астафиркулло! Нима бўлди сизларга?— Мўмин
бобо билан кампир баравар ташвишланиб сўрашди.

— Кейин тапириб бераман! У ёқда яна биздан етти
киши келгач. Иўлдан адалинмаса бўлган. Қани, бу
ерга ўтир-чи. Оёғи қайрилиб кетди,— оқсоқ йилглини
печка ённга ўтиривзарқан, тез гапирди Кулибек.

— Қолган одамларингиз қаерда?— шошиб қолди
Мўмин бобо.— Мен ҳозир бориб, уларни бошлаб кела-
ман. Сен эса югур,— деди у болага.— Сейдахмадга айт,
тезлик билан электр фонарини олиб келсин.

Бога уйдан отилиб чиқди ва ховлиққанидан нафаси

бўрига тиқилиб қолди. Ўмириниг охирича у, бу даҳ-
шатли дақиқани эсдан чиқармади. Қандайдир хурпайган,
банаараси совуқ, чинқириб даҳшат солувчи баҳайбат
махлук унинг томоғидан бўғиб олиб силтай бошлади.
Лекин бога ўзини йўқотмади. У даҳшатли чангадан
енгиллаб чиқди ва кўли билан бошини тўсиб химога
килтган Сейдахмаднинг уйига югурди. Ҳаммаси бўлиб
ингирма-ўттиз қадамлик йўл унга худди узоқдек бўлиб
туюлди. Гўё жангчиларга кўмаклашмоқ учун олис ерга
шамолдек елиб бораётгандек эди. Унинг қалби мард-
лик ва жасурлик кўрсатиш иштиёқи билан тўлиб-тош-
ган эди. У назарда ўзини кудратли ва енгилмас кучча
ога экандек ҳис этди, ҳатто. Сейдахмаднинг уйига етиб
борунча ҳам шундай қаҳрамонона ишлар қилишга ул-
турдики, қойил қолмай илож йўқ. У тубсиэ жардиклар
орқали тоғдан-тоққа сакраб ўтди, қилч билан душ-
ман тўдасини яқсон қилди, дарёда чукаётганини, ўлда
куяётганини халос этди, қизил байроғи ҳилпираб турган
реактив қирувчи самолётда дара ва қоялар сари ундан
қочиб бораётган даҳшатли қора махлукни қувди. Унинг
реактив қирувчи самолёти махлук ортидан ўқдек учиб
ўтарди. Бога племетдан ўқ узиб, «фашистларни қир!»
деб қичқирарди. Ҳамма жойда Шохдор она буги уни
қўллаб-қувватлади. Буги ўз фарзанди билан факрла-
нарди. Бога Сейдахмаднинг уй эшигинга келиб етганда,
она буги унга: «Энди менинг боғаларимни, ёш шофер-
ларни кутқариб қол!»— деди. «Мен уларни кутқара-
ман, Шохдор она буги, азбаройи худдо, қасам ичаман!»
деди бога овоз чиқариб ва эшикни қоқа бошлади.

— Тезроқ, Сейдахмад амаки, бизникиларни кутқа-
риб қолайлик, юринг!— У бу сўзларни шундай таъсир-
ли қилиб айтдики, Сейдахмад ва Гўлжамол кўрқудан
жойида турганча туриб қолдишди.

— Кимни кутқариш керак? Нима бўлди?

— Бобом электр фонари билан тезда чоғиб келсин,
совхоздан келган шоферлар йўлда адалшиб қоллишибди,
деб айтгин, дедилар.

— Аҳмоқ,— сўкиб берди уни Сейдахмад.— Шундай
десанг бўлмайдимиз?— У отлашиш учун югуриб кетди.

Лекин бу ҳолат болани ҳеч қанча ранжитмади. Сейд-
ахмад унинг бу ерга келгунча қанчалик жасорат кўр-
сатганини, қасам ичганини қаердан билгисин. Бога шо-
ферларнинг етгалови ҳам Мўмин бобо билан Сейдах-

мад томонидан қоровулхонанинг ёнидан тезда топилиб ўйга олиб келинганда ҳам унчалик ажабланмади. Шундай учрашув содир бўлмагани ҳам мумкин эди-ку! Хатарнинг олди олинса у энгли кўчиши мумкин... Умуман олганда бу адашган кишилар ҳам топилди. Сейдахмад уларни уйига олиб кетди. Хатто Ҳазқулликда тунаш учун ҳам беш киши юборилди.— Уни ҳам уйгоштига тўғри келди. Бошқалари эса Мўмин бобонинг уйига тиклиб қолинди.

Қор бўронни тоғда ҳали ҳам тўхтамаганди. Бола айвонга югуриб чиқди ва дақиқа ўтмай, ўнг ва сўли қайси, бағанд ва пастки қайси, тушуна олмай қолди. Ҳавонинг қовоғи солиқ, тўё доира шаклида айланмаётгандек эди. Қор эса тизза бўйи бўлиб қолганди.

Мўмин бобо совхоз шоферларининг ҳаммаси топилиб, исиниб олгач ва совуқдан, хавф-хатардан қутулиб қўйилгари тинчигач, воқеа тушунарли бўлса ҳам йўлда, қор бўрониди қандай ҳолдса юз берганини секин-асета суриштира бошлади. Йигитлар Ҳикоя қилиб беришди, чол-камшир эса хўрсиниб-хўрсиниб қўйишарди.— Бай, бай-ей,— дея содир бўлган ҳолисадан хайрат-да қолшар ва қўлларини кўксига қўйиб худоятга шукроналар айтишарди.

— Бунчалик енгил кийинмасаларинг-а, боғалар,— ўпкагади камшир несиқ чойдан куяркан.— Тоққа шундай кийим билан келиш мумкинми, ахир. Боғачналарда, бога. Ҳазинга зеб берасиз, шаҳарликлардек бўлай дейсиз. Агар йўл топа олмай эрталабгача қолиб кетгандарингизда борми, худло кўрсатмасин? Нақ муздаб қолардингиз.

— Ким билсин бундай бўлишини,— деб жавоб берди Қулбек.— Иссиқ кийиниш нега керак? Бирон нарсаси бўлса, ичкарида машина иситиб қўяди. Худди уйингиздагидек ўтириб, баранкаши айлантравар. Самолетдачи, мана бу тоғлар у ердан тепачалардек кўринади— борт ташқарисиди кирқ даража совуқ бўлса, ичкарида одамлар кўйлақчан юришаверади.

Бога пўстинга ўралиб шоферлар ўртасида ётарди. У Қулбекнинг ёнига тикилиб олиб катталарнинг суҳбатини бутун вужудли билан тингларди. Бирдан бўрон кўтарилди, бу йигитлар уларнинг уйдан бошпана излашга мажбур қилгандан ҳатто у хурсанд бўлганини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади. У бўрон узоқ кун-

лар, ҳеч бўлмаганда уч кун давом этишини нч-ичидан жуда истарди. Майли, улар шу ерда яшайверсинлар. Улар билан вақт ўтказиш қандай яхши. Қизикарли. Бобоси, афтидан ҳаммасини таниркан. Ўзлариникигина эмас, оталари ва оналарини ҳам биларкан.

— Мана кўрдингми,— бобо набирасига ҳатто бир-оқ гурурлангандек деди,— ўз акаларингни, Бугнбой акаларини кўрдинг. Уларнинг қимлигини билдиб олсан. Қара, қандай улар! Эй, хозирги йигитлар бўйчан бўлиб ўсишяпти-да. Худойим сизларни ўз панохда асра-син. Кирқ иккинчи йил қишда бизни Магнитгорскка кўрилгашга олиб келишгани осимда...

Бобо набирасига яхши таниш бўлган тарихни Ҳикоя қилишга тутғиниб, уларни мамлакатнинг турли бурчакларидан чақирилган меҳнат армиясини бўйга қараб уайиб кетган сафга тортишганида қирғизларнинг дераги ҳаммаси паст бўйли бўлганлиги ва сафнинг охирига тушиб қолганлиги ҳақида сўзлаб берди. Йўқлама ўчиб бўлигандидан сўнг папирос чекишга руҳсат берилди. Сарғилдан келган давангирдек бир йигит келиб, биланди овозда:

— Булар каярлар? Маникурларми ёр— деди.

Уларнинг орасида кекса ўқитувчи ҳам бор эди. У шундай жавоб берди:

— Биз қирғизлармиз. Биз бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда манжурлар билан жанг қилганимизда Магнитгорскдан ном-нишон ҳам йўқ эди. Бўйимиз эса худди сенкидек эди. Урушни тамомлаганимиздан сўнг нана ўсамиз...

Бобо ўша ўтмиш воқеани эста олди. Жилмайиб, қониниқши билан яна бир бор ўзининг тунги меҳмонларига кўз ташлади.

— Уша ўқитувчи тўғри айтган экан. Шаҳарда бўлганимда ёки кўчада келаётиб назар ташлайман: хозирги авлод илгариткига ўхшамай, бўйчан ва кўркам бўлиб етишмоқда.

Тушунган йигитлар секин қулиб қўйишди — чол чақчақлашини яхши кўради.

— Ха, бўйчанмиз, бўйчан,— деди улардан бири.— Машинани бўлса пастликка ағдариб юбордик. Шунча киши бўла туриб кучимиз етмади...

— Хашак юкланган бўлса, бунинг устига яна шундай қор бўрониди удласендан чиқиб бўлармиди,— улар

ни оқлай бошлади Мўмин бобо.— Шунчақаси ҳам бўлади. Худо хоҳласа, эртага ҳаммаси жойида бўлади. Энг муҳими, самол тинсин.

Игитлар бобога юқоридаги, Арчаёси тоғидagi пичанларга машинада қандай етиб боргандларни гапириб беришди. У ерда учта катта пичан фарамни турарди. Уч-да фарамни ҳам бир йўла юклагша киришдилар. Юк-даганда ҳам баланд қилиб, ҳатто томдан ҳам баланд қилиб юклагшди. Кейин юқоридан арқонга осилиб ту-пишга тўғри келди. Шундай қилиб, бирин-кетин ҳамма машиналарга пичан юкланди. Кабина кўринмас, фақат олд ойналар, капот ва филдираклар кўриниб турарди. Келарга келиндими, яна овоза бўлиб юрмасдан ҳамма-сини биратўла олиб кетишмоқчи бўлишганди. Улар ҳозир олиб кетишмаса бу пичанлар келгуси йилгача қо-либ кетишини билардилар. Файрат билан ишладилар. Кимнинг машинаси тайёр бўлса, четга чиқариб қўйиб бошқасига юклагша ёрдамлашар эдилар. Улар қариниб ҳамма хашакни юклагшди, бироқ икки аравачаси қолди, холос. Чекиб олишди, ким кимнинг ортгидан ҳайдашни келишиб олишди ва ҳаммалари бир қолонна бўлиб йўл-га тушишди. Машинани секин-аста ҳайдашди. Қоронги-да тоғдан сирғалиб кетишларига оз қолди. Пичан енгил юк бўлса ҳам олиб бориш қийин, айниқса тор жойларда, буюм йўлларда хавфли.

Улар боришаркан, олдинда нима кутаётганини хаёл-ларига ҳам келтиришмасди.

Улар Арча теналигидан тушиб, дара бўйлаб кети-шарди. Дарадан чиқишда эса кечга яқин бўронга дуч келишди. Қор ура бошлаган эди.

— Шундан бошлаб бирпасда елкалар уяиб қолди,— дея хикоя қила бошлади Қулибек.— Бирдан қоронги-лик босиб шунчақаси самол уриб бердики, нақ бўлмаса қўлингдан баранкани тортиб олгудек эди. Ана-мана дегунча машинани ағдариб юбораётгандек одамни ва-хима босади. Яна бунинг устига йўл шунчақа ёмонки, ҳатто кувдуз кўни ҳам юриш хавфли.

Бола нафасини ичига ютиб, чақноқ кўзларини Қули-бекдан ўзмай жимгина тингларди. Хикоя қилинаётган ўша шамол, ўша қор ойна ортида авжига чиқмоқда эди. Кўпчилик шоферлар ва юк ташувчилар этикларини ҳам ечмай полда ётиб ухлашмоқда. Улар нимани бошидан кечирган бўлсалар, буни қилтириқ бўйинли, катта бош-ли, шалпанг қулоқ бу бола ҳам қайта бошидан кечирди.

Бир неча минутдан сўнг йўл кўринмай қолди. Маши-налар четга чиқиб кетмаслик учун бир-бирининг изидан қолмай нуқул синал берадил. Машина деразаларини ва фараларини қор босди. «Тоғдалгичилар» эса ойнадаги қорни тозаллаб улгура олмасди. Кабинадан бош чиқариб ҳайдашга тўғри келди. Бироқ бу аҳволда қанча ҳам йўл босиш мумкин? Қор бўлса заптига олиб ёғарди! Филд-ираклар оғирлашиб даярли жойидан жинтмасди. Қолонна тикка тепаликка етганда тўхтади. Моторлар ўқирарди — лекин фойдасиз эди... Машиналар тоққа чиқа олмай тоққа тўхтаб қолди. Кабинадан сакраб тушиб бир-бирларга овоз қилганларича бир машинадан иккинчи-сига чопиб ўтгишиб, қолонна бошида тўпланишди. Нима қилиш керак? Гўлхан ёқиш мумкин эмас. Кабинада ўтириглаверса қолган ёниги ҳам ёқиб битирилади. Уезиз ҳам совхозгача аранг етиб бориш мумкин. Кабина исн-тилмаса музлаб қолгилар ҳеч гап эмас. Игитлар нима қилишларини билмай довлариб қолдишди. Ҳамма нарса-га қодир бўлган техника ҳозир оқна. Нима қилиш ке-рак? Кимдир машиналардан бирининг хашагини ағда-риб, ичига кириб ётишни таклиф қилди. Бироқ арқонни бўшатиб биланок хашакдан бир тутам ҳам қолмаслиги ишқ эди: кўз очиб-юмгунча бўрон учуриб келарди. Бу орада машиналар қор уюмига тобора чуқуруроқ кириб боради, филдираклар остидagi қор анча кўтарилгил қолган эди. Игитлар ўзларини бутунлай йўқотиб қўйишди, назираин суюк-суяклардан ўтиб кетди.

— Бир маҳал эсимга тушиб қолди, оқсоқол, — деб хикоя қиларди Қулибек Мўмин бобога.— Биз йўлда Арчаларга кетаётгил мана бу Бугебой авлодидан бўл-ган укамизни учратдик. — У болани кўрсатди ва арқа-даб унинг бошини силди.— Йўлда чопиб юрган экан. Мен уни тўхтатиб саломлашдим. Гаплагилдик. Тўғримин? Нима, ҳали ухлатганинг йўқми? Ойбо, азамат-э!

Бола жимгайиб бош ирағди. Унинг қалби кувонч ва ифтихордан гурчиллаб ураётганини биров билганда эди. Буни игитлар ичиди энг кучлиси, энг ботирли ва энг чиройлиси — Қулибекнинг ўзи гапириб берди. Мана шу-нақа бўлса киши.

Бобо ҳам ўчоққа ўтин ташларкан, уни мақтаб қўйди: — У шунчақа. Гап тинглагилни яхши кўради. Ангра-иниб қулоқ солишини кўряпсанмин?

— Ўша дақиқада у қандай эсимга тушиб қолди, ўзим

Ҳам билмайман, — давом этди Кулибек. — Болагаро деярли бақириб гапирман, овозимни бўлса шамол олиб қочадн. Кейинглар, қоровулхонага етиб олайлик. Бўлма-са, нобул бўламиз дейман. Болалар бўлса қандай етиб борамиз, деб шундоққина юзимга келиб қичқиринишди. Пиёда бориб бўлмайди. Машинани ҳам ташлаб кетиб мумкин эмас. Мен бўлсам кейинглар, машинани итариб доводдан олиб ўтамиз, у ёни қиялик дейман. Сан-Топ-гача етиб борсак бўлганч, у ёнига пиёда бориш ҳам мумкин, ўрмончиларимизнинг уйи яқин қолади дейман. Болалар буни маъқул кўришди. Қани, бошла дейишди. Иш шундай бўлгач... Биринчи машинадан бошладик: «Усмонали, кабинлага чиқ!» Бошқа ҳаммамиз машина ортидан елка тираб итара бошладик. Дастлаб иш юриш-гандек бўлди. Кейин дармонсизланиб қолдик. Орқага чекиниш ҳам мумкин эмас. Биз машинани эмас, бутун тоғни юқорига кўтараятгандек сезардик ўзимзани. Ор-тилган юк ҳам қанақа денг — пичан фарам! Фақат кўчимнинг борича: «Қани! Қани!» деб бақирганим-ни билман, лекин овозимни ўзим ҳам эшитмайман. Шамол, қор — ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Машина худди жони бордек инграб нола қиладн. Машина ҳам, ўзимиз ҳам сўнгги кучни сарфладик. Гуё юрак ёрилиб парча-парча бўлиб учиб кетадиганга ўхшайди. Бош айланадн.

— Бай, бай, бай, — ачинди Мўмин бобо. — Роса қий-палнбсиз-да. Шохдор она буғи ўз фарзандларини пано-худа асрабди. Фалокатдан қутқарибди. Бўлмаса, ким билсин... Эшитсанми? — Ташқарида ҳамон бўрон ку-тиради, бўрагаб қор ёяпти. Болани уйку боса бошладн. У ухламасликка ҳаракат қилса ҳам, бари бир кўзлари юмилиб кетаверди. Уйку аралаш ора-снра чол билан Кулибекнинг суҳбатини тинглар экан, бола содир бўл-ган воқеа билан тасаввуридати манзарани аралаштириб юборди. Гуё ўзини ҳам тоғдаги бўронга дуч келган бу ёш йигитларнинг орасида ҳис қилди.

Унинг кўз олднда оппоқ қор билан қопланган тоғ то-мон юқоригаб кетган йўл гавдаглардн. Қор бўрони юз-ни ачшитиради, кўзга қадагадн. Улар том бўйи пичан ортилган улкан автомашинани юқорига қараб итаришар-дн. Улар довод томон арапт кўтарилишадн. Машина энди бутунлай жилмай қолди, тисарила бошлади, шундан кўрқинчли, шундай қоронғи. Шамол этни жунжжитади.

Бола кўрққаншдан гужанак бўлиб олди, у машинанинг суркага суридилр, янчиб кетшидан чўчирди. Бирок шу пайт каяёқандир Шохдор она буғи пайдо бўлди. У шох-ни машинага тираб уни юқорига олиб чиқишга ёрдам қилди. «Қани, қани, қани!» — деб қичқира бошлади бола. Машина секин-аста силжйи бошладн. Улар довод-га чиқиб олинди, сўнг пастга қараб машинанинг ўзи юриб кета бошладн. Улар шу зайдда иккинчи машина-ни, кейин учинчисини, худлас, кўпгина машиналарни юқорига итариб чиқишди. Ҳар гал ҳам уларга Шохдор она буғи ёрдам қилди. Уни ҳеч ким кўрмасди. Ҳеч ким у билан ёнма-ён турганини билмасди. Бола эса кўриб, олинб турарди. У ҳар гал яложсиз қолган пайтда, куч етмасдан кўрқинчли бўлиб қолган чоғда Шохдор она бу-ғи чошиб келиб шохи билан машинани юқорига суриб чиқаришга ёрдам берганини кўрди. «Қани, қани, қани!» — мадад берарди бола. Ҳар гал ҳам у Кулибекнинг ёнида турди. Кейин Кулибек унга: «Рўлга ўтир» — деди. Бола кабинага чиқди. Машина силжиниб гувиладарди. Рўл-бўла унинг кўлида энгилгина, ўз-ўзидан худди у ёшли-ғида машина қилиб ўйнаган бочка ҳалқачаси сингари айланарди. Бола хижолатдан азият чекарди, рўл ун-га уйинчоқдек бўлиб туюлганди. Бир маҳал машина олошга қараб оға бошладн. У гумбирлаб йиқилди ва парчаланиб кетди. Бола қаттиқ йиғлаб юборди. ЖУ-да муғзам бўлди. Кулибекнинг кўзига қарашга уя-ларди.

— Нима бўлди, а, сенга нима бўлди? — Кулибек уни уйғотди.

Бола кўзини очди. Кўрганларининг ҳаммаси тушида эканлигини англаб қувониб кетди. Кулибек бўлса уни кўлида кўтариб, бағрига босди.

— Туш кўрдингми? Кўрқдингми? Сени қара-ю, яна қаҳрамон эмши! — у боланинг шамолда қотиб ёрилиб кетган лабларидан ўпди. — Кел, мен сени ўрнингга ёт-қизиб кўй, ухлаш керак.

У болани китиз солинган полга, ухлаб ётишган шо-ферлар ўртасига ётқизди ва ўзи ҳам унинг ёнига ётди. Кулибек болани ўзига яқинроқ тортиб, пустигининг ба-ри билан ўраб кўйди.

Эрталаб болани бобо уйғотди.

— Тура қол, — секингина гапирди чол. — Иссиқроқ кийинин. Менга ёрдамлашсан. Тура қол.

Дераза ортда ҳали тонт пардаси кутарилганича йўқ. Уйдагилар ҳали аганашиб, ухлаб ётишарди.

— Ма, китиз этикни кийиб ол,— деди Мўмин бобо. Бободан янги хашак ўнди келиб турарди. Демак, у отларга хашак солиб келган. Бола китиз этикни кийди ва улар ташқари чиқибди. Қор бинойигина ёққан эди. Шамол ҳам тинчиганди. Фақат аҳён-аҳёнда аччиқ ел эсиб турарди.

— Совуқ!— сесканиб тушарди бола.

— Ҳечқисн йўқ. Ҳаво очилганга ўхшайди,— мингирлади чол.— Бунга қара-я! Биринчисидеҳ шунчалик қаҳрига олмасе. Ҳа, майли, фалокаг юз бермади...

Улар кўйхонага киришди. У ерда Мўмин бобонинг бешта кўйи бор эди. Чол қоронғида устунни пайпаслаб топиб чирокни илди ва ёқди. Кўйлар бурилиб қаради-да, бир бурчакка бориб қисилди.

— Бунга ушла, мени ёритиб турасан,— деди чол болага чирокни тутқазаркан.— Қора тўқинни сўямиз. Уй тўла меҳмон. Улар тургунача гўшг тайёр бўлиши керак.

Бола бобосига чирокни тутиб турди. Шамол ҳали ҳам тиркичлардан хуштак чалар, ҳаво совуқ, тунд эди. Чол завадо эшик олдига бир кучоқ тоза пичан олиб келиб ташлади. Бу жойга қора тўқинни етаклаб келди ва уни йиқитиб, оёқларини боғлашдан олдин чўққайиб ўтиргача ҳаёл суриб қолди.

— Чирокни кўй. Сен ҳам ўтир,— деди болага у. Уян бўлса кафтларини очиб шивирлай бошлади.— О, авлодининг катта онаси, Шоҳдор она буғи. Қора кўйни сен учун қурбонликка, сенга сўяётпрман. Хатарли дамларда болагаримизнинг омон бўлиши, авлодимизни оқ сўт бериб боққанинг, саҳий қалбинг, оналик меҳринг учун бу. Бизни довлонларда, тошқин дарёларда, тойғоқ сўқмоқларда ёлғиз кўйма. Бизни ўз еримизда ҳеч вақт ташлаб кетма, биз сенинг фразандларингиз. Омин!

У фотиҳа ўқиб, кўлини юзига тортиди. Бола ҳам худди шундай қилди. Сўнг бобо тўқинни ерга ағдариб, унинг оёқларини боғлади ва ўзининг қадимги оснеча пичоқини қинидан чиқарди. Бола эса уни чироқ билан ёритиб турарди.

Ниҳоят ҳаво тинчиди. Кўеш чок-чокидан ситиллиб сузиб бораётган булутлар орасидан бир-икки марта чўчи-

гандек нигоҳ ташлади. Теварак-атрофда бўронли тундан қолган қинғир-қийишқ қор уюмлари, янчилган буғилар, қор босиб ёй шаклига келган ёш дарахчалар, қулиб ётган эски дарахтлар. Дарё ортидаги ўрмон сукут ёнқлаб, жимгина, мазъосланиб турарди. Дарёнинг ўн қан пасайиб кетгандай соҳиллари қор билан кўпчиб, унчалик шовқин солмай ғамлиг оқарди.

Кўеш ҳам беқарор бўлиб қолган эди — тоҳ кўрининди, тоҳ яширинади. Бироқ ҳеч нима болани қайғуга солиб ташвишланганрмасди. Утган тундаги ташвишлар унутилган эди. Бўрон ҳам эсдан чиқарилган эди, қор бўлса унга ҳалаг бермас, ҳатто завқли эди. У ёқдан-бу ёққа югуриб юрди, оёқ остидан қор парчаларни отилиб чиқарди. Бола шунинг учун ҳам хурсанд эдики, уйи тўла одам эди. Шунинг учун ҳам қувноқ эдики, йилитлар уйқудан туриб, бағанд овоз билан гапиринлар, ҳазиллашиб қулишарди. У яна шундан хурсанд эдики, ўзлари учун пиширитган кўй гўштинини ништаҳа билан ейишарди.

Бу орада кўеш ҳам олинларга муссаффо пур тарқата бошлаганди. Булутлар аста-секин тарқалиб, ҳаво ҳам ялғи бошлади. Бемаҳал ёққан қор, айниқса, йўл ва сўқмоқлардагиси тезда эриб кета бошляди.

Тўғри, шоферлар ва юк ташувчилар кетши учун ҳозирлик кўраётганларинда бола бир оз ҳаяжонланди. Ҳаммалари ҳовлига чиқибди, мезбонлар билан хайрлашарканлар, уй-жой ва нон-туз учун миннатдорчилик билдиришди. Уларни Мўмин бобо билан Сейдахмад отда кузатиб кўйишди. Муздаб қолган моторларни иситиш учун чол отга бир боғлам ўтин, Сейдахмад эса катта бакда суя ортиб олганди.

Ҳаммалари ҳовлидан чиқа бошлашди.

— Ота, мен ҳам бораман, мени ҳам олиб кетинг,— дед бола бобоси ёнига чоққилаб борди.

— Кўрипсан-ку, мен ўтин ортиб олганман, Сейдахмад бўлса бак ортиб олган. Қайси биримиз оламиз сени. Нима бор сенга у ерда? Қорда юриб чарчайсан.

Бола хафа бўлди. Қовоғи осилди. Шунда Қулибек унга:

— Юр, биз билан,— деди ва болани қулидан ушлаб олди,— қайтишда бобонг билан бирга келсан.

Улар Арчадарадан қиялаб ўтишадиган йўл томон кетдилар. Ҳали хийлагина қор бор эди. Бу бақувват

һиғтилар билан биргема-бирге қадам ташлаб борини осон эмасли. Бола тоңка бошлады.

— Қани, елкамга үтпир-чи,— таклиф килди Кулибек. У болани кўлида азот кўтариб, эңчиллик билан елкасига миндириб олди ва уни худди ҳар кунни кўтариб одаглангандек юриб кетди.

— Жуда эвини келтирибсан-ку, Кулибек,— деди у билан ёнма-ён бораётган шофер.

— Урим ука ва сингилларимни кўтариб ўтган,— мактаниб кўйди Кулибек.— Тўнғичи эдим-да. Биз оғлада олти киши бўлиб, онам ҳам, оғам ҳам далада бўлишарди. Энди бўлса синглим боғалик бўлди. Армиядан қайтдим, уйланмаган эдим, ишга ҳам ҳали жойлашганимча йўқ эди. Синглим бизникига кел, сен болага яхши қарайсан дейди. Кўйсанг-чи, дейман, бўлди, энди ўзим-ниқини кўтариб юраман...

Улар шу зайдда турди-туман нарсадар тўғрисида гапириниб боришди. Бола Кулибекнинг бакувват елкасида роҳат қилиб хотиржамгина борарди.

«Менинг ҳам шундай акам бўлсайди,— орзу қиларди бола,— ҳеч кимдан кўрқмасдим. Ҳаққул Кулибекнинг олдидида бобомга бақириб ёки кўл теккизиб кўрсинчи. У Ҳаққулдин дарҳол тинчигиб кўйган бўларди!»

Пичан ортлган машиналар йўл айрилишидан икки километр юқоридида турарди. Қор билан қопланган бу машиналар даладаги қишқи ғарамларга ўхшаб кўринарди. Афтидан, уларни ҳеч ким ҳеч қаерга кўзгата олмайдингандек.

Мана, гулханны ҳам ёқинида. Сувини испитишди. Моторни ўт олдирувчи ручка билан айлангирга бошладилар, моторга жон кирди, аксириб ишлаб кетди. Шундан кейин иш тезлашиб кетди. Навбатдаги ҳар бир машина шатакка олиб юргезилди. Ўт олиб қиздирилган машина қолонна ортидан бориб тизила бошлады.

Ҳамма юк машиналари юртгазилгач, кўшалоқ шатакка олганганча кечаси хандакка тушиб кетган машинани тортиб чиқаришди. Бор одамларнинг ҳаммаси уни йўлга чикариб олиш учун кўмаклашди. Бола ҳам ёрдамлашди. У кимнидир: «Сен нега оёқ остида - пивриб юрибсан, қани, қочиб қол-чи, бу ердан», дейишни кутиб, хавфсизраб турди. Лекин ҳеч ким буидай демеди, уни ҳеч ким қувламади. Балки Кулибек унга ёрдам берипишга руҳсат этгани учун шундай бўлгандир. У бу

орда ҳаммадан кучлиси, уни ҳамма ҳурмат қилди.

Шоферлар яна бир бор хайрлашди. Машиналар кўзгалди. Дастлаб аста-секинлик билан, кейин тезлашиб кетди. Қорга бурканган тоғлар орасидаги йўлдан улар қарвон бўлиб, тизилишиб борарди. Шоҳдор она буғи фарзандларининг фарзандлари кетишди. Улар олдиларида, йўлда кўрнимасдан Шоҳдор она буғи чолиб бораётганини билгилмасди. Боланинг тасаввуринда худди шундай эди. У шиддат билан узун-узун сакраб, қолоннани олға бошлаб борарди. Уларни оғир йўлдан фармокат ва бахтсизликлардан кўриқларди. Ҳар қандай кулдан ва кирғаз халқи ўзининг кўчманчилик ҳаётида узоқ йерлар мобайнида бошидан кечириб келган ҳар қандай бошқа фалокатлардан кўриқларди. Мўмин бобо эрта тонгда қора тўқлини олиб келиб, унга курбон қилганида Шоҳдор она буғидан шугларни сўрамаганини, ахир?

Кетишди. Бола ҳам хаёган улар билан бирга кетди. У кабинада Кулибек билан ёнма-ён ўтириб борарди. «Кулибек ака,— деди бола,— олдидида Шоҳдор она буғи югуриб борипти».—«Йў-э?» «Ростим. Ана у!»

— Нимани ўйлаб қолдинг, нега сержайиб турибсан?— Мўмин бобо уни ўзига келишга мажбур этди.— Мингаш, уйга кетиш керак.— У отдан энгашиб, болага чўзилди ва уни эгарга кўтариб олди.— Совқотдиним?— деди чол ва пустини билан набирасини яхшироқ ўраб кўйди.

Бола ўша кезларда мактабга қатнамасди.

Энди эса, оғир уйқудан аста-секин уйғониб, ташвини тортиб ўйларди: «Эртата мактабга қандай бораман? Ахир менинг тобим қочди-ку, мазам йўқ...» Кейин у унутди. Гўё унга муаллимга доскага ёзган: «От. Ота. Тақа» сўзларини ўз дафтарига кўчириб ёзгандай туюлди. «От. Ота. Тақа. От. Ота. Тақа». Биринчи синф ўқувчиси шу сўзларни ёнб буюн бир дафтарни тўлдирди. У ниҳоят чирчиди, кўзлари жимирлашди, жуда ҳам исён кетди. Устини очиб ташлади ва усти очик ҳолда ёниб совқотди, яна кўз унгида турди нарсалар намён бўлди. Тоҳ у баллиқ бўлиб муздек сувда сузарди. Оқ кема сари борарди. Лекин унга ҳеч етолмасди. Тоҳо қор бўронига дуч келарди. Тоғ йўлининг тикка тепали-

гига келиб пичан орттан автомашиналар нагиринги қор кўлинида таққа тўхтаб қоларди. Машиналар худди одам интраниги сингари интраниди. Лекин улар жойидан қўзғалишмасди. Паррақлар ҳалдан ташқари тезлик билан айланавертганидан лаҳча чўғдек бўлиб кетган эди. Шоҳдор она буги шоҳларини кузовга тираб пичан орттилган машиналарни юқорига филдиратиб чиқарарди. Бола бутун куч-қуввати билан унга ёрдамлашарди. Иссиқ терга ботиб кетди. Бир найт беда фарам болалар бешигига айланаб қолди. Шоҳдор она буги болага: «Тезроқ югурайлик, бешинки Бекей хола билан Ҳразқул амакига элтиб берайлик»,— дедди. Улар югура бошладилар. Бола орқада қолиб кетди. Бироқ олдинда — қоронгликда бешик кўнгироқчаси тинимсиз жарангларди. Бола унинг оҳанрабо жаранги сари чопиб борарди.

У айвонда оёқ шарпаси эшитилиб, эшик очилганда уйғонди. Мўмин бобо ва кампир бир оз тинчлангандек бўлиб қайтиб киришди. Чет кишиларнинг қоронгулихонага келиши, афтидан, Ҳразқул билан Бекей холанинг тинчланганга мажбур этди. Балки Ҳразқул маст-аластликдан чарчаб охири ухлаб қолгандир. Ҳовлида шовкин-сурон, сўқши овозлари эшитилмасди.

Ярим тунга бориб тоғ тепасида ой кўринди. У энг бағанд мўзди чўққилар тепасида хиратгина гардиш ясаб муаллақ турарди. Абдий музликлар билан қонланган тоғ тун қоронгисидан нотекис қирралари билан фарғин юксалиб турарди. Атрофида эса пастки тоғ тизмалари, қоялар, қоп-қора ва жимжит ўрмонзор осойишталик сақлаб турарди. Энг кўнида эса тошдан-тошга урилиб, повуллаганча дарё оқарди.

Деразадан оиннинг нурсиз шўъласи қия тушиб турарди. У болага хагал бераётганди. Бола ағдарилиб, кўзини қисиб олди. Бувинидан пардани тушириб кўйишни сўрамоқчи бўлди. Лекин айтгиси келмади: бувинининг бобосидан жаҳли чиқиб турган эди.

— Аҳмоқ,— пичирлади у тўшаққа қираркан.— Одамлар билан яшани билмаганингдан сўнг жим турсанг бўлмайдимиз? Бошқаларни тинчласанг бўларди. Сен унинг қўлидасан-ку. Майда пул бўлса ҳамки, маош ушандан оқиб келиб турибди-ку! Яна ҳар бир ойда. Моинасиз — сен кимсан? Қариб кўнллмаган чол...

Чол жавоб бермади. Бувни жим бўлиб қолди. Кейин кўтилмаганда бағанд овозда деди:

— Агар кишини ойликдан маҳрум қилгнса, у одам эмас, ҳеч ким эмас.

Чол яна ҳеч нима демеди.

Бола эса ухлай олмасди. Боши орғир, ўйлари чалқиниб кетганди. Мактаб ҳақида ўйлаб ташвишланарди. У ҳали бирон кун ҳам ўқини қолдирмаган эди, энди эртага мактабига — Жилисойга боришмаса қандай бўлишини тасаввур қила олмасди. Бола, борди-ю, Ҳразқул шдан бобосини ҳайдаб юборса, у ҳолда бувини тинчлик бермаслига ҳақида ўйларди. Унда уларнинг аҳволи нима кечадир?

Одамлар нега шундай яшашадир? Нега бировлар қаҳр-тазабни, бировлар мўмин-мўлойим! Нега бахтли ва бахтсизлар бор? Нега шундайлар борки, улардан ҳамма чўчиди, яна шундайлар борки, улардан ҳеч ким ҳайқимайди. Нега бировларнинг бола-чақаси бор, бировларда йўқ? Нега айрим кишилар бошқаларга маош бермасликка ҳалди етганди? Эҳтимол, энг катта моина олвчилар энг яхши кишилардир. Мана, бобоси оз олади, шунинг учун уни ҳамма ранжитади. Э, бобога ҳам кўпроқ моина беришлари учун нима қилиш керак экан-а? Ўйлашанда Ҳразқул чоғни хурмат қила бошлармиди.

Бу ўй-хаёллардан боланинг боши баттар сирқираб оверди. У яна кечта яқин дарё соҳилида кўрган бугьларини эслади. Тунда уларнинг ҳоли не кечдикини? Улар нуқул совуқта, тоғ-тошларда, қоп-қоронги ўрмонларда индики. Бу ниҳоятда кўрқинчли-ку. Бўрилар ҳужум қилиб қолса нима бўлади? Бекей холага сеҳрли бешинки шовхиди ким олиб келди кейин?

У ташвиш арағлаш уйкуга кетди ва ухлаётиб Шоҳдор она бутидан Ҳразқул ва Бекей холага қайиндан негилган бешик олиб келишини ёлмориб сўради: «Улар ҳам фаразд кўришсин, улар ҳам ҳам фаразд кўришсин», деб илтижо қилди. У улоқдан бешик кўнгироқчасининг овозини эшитди. Шоҳдор она буги шовхид сеҳрли бешинки кўнгириб олганча шовиб келарди...

VII

Сеҳрли бола кўла шарпасидан уйғонди. Бобосининг кўнларини совуқ дилдан келганди. Бола бештиёр жун-либди.

— Ё, отанер,— бобо кўфлаб кўнларини иситди, унинг немоинасини етлади, кейин кифтини унинг кўкра-

тига, корнига күйди.—Тобинг қолган шекилли,—ачинди бобо.—Иссинг бор. Мен шунчаки ётибсан деб уйлабман. Мактаб вақти ҳам бўлди.

— Мен ҳозир, ҳозир тураман,—бола бошини кўтарди, шу пайт ҳамма нарса кўз ўнгиде пир айланаб кетди ва кўлқўллари ғувиллади.

— Туришни хаёлинга ҳам келтирма.—Бобо бола-ни ётқизди.—Сен касални мактабга ким олиб боралди? Қани, тилингни кўрсат-чи.

Бола ўзиникини маъқуллагашга уриниб кўрди:

— Муаллима уришди. Дарсни қолдирганини жуда ёмон кўради у...

— Уришмайди. Мен ўзим айтаман. Қани бўл, тилингни кўрсат.

Бобо диққат билан боланинг тили ва томоғини кўрди. Томир уришини узоқ кузатди: бобосининг қора меҳнатда қотиб кетган қаттиқ кўллари боланинг иссиқ, терга ботган кўлларидан томир уришини аранг тутиб олди. Чол ниматадир ишонч ҳосил қилди-да, тинчланиб тирган оҳангда деди:

— Худо меҳрибон. Озгина шамоллабсан, холос. Совуқ ўтган. Бугун тўшақда ётиб тур, уйқунгдан олдин мен сенинг товонинг билан кўкрагинга иссиқ думба ёғи суртиб қўйман. Терлайсан, худо хоҳласа эрталагабача отдек бўлиб кетасан.

Кечтаги воқеаларни ва яна ўзини нималар кутаётганини эслаб, чолни ғам босди, набирасининг тушатида ўтириб хўрсинди ва ўйлаб қолди.

— Худо подшо,—шивирлади хўрсиниб туриб.—Қачон тегди сенга бу касал? Нега айтмай юрдинг? Кеч-курун чонг?

— Кечта яқин. Дарёнинг соҳилида буги кўрганимда. Мен сиз томонга чолдим. Шундан кейин совқотиб кетдим.

Чол нима учундир айбдор оҳангда деди:

— Ҳа, майли... Сен ёт, мен эса борай.

У ўрнидан турди, лекин бола уни тўхтатиб:

— Бобо, ўша Шохдор она бугининг ўзи-а? Худоли сундай оппоқ, кўзлари мана бундай, худди одамга ўхшаб қарайди...

— Тентаккина,—жилмайди Мўмин чол.—Ҳа, сен айтгандек бўла қолсин. Балки, у ўша кароматли она бугидир,—деди у паст овоз билан,—ким билсин? Мен ўйлайманки...

Чол гапини тутата олмади. Эшик олдига кампир пайдо бўлди. У ҳовлидан шовиллиб кирди, ниманидир пайқатган эди.

— Хув анув ёққа бор, чол,—остонадан турниб гапирди кампир. Мўмин бобо шу заҳоти бирдан қўлини чўқиб, бирон ери лат егандек, ачинарли бир ҳолга тушиб қолди.

— У ёқда одамлар ёрочни дарёдан машина билан чиқармоқчи бўлишяпти,—деди кампир.—Сен албатта бор, нима буюришса қил... Воҳ, эсим курсин, сунт ҳали пиширилгани йўқ-ку—кампир хатосини пайқадди-да, илгата ўт ёқиб, идиш-товоқни тарақлатишга тутинди. Чолнинг қовоғи осилди. Унга қандайдир эътироз билдиргиси, ниманидир айтгиси келарди. Лекин кампир оғиз очиргани кўймади.

— Нимага энди туриб қолдинг?—газабга минди кампир.—Нимага ўжарлик қилибсан? Сен билан менга ким кўйибди ўжарликни, бошимга битган бадо бўлдинг-ку. Уларга қарши туришга қандай ҳолинг бор? Ана ўраққулнинг олдига қанақа одамлар келишди. Машиналарим антқа. Органлар бўлди, унга ёрочни тоғматов олди кета олади. Ўраққул эса бизга қиё боқмай кўйди. Мен уни кўндириш учун қанчалик ҳаракат қилмадим. қанчалик ўзимни ерта урмадим. Қизингни ос-тонага йўлатмади. Пуштсиз қизинг Сейдахмадинкида ўтирибди. Кўзлари шишиб кетган. У ҳам сени—миёси ачирган чол деб қарғаяпти...

— Етар энди,—чол чидай олмади ва эшикка йўл олиркан, деди:—қайноқ сунт бер, болагина касал бўлиб қолди.

— Бераман, қайноқ сунт бераман, бор, бора қол, худо хайрини берсин.—У чолни кузатгандан кейин қам ҳаймон жаврарди:—Нимага бундай қилдиқ чиқариб қолди? Ҳеч қачон ҳеч кимга гап қайтармасди, мўмин-қобил, хоксор эди, мана энди бўлса... Тагини ўраққул-нини отига минибди-я, яна чолганига куйибди. Бунинг ҳаммаси сенинг каерингга,—у бола томонга ўқрайиб қарайди.—Ким учун баюга тирифтор бўляпти ўзи...

Қолни болага у жавирилган ер билан қайноқ сунт, оғиб оғибди сунт боланинг дабини куйдирди. Кампир эва уни ағдир, мажбур қиларди:

— Не, несиқроқ не, кўрүм. Шамоллашгани фақат несиқ билан қайдибсан.

Бола куйиб борар, кўзларига ёш қалқиб чиққанди. Кампир ҳам бирдан шафқатлироқ бўлиб қолди:

— Хўп, совут, озроқ совуттин... Мента энди шу етмай турган эди, касалигини шундай пайтга тўғри келганини қарал— хўрсинди у.

Боганинг қачондан бери сийтиси қистарди. У ўриндан туриб бутун баданида аллақандай ғайри табиий, ширин ҳорғинлик сезди. Бироқ кампир буни пайқатган эди:

— Нима, ёзилмоқчимсан?

— Ҳа,— тан олди бола.

— Тўхтаб тур, хозир.

Кампир уйга тоғора олиб келди. Бола ўнғайсизланиб тескари ўғирлигиб жомга чоптирди, сийдагининг бундай сариқ ва қайноқлигига ажабланарди.

Энди у ўзини анча яхши ҳис қилди. Бошининг оғриғи ҳам камайди. Бола тўшакда тинчгина ётар, буви сининг хизматидан миннатдор бўлиб туриб, ҳасёлдан ўтказди: эртата эрталаб соғайиб, албатта мактабга бориши керак. У яна мактабидо яқинда ўзларининг ўрмонида пайдо бўлган уч буғи ҳақида қандай қилиб ҳикоя қилиб беришгача ўйлаб кўйди, яъни буғиларнинг оқ урғочиси — бу ўша Шохдор она буғи, унинг каттагина ва бақувват боласи ҳам бор, улар билан улкан шохли баҳайбат кўнгир буғи ҳам бирга, у жуда кучли бўлиб, Шохдор она буғи ва унинг болаларини бўрилардан кўриқтайди. У яна шулар билан бирга, агар буғилар шу ерда қолиб, ҳеч қаяққа кетиб қолмаса, унда Шохдор она буғи тезда Ураққул амаки билан Бекей холага сеҳрли бешик келтириб беришини ҳам ҳикоя қилишни кўнглига тўтиб кўйган эди.

* * *

Буғилар эса эрталаб сув ичгани тушди. Қисқа куз кўёши тоғ тизмаларининг ярмига кўтарилганда улар коқоридаги ўрмондан чиқиб келди. Кўёш кутарилган сари, пастда тоғлар ораси шунча ёвуғ ва илқ бўлиб борарди. Тунги ғавғодан сўнг ўрмон жонланган, нур ва бўёқлар жилва қилар эди.

Буғилар дарахтлар орасидан ўтиб, офтобруй ялангликларда исиниб, шабнамги баргларини бутоғи билан чимдиб пошмай келарди. Улар ўша тартибда:— олдинда эркак буғи, ўртада буғича ва охирида — икки биқи-

ни дўшпайган Шохдор она буғи. Буғилар кеча Ураққул Мўмин бобо билан даянати қарағай ёғочни дарёга олиб тушган ўша сўқмоқдан келишарди. Судраш натижасида чимзор юзасида қолдирилган бир текисдаги тарамтарам излар тоғли қора тупроқда ҳали ҳам боғли-бойилдек турарди. Бу сўқмоқ кечуяга, ёғоч ташлаб келилган жойга олиб борарди.

Буғилар бу ер сув ичишга ўнғай бўлгани учун шу жойга йўл солди. Ураққул, Сейдахмад ва ёғочга келган икки киши трос билан дарёдан ёғочни судраб чиқиб учун машинани қулайроқ жойга хайдаб келишни кўздан кечириш учун шу томонга келишарди. Мўмин бобо бошини куйи солиб, имирсизлаб орқароқда келарди. У кечта жанжалдан сўнг нима бўлишини, ўзини қандай тучата жанжалдан сўнг нима бўлишини билмасди. Ураққул уни ишга қўядими? Кечалидек, хайдаб солмасмикин? Агар: «Сенга нима бор бу ерда? Айтдим-ку, сен шидан бўшатиб тинсан!» деса-чи. Одамлар олдида сўжиб, уйга жўнатиб юборса-чи? Шубҳалар чолни назиробга солар, у азобда, оранг жон ховўчлаб борарди. Орқадан кампир кузатиб келарди. У тўе шунчаки қизиксинаётгандек эди. Бироқ аслида у чолга соқчилик қилиб борарди. Мўмин чаққонин Ураққул билан яраштиришга, Ураққулнинг кечинишга муяссар бўлиши керак эди.

Ураққул хўжайинчасига гердайиб одамларди. Ҳансиниб, пишиллаб атрофга ўқрайиб назар ташларди. Кўп инганидан боши энқириб оғриб тура ҳам, у ўзида қараскорона қонқиши сезарди. У қайрилиб қаратганда Мўмин бобонинг физиллаб келаётганини кўрди, худди аясиендан қалтак еган садоқатли итнинг ўзгираси. «Ҳеч қисн йўқ, ҳали менинг совушимга кир юлмабсан. Энди сенга қўе ҳам боқмайман. Сен мен учун йўқсан. Сен хали ўзинг оёғимга бош уриб келсан,— ичи қоралик билан қушонди Ураққул, ўтган кеча хотинини тегиб остондан хайдаб чиқарганида хотини оёғи остида қандай даҳшатли овоз билан чиққурганини эслаёткан.— Майли, Мана буларни ёғоч билан жўнатиб, мен ҳали уларнинг кўннин кўрметман, майли, мента деса бир-бири билан танишиб ўлишсин. Энди қисн отасининг кўзани ўяди. Мақуллаганиб кетган, илқ бўри-я?— Ураққул келган киши билан оранинг масофида таллаша бора туриб, йўлдан буғиларни кўздан кўздан ўтказди.

Бу оловини қулатой деб аташарди. У қоп-қора, ба-

қувават киши бўлиб, кўл бўйидан эли, колхозда ҳисобчи-тик қиларди. Уразқулнинг эски қадрони эди. Бундан ўн икки йил аввал Кўкаторй ўзинга уй қурғанди. Уразқул ёғочдан ёрдам қилди. Тахта тилдириши учун йўгон ёғочларни арзонга сотди. Кейин бу одам катта ўғлини уйлантирди, ёшларга ҳам уй қурди. Яна Уразқул уни ёғоч билан таъминлади. Энди Кўкаторй кичик ўғлини айиртанди ва яна қурилиш учун ёғочга муҳтож бўлиб қолди. Яна эски ошна — Уразқул кунига яради. Ҳаёт қанчалик оғир-я. Бирини қиласан — шу билан, ҳа, энди тинч яшайман, деб ўйлайсан. Ҳаёт эса яна ниманидир ўйлаб чиқаради. Шунинг учун ҳам Уразқулга ўхшаган одамларсиз қўлинг ҳеч қаёққа етмайди.

— Худо хоҳласа, теъда уй тўйига тақлиф қиламиз. Боринг, хурсандчилик қиламиз, — деди Кўкаторй Уразқулга. У ўз-ўзидан мағрурланиб, пишиллаганча, напиросни бурқситарди.

— Раҳмат. Айтилган жойдан қолмаймиз, айтмаган жойга бормаймиз. Чақирсанг, бораман-да. Сенкида биринчи меҳмон бўлишим эмас. Мен ҳозир, сен кеч бўлишини кутсанг қалай бўларкин, деб ўйлашман, қоронғида жўнасанг дейман-да! Энг муҳими, совхоз ичидан билдирмай ўтиб кетиш. Агар сезиб қолишса иш чатоқ...

— Бу-ку тўғри-я, — иккиланди Кўкаторй. — Бироқ кеч-гача анча куттиш керак-да. Секин кетаверамиз. Йўл ёқасида постлар йўқ-ку, бизни текшириб кўрсая?.. Фавқулодда, милицияга дуч келиб қолишса, ёки яна бошқа бирорта-синг...

— Ҳа-ҳа, буниси ҳам бор, — тўнтелгилди Уразқул, жингидон қайнашидан ва бош оғриғидан афтини бўжмайтириб. — Юз йил иш билан катнайсан, йўлда битта ҳам итга дуч келмайсан, агар юз йилда бир марта ёғоч орғиб ўтсанг бас, қўлга тушасан. Ҳаминша шундай бўлади...

Ҳар ким ўзинча ўйлаб, жим қолди. Кеча ёғочни дарёга ташлаб кетишга тўғри келгани Уразқулга қаттиқ алам қилди. Агар ёғоч тайёр бўлганидами, тундаёқ ортинб бўлгиларди-да, тонг саҳарда машинани жўнатиб юборарди... Эҳ, кеча фалокатни сотиб олди-я. Бунинг ҳаммаси қари жинни мўминнинг касрига бўлди, гадаён кўтармоққа қарор қилди. Қарамликдан, бўйсуннишдан кутулмоқчи бўлди. Хўп, кўраминг! Ҳаммаси ҳам майдин-я, аммо бу ниятингга осонликча эриша олмайсан... Одамлар дарёнинг қарама-қарши қирғоғига келиш-

ганда бўғилар сув ичарди. Ғалати зот бу одамлар — қонлиқма, гага-говурли. Ўз ишлари ва суҳбатлари билан банд бўлиб, қаршиларида — дарёнинг нариги ёғида турган жониворларни сезишмади.

Бўғилар дарё бўйидаги ерталабки шафақ рангли бўғилар орасида, топ-тоза майда шағалли қирғоқда туپиқ-қоча сувага ботиб турарди. Улар шоммасдан, тўхтаб-тўхтаб, култум-култум сув ичарди. Сув муздек эди. Кўештаб, тепадан тобора ёқимли қизитарди. Ташналикни қон-ея тепадан офтобдан хузур қиларди. Йўлда шох-бўтоқлардан тўкилган куюқ шабнам елкаларида қурирди. Бўғилар елкасида енгил ховур кўтарилганди. Овойиш-ти ва сахий эди шу кун эртаси.

Одамлар эса шунда ҳам бўғиларни сезишмади. Улардан бири машинага қайтди, бошқалари эса қирғоқда қолди. Бўғилар қулоқларини қимирлатиб, аҳён-аҳён уларча етиб келган овозларни хушёр тинглаб турди ва қирғоқнинг у юзида принцени автомашина пайло бўлганда эгилари жунжикниб, қотиб қолди. Машина гувилаб ҳайқиради. Бўғилар безовтаганиб кетишга чорланди. Лекин машина бирдан тўхтаб қолди, гувилаш ҳам босилди. Жониворлар секинлади. Ҳар ҳолда улар секин-секин жойларидан кўзгалаверди — одамлар нариги қирғоқда бақиритиб гаплаганишар ва шошилгинч ривинда ҳаракат қилишарди.

Бўғилар майда тошлоқдаги сўкмоқчадан секингина жўнашди, уларнинг елкалари, шохлари ва ҳаракатлари ҳам бутгалар орасидан кўриниб турарди. Одамлар шундан ҳам уларни пайқашмади. Фақатгина бўғилар очиқ илангилкадаги сел ювиб кетган қуруқ қумни кесиб ўтаётганида, бинафша ранг қум устида, офтобнинг равшан нурида, одамлар уларни кўриб турли ҳолатда оғиз очганча анграйиб қолди.

— Қара, қара, нима ул — биринчи бўлиб қичқирди Сейдахмад. — Бўғилар! Қаёқдан келиб қолди бу ерға?

— Нега қичқирасан, нега тўполон кўтарасан! Қаёқдан келиб бўлди, кийик-ку улар. Биз уларни нақасига сента бўғи бўлади, кийик-ку улар. Биз уларни кеча ҳам кўрган эдик, — бепарво гапирди Уразқул. — Қаёқдан келиб эмиш. Келди-да, келадиган бўлиб қолди. — Вай, бай, бай! — завқланиб кетди Кўкаторй ва навиқидан томоғини бўғиб турган кўйлақ ёқасининг тутмаларини бўшатди. — Силлиқлигини қаранг-а, — деди у мифтун бўлиб, — семирбиди...

— Урочисини қаранг, қанака! Қадам ташлашини кўринг, — деди шофер, кўзларини чақчайтириб. — Воҳ худо, икки ёшли уроччи болагси. Биринчи марта кўришим.

— Эркаги-чи! Шоҳларини кўр! Қандай кўтариб юртаникин? Улар ҳеч нимадан кўрқимайди. Қаяқдан келиб қолди булар, Уразқул? — тўнча кўзларини чаққатиб, нафс бағосида сурштиришга тушди Кўкатой.

— Урмондан чоғи, — жавоб қилди Уразқул виқор билан, эгалик обрўсини ҳис қилган ҳолда. — Довоннинг орқасидан келган, нариги томондан. Чўчимайди. Чуяки хурқитилмаган.

— Эҳ, милтиқ бўлгандами ҳозир! — оғзига келганини гапирди Сейдахмад. — Ун пул тўшт қилармиди, а? Шу дамгача кўрқиб-писиб бир чеккада турган Мўминнинг сабри чндамади:

— Нима дедисан, Сейдахмад. Уларни овлаш таққиқланган, — деди секингина.

Уразқул қош-қовонини уйиб, чолга кўз қирини ташлаб кўйди. «Менинг олдимда овозингни чикаряпсанми?» — нафрат билан хаёдан ўтказди у. Уни сўққиси ва бир уриб ўлдириб кўя қолгиси келди, лекин ўзини тийди. Ҳар ҳолда берона одамлар бор.

— Бефойда ўргатшининг кераги йўқ, — жаҳл билан сўз қотди у Мўминга қараман. — Улар яшайдиган жойда овлаш таққиқланган. Бизда эса улар яшамайди. Биз бўлсак улар учун жавоб бермаймиз. Тушунарлими? — У ўзини йўқотиб кўйган чолга важоҳат билан қаради. — Тушунарли, — итоаткорона жавоб қилди Мўмин ва бош эгтанча четга чиқди. Кампир яна яширинча унинг кўлига турди.

— Жим бўлсанг-чи, — тавна билан шивирлади у. Ҳамма қандайдир хижолатда қолгандай ерга қараб турарди.

Яна сўқмоқ орқали жўнаб кетаётган жониворлар орқасидан кузатишга тушинди. Бунлар қояга кетмакет кўтарилиб борарди. Олдинда кўнпир эркак буғи ўзининг кўдратли шоҳларини мағрур тутиб борар, унинг орқасидан шохсиз буғича ва намойишга эргашиб Шохдор она буғи борарди. Қирдан сижиб тушган тулрокнинг тиниқ кўйинида буғилар равшан ва латиф кўза ташланарди. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қадами яққол кўриниб турарди.

— Эҳ, қандай гўзаллик! — шодлигини пичга сивадра

олмади шофер. Бу соққакўз ёш йитит кўринишдан жуда ёш эди. — Афсус, фотолапшаратни олволганнимда зўр иш бўларди-я.

— Хўп майли, гўзаллигини кўя тур, — унинг сўзини бўлди порозилик билан Уразқул. — Ҳеч нарсага арзимайди. Гўзалликка қорини тўрмиди. Қани бўл, машинани орқаси билан қиргоққа ҳайда, тўғри сувга, ёни билан илбатта. Сен эса, Сейдахмад, оёгингни еч, — ўз хўкминдан чида лаззатланарди у. — Сен ҳам, — шоферга буйруқ қилди у. — Бўйинлар, ёғочни троستا боғланглар. Қани илдамроқ. Ҳали иш кўп.

Сейдахмад эгикни ечишга тутинди. Этиги унга кичикроқ эди.

— Нимага қараб турибсан, ёрдамлаш унга, — чолни секингина туртиб кўйди кампир. — Ўзинг ҳам еч этитингни, сувга туш, — ғазабли пичирлади у.

Мўмин бобо Сейдахмаднинг этигини тортди, ўзининикини ҳам бир зумда ечиб бўлди. Шу пайтда Уразқул билан Кўкатой машинага команда беринарди:

— Бу ёққа ҳайда, у ёққа ҳайда.

— Чапга озроқ, чапга. Мана шундай.

— Яна озгина.

Машинанинг кўниккилмаган ҳайқиринини эшитиб, бутилар сўқмоқда қадамини тезлатди. Олазарак назар ташлаб, жарликдан сакраб ўтди ва қарагайлар орасига яширинди.

— О, гойиб бўлди! — хатосини бирдан англаб қолди Кўкатой. У шундай афсус билан эгтиккардики, худди кўлидаги ўлжасидан айрилгандай эди.

— Ҳечқиси йўқ, ҳеч қаяққа кетмайди улар! — унинг хаёлидагини топиб ва буғидан хурсанд бўлиб Уразқул керилиб кўйди. — Бугун кечгача жўнамайсан, менинг меҳмоним бўласан. Ҳудонинг ўзи кам қилмасин. Иззат-хурмат билан мен сени меҳмон қиламан. — У хахоллаб туриб ошнасининг елкасига уриб кўйди. Уразқул хушчақчақ ҳам бўла оларди.

— Хўп, сен айтганча бўла қолсин, сен меҳмон, мен меҳмон, — кўна қолди азамат Кўкатой, илжаркан йўтон сариқ тишларини кўрсатиб.

Машина аллақачон орқа гилдирақларининг ярмигича сувга ботиб қирғоқда турарди. Чуқурроқ кириб боришга шофернинг юраги дов бермади. Энди троссини ётоқта олиб бориш қолган эди. Агар трос калталик қил-

масас, ёғочни сув остигачи тошларнинг асирлигиндан тортиб олиш унчалик қийинчилик туғдирмасди.

Трос пўлатдан — узун ва оғир. Уни сув чиндан ёточга тортиб бориш керак. Шофер исгамайгина этигини еча бошгади, чўчинқириб сувга қараб қўйди. У ҳали қатъий қарорга келолганча йўқ: сувга этик билан тушшига аризмкинни ёки яхшиси ечасамкин. «Яланг оёқ бўлганим маъқул шекилди,— ўйгади у.— Бари бир сув кўнжимдан ошиб кетади. Чўқурилиги сал кам сонга кетади. Кейин кун бўйи ҳўл этикда юриш осонми». Лекин у шу билан бирга ҳозир дарёда сув қанчалик совуқ бўлишини ҳам ўзича тасаввур қилди. Бу ҳолдан Мўмин бообо фойдаланиб қолди.

— Сен ечинма, ўғлим,— отилиб келди унинг олди-га.— Биз Сейдахмад билан ўзимиз тушамиз.

— Э, кўяверинг, аризмайди, оқсоқол,— қаршилик қилди уялиб кетган шофер.

— Сен меҳмонсан, биз шу ернинг одамимиз, сен рулга ўтир,— кўндирди Мўмин бообо уни.

Сейдахмад билан икки киши пўлат тросни ўрамадан бўшатиб сувнинг ичига кўтариб киришганда Сейдахмад додлаб, болохонали қилиб сўқинди:

— Ух, ух, сув эмас, муз!

Ўразқул билан Қўқатой мурувватли кулишниб, уни ғайратлантиришди:

— Чиди, чиди! Сени исгадиган нарса топамиз!

Мўмин бообо эса чурқ этмасди. У ҳатто муздай совуқни сезмади. Кўзага кўп ташланмаслик учун бошини елкалари ичига тортиб, сирфанчқ сув ости тошлари устидан яланг оёқ бораркан, худудан ёлғиз бир нимани сўрарди — ишқилиб, Ўразқул уни қайтармасин, ишқилиб, қувиб юбормасин, ишқилиб, одамлар олдида ҳақорат қилмасин, бу аҳмоқ бахти қаро чоғни кечирсин.

Ўразқул ҳеч нима демади. У Мўминни одам ўрнида кўрмаганидан тўё унинг ғайратига ҳам эътибор қилмагандай эди. Қалбда эса тантанавор ҳис сезар, ахир ҳар қандай бўлмасин пёнкор чоғни бўйсеулдирди-ку. Қандайдир ичи қоралик билан кулди Ўразқул ўзича.— Эмакдаб, оёғимга ишқилинг-ку. Эх, каттароқ амалдор бўлганимдами, бундан ҳам каттароқларнинг шохини қайириб кўярдим. Шунақаларни тиз чўқтириб, тупроқда эмаклатириб қўймасдим. Мента ҳеч бўлмаса колхозини ёки совхозини беришса экан. Тартибга солиб

қўйган бўлардим. Одамларни нздан чиқариб юборишди. Энди эса ўзлари воҳ, раниси хўрмат қилишмаётир, директорни хўрмат қилишмаётир деб шикоят қилишди. Қандайдир чўпон ҳам бошлиқ билан худди тенгдек гаплашди. Сатқан амал кет, аҳмоқлари! Улар билан шунақа муомала қилиб ўтириш керакми? Замонлар бўлган-ку, ахир, бошлар учиб кетган, ҳеч ким чурқ этмаган. Аксинча, кўпроқ яхши кўришган, кўпроқ кўйлашган. Мана бу хўп замон бўлган-да! Энди-чи? Ярамасларнинг энг ярамаси ҳисобланган мана шу чол ҳам дабдурустдан гап қайтаришни ўйлаб тонди. «Хўш, хўш, эмакда, оёғим остида, эмакда»,— бадхоҳлик билан кулди Ўразқул, ҳар замон-ҳар замонда Мўминни чол томонга қараб кўяркан.

У эса, муздай сувда хаёлга чўминб, томирлари тортишиб, Сейдахмад билан бирга тросни кўтариб бораркан, Ўразқул мени кечирган кўринади, деб мамнун бўларди. «Сен энди мен қари чоғни кечир, шундай бўлиб чиққан учун,— хаёдан Ўразқулга мурожаат қиларди у.— Кеча чидай олмадим. Мактабга набирам олдига от чоптириб кетдим. Ахир у ёлғиз, мана шунинг учун ҳам ичинг ачиди-да. Мана бутун эса, у мактабга ҳам бормади. Тоби қочибди нимагадир. Эсингдан чиқар, кечиргин. Ахир сен ҳам мента бегона эмассан-ку. Ўйлайсанки, мен сента ва қизимга бахтни раво кўрмайманми? Худо берса қани, набираминг ингалатганини эшитсам— худо урсин, бахтимдан кўзимга ёш келарди. Фақат сен хафа қилма қизимни, кечир мени. Агар ишлаш бўлса, токи танимда жоним бор экан, ишлаганим бўлсин. Ҳамма ишни қиламан. Сен фақат буворсан, бас...»

Кампир қирғоқнинг бир бурчида тикка туриб, ўзининг имо-нишоралари ва бутун ҳаракатлари билан чоғга: «Харакат қилгин, чоғ! Кўрдингми, у сени кечирди. Менинг айтганимни қилавер, ҳаммаси жойинга тушади», дерди.

* * *

Бола ухларди. У бир мартагина аллақерданлар остида милтиқ овозидан уйғониб кетди ва яна уйкута чумди. Кечати машаққатли уйқусизлик ва беморликдан сўнг бутун у бирмунча тиш ва мириқиб ухларди. У уйқуда экан, иситма аралаш бадан қақшоғи азобини

тортмай, оёқларини эркин узатиб тўшакда ётиб дам олишининг нақадар роҳат эканлигини ҳис этди. Агар буви си билан Бекей хола бўлмаганда у шу ухлаганча ухлаб ётаверарди. Улар овоз чиқармай гаплашишга ҳаракат қилишсада, идиш-товоқларнинг шақир-шукуридан бола уйғониб кетди.

— Мана бу катта косани ушлагин-да, овқат олгин, — деб жонланиб гапирди кампир нариги хонада. — Мен эса чечлак билан элакни олиб келай. Вой белгим, мадорим кўриб кетипти. Озмунча иш қилдикми? Худого шукур, жуда хурсандман.

— Эҳ, бувижон нимасини айтасиз, мен ҳам шунчалик хурсандманки, кеча шундайм жонимдан тўйиб кетгандим. Агар Гулжамол бўлгандада ўзинини ўзим ўлдирардим, — деди Бекей.

— У ҳақда уни-бунни деб юрассан яна, — тинчитиб кўйдн кампир. — Қадимирни олдингми? Кетдик. Сенинг тинчилинг учун худонинг ўзи ёрдам қилини чўздн. Кетдик, кетдик.

Уйдан чиқаетиб бўсағада Бекей хола кампирдан бола тўғрисида сўради:

— У ҳамон ухляптимми?

— Майли, ухлаб тура қолсин, — жавоб берди кампир.

— Шўрва тайёр бўлганда нисикқўна келтириб берамиз.

Бола ортиқ ухлай олмади. Ховлидан оёқ товушлари ва одамларнинг гаплашгани эшитилиб турарди. Бекей хола кулиб юборди. Гулжамол ва кампир ҳам унга қўшилиб кулди. Қандайдир нотаниш овозлар кулоққа чагинди. «Ҳа, булар, хойнахой кеча оқшом келган одамлар, — деб уйлади бола. — Демак, улар ҳали кетишмабди-да». Фақат бобоси Мўмингина кўринмасди, овози ҳам эшитилмасди. У қаёқда экан? Нима қилипти экан?

Бола ташқаридаги овозларга кулоқ солиб, бобосини кутиб ётди. У бобоси билан кечали кўрган буги ҳақида жуда гаплашгани келарди. Ҳалемай киш киради. Улар учун ҳам ўрмонда кўпроқ ем-хашак ҳозирлаш керак. Еб яйрасин. Уларни шундай ўргатиш керакки, одамлардан ҳеч кўрқмайдиган, тўппа-тўғри дарёдан ўтиб ҳовлига келаверадиган бўлсин. Бу ерда ҳам уларга шундай хўрак бериш керакки, улар учун бу жуда тансиқ бўлсин. Қизик, улар ҳаммадан кўра нимани яхши кўришар

экан-а? Урғочи буги боласини ўргатиб олсанг-да, у дони орқангдан қолмай эргашиб юрса. Қандай ажойиб бўларди. Сен билан мактабга ҳам бирга бориб келган бўлардингми?..

Бола бобосини кутарди, лекин ундан дарақ йўқ. Бир вақт Сейдахмад келиб қолди. У нимадандир жуда мамнун. Ози кулоғида эди. Сейдахмад қалласини чайқаб ўз-ўзинга илжарди. У яқинроқ келганда димендан спирт ҳиди анқиб кетди. Бола ўразқулнинг ўзбошимчачилиklarини, бобоси ва Бекей холаининг азоб чекишларини эслаувчи бу бадбўй ҳидни жуда ёмон кўрарди. Лекин Сейдахмад нчанда ақлий жиҳатдан унча хўшёр бўлмаса ҳам жуда сахий, мулоийим ва киши қалбига озор бермайдиган ҳазил-мутўйинбалари билан ўразқулдан фарқ қиларди. Бундай вақтларда у билан бобоси Мўмин ўрғисида тахминан шундай суҳбат кетарди.

— Нета бунча тентакларга ўхшаб кулгасан Сейдахмад? Кайфинг тарақми дейман?

— Оқсоқол, мен сизни шундай севаманки. Ростини айтсам, худди ўз отамдек.

— Э-э, сени қара-ю, сенинг ёшингда... Бошқалар машина ҳайдаб юрибди. Сен бўлсанг гапингни урдадаб гапир олмайсан. Агар мен сенинг ёшингда бўлганимда-ми ҳеч бўлмаганда трактор ҳайдаган бўлардим.

— Оқсоқол, менга армияда командиримиз бу ишга лаёқатсизлигимни айтган эди. Бироқ пнедалар сафида хизмат қилдим. Пиеда аскарсиз иш битмайди-ку, ахир... — Пиеда аскар эмиш! Пиеда аскар эмас, иш ёқмасан. Хотининг бўлса... Худо ҳам тенгига қўшмас экан. Сизга ўхшалаганинг юзтаси битта Гулжамолга арэнмайди.

— Шунинг учун ҳам биз эр ва хотини бу ерда юриб-миз-да, оқсоқол.

— Ҳа, сени гапта кўйса... Хўкнздай кучинг бор, ақли эса... — Умидсиз қўл силтаб кўйдн Мўмин бобо.

— Му-у-у, — деб матърандай кулиб кўйдн Сейдахмад.

Шундан кейин у ховлининг ўртасида туриб олиб ўзининг аллақандай эшитиб олган ғалати ашуласини кўйдн бошлади:

Сариқ-сарик тоғлардан,
Сариқ отда мен келдим.

Оч эшигинг эй, сарык савдогар
Биз чечамиз сарык винодан.

Күнчир-күнчир тоғлардан,

Күнчир отда мен келдим.

Оч эшигинг эй, күнчир савдогар

Биз чечамиз күнчир винодан...

Шу тарзда давом этиб кетаверарди, чунки у баъзан тоғдан туяда келган бўлса, баъзан хурозда, сиёқонда, тошбақада, хуллас, ниманки жонивор бўлса ўшаларда кетаверарди. Маст Сейдахмад болага хушёрлигига қараганда ёқимлироқ кўринаётгандек эди. Шунинг учун ҳам Сейдахмад ширакайф бўлиб келганда бола очик кўнглилик билан илжайиб кўярди.— Э-ҳа!— хитоб қилди Сейдахмад ажабланиб.— Сени касал дейишган эди-ку. Ҳа, сен умуман касал бўлмайсан. Сен ҳовлида нега ўйнамай қолдинг? Бунақаси кетмайди.— Сейдахмад бо- ланинг тўшагига ағанаб ётди. Унинг кўлларидан ва уст-бошидан спирт ва янги сўйилган хом гўштнинг ҳиди анкиб турарди. У богани кучоқлаб ўпа бошлагди. Унинг ўсиб кетган дағал соқоли боганинг юзларини тимдаглаб ачитарди.

— Бўлди энди, Сейдахмад амаки.— Илтимос қилди бола.— Бобом қани, кўрмадингизми?

— Бобонг анави ёқда,— Сейдахмад кўлини ҳавода ноаниқ айланттирди.— Биз мана шу... Егочни сувдан олгиб чиқдик. Ва бир оз несиб олмиш учун пядлик. Ҳозир эса у гўшт пишираёттир. Тур ўринигдан. Кийимларинггни кий, бирга кетамиз. Бу нимаси! Яхши эмас. Биз ҳамма- миз у ерда бўлсату сен бу ерда ёлғиз ётсанг.

— Бобом турмагин деган,— деди бола.

— Кўйсанг-чи бўлмаган гапни. Юр, томоша қила- миз. Бу ҳар доим бўлавермайдн-ку. Бугун катта энёфат. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой! Тура қол.— Сейдахмад мастларга хос кўпоглик билан богани кийиништа маж- бур этди.

— Мен ўзим,— деб эътироз билдирди боши айла- наётганини хис этаётган бола. Бироқ ширакайф Сейдах- мад унинг сўзига кулоқ солмади. Модомки, бола ёлғиз ўйга ташлаб кўйилган экан, Сейдахмад ўзининг унга қилаётган яхшилигидан жуда мамнун эди, айниқса бугун шундай кунки, товоқ ҳам мой, қошиқ ҳам...

Ганлирақлаб бола ҳам Сейдахмад билан бирга уй- дан чиқди. Ташқари шамол, ҳаво булут. Булутлар ос- монда тез-тез бир-бирга кўшилишиб кетди. Бола ай- ондан чиққунча ҳаво икки бор кескин ўзгарди. Ча- рақлаб турган кўёли ҳавони кўнглини ғаш қилувчи қоронглик босди. Бола бундан боши орғиётганини сез- ди. Шамол юзига гулханинг тутунини олгиб келиб урар- ди. Кўзлари ачишди. «Бугун кир ювишаётган бўлса ке- рак».— ўйлади бола, чунки кир ювиш кунларида одат- да шундай гулхан ёқилиб, учала уйдаги катта қора қозонларда сув иситиларди. Бундай қозонларни бир киши кўтара олмайди. Бекей хола билан Гўлкамомд икковлашиб кўтариншарди бу қозонларни.

Бола бундай кир ювиладиган кунни яхши кўрарди. Биринчидан, бундай кунларда гулхан уйдаги сингари ўчоқларда эмас, балки очик ўчоқларда ёқилиб, унинг атрофида ўйнаш мумкин эди. Иккинчидан, ювишган ки- йимларни илмиш жуда гаштли бўларди. Оқ, кўк, қизил матоларнинг арқонда осилиб турйиш ҳовлига зеб бериб турарди. Бола арқонда осилиб ётган кийимларга бил- дирмасдан секингина келиб юзларини теккизиб ўтпшни яхши кўрарди.

Бу гал ҳовлида ҳеч қандай ювишган буюмлар кўрин- мади. Аммо катта гўшт бўлақлари билан диқ тулдирил- ган қозон остига кучли ўт ёқилган бўлиб, қайнаётган қозондан куюқ буё кўтариларди. Гўшт пишиб қолган эди: гўштининг дами ва гулханнинг неси бирга кўшили- шиб, иштаҳани китиқларди. Бекей хола бўлса, янги ки- зил кўйлак, янги хром этикда гулли шол рўмолини елка- сига ташлаб олганча қозонга энгашиб, чўмич билан кўпикларни олгиб ташлаётган эди, Мўмин бобо эса унинг ёнида чўкка тушган ҳолда ўчоқдаги ёнаётган та- рашаларни аглариб кўярди.

— Ана, бобонг,— деди Сейдахмад болага.— Кетдик. Ҳэн бўлса:

— Сарык-сарык тоғлардан,
Сарык отда мен келдим,—

деб эндигинна хиргойи қила бошлаган эди, сочи устарада тақир олинган, енглари шимарилган ва кўлида боғла уш- латанча саройдан чиқиб кетаётган Уракулига кўзи тушди.

— Сен қаяёқда тентириб юрибсан?— даҳшатли қич-

кирди у Сейдахмадга қараб.— Мехмон бу ерда ўтин ёр-
син,— у бош ирғаб ўтин ёраётган шоферни кўрсатди,—
сен бўлсанг кўшиқ айтиб юр.

— Э, ҳозир ана-мана деунча болдаймиз,— тинчлан-
тирди уни Сейдахмад, шоферга қараб йўналар экан.—
Қани ука, мен ўзим.

Бола эса ўчоқ бошида чўкка тушиб ўтирган бобоси
томон яқинлашди. У орқа томондан келган эди.

— Бобо,— деди у.

Бобоси уни эшитмади.

— Бобо,— деб такрорлади бола ва бобосининг елка-
сига қўлини тегибди. Чол ўғирлигиб қаради, бола бобоси
маст эканлигини сезмади. У бобосининг лоқақал бирон
марта ширакайф бўлганини кўрмаган эди. Тўғри, иссиқ-
кўллик бирор чолнинг маъракасида ҳаммага— ҳатто
аёлларга ҳам ичиришарди. Бироқ бобосида бундай ода-
т ҳали содир бўлмаган эди.

Чол болага қандайдир бетонадай, fairи табиий ва
ёввойи қараш қилди. Унинг юзлари қизариб кетганди, у
набирасини кўриб яна ҳам қизариб кетди. Қизиллик ним
пушти рангга кирди ва шу заҳотгёқ бобосининг юзлари
оқара бошладди. Чол шошилиб ўрнидан турди.

— Не, сенми?— деди у бўғич овоз билан набирасини
бағрига босиб.— Не, сенми,— бундан бошқа бирон сўз
айта олмади. Ундаги тўлқинлангиш болага ўтган эди.

— Тобингиз қочдим, бобо?— Ташвишланиб сўради
бола.

— Иўк-йўк. Узим шундай,— мингилгиди Мўмин.—
Сен бор, ўйнаб кел. Мен бу ерда ўт ёқипман, бу ҳамма-
дан...

У набирасини дегрди итариб юбориб гўё бутун олам-
дан юз ўтиргандай, яна ўчоққа қараб ўтирилиб олди. У
тиз чўкканча, гўё фақат ўт билан банддай бирон ёққа
бурилиб қарамасди. Чол набирасининг тарвузи кўлти-
гидан тушганча, ҳовлида ўтин ёраётган Сейдахмад то-
мон йўл олганини ҳам кўрмади.

Бола бобосига нима бўлганини, умуман, ҳовлида ни-
ма бўлаётганини тушунмасди. У саройга яқинлашганда-
гина юнги ерта қаратиб ёйилган тери устида янги сўйил-
ган молнинг уйиб кўйилган гўштига кўзи тушди. Тери-
нинг чеккаларидан ҳамон хира қон томчилари сиқиб
тушаётган эди. Сал нарироқда ит ичак-чавоқларини прил-
лаганча силкилаб тортарди. Уюлган гўшт енида алга-

қандай қорадан келган, барваста нотаниш киши тўнка-
га ўхшаб дўппайиб ўтирарди. У Кукатой эди. У билан
Урақкул иккаласи пичоқни олволиб гўшт майдалашар-
ди. Улар қисмларга ажратилган ёр ва гўштлиарни ёзиб
кўйилган терининг турли жойларига хотипржамлик би-
лан, шоммасдан иргитиб ташламоқда эдилар.

— Мазал Ҳидини айтмайсанми!— деди йўғон овоз
билан ҳалиги барваста киши, гўшт Ҳидлаб кўраркан.

— Ол, ол, ўз улушинга ташла,— сазийларча таклиф
эди Урақкул.— Бунинг сенинг келишинг шарафига хуло
отказди. Бу ҳар дом бўлавермайди.— Урақкул бу орада
пишиллаб, ишдан бошини кўтариб таранглаган қорни-
ни силлаб кўйди, унинг кўп еб, кўп ичганлиги билиниб
турарди. Унинг нафаси қисилиб хириллаб қолди, эркин
нафас олиш учун бошини бирдан юқори кўтарди. Унинг
сергўшт, сигирининг елинидек ялтироқ юзидан ўзига бино
кўйилгани ва тўқлик аломати сезилиб турарди.

Бола девор тагидаги шохли буғи қаласини кўриб
эсанкираб қолди, бадани музлаб кетди. Кесилган қалла
қоп-қора қон томчиларини оқизиб чангга юмалаб ётар-
ди. Бу— йўлда ётган эгри-бугри дарахтни эслатарди.
Қалла ёнида тиззадан қирқилган туртта туёқ ётарди.
Бола бу дахшатли манзарани кўриб чўчиб кетди. У ўз
кўзларига ишонмасди. Унинг олдида Шохдор она буғи-
нинг келгаси ётарди. У бу ердан қочиб кетишни истарди,
лекин оёқлари унга итбат этмасди. У қалла-поя қилган
ган оқ буғининг қаршисида турарди. Кечатгина Шохдор
она буғи бўлиб юрган, унга оқкўнглилик билан суқла-
ниб қаратган, хаёлан гапирмишган ва шохида кўнғироқча
тақилган сеҳрли бешик келтиришини илтижо қилиб сўра-
гани уша буғи эди. Наҳотки буларнинг ҳаммаси ногоҳ
шаклсиз бир уюм гўшга, шилнган терига, кесилган
оёққа ва улоқтириб ташланган қаллага айланиб қолса.
Боланинг кетгани керак эди, лекин у тошдек қотиб, бу
воқеанинг қандай ва нега содир бўлганини тушуна ол-
май турарди. Ҳалиги гўшт бўлаётган қора барваста ки-
ши уюлиб турган гўштининг ичидан бўйрак олди-да, уни
пичоқнинг учига санчиб болага узатди.

— Ма, бола, кабоб қил, лавзатли бўлади,— деди у.
Бола қимирламай турарди.

— Ол— Буйрүк қилди Урақкул.

Бола беихтиёр қўлини чўзди, сўнг муздек қўлида
Шохдор она буғининг ҳали ҳам иссени кетмаган юмшоқ

бўйрагини фикимлаганча ушлаб турди. Шу пайт Уразқул оқ бугининг қалласини шохидан ушлаб кўтариб кўрди.

— Эҳ, оғирлигини қаранг-а,— у қаллани тебратди, оғирлигини салмоқлаб кўрди,— битта шохининг ўз қанча келди-я.— У қаллани гўлага кўндаланг қилиб қўйди ва болтани олиб шохини ажратнишга киришди.

— Мана, шох!— ишлаб туриб гапирарди у, ўткир болтани шохларнинг тубига қалаб.— Бу сенинг бобонга.— У болтага қараб кўз қисиб қўйди.— Улиши билан бу шохни унинг қабрига қўямиз. Қани энди ким бизга у кишини хурмат қилмайсанлар, деб айта олар экан. Яна нима керак! Бундай шох учун ҳатто бутун оқ ўлсанг арзийди!— дея болтани мўлжалга оларкан, Уразқул хахонаб куларди.

Шохни осонликча олиб бўлмайди. Уни олиш жуда қийин эди. Маст Уразқулнинг болтаси нишонга бориб тегмасди, бу эса баттар унинг жаҳлини чинақарарди. Қалда гўла устидан думалаб тушди. Шунда Уразқул уни ердаёқ чопла бошлади. Қалла сирғасдан чиқиб кетаверди. Уразқул болта кўтарганча унинг орқасидан чопиб юрди.

Бола сесканиб кетди, ҳар гал кетмоқчи бўлиб беихтиёр тисарилса-да, бу ердан кетишга ўзини мажбур этолмасди. Жуда ёмон туш кўриб, уни аллақандай даҳшатли бир куч тутиб тургандай эди, у ўз жойида турганича шу нарсага ажабланиб эдики, киприк қоқмай бақрайиб турган Шохдор она бугининг кўзлари болтадан ўзини олиб қочмасди. Кўрқувдан қисилиб юмилмасди. Қалла аллақачон дой ва тўпроққа беланган бўлса ҳам, кўз қорачиғи мусаффолигича боқиб турарди, афтидан, у ўзини ўлимга маҳкум этган шу ёруғ жаҳонга тилсиз, улсиз ҳайратда қолиб, ҳамон боқиб тургандек эди. Бола маст-агаст Уразқул билан кўзи-кўзига тушиб қолгилдан чўчирди.

Шох ҳамон бўш келмасди. Уразқул эса борган сари тутакни болтанинг тоҳ тиги билан, тоҳ орқаси билан қалланинг дуч келган жойига урарди.

— Бунақада шохни синдириб қўясан. Бу ёкка бер,— иқинлашди Сейдахмад.

— Нарн тур! Ўзим! Кўлингдан келмайди, синдириб қўясан— хириллаб нафас оларди Уразқул болтани қучоқлаб ураркан.

— Хўп, хўп, ўзинг биласан,— Сейдахмад тўпурганча уйи томон олдига кетди. Унинг орқасидан ҳалиги қо-

радан келган барваста киши борарди. У қолда ўз улушини олиб кетаётган эди.

Уразқул молхона орқасида маст-агаст ҳолда, қайсарлик билан Шохдор она бугининг қалласини тилқалашда давом этарди. Унинг бу ҳолати узоқ куттилган қасосини энди бажо келтиргандек туюларди.

— Эҳ, ярамас! Давлати!..— деб худди жонсиз қалла эшитаяётгандай этигининг товони билан уни тегиб жаҳл устида оғза кўпиртирганча сўкнардди.— Кимни аҳмоқ қилмоқчисан!— у болтани ушлаганча қалланинг тепасига қайта-қайта хезланиб келарди.— Дабдала қилмасам олтимни бошқа қўяман. Мана сенга! Мана сенга!— Шундай деб болта билан қаллани урди. Қалла чирсиллаб ёрилиб, майда суяклар ҳар томонга учиб кетарди. Болтанинг тиги кўзга кўндаланг келиб текканда бола қичқириб юборди. Очилиб қолган кўз чаногидан қоп-қора куюқ суюқлик оқиб тушди. Кўз сўнди, барбод этилди...

— Мен бундан зўрроқ қаллагарни ҳам майдалай оламан! Бундан бошқа шохларни ҳам сўгүриб ола билман!— деб жазаваси тутиб бўкирарди Уразқул гуноҳсиз қалладан нафратланганча.

Ниҳоят, бу қалланинг пешона суякларини ҳам майдалашга муваффақ бўлди. У энди болтани ташлаб қаллани оёғи остига олиб, шохдан икки қўллаб ушлаганча ваҳшиёна куч билан бурай бошлади ва шохларни юлиб олди. Улар сўгүриб олинган илдиз сингари қарсилларди. Бу шохлар — боланинг илтимосига кўра, Уразқул билан Бекей холага сеҳрли бешик келтириши лозим бўлган ўша Шохдор она бугининг шохлари эди...

Боланинг кўнгли беҳузур бўлди. У бурийдан ва қўлданги бўйрақини тушириб юбориб, сескингина нари кетди. У қўлаб тушаётгандек ёки бўлмаса, одамлар кўзи олдига қайт қилиб юбораётгандек жуда кўрқди. У оқариб-гезариб мангилларни ёпишқоқ терга ботганча ўчоқ ёнидан ўтиб борарди. Учоқда довгиллаб ўт ёниб, қозондан бурқираб қайноқ буғ кўтариларди. Ваҳсиз Мўмин бобо бўлса ҳамон аввалгидек юзини ўтга тутиб, ҳаммасига чап бериб ўтирарди. Бола бобосини бевоесига безовта қилгиси келмади. У тезроқ ўринга етиб боришни ва тўшакка боши билан бурканиб ётишни истарди. Қани энди ҳеч нарсани кўрмаса, эшитмаса, унутса.

Қаршисидан Бекей хола чиқиб қолди. У ўзига оро бериб ясанган, бирок юзига Уразқулнинг қалтақлаши

Напжасида ҳосил бўлган кўм-кўм қонгалаш пазлар кўзга ташланиб туради. Вемаврид қувониб, жонсараклик билан «капта гушгта» югуриб келаётган эди.

— Сента нима бўлди?— У болани тўхтатди.

— Бошинангдан айланай,— деди меҳри тошиб ва устма-уст ўпа бошладди.

У ҳам маст эди. Ундан ҳам лавнати ароқ ҳиди анқиб келарди.

— Бошгинаси оғрибди-да,— мингирлади у раҳмдиллик қилиб.— Жингаргўшам менинг. Балки овқатлангинг келаётгандир.

— Йўқ, ҳеч нарса емайман. Етгим келипти.

— Кетдик бўлмаса, ўзим ётқизиб қўяман. Нима, сен яккаю ёлғиз ётаверар экансанми. Ахир ҳамма одам бизникида. Меҳмонлар ҳам. Гушт ҳам тайёр бўлай деб қолди,— деди у ва болани ўзи билан бирга олиб кетди. Булар яна ўчоқ бошидан ўтиб кетаётганларида елин сингари қизариб, тўлишиб кетган ҳолда молхонадан чиқиб келаётган ўразқулга кўзлари тушди. У Мўмин бобонинга ўзи кестан бўғи шохларини кеккайганча уйиб қўйди. Чол сапчиб тушди.

Ўразқул унга қарамасдан сув тўла пақирни боши уз-ра кўтарди ва орқага эгилганча эгинга тўкинб-сочиб чя бошладди.

— Энди ўлсанг ҳам бўлаверарди,— деди у бошини пақирдан кўтариб, яна пақирга тикқаркан. Бола чолнинг тўлираб тапирётганини эшитди:

— Раҳмат, ўғлим, раҳмат. Энди ўлсам ҳам армоним йўқ. Мен учун шунчалик назат-хурмат...

— Мен ўйга кетаман,— деди ўзини унча яхши сез-маётган бола.

Бекей хола кўнмади.

— Бир ўзинг нима қиласан у ерда.— Болани ҳоли-жонига қўймасдан унга олиб кетди ва бурчакдаги қаравотга ётқизди.

Ўразқулнинг уйида дастурхон мунгизир эди. Ҳар хил таомлар муҳайё эди. Буларнинг ҳаммаси билан кампир ва Гулжамол банд эди. Уй билан ҳовлидаги ўчоқ орасида Бекей хола қатнагани-қатнаган. Ўразқул билан барангги Кўкатой гуштни кутиб, тулли кўрпачада ёстиққа ёнбошлаганча чойдан майда-майда пичишиб ўтиришарди. Улар тўсатдан ўзларига бино қўйиб, ўзлари-

ни тўра ҳис этишарди. Сейдахмад уларга ниёланинг та-гида чой қўйиб ўтирарди.

Бола бўлса бир бурчакда писиз боғлангандай, бегоб-лик зарбига бардош бериб жимгина ётарди. Уни яна қал-тироқ босди. У туриб кетишни истарди. Бироқ қаравотдан тушини биланок қайт қилиб юборишдан кўрқарди, шу-нинг учун ҳам у титраб-қақшатанча тишини-тишига қўйиб қимир этмай ётарди. Оргиқча қимирлашдан кўрқарди.

Шу орада хотинлар Сейдахмадни ҳовлидан чақи-ришди. Катта сирланган товоқда тоғ сингари уюлиб, бўғлиниб турган гуштни кўтарганча Сейдахмад пайдо бўлди. У узоқ куттилган бу таомни зўрга кўтариб келиб ўразқул билан Кўкатойнинг олдига қўйди. Хотинлар унинг орқасидан яна турли хил овқатларни келтиришди.

Ҳамма жой-жойига ўтирди, пичоқ ва тарелкалар тай-ёрланди. Шу орада Сейдахмад стаканларга ароқ қўйди.

— Ароқнинг ранси мен бўламан,— дея шакқиллай бошладди у бурчакдаги шишаларга ишора қилиб.

Ҳаммадан кейин Мўмин бобо келди. Чол бугун ҳар қачонгидан кўра ғалати ва аянчли қиёфада кўринарди. У бирор чегроқ жойга бориб омонатгина ўтирмоқчи эди, лекин қора, барваста Кўкатой химмат қилиб уни ўз ёнига тақинф қилди.

— Бу ёққа келинг, оқсоқол.

— Раҳмат. Биз мана бу ерга, ўзинганики-ку ахир,— эътироз билдирмоқчи бўлди Мўмин бобо.

— Ҳар қалай сиз оқсоқолимизсиз,— қаттиқ туриб олди Кўкатой ва ўзи билан Сейдахмаднинг ўртасига ўт-казди.— Қани, нчамиз оқсоқол, сизнинг шундай муваф-фақиятларингиз учун. Биринчи сўз сизга.

Мўмин бобо йўталиб қўйди.

— Мана шу ўйларда тинчлик бўлсин,— деди у қий-напиб.— Қаерда тинчлик бўлса, бахт ҳам ўша ерда, болаларим.

— Тўғри, тўғри!— деб ҳамма ўз қадахини кўтарди.

— А, сиз-чи! Йўқ, бунақаси кетмайди! Куёвингиз ва қизингизга бахт тиласангиз, яна ўзингиз нчмасангиз,— деб Кўкатой хижолат тортиб ўтирган Мўмин бободан ўнқалади.

— Шуларнинг бахти учун бўлалитан бўлса,— чол илоҳиб қолди ва ҳаммани ҳайратда қолдиришга сал-кам тўла стаканни охиригача кўтариб юборди ва гаранг бўлиб қолгандай бошини чайқай бошладди.

— **Обоо**, шоввоз-ей!

— **Визинг** бобо унақалардан эмас.

— **Койил**, койилмиз чолингазгал!

Хамма шодланиб куларди, чолни мақтарди.

Уй исиб димкиб кетган эди. Бола истироб чекиб ётарди, боши айланарди. У кўзини юмиб ётганча маст-агаст кишиларнинг Шоҳдор она бугининг гўштини чапиллаб, пишпиллашиб овоз чиқариб еётганликларини, бир-бирювларига мазали гўшт қисмларини уриштириб сийлашаётганларини, кыр стаканларини уриштириб ётганини, кемириб тозаланган суякларнинг товоққа қандай териб кўйилаётганини эшитиб турарди.

— **Бай-бай-бай**, мунчаям мазали-а!—мақтарди **Кукатой** дабинни чапиллатиб.

— **Нима**, биз аҳмоқназмн тоғда яшаб шундай гўшт ея олмасак,— деди **Урақкул**.

— **Тўғри-да**, нега бўлмаса бу ерда яшаймиз,— маъкуллади **Сейдахмад**.

Хамма Шоҳдор она бугининг гўштини мақтай кетди. **Кампиру Бекей** холадан тортиб, **Гулжамолу Мўмин** бо-богача— хамма-хаммаси мақташарди. **Болага** ҳам та-релкада гўшт ва бошқа таомлардан киритиб беришди. **Лекин** у рад этди. **Маст** одамлар унинг тоби қочганини-ни ҳисобга олиб безовта қилмадилар.

Бола тишини-тишига кўйиб ётарди. У шундай ётган-да кўнги бехудлигидан бир оз кутулгандай бўлди. **Бироқ Шоҳдор** она бугини ўлдирган бу одамлар билан бирон нш қилишга қодир эмаслиги уни хаммадан кўра қинаётган эди. У бодаларга хос ҳақгўйлик ғазаб ва дилхастилиги билан улардан ўч олишининг турли йўллари— қандай бўлмасин уларни жазолаш, гуноҳини тушунтишга мажбур этиш, қандай ёвуз нишга кўл урғандикларини кўрсатиб кўйиш йўлларини ўйларди. **Бироқ** хаёлан **Кулибекни** ердამга чақиршидан бўлак бирор дурустроқ йўл тополмади. **Ҳа**, ўша бўронли тунда сол-датча камзул кийиб, ёш шоферлар билан бирга пичан ортинга келган ўша йипитни чақирмоқ керак. У бола-нинг кўриб юрган одамлари янгида **Урақкулга** бас кела-олиши ва бутун ҳақиқатни айтиб солиши мумкин бўлган бирдан-бир киши эди.

Боланинг чорлаши бўйича **Кулибек** машинада ёзи-лилаб етиб келди ва автоматни олдинга қарата қия-ушлаганча кабинадан сакраб тушди: «**Қани улар?**»—

Улар мана бу ёқдал **Улар** иккаласи **Урақкулларнинг** уйи-гомон югуриб келишди. Эшикни зарб билан очинди. «**Кўзгала** кўрмал **Кулининг** кўтар!»— бўсагадан туриб даҳшат билан буйруқ берди **Кулибек**, автоматни тўғри-лаганча. **Хамманинг** қападаги учиб кетди. **Хамма** ўтир-ган жойида донг қотиб, оғиздаги гўштлар бўғизларига қолди. **Кўп** еб қўллари, юзлари, оғизлари мойна ботиб, бўкиб қолган маст-агаст кишиларнинг эса умуман қи-мир эптига мажоллари қолмаган эди.

«**Қани**, ўрнингдан тур-чи, мурдор!»— **Кулибек** авто-матини **Урақкулнинг** чаккасига тиради. Қайтироқ бос-ган **Урақкул** дудуқланганича **Кулибекнинг** оёғига йиқил-ди. «**Раҳм** қил, ўлдирмагин!» **Лекин** **Кулибек** раҳм қил-мади. «**Чик** бу ёққа, мурдор!» Энди тамом бўлдинг!»— **У** **Урақкулнинг** чотига зарб билан тешиб юборди ва ўрни-дан турганиб уйдан чиқишга мажбур этди. **Қайфи** учиб саросимата тушиб қолган жамики кишилар жимгина ҳовлига чикшиди...

«**Деворга** бориб тур!»— буйруқ берди **Кулибек** **Урақ-кулга**.— **Шоҳдор** она бугини ўлдирганини учун ва унинг бешик кўтариб келган шохларини кесиб олганини учун сента ўлим!» **Урақкул** тупроққа йиқилиб тушди. Эмакляб инграганча зорлана бошлади: «**Ўлдирма** менни, меннинг ҳеч кимим йўқ-ку, ахир. **Оламда** таңхуман. **На** ўғлим бор, **на** қизим...»

Ўндаги манманлик, кнбр-ҳаво қаёққа кетди.

Ожиза, ярамас кўрүк. **Бундайларни** ўлдиргинг ҳам келмайди.

«**Майли**, ўлдирмайлик,— деди бола **Кулибекка**.— **Лекин** бу ердан абадий кетсин, қораси ўчсин. **Бу** ерда унинг кераги йўқ. **Йўқолсин**».

Урақкул ўрнидан туриб шимини кўтариб олди ва ўти-ригиб қарашга юраги дов бермай дўкидлаганча қочиб қолди. Унинг хомсемиз юзлари доренглаб, эптигидан га-лифе шими осилиб қолган эди. **Бироқ** **Кулибек** уни тўх-татди: «**Тўхта!** **Сенга** айтганган охирти сўзимиз бор. **Сенга** ҳеч қачон бола бўлмайди. **Сен** ёвуз ва ярамас одамсан. **Сени** бу ерда ҳеч ким ёқтирмайди. **Ўрмон** ҳам, бирорта дарахт ҳам, ҳатто бир дона гиёҳ ҳам сени сев-майди. **Сен** фашистсан. **Сен** бу ердан умрбод кет. **Қани**, тезроқ бўл!» **Урақкул** олди-кетди қарамай югурурди. **Кулибек** унинг орқасидан: «**Шнелъ!** **Шнелъ!**, дея хахо-лаб кулар ва яна ваҳима солиш учун автоматидан ҳавога қараб ўқ узарди.

Бола ўнда йўқ шод эди. Ҳузқул кўздан ғойиб бўлгач, Кулибек эшик олдига гуноҳкорларча турган бошқа кишиларга қараб: «Шундай одам билан қандай яшаб келдиларинг? Уят эмасми сизларга!»— деди.

Бола ўзини енгил хмс қилди. Адолатли суд бажо келтирилди. У ўз ҳаёлига шунчалик берилиб кетган эдики, ҳатто қаерда ётганини ҳам, Ҳузқулнинг уйда нима муносабат билан чиқилибозлик қилаётганини ҳам ҳаётдан яна ўзига келтирди. Бола кўзини очиб яна кулоқ сола бошлади. Хонада Мўмин бобоси йўқ эди.

Қаёқадир чиқиб кетган бўлса керак. Хотинлар идиш-товоқларни йиғиштиришиб, чой келтиришга ҳозирлик қўраётган эдилар. Сейдахмад ниманидир бағалд овоз билан хикоя қилиб беради, ўтирганлар унинг сўзларини эшитиб кулишарди.

— У ери нима бўлди?

— Давом эли

— Сен шонилма, бу ёққа қара, қани яна бир қайтариб айт,— кулигидан ичати узилган Ҳузқул яна сўрай бошлади,— сен унга жавобан нима дединг? Уни қандай кўрқитдинг. Вой ичати! Ха-ха-ха!— у ҳамон қорнини ушлаганча қотиб-қотиб куларди.

— Шундай қилиб,— дея Сейдахмад хикоясини яна бошидан бошлашга жон деб рози бўлди.— Биз бугинларга яқинлашиб борсак, ўрмон ёқасида учтаси турган экан. Отирми эндигина дарахтга боғлаган ҳам эдик, чол ҳамроҳим қўлимдан ушлаб: «Биз бугинларни отишимиз мумкин эмас. Биз Бугинбой авлодиданмиз. Шохдор она бугиннинг фарзандларимиз!» деди. Узи бўлса болалардек термилиб турарди мента. Қўзлари ялғиниб-ёлвориб илтижо қилаётгандек боқарди. Менинг эса ўлгиндай кулгим кистарди. Лекин кулиб юбормадим. Ха, кулмадим. Аксинча, бу ҳақиқатдан ҳам шундай-ку: «Сен нима, турмага тушнинг келитгим?»— дейман. «Йўқ»,— дейди у. «Биласанми, бойлар замондаги хикоялар камбағал халқни кўрқитиш учун тўқилган» дедим. Шунда у тилга кириб: «Сен нима дегансан ўзи», деди. Мен бўлсам: «Шуни айтпманки, сен бунга гапларингни қуй, акс ҳолда қарилгингга ҳам қарамай, тегилли жойга ёниб юбораман», дедим.

— Ха-ха-ха,— деб ўтирганларнинг ҳаммаси кулиб

юборишди. Айниқса, Ҳузқул уларнинг ичида роҳатланиб куларди.

— Кейин биз сездирмасдан уларга яқин бордик. Агар уларнинг ўрнида бошқа ҳайвонлар бўлгандами, аиллақачон хабар топиб кўздан ғойиб бўлган бўларди. Бу анқов бугилар эса биздан чўчимаётгандай қочмасди. Чўчматани яна ҳам яхши деб ўйлайман,— хикоя қиларди Сейдахмад.— Мен милтиқ билан олинди, чол кейинда борилмиш. Шу ондаёқ менда шубҳа туғилди. Урмида чумчүк ҳам отган эмасдим. Ҳозир шундай бир ҳолат юзага келдики, агар теккиза олмасам, ўрмонга қочади кетади, кейин унинг орқасидан етиб бўлсан, довоннинг нариги ёнига ўтиб кетади. Бундай тайёр ўлжани ким қўлдан бой беришни истарди?

Бизнинг чол овчи бўлган, вақтида айниқин ҳам кулаган. Мен унга милтиқни бериб, мана чол, отинг, дедим. У бўлса йўқ, отмайман, ўзинг от, дейди. Мен бўлсам унга: Мен ахир мастман-ку, дедим. Узим эса оёқда туролмаётгандек тебранардим. У ўрмондан ёғоч олиб чиққанмишда сиз билан ичганимизни кўрган эди. Шунинг учун ҳам мен ўзини айёрликка солдим.

— Ха-ха-ха.

— Мен теккизолмаймам дедим, бугинлар кетиб қоладди, кейин қайтиб келмайди. Бизнинг эса қуруқ қайтиб боришимиз яхши эмас. Узинг биласан. Уйлаб кўртин. Негат бизни бу ёққа юборишди? Индамайди. Милтиқни ҳам олмайди. Майли, ўзингиз биласиз, дедим-да, милтиқни ташлаб кетмоқчи бўлдим. У орқамдан эргашди. Бари бир, Ҳузқул мени ҳайдади — совхозга бориб ишлайвераман, дейди. Қариганда қаёққа борасан, дедим? Яна дом-шим демасди. Мен секин хиртойи қилдим:

Сариқ-сариқ тоғлардан,

Сариқ отда мен келдим.

Оч эшигинг, эй, сариқ савдогар...

— Ха-ха-ха...

— Мени ҳақиқатдан ҳам маст деб ўйлади. Милтиқни қўлга олиб жўнаб қолди. Мен қайтдим. Биз бир-биримиз билан тортишиб ётар эканмиз, бугилар бу орада бир оз нарироққа юрди. Қурайсанми, дейман унга, кетиб қолди, кейин уларга етиб бўлмайди. Улар ҳали хурқиб қочмагунча отиб олиш керак. Чол қўлга милтиқни олди ва уларнинг орқасидан пусиб бора бошлади. У ҳамон:

«Кечир мени, Шохдор она буғи, кечир...» — деб ўз-ўзинга шивирларди. Мен эса ўз-ўзимча: «Эҳтиёт бўл, теккиза олмасанг, сен ҳам ўша буғилар билан бирга бошинг оққан ёққа қараб кет, бошқа қорангни кўрсатма», дедим.

— Ха-ха-ха...

Ичмилик ҳиди билан дуд ҳидининг бирта кўшилиб аниқлиши, унинг устига қаҳқаҳа уриб кулишлар боланинг иситмасини ошириб янада димкиртириб юборди. Ойроқнинг зўридан унинг боши тарс ёрилиб кетсади. Назаридикимдир уни тепаетганга, кимдир болга билан миясини ёраётганга ўхшарди. Гўё бироз унинг кўзини мўлжалга олаётгандай чап бериб бошини олгиб қочинишга интиларди. Истизма натижасида ҳолдан кетган бола муздек дарёда пайдо бўлиб, багликка айланиб қолди. Куйруғи, танаси, сўзгич қанотлари — ҳамма-ҳаммаси багликники-ю, фақат оғриётган бошининга ўнча қолган эди. У қоп-қоронғи муздек сув остида сузиб борарди. Хаселда умрбод шундай баглик бўлиб қолгани ва тоққа ҳеч қачон қайтмасликни ўйларди. «Қайтмайман энди, — дедирди у ўзинга. — Яхшиси, баглик бўлман, баглик бўлиб яшайман...»

Бола қаравотдан тушиб, секин уйдан чиқиб кетганини ҳеч ким пайқамай қолди. У зўрға бурчакка етиб борган ҳам эди, бирдан қайт қилиб юборди. У деворга суянганча инграб йиғларди. Упқаси тўлиб йиғлаганида нафаси қисилиб гўлдирарди:

— Йўқ, мен, яхшиси, баглик бўлман. Бу ердан сузиб кетаман. Яхшиси, баглик бўлман.

Ураккулининг уйи деразасидан эса маст кишиларнинг қаҳқаҳлаб кулишлари-ю, қийқирлиқ овозлари эшитиларди. Бу ёввойи қаҳқаҳа болани таранг қилди, унинг қад-биди чиндаб бўлмас дара-аламларни кўзгади. Бу дахшатли қаҳқаҳани эшитиш кўнглини беҳузур қилаётгандек туюлди. У бир оз ўзинга келиш учун ҳовлига чикди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ, хувиллаб ётарди... Унга ўчиб қолган ўчоқ ёнида ичкиликнинг зўридан ўлар ҳолатда ётган Мўмин бобота кўз тушди. Чол тупроқда, ўша Шохдор она буғининг кесиб ташланган шохлари ёнида хўшсиз ётарди. Буғининг майдаланган қалласини ит рақиб ётган эди. Булардан бошқа бирон кимса йўқ.

Бола бобосининг устига энгашганча унинг елкасидан тортиқилади.

— Бобо, юринг уйга кетамиз, уйга, — деди у.
Чол жавоб бермади, у ҳеч нимани эшитмади,

бошини ҳам кўтара олмади. Ҳа, у нима ҳам дея оларди.

— Қани, туринг бобо, уйга кетамиз, — деди бола.

Ким билсин, у ўзининг боғалик ақли билан бобосининг Шохдор она буғи ҳақидаги эрғаги учун бу ерда таъзирини еб ётганини, ўз эрки билан унга қасд қилмаганлигини, унинг ўзи бу ҳақда болага ҳамма вақт насихат қилиб келганлигини, — ота-боболар удумига, ўз виждони ва васиятларига эид борганлигини, бахти қаро қизини деб, ... набирасини деб шу нишга қул урганлигини фаҳмлай олдимкин ёки аниглаб етмадимкикин?..

Чол оғир аҳволга тушиб, ғам-алам ўтида ёниб, боланинг овозига жавоб қилмасдан, гўё ўлик сингари юзини ерга қилиб ётарди.

Бола бобосининг ёнига чўққайиб ўтирганча уни кўзга татишга ҳаракат қилди.

— Бобо, бошингни кўтарсангиз-чи, — деди у. Боланинг юзлари оқариб, бўшашиб кетган эди, қулларни, лаблари қалтирарди. — Бобо, бу менман. Эшит-яписизми? — дедирди у. Ҳазини жуда ёмон сезипман, — дея йиғларди у. — Бошим оғрипти, жуда қаттиқ оғрипти.

Чол инграб, қимирлай бошлади, бироқ ҳамон ўзинга келолмаган эди.

— Бобо, Кулибек келдимми? — сўради бола бирдан кўз ёши аралаш. — Айтинг, машинасида Кулибек келадими? — гап билан алаҳситмоқчи бўлди у чолни.

Бола бобосини ёниб билан ағдарлиб ётишга мажбур эгди ва ногаҳон маст ҳолда соқолларигача дой ва тупроққа беланиб, аяғли ҳолда ётган чолнинг юзига кўзи тушиб, секинлик кетди. Бола шу дақиқада ҳайганина Ураккули болга билан майдалаб ташлаган оқ буғининг қалласини хаселдан ўтказди ва кўрқувдан ўзини четга тортиди. Бобосидан нари кетар экан, деди:

— Мен багликка айланаман, эшитпсизми бобо, сузиб кетипман. Кулибек келганда багликка айланиб қолганимни айтинг.

Чол ҳеч қандай жавоб қайтармади.

Бола юришда давом этди. Дарёга тушиб, сув кеча бошлади.

Боғанинг сувда баглик бўлиб сузиб юрганидан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Ҳовлида маст кишиларнинг куйлаган қўшиқлари эшитиларди:

Уркач-ўркач тоғлардан,
Уркач туйда мен келдим.
Оч эшигинг, эй, букри савдогар
Биз ичамиз, ўлжир винодагил...

Сен сўзиб кетдинг. Кулибекнинг келишини кутиб турмадинг. Афсус, минг афсуски, Кулибекнинг келишини кутиб турмадинг. Нега сен йўлдан чопиб бора қолмадинг. Агар йўлдан узоқ муддат чопиб борганингдами, аябдига уни учрагандиринг. Кулибекнинг машинасини узоқдан таниган бўлардинг. Кулибни кўтарганингди у шу заҳотиёқ машинасини тўхтаган бўларди.

— Сен қаяққа кетяпсан?— деб сўради.
— Мен сизни излаб кетаётган эдим!— деб жавоб берган бўлардинг.

У шунда сени машинаси кабинасига олган бўларди. Иккаловнинг бирга кетган бўлардингиринг. Олдинда, йўлда эса, ҳеч кимга кўринмасдан Шохдор она бутни елдай учиб борарди. Бироқ сен уни кўра олган бўлардингиринг. Аммо сен сувда сўзиб кетдинг.


* * *

Сен бу қўшиқни эшитмадинг. Сен ўз эртагингдаги бағлиқ каби сузардинг, бўғалоғим. Виласанми, сен ҳеч қачон бағлиққа айланиб қоғолмайсан ва Исёнқўқўлгача сўзиб бормайсан, оқ кемани ҳам кўролмайсан ва унга: «Салом, оқ кема, бу мен!»— деб айтолмайсан.

Сен оқиб кетдинг.
Энди шунга айтишим керакки — сенинг гўдак қалбинг нимани нохуш кўрган бўлса, ҳаммасини рад этдинг. Менинг овунчим ҳам, кувончим ҳам шунда-да. Сен бир чақнаб сўнган яшин каби ҳаёт кечирдинг. Чақмоқларни само чақадилар. Само эса абадийдир. Менинг овунчим ҳам, кувончим ҳам шунда-да. Инсондаги гўдаклик виждони худди урулдаги илк куртақнинг ўзгинаси, куртақнинг уруғ униб чиқмайди. Биз оламга келмасдан илгаринёқ, токи тугилиш ва ўлиш бор экан, ҳақиқат танитана қилиб келмоқда.

Бўғалоғим, сен билан видолашар эканман, сенинг сўзингни яна бир бор такрорлайман: «Салом, оқ кема, бу мен!»

ХИКОЯЛАР



Оқсак тоғ қояларидан эсаётган муздек шамол қоронги даралар нечдан күч билан отлигиб чиқиб, тоғ этакларига равона бўларди. Пастда овул уйкута чўмган.

Атроф жимжит, даразалардан кўриниб турган чироқлар секин ўча бошлади. Қиров қолаб, эндигина очилган деб турган баҳор куртаклари, ой шуъласида ғира-шира кумушдек товланиб турарди. Фақат шамолнинг томга ёпилган қамишларни шитирлатган товуши билан уйку аралаш улинган ит овози эшитиларди. Узоқлардан эса тоғ дарёсининг шовуллагани ва моторларнинг гувиллаши аранг кулоққа чалинарди...

Коронгида овул чеккаседан икки кишининг гавдаси тез яқинлашиб келмоқда эди. Ана улар, қадамларини секинлатиб тўхташди...

— Энди, бу ёғига ўзим... Раҳмат,— аёл кишининг овози эшитилди.

— Кел, кузатиб кўя қолай, тагин итлар талаб юрмасин,— жавоб берди эркак кишининг овози.

— Мен итлардан кўрқмайман...

— Шундай бўлса ҳам...

— Йўқ, Қосимжон, сен ишга кечикиб қоласан.

— Ҳали вақт бор, улгураман,— Қосимжон тултур чақди. Милтиллаган аланга бир даҳзада коронгида каттак рўмогли қиз билан эгнига спортчиларнинг чармли курткасини, оёнига эса кирза элик кийиб олган ёш йигитни ўз бағрига тортиб олмоқчи эди.

— О, Саодат, ҳали яна роса икки ярим соат вақт бор,— деди у, соатига қараб.

— Ҳожати йўқ, Қосимжон, боравер... Бирор киши кўриб қолгудек бўлса, гап қилишди. Бундан ташқари, мен жуда безовталанапман. Онам нега чақиртирди экан?... Тоби қочиб қолган бўлса-я?

— Ҳа-а, агар шундай бўлган бўлса, уни ёлғиз қолдириб мумкин эмас. Лекин сен кўпам сиқилаверма, бир илложини қиларми...

Улар яна бир оз туришди-да, сўнг ажралишди: Саодат — уйга, Қосимжон бўлса, тоғ томонга йўл олди. Бир оз юргач, у орқасига қаради.

— Агар бирор нарса бўлса хабар қил... Мен кутаман.

— Яхши,— бўғиқ овоз билан жавоб берди Саодат. У ҳам бир неча қадам юргандан сўнг тўхтади-да, орқасига қаради. Қосимжон кўринмас эди. Зим-эни кеча, Саодат уйига ошиқди. У уйига қачанлик яқинлашиб борар экан шунчалик қатамини тезлаштирар эди. Охири Саодат сабри чидамай югуриб кетди. Унинг мияси турли хаёллар билан банд эди.

Ҳаёлида худди у ҳозир югуриб бориб эшикни очадиган-ю, кўзлари хираллашиб, тўшақда етган касал онасини кўраётгандай эди. «Она, қадрдоним, қимматли онам», деб қичқириб юборгудек бўлди Саодат, лекин овози чиқмади. Мана танини дарёча ҳам кўзага ташланди. Бирдан ўйга қарши келаётган қандайдир сояга кўзи тушди.

— Сенмисан, Саодат?— сўради онаси.

— Нима қилди, она?

— Шундай кечада ёлғиз ўзингмисан?

— Ҳанс,— деди Саодат, ёлгон гапириб.

— Сени қара-я, худонинг ўзи асрабди,— кўзлари-ни ишқалаб кўйди Зайнаб она.— Шундай ҳам бўладими!

— Йўқ, мен йўловчи аравада келдим,— дарров ўйлаб топди Саодат.

Қизини кучоқлаганича Зайнаб ота йиғлаб юборди: — Кутавериб ҳолдан тойдим. Кўзларим тешилди. Кеч ҳам кирди, сендан ҳамон дарак йўқ. Йўлда бирор ҳодиса рўй бердимкин, деб хавотир олдим. Кутиб олмиш учун энди ўзим йўлга чиқмоқчи бўлаётган эдим.

— Сента нима бўлди, она, биз ўтган ҳафта кўришган эдик-ку.

Саодат трактор бригадасида прицепчи бўлиб ишларди, у бутун ёз бўйи дага шийонинда истиқомат қилди. Шунинг учун ҳам у ҳар гал уйга келганда Зайнаб она учун ҳақиқий байрам бўлар эди. У қизини шундай соғинар эдик, бундай вақтларда унинг олдидан бир қадам ҳам жилмас эди. Улар ўчоққа бирга ўт кўйишар, рўзгор ташвишлари билан банд бўлишарди — бири ҳаммир қорса, иккинчиси тўлт пиширар, Саодат сипир соғса, Зайнаб она унинг ёнида туриб, атада пиширарди. Гап деганиниг кети узилмасди. Зайнаб она хизмат қи-

лаётган колхозда ҳам, Саодат ишлагётган трактор бригадасида ҳам янгиликлар кўп. Саодат қачон арқиб бўйига бормасин, Зайнаб опа дарча олдиди туриб ўнгига тикилганига кузатиб қоларди. Она ўз қизининг бўйига етиб қолганига сира шонглиси келмасди. У Саодатнинг тўлишган, хушбичим яғринларига меҳр билан қараб турарди. Саодат майда кўзли кумуш билагузук тақиб олган тикмачоқдек бугдоймағиз кўллари билан обқашни маҳкам ушлаганча эпчиллик билан чиройли қадам ташлаб келарди. Унинг бир текисида нафас олиши кўйлақ бурмагарини хийла қабартиб кўрсатарди.

— Кўзичоғим, кўзининг оқу қораси, нима десанг ҳам ўзинг биласан, лекин сен билан маслаҳатлашмасдан шундай қарорга келдим,— ўзинча тасаввуридан ўтказарди она.

Бутун она-бола ҳар қачонгидан кўра хурсанд, бир-бирларига меҳрибон эди. Саодат онасининг беҳудда чақирмаганини, унга қандайдир бир муҳим нарса айтмоқчи эканини сезиб турарди. Ҳақиқатан ҳам Зайнаб опа бу гапни айтиш учун кўлдан бери тайёрланиб юрарди.

Кейинги кунларда қизининг кўнгли нимагадир гаш эди. Бунинг сабаби нимада экан?

Эрта баҳор кунларининг бирида сағ-пағ қор ёғиб турган эди, Саодат ҳалослаганича уйга югуриб келди.

— Опа!— ҳаяжон билан қичқирди у остонадан,— комсомол бригадаси келди!

— Қанақа бригада?

— Э, билмайсанми ҳали — МТСдан комсомоллар бригадаси. Комсомоллар янги ерда ишлашмоқчи. Уларни ўз кўзим билан кўрдим, опа, машина ва тракторларда тегиримоннинг ёнгинасидан ўтиб кетишди. Улар ўзлари билан плуг ва селкалар ҳам олиб келишяпти.

«Муңча у безовтагаланди?— ҳайрон бўлиб қолди шунда Зайнаб опа.— Нима бўлибди, келса келишиб-ди-да».

Кизи ҳамон куйиб-пишиб гапирётган эди:

— Мен уларни қаерни ҳайдашни билман, опа. Бригада у ер жуда ҳам яқин. Тоқой аканинг айтишича, улар бу йил «Эски ўтов»нинг ҳаммасини ҳайдашар эмиш.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг Саодат МТСга прицепчи бўлиб ишга кириш учун онасидан руҳсат сўради. Зайнаб опа қизини уйдан чиқаришга ҳеч кўнгли

кўк эди, лекин Саодатнинг ўжарлиги, ўз айтганида туриб олишини билган она бир оз бўшашди.

— Бу йил прицепчи бўлиб ишлайман, кейин эса бизни тракторчиликка ўқитишди. Ахир мен, комсомол мактабда сўз берганман, сўзимдан қандай қайта оламан.

Бироқ ишга Саодатнинг амакиси Тоқой ака аралашмаганда бу баҳона онага тавсир қилиши тўмон эди.

— Ешларнинг кўнглини ўқитишга, ҳамма нарса уларга аён, майли, борсин!— маслаҳат соларди у онага. Саодат ҳам келди. Лекин кўп ўтмай она қаттиқ пушаймон қилди.

У кўрдики, энди Саодат фақат униклигини эмас, балки яна қандайдир қудратли бир куч уни кундан-кун ўзига тортаётган эди.

Бавзи вақтлар унинг назариди Саодат ўзидан кўра ақллироқ туюларди. Бу қиз бола учун ортқича эмас, микини? Кунлар ўтиши билан Саодатда онаси тушулмайидан қандайдир ўзгача тавишлар орта борди. Нима учун Саодат уйга келгандан сўнг онасини нақадар соғинган бўлишига қарамай қалган саҳарлаб туриб, сағ тонг ёриши билан яна бригадага ошиқадми?

Қизиқ, Саодат баъзан вазмин, ишчан, эркаклик қилиб онасига суйкалганар, баъзан эса бирдан кўз олдидан қоронғиланиб, онасидан ажраб қолган бўғалоқ сингари рағмин бўлиб қолар ва хомушланиб, жимгина ўтирарди.

— Ўз шинигдан хурсандмисан, Саодат?— гўё ҳеч нарсани сезмагандек сўрарди Зайнаб опа.— Бригадаларингиздагилар қанақа одамлар ўзин?

— Жуда хурсандман!— Ҳар вақт жавоб берарди Саодат ва ҳаяжон билан ўз ўртоқлари ҳақида ҳикоя қилишга киришиб кетарди. Улар узоқ ерлардан келишган, машинани ҳам яхши билишган. Ҳатто шундайларни ҳам борди, улар машиналарни заводда ўзларини ясаганлар. «Қани, мен ҳам ўшалардай бўлсам» деган Саодат, кўзлари чақнаган ҳолда. Шундай пайтларда у онаси учун қандайдир бегона ва тушуқчи бўлмайдигандек туюларди. Саодат онасининг кўзларидати бу тавиш аломатини сезмасдан, ўзини ҳаяжонга солаётган ҳамма нарса ҳақида, комсомол мактабда, деворий газета-ю, ишбўқмас, дангаса тракторчинини қиердан сўзлаб келганликлари ҳақида ва яна бошқа

кўп нарсалар ҳақида гапирётган эди. Лекин Зайнаб она буларнинг ҳаммасини ҳам тушунавермасди.

Улар бирга чой ичишди. Саодат дасгурхонни йиштириб, пиёдаларни ювиб, тоқчага олиб кўйди. Ёттиш вақти ҳам бўлди. Бироқ Зайнаб она Саодатга диққат билан қараганича ҳамон намат устида ўтирарди.

— Менга яқинроқ кел, қизгинам, ўтир, — ўз ёнидан жой кўрсатди у. — Сен билган гаплашиб олмоқчиман...

— Гапир, она, қўлогим сенда.

Зайнаб она ўз фикрларини жамлаб, гапни нимадан бошлагани билмай анчагина туриб қолди.

— Сен менинг кўз очиб кўрган ёлғиз қизимсан, Саодат, — деди у қизининг юзига тикилиб. — Сен менинг ҳам ўғлимсан, ҳам қизимсан. Менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Сен менга осон деб ўйлаганми? — Онанинг кўзларида ёш томчилари пайдо бўлди. — Фақат ишда бир оз унутаман, уйга келдимми... Ёлғизлик юрагимни ёндириб юборди... Қаерда қолди экан, бирор нарса бўлдимикан, сотмикан... Ишинг аёллар қиладиган иш эмас, Саодат. Қиз боланинг илгў устида ўтиришни нимаси... Бу ишингни кўй, уйга кел... Қолхозда иш оз эмас.

Зайнаб она кўз ёшларини артинб оғир хўрсинди. Унинг нима демоқчи эканини шу гапларнинг ўзиданоқ пайқаб олиш мумкин эди. Лекин Саодат онаси асосий гапни айтмаганини сезиб турарди.

— Нима, дада шийпонимизда қизлардан ёлғиз ўзимманми? Ахир, бизнинг қолхозда бошқа қизлар ҳам бор-ку. МТСда яна қанчаси бор! Бунинг устига улар ишда эркаклардан қолшмаётти. Нима учун мен ишни ташлашим керак экан?

— Сен улар билан тенг бўлма! — Зайнабнинг жаҳули чиқди. — Улар ота-оналарининг якка-ю, ёлғиз бола-си эмас.

Саодат онасини маҳкам қучоқлаганча кўксига бошиб қотиб турди. Унга рози бўлишдан бошқа гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

— Яхши, она, сенинг айтганинча бўлсин. Бироқ менга у ерда яна бир оз бўлишга рухсат бер. Хадемай баҳорги экин ҳам тугайди, ўшанда бугунгай қайтиб кетаман. Жуда оз вақт қолди, сабр қил, она...

Онанинг кўнгли тинчиди. Ёттиш вақти ҳам бўлди. Кўз энди уйкута кетган эди, қандайдир шигирлаган

овоз эшитилди. Зайнаб она кўзини очди ва Саодатнинг туриб секин дераза томон бораяётганини кўрди. Ойнинг кўкимтир нури қизнинг боши ва елкаларигача ёритиб турарди. Саодат безовтаганиб онасига қаради, сўнра секингина дераза олдига борди-да, тизасини қўллари орасига олиб сукут сақлаб ўтираверди. Афтидан, у нималарнидир ўйлаётгандай асабийлашиб, кўксига тушиб турган сочларини юлқиб тортарди.

«Нега ухлай олмайпти?» — онанинг юраги яна ха-вотирдан зирқирай бошлади.

Саодат дераза ойналарига яқинроқ ўтириб, тоғ ёнибағрида ишлагётган трактор чироқларининг аҳён-аҳён-да ёниб ўчаётганини томоша қилиб ўтирди. Узоқдан эшитилаётган моторларнинг гувиллашига завқ билан қулоқ соларди. Тракторлар гўё яқин агрофда ишлагётгандек уларнинг шовқини гоҳ яқинлашар, гоҳ қиз диққатини ўзига жалб этгандай узоқларга кетиб қоларди.

«Тракторга қулоқ соляпти», — ўзича ўйлади Зайнаб она ва у ҳам доим шу гувиллаган овозни эшитадиган бўлди. Унинг қизи ҳам ўша ерда, дагада иштайдди, Саодат уйда бўлмаган пайтларда эса она шу гувиллаган товушини эшитиб, кўнгли бир оз тинчигандай бўладди. Ха, қизи дераза олдида беҳуда ўтирганни йўқ. У булут вужуди билан ўша ерда, тракторлар зўр бериб шулгор қилаётган ерда ўтирарди. Буни Зайнаб она яхши сезарди.

Саодат узоқдаги чироқларга боқиб туруп экан, на-зариди ўткир илгў тишлари кўриқ ер қатламларини қиз қилиб, майин туپроқларни тарам-тарам аёлариб бораяётганини кўриб тургандай бўлди. Қачонлардан бери инсон қўли тегмаган эди бу ерларга.

Мана эди улар Қосимжон билан бирга инсон қадими етмаган, қаронга ерда биринчи бўлиб жон кидритмоқдалар. Энди бу ерда экинлар бошқоқтайди. Ҳа-демай йўллар тўшиди. Қалында қўчманчилар кўчиб юрадиган «Экин қўчманчи» водийсидати тоғ оралиғида улар қад қўларди, шуни одамларимиз келган киниларга фикрлашиб: «Мана шу дагадан ўтсангиз молхонани кўрсат, ундан нарида кўча бор, худди ана шу ер бизнинг қолхоз бўлади» дейишадиган бўлади. — «Ха, бунинг ҳаммасини ўз кўлимиз билан яратганми!» — ўйларди Саодат кўнгли қувончга тўлиб. Ахир,

бу чинакам бахт эмасми, бутун ҳаётингни унга бағишласанг арзимайдимми?

Ерқин кўеш остида жимирлаб ётган кўкмигитир шудгор унинг кўз ўнгигада ўтди. Саодат ана шу илиқ буё билан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Ернинг наманқиб анқиган ҳиди уни ўзига чорларди. Оҳ, қандай ёқимли...

Утлоқнинг нариги бошига бориб қайтишда Саодат тезда плуг ричагларини алмаштирди. Ойнадек ярақлаган лемех тишлари ер бағридан кўтарилди. Уларнинг ҳар бирда кўеш нури аксланиб турарди.

Тракторни қайтара туриб, Қосимжон унга қараб кўлиб кўярди. Саодат эса:

— Бўш келма, Қосимжон! Бутун биринчилигини ола-миш! Бўш келма!

«Қосимжон... учрашганимиз қандай яхши бўлди, бирга ишлапмиш! Мен дунёнинг нариги бурчига бўлса ҳам орангандан боришга тайёрман», — шипирларди Саодат ўзини.

Зайнаб онанинг кўнгли хавотирда эди. Нима қиларини, қизита нима дейишни билмай оғир хўрсиниб, иккинчи ёношига ўтирилиб ётди. Саодат сесканиб кетди. Анча вақтгача гапирмай жимгина ўтирди, сўнг онаси томон бир қараб олди-да, оҳистагина қаравол олдига келди-да, ётди. Бироқ қиз ҳам, она ҳам ухдай олмади. Уларнинг ҳар бири ўз ҳаёллари билан банд эди.

Зайнаб опа қизининг бўйга етиб қолганини ва унинг келгуси тақдирини ҳақида ҳаракат қилиш зарурлигини ўйларди. Агар ўз овулминидан бирор муносаб йингит топилса, у вақтда қизни доммо ўз қаноти остида бўларди. Агар кўёв ёлғиз бўлса яна яхши — ичкўёв қилиб оларди. Қиз, ҳатто сеп тайёр эканидан ҳам хабарсиз эди. Турли хил кигизлар тайёр, фақат чодир сотиб олиши қолган эди.

Саодат эса Қосимжон ҳақида, у билан бирликти учрашганлари ҳақида ўйларди. Уша кезларда улар бир ағретатда ишлаган эди. Ҳар гал ҳам трактор тўхтаганда Қосимжон унинг олдига келиб сўрарди:

— Сен чарчамдингми, Саодат? Бир оз дамнингни ол. «Нега мунча мента ёпишиб олди у?» — Жаҳли чинқиб дерди Саодат. — Нима, мен ёш боламанми? Агар Қосимжон ундан аъвол сўрамаса, Саодат яна аччиққаларди: «Нега у бирон нарса дедмайди? Хафа бўлдимми ёки мен унинг жонига тегдимми?»

Кунлардан бирда улар кўшни чегарата яқин жойдаги энг бағалд қонга чиқмоқчи бўлишди. Саодат ўша кунни ҳеч қачон унутмайди. Тик қонга кўтариллиш қанча қийин бўлмасин, лекин улар чарчашни ҳам унутиб, тўхтамасдан нима бўлса ҳам чўққига чинқиб олиш учун қатъий аҳд қилдилар. Икковлари ҳам у ерда бир-бирларига қандайдир муҳим нарса айтиш ҳақида ўйлардилар. Ахир бу ерда уларнинг сўзларини ҳеч ким эшитмасданди: бу яқин-орда улардан бошқа бирор тирик жон йўқ. Бироқ чўққига чинқиб олганларидан кейин ҳам улардан биронтаси кўнглидагини очиб айтишга ботинолмади. Фақат қайтиб тушаётганларида Саодат тўсатдан сирғаниб кетди, Қосимжон уни маҳкам тутиб қолди, ўйиб олмоқчи бўлиб иттилдди, ammo бу сафар Саодатнинг жаҳли чиқмади. У ҳеч қачон ўзини шундай бахтли ҳис этмаган эди.

* * *

Зайнаб опа ланг очилган эшик ёндорига суянганича уйнинг ичкарасига қараб турарди. Унинг ҳаракатсиз бош эгиб туришидан, таажжубланиб хиёл кўтарилган қошлари ва бир-бирига ботиб кетган лабларидан сукут сақлаб, умидсизликка берилётгани сезилиб турарди.

У бирор кўрқинчли нарсани кутаётгандай оstonага қадам ташлашга ботинмай турди ёки ниманидир эсладди. Балки тоғдан шамол олиб келаётган шовқин-суронга кўлоқ солаётгандир. Кўйлагининг кенг ва узун энги шалтириб остидаб турарди. Енида эса пақурдаги сувлари чанқилиб обқаш ётарди. Зайнаб опа ҳозиргина ариқдан сув олиб қайтган эди. Зайнаб опа у ерда бориб Саодатнинг эрта чинқанини эшитиб келганди. Опа қалби чуқур нагиробота тўлган. Энди у ҳувилаган уйда яқка-ю, ёлғиз. Унинг улуи қамма нарса муҳайи, бироқ қизининг кетиб қолгани билан бутун орзу-умидлари ҳавога учандай бўлди.

Агар Тоқой аканинг қайлиги Жийдагул келмаганида Зайнаб онанинг шу замида қанча турлисини кам билсини, Жийдагулни кўриши билан Зайнаб опа ваёсаб кетди:

— Манна, қиз зоти қанақа экан? Оҳ, шўрим кўрсин. Худо меннинг насонбамни қийди, ўғил бермади. Уғил бўй-

ганда ўз уйини ташлаб кетмай, балки қалғинини етаклаб келармиди.

Жийдагул нимжонгина ва ҳамиша мўмин-муллоийм, ҳозир эса бутунлай бошқача бўлиб қолган бу хотинга кўрқинч билан қараб турарди.

— Саодат мени шарманда қилди!— дедрди Зайнаб опа гап орасида.— Қочқин кишидек иззат-икромсиз исми-расминини қилиб узатилмасдан бир дарбадарнинг орқасидан эргашиб кетди. У Саодатни айтқасеққларга олиб кетади, кўрмай ҳам қоламан.

— Қизиксиз, Зайнаб опа, қизингиз узоқда эмас, шу ерда-ку!— деб Саодатнинг ёнини оларди Жийдагул.

— Бас қил! Менинг шу ахволга тушибимга сизлар ҳам айбдорсизлар. Унинг МТСта боришига сенинг Тоқойнинг сабаб бўлди. Мен бўлсам гўллик қилиб, эримнинг укаси деб унинг гапларига ишонибман. Бор айт, агар аксининг хотираси ва уруғимизнинг шайни унга қадри бўлса, Саодатни йўлдан қайтарсин. Бор!

Шу кунлик Тоқой ака одатта кўра хотинини Зайнаб олани чақириб келишга юборди.

Тоқой ака эгачисини кутиб, китиз устига тўшалган иўстак устида қовоғини солиб ўтирарди. Барча онла айвоғлари ҳам у билан бирга ўтирарди. Уй исеик эди. Қозонда гўшт, стол устида эса самовар қайнарди!

— Ҳаммасидан хабарим бор, Зайнаб,— гап бошладди Тоқой, хурмат билан унга пиеладаги чойни узатди.— Сен учун ўзим ҳам хижолат тортыпман. Агар Саодат аҳмоқлик қилган бўлса, мен ҳозирроқ отни эгарлаб, сочларидан судраб бу ерга олиб келаман!— Чоқнинг кўзлари фазабдан чақнар эди.— Аммо мен бундай қилмайман. Ундан кўра менинг қўлларим ўзиниб тушин. «Эски кўчманчи»даги ерлар кўлдан бери сенинг қизингга ўхшаш одамларни кутарди. Зайнаб, мен сени тинчлантиришга ва кўндирришга ҳаракат қилмоқчи эмасман. Лекин бир нарсани эслатаман.— Тоқой тилининг остига носвой ташлаб олди ва қорамтир мўйловини ўйчан сиғаб кўйдди.— Ҳозир «Эски кўчманчи» ерлари очилмоқда. Ўзинг билгасан-ку, бир вақтлар биз бу ишни уйдадай олмаган эдик. Уша вақтда биз бу пастқам ерларни охири бир кун ўзлаштирамиз, деб ўйлашга ҳам ботина олмаган эдик. Войлар бизни сиктиб, охири ана шу «Эски кўчманчи» ерларига ҳайдаб юборишган эди. У жойларда ерни ҳайдаш ҳам, сўғориш ҳам ноқулай эди.

Эсингдами, ўшанда акамни севиб қолиб, у билан бу ерга қочиб келгандларинг? Очликдан ўлмаслик учун, ҳатто мана шу пўстақдан ҳам қатта бўлмаган ерни ҳайдашга қарор қилган эдик. Тўғри айтсан, ерни қандай тозадаганимиз, тошларни қўлда кўтариб ташганимиз, тоғ енидан ариқ қазганимиз ва «Йўл қоясидан» сув кўтарилиб бу ариққа чиқматани ёдингдами?

Шўлларни эслайсанми, Зайнаб? Ахир куруқ кўл билан қояларни ағдариб бўлармиди? Меҳнатимиз зое кетиб, экинлар куриб қолди. Сен ўшанда қандай йиғлаганингни эслайсанми, ҳатто биз эркаклар ҳам кўз ёшларимизни зўрға тутиб турган эдик. Ушанда биз «Эски кўчманчи» ерларидан кафтдек қисминни ҳам ишлай олмаган эдик. Лекин бизга кўп ер керакмиди? Фақат очликдан ўлмаслик учун... Энди эса бизнинг болаларимиз «Эски кўчманчи»ни ўзлаштиришга бел боғладилар. Агар сен уларни ҳозир нимага қилаётганини кўрганнингда эди... Улар зўр ишону билан ишлапти. Уларда билгим бор, машина бор... Ҳалемай ғалғамиз дарё бўлиб оқадди.

Эҳ, Зайнаб, ёшлигингда ўз севгани кишини учун ҳар қандай қийинчиликларга дуч келгансан. Шундай экан, нима учун сенинг қизинг ўз севгани билан турмуш қуришга ва у билан бирга меҳнат қилишга ҳақли эмас экан, а?

Зайнаб опа жим турарди.

— Сен ақли хотинсан,— давом этарди Тоқой,— тушунинг керак. Саодат шундай қилмасдан иложи йўқ эди. Қўвнинг Қосимжон эса ота-онасиз дарбадар эмас, ажойиб йигит, бригадада биринчи тракторчи. Унинг ота-оналари шаҳарда яшайди. Уларни жуда яхши, хурматли кишилар дейишди. Саодатга келсак, у онасини улуғиб кетадиганлардан эмас. Яқшанба кунини улар сенингга келишди, кузда эса сен одат бўйича йўл очар қилсан. Тўйин бўлса биринчи ҳосил йиғилиб, улар ишти унга кўчиб кирган кунни қиламиз.

Тоқой ака нима деган бўлса Зайнаб опа жимгина ўтириб тинглади. Кейин ўрпидан туриб эшик томон йўл олди. У бунга роан бўлдими, йўқми, ҳеч ким тушунмади. Тоқой ака меҳмонни кузатишга чиқди. Ташқарида шундай қаттиқ ёғтир ёғаётган эдик, ҳатто, тоғлар ҳам, дароҳлар ҳам, нарироқдаги уйлар ҳам кўринмасди. Ҳамма нарса сувли туман билан қопланиб олган эди.

— Эх-хе, ҳамма ёқни қоплаб олибди-ю! Ана кўрасан, бу оқ ёмғир қамиди икки-уч кун тўхтовсиз ёради...
— Оқ ёмғир дейсанми?— Йақ овоз билан сўради
Зайнаб опа ва жавобини ҳам кутмасдан кетиб қолди.

* * *

Зайнаб опа уйга кириб келар экан, хаёл есинга чўмганча бурчакака келиб ўтирди ва ёмғир томчилари оқиб тушаётган деразага қаради.

— Оқ ёмғир!— шивирлади у алданарсани эслагандай. Зайнаб опа йўлда келаятиб, Тоқой ҳар ҳолда ҳақ деган хулосага келганди. Лекин у уйнинг остонасига қалам кўйиши билан, кўллари шалвираб, юраги музлаб кетди ва яна ўзини елғиз ҳис эта бошлады. Бирор рўзгор ишлари билан банд бўлмоқчи бўлди-ю, лекин, юрагига ҳеч нарса сирмади. У ҳар вақт нимадир етишмаётганининг уйларди. Лекин унинг нима эканлиги сира тушуна олмади.

Ниҳоят у бунга тоқди: одатдагидек тоғ тарафдан келган моторларнинг овози эшитилмас эди. Ҳар доим онани тракторларнинг овози тинчлангитирарди, чунки бу овоз сеингли қизи билан, унинг келажаги билан боғлиқ эди. Зайнаб опа хавотирланарди: «Тракторлар жини, оқ ёмғирнинг икки-уч кун ёғадигандай шашти бор. У бечоралар палаткаларда нима бўлди экан? Нам, совуқ, печка йўқ». Унинг ёш келин-куёвларга раҳмин келди. Ахир улар чилдалик-ку, тезроқ яқшанба кела қолса эди.

Зайнаб опа бармоқлари билан яқшанбага неча кун қолганини санади. Тўрт кун! Қандай узок! У тезроқ Саодат ва Қосимжонни кўргиси келарди. Бир оз ўтиргач, кескин ўрнидан турди-да, сандиқдаги оқ сурини олиб, аркаклар қийдиган кўйлак бичди. Сўнг печкага ўт ёқди. Хонада дарров ҳамма нарса саранжом бўлди. Тўшт пишунча Зайнаб опа машинада кўйлак тикиб бўлаёзди. Энди у кўл қовуштириб ўтирмасдан бўғирсоқ қовурилаган қозон олдига ўраланиб қолди. Оловдан қизиб кетган повлари қип-қизил бўлиб, майда тер томчилари билан қолганди. Бирор яқинлиқни кутаётгидек қўзларни қувонч билан порларди. Афтидан у катта байрамга тайёрланаётгандай эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. У хозирок «Эски кўчманчи»га боришга қарор қилди. Тайёрланиб бўлгандан сўнг, Зайнаб опа Саодатнинг сепи учун

асраб кўйган тулли шол рўмолни олиб келди-да, кўйлак билан бирга қўшиб хуржунининг бир қўзига солди, унинг иккинчи қўзини эса гўшт ва бўғирсоқ билан тўлдирди. Энди кетавериш мумкин эди, лекин у ўйлашиб қолди — эрта теккан қизиникига таклиф қилинмасан бориш ярашмаса керак. Тоқой кузгача куттишни маслаҳат берган эди. Лекин бу ниҳоятда узок муддат. Тўғри, Саодат ва Қосимжон яқшанба кунни келишади. Аммо яқшанбага ҳақиқатан тўрт кун бор... У эса ўз боғдаларини ва «Эски кўчманчи»да нималар қилинаётганини хозирок ўз кўзи билан кўргиси келарди. Борди-ю, уни кулга қилинсанчи? «Нима деб ўйлашса ўйлашаверсин, бари бир бора-ман».

Зайнаб опа янги шойи кўйлагини, маҳси-қалишини, севаган чопонини кийиб, хуржунини елкасига ташлади-да, бошига катта қанорни ёпиниб ўйидан чиқди.

Ташқарида бўлса оқ ёмғир ёғаётган эди.

* * *

Кул ранг туман аралаш ёмғирда сўкмоқ бўйлаб от устида хотин киши секин юриб борарди. Ер денгизин ҳайдалатиб ташланган, катта ариқлар қазилган, ёмғир билан ювлинб, ер қобинини секин-аста ёриб яшил усимлик — биринчи баҳорги бугдой униб чиқмоқда. «Эски кўчманчи» ерлари таниб бўлмас даражада ўзгарган. Ҳосил олмиш мушкул бўлган бир парча ер қарда эди? Сув чиқариб бўлмаган ариқ қаёқда қолди?..

Зайнаб опа отдан тушиб, ёнидаги тошга ўтирди-да, ёнглай бошлади. Бироқ, эндиги кўз ёшлар ўз фарзандларининг фахри учун, уларнинг ажойиб катта ишларини кўриб қувонч ҳисларига тўлган онанинг кўз ёшларини эди.

1994 йил

Дилчица ишдан қайтган Хонимгул уй ишларини ана-мана дегунча битирди-да, кўчага, пода йўлга чиқди. Қора сипирни эрталоқ боғлаб олмасанг, у ёмон, даров кўшчиларнинг экинларига тушиб кетади. Орқасидан ўн чоқли киши ҳалдослаб қувламаса, осонлик билан ушлабмайди.

Хонимгул кўлга икки яшар ўғли Тўқонни кўтариб олган эди. Уларнинг иккаласи ҳам кўчанинг кун боши томонига тикилиб турмишарди. Пода ҳар кунни ўша ёқдан келарди. Кўчанинг охиридаги қатор тизилган теракларнинг игнадек учига гўё кўш илмини қолгандай, сўнги нурларини сочиб, қирини ортга ботиб бормоқда эди. Ботиб бораётган кўш ўрнини борган сарниғира-шира қоронғилик эгаллаб, пастликдаги кўланкаларни ўз қарига тортиб бораётгандай, тобора ҳамма нарса кўздан гойиб бўлиб борарди.

Кеч кириб қолган бўлса ҳам, офтобнинг тафти ҳали қайтганча йўқ, кун ботиш томондаги қозоқ даштидан кимдир биров атайин елпётгандай гармселининг иссиқ нафаси юзларга ловиллаб ура бошлади. Ҳозир тева-рак-атрофдаги ҳамма нарса: ҳолсиз тебранаётган буталар, жимжит тўқайзор сингари иссиқ ҳавода димкиб турган чорбоғлардаги оқ жўхорида, чивинга таланиб ариқ бўйида бош силтаб турган бўзбоя, мана шуларнинг бари саратон иссиғида куйиб-ёниб, ҳозир салқин тушининг келишининг орақиб кутаётгандай. Тунда юқоридан муздек шабада эсарди, тонгда ҳордак чиқариб етган ер бетини шудринг қолларди, ўшанда тошлар марварид доначалари билан қоллангандай жилаваланди, молларнинг егани сингиб, семирарди, қуриб-қовжираган нихолларга қайта жон кираарди.

Сипирлар роса тўйиб қайтганидан оғирлашиб қоринни кўтара олмай кўчанинг ўртасида шоммасдан бир-бир босиб, йўлнинг чагини бурқситиб келарди.

Икки юз қип-қизил олмадай, бурни эса саг ясенроқ, тиниб-тинчимас кичкина Тўқон Хонимгулнинг кўлида олга толпиниб, чивикни ўйнаб, қора сипирни: «Хиш-ҳиш, хиш!» деб чақиради. Қора сипир Тўқонга пар-

во қилмай, эринчоқлик билан судралиб келди-да, жўхори томон илгилмоқчи эди, Хонимгулни кўриб тўхтаб қолди.

— Ҳайда, Тўқон, уйга ҳайда!— деди Хонимгул кўлидаги боласини эркалатиб. Шу пайт боласи кўзига чиндан ҳам ншта яраб, гўё мол ҳайлашиб юргандай кўриниб, онаси бундан ўзича суюниб кўйди.

Хонимгул бир бола кўрган жувон бўлса ҳам, қиз пайидаги ҳусни жамолини йўқотмаганди. Кўлиб турганда юзларидagi кўлнргич янада чуқурашиб, чеҳрасида қандайдир уячандлик бақиб турарди. Унинг сел қийиқ чиройли кўзлари баъзан шўх қулундай ўноқлар, баъзан ички нозик ҳиссиётларини шундоққина кўрсатиб, узок вақт порлаб турарди.

— Айланайин полачим! Сенинг бу мол ҳайдаганиндан айланай!— деб Хонимгул боласини кучоқлаб, қайта-қайта ўпди. Боланинг салмомидан тортилиб товоғига тушган узун кўйлагининг этагини ерга кўшиб босётган Хонимгул эркалатгандай бидирлаб келарди.— Ҳайда, селатанг кетайин, ҳайда... Чивик билан ур... Бош, уйи қара, жўхорига кирмоқчи чоғи! Бош десал... Айланайин, мен уни ҳозиргина соғаман, сўт ичасанми, Тўқон! Худди шу вақт кўчадаги чап-тузон ичида бир отлик кўринди. Унинг от ҳайлаши бежо эди. Деворнинг бошида кўйкайиб ўтирган бойўғлидай хурпайиб, терга ботган кигиз қалпоғини чақчайган кўзича босиб кийиб олган, ҳаво ёниб турганига қарамай устида ёғинсониндан ўнгиб кетган пшаш.

— Отанг келди, қара-чи. Тўқон, отанг келди!— деди Хонимгул кўзига жигмайиб.

Қоратой аслида ўан қоп-қора киши. Бироқ булуғ унинг терлаб-пишиб чап босган юзи ўзгача хўнук тортиб ранги ўчиб кетган эди. Унинг кўлдан бери устара тегмаган шондай мўйловининг учларини ҳам боғити иссиқ гўрмаса урғилдай сарғайиб кетган.

Қоратой тизгинни тортгани йўқ. У боласи билан хотинининг ёнида тўхтамай гўё бошқа бетона кишиларни учратгандай, уларнинг олдидан ўниб бораётиб бир тизиниб кўйдан-да, дарвозага суйканиб ётган сипирга етиб бориб, уни қамчи билан кўлочкашлаб жон-жаҳди-да бир соқилди-ди, шидмасдан уйга ҳайдади.

— Ота, ҳауви! Ота, ҳауви! Ота!— Ота миндиргин дегандай отасига чулдиради кичкинагина Тўқон.

— Қоратой, ўғлигини миндир! — деди Хонимгул. Қоратой отининг жигловини бир оз тортиб, қайрилиб туриб бир кулимсирайин деди-ю, лекин кулмади. Даблариди табассуи бир кўринди-ю, яна йўқолди. «Эй, қочиб турсанг-чи,» — дегандай Қоратой ўғлига қараб кўлини силдатди.

Ҳеч нимата тушунолмаган қолган Хонимгул боласини кўрагинга босганича, ўрнида серрайиб туриб қолди.

Бошқа кунлари Қоратой суз бошидан келганида отдан тушмай туриб доимо «Кани, хоним, ўғилчани бер!» деб, от устида кудочини ёзиб энгашарди. Ушанда унинг маънос кўзларига кутилмаганда севинч учқунларини, хумрайган тозига пилқикни югурарди. Қоратой Тўқонни олдинга миндириб олиб, ўзича аллақайси оҳангда хиргойи қилиб, кечки салқинда кўча буйлаб ўғлини нари-бери сайр қилдиради. Тўқон бўлса чилвирининг бир учини ушлаб кичкинтой оёқчалари билан тепиниб, қувончидан дабларини чўччайтди: «Кўрдиларингми, отни ўзим ҳайдаб юрибман!» дегандай талтайиб кўриди. Шунда буларни кўрган кишилар:

— Вой-бўй! Бизнинг Тўқон ажабтовур йигит бўлиб қолди-ку! — дейишиб, чиндан ҳам суюнишарди. — Кўрмайсанми! Отни ўзи миниб юрибди! Боракалго! Азамат, азамат-да ўзи!

Мана шу айтылган олдий сўзлар Хонимгул учун оналик меҳрининг энг юксак чўққисига олиб чиққандай бўларди.

Хонимгулнинг энг яхши кўрганни — кечки пайт. Қоратой отини сойга тушовлаб келиб, кўнглини жойига қўйгач, оз-моз кўбиз ҳам чертиб кўарди. Ҳоққининг бошида ёстниққа ёнбошлаб, кўли билан кўбизнинг торини чертиб, утқусирагандай шипинқираган қовоғининг остидан, ёнида чордона кўриб хурсанд бўлиб ўтирган Тўқонни эркалатиб, кулимсираб қарарди.

Ерда ҳамир югириб ўтирган Хонимгулнинг дорсиллаган юзлари оловнинг тафтидан доладай кизариб кетган эди. Қоратой, албатта моҳир кўбизчилардан эмас, унинг чертанини ҳам бир қирғиз энглаб чертади, бироқ у чертиб ўтирган эски куйи Хонимгул учун обдан ёқимли, бу куйини у туну кун мижажа қоқмай энгитишга тайёр. Унинг орзулари рўёбга чиққан: қаршисида болаеси, бир ёстниққа бош қўйган умрдош ёри ўтирди. Уларга Хонимгул ўз кўли билан овқат пиширяпти. Қоратой чер-

таётган куй Хонимгулга қанот бериб, у ҳозир осмонда айланиб учиб юргандай. Бундай пайтларда Хонимгул: «Шундай итфиқ, ризқи-рўзғли оила пешонамга битганидан розиман», деб ўйларди.

Хонимгулнинг шундай ўйлашида жон бор. Тоҳо тенткур келиндар яширмай-нетмай: «Сен жуда бахтлисан, Хонимгул! Кувенинг рўзғорга жонкуяр, чорва кишини. Қолхозининг мироби. Сен дада шида бўлсин, уй шида бўлсин, ҳеч қимдан ортда қолмайсан. Турмушларининг тинч, ўғилчанг бор, қайнаганг билан ахилсан, армонсиз ўтасан», — деб айгишарди. Бундай пайтларда Хонимгул барча қувончини ичига ютиб, нидамасдан кулиб кўярди-да, кўлидаги кетмонини яна ҳам илдамроқ силтарди. «Бироқ сизлар энг негизини билмайсизлар!» дегандай Хонимгул ўзича кулимсиради. «Мен учун севиш ҳаммасидан қиммат. Мен Қоратойни севаман. Қоратой мени севади. Икковимиз боламининг севаминз... Севмаган одамларнинг боши биркедмин?» Бироқ кутилмаганда, қандайлар сабаблар билан улар ўртасида ширин турмушнинг бузиллишини Хонимгул хаёлига ҳам келтирмас эди. Қоратойнинг бугунги авзойи Хонимгулни ўйлаттириб, ташвишга солиб қўйди. «Бу нимаси, у нега бундай қўнлатти?» дегандай Тўқоннинг тозига аялчанг ҳолатда термиларди. Бола бўлса она қалбини тушунигандай йиғлай бошлади, у афтидан отга миндирмадинг, деб отасидан кўнгли ўқсилганга ўхшайди.

— Куй, Тўқон! Илглама, куй! — деди Хонимгул. У болани овуттишга қанчалик уринмасин, ўзи ҳам алла-нарсани эслаб хаёлга чўмди. Бироқ ўй-хаёлларининг учини тополмади. Болани юпаттишга бошқа муносиб сўз тополмай, Хонимгул уни янада қаттиқроқ кучоқлаб бағрига босди.

Олд томондан урган кучли шамолга кўкенин қалқон қилиб тургандай Хонимгул Тўқонни букчайганича кучоқлаб тураверди. Аёл тез-тез нафас олётганидан бўйин томарлари сирғина бўртиб чиққан. Хонимгулнинг ўзи учун ҳам, боласи учун ҳам ўқилган юрати айбониз изла бўлганига чидамай ўртаниб ёниб, аллақандай кўрқинчли ҳолдса юз беришини олдиндан сезаётгандай тун-тун уради.

Хонимгул уйга кириб келганда, Қоратой ўша чанг босган пайшини ечмасдан, бурчакдаги стол ёнида тик турганича, қатта қосани кўш қўллаб ушлаб айрон ичаёт-

ган экан. У худди узок чоппиб, ютақиб колган от сипгари айронни жон-жаҳди билан қутқуллатиб нчарди. Хонимтул унга индамай қараб тураверди. Ҳар бир қутлумни ютганда унинг юнгли бўйиндан кекирдаги гоҳ пасста тушиб, гоҳ юқорига кўтарилди туради.

Хонимтул эрининг фельд-автори нимага бундай ўага-риб келганини тушиниб етмади. Қоратой ҳамма вақт кам гап эди, алобатта. Бироқ Хонимтул эрини ҳали ҳеч қачон бўлунгидек бегоналашиб, ғазабга тўлганлигини кўрмаган эди.

Қоратой, ниҳоят, косани тоқчага қўйди, ёригиб, дағаллашиб кетган катта кафти билан лабларини артанча, хотинига кўз қири билан назар ташлади ва орқасига бурилиб, нидамасдан қаравот томон олинмаб кетди.

— Болгани бу ёққа олиб кел!— деди у ялашини девордаги миҳга илар экан, бўғиқ овоз билан.

«Нимага керак у сенга? Садқайи бола кет! Худо ёрда қаб соғиниб қолибсан! Шохини синдирганинг ҳам етар!» Хонимтул кўёвига шундай деб айтмоқчи бўлди. Бироқ бунга журъат етмади. Шу маҳал Қоратой китпизга утираркан, бир ери қаттиқ оғриётгандай тишини тишига қўриб иттирарди. Афтидан қандайдир ачинаётгандай кўриниб, бош-юзлари буришиб қариб қолгани, айниқса бутун кўзга алоҳида ташланиб турарди. Шунда буни пайқаган Хонимтул қалбидagi ғазаб алангалари бирдан тарқалиб кетди.

— Тўқон катта онасиникида,— деди Хонимтул эшикка чиқиб бораётиб,— сенга нима бўлди, Қоратой? Нега мунча қовоғинг солиқ?

— Ҳеч нима... Овқатингни қил...

Хонимтул бир челақ сув олиб уйга қайтиб келганда кўёви ҳали ҳам боғидай мустар бўлиб, куйи солинган бошини кафтига қўйганича китпизнинг устида ёнбошлаб ётарди. У шу бўйича кўзғалмай ёта берди, бироқ Хонимтул яқинлаб келганда уни атайлаб жавратмайин дедими, ёки боянда берн ўйганиб ётиб бир фикрга келган бўлса шунга айтишга ўзини чоғладими, ҳарқалай, Қоратой ўрниндан сакраб турди-да:

— Резинка этик қаерда, олиб кел!— деб хотинининг рўйхуш бермаётганини аглаб, шартта буйруқ қилди. Пайтавасини шоша-пиша ўраб, резинка этигини кийиб олган Қоратой эшикка шошилиб югуриб чиқди. Қантариглиқ турган отнинг пушганини бирон ни-

мадан ўч олаётгандай жон-жаҳди билан тортган эди, от ўрниндан кўзгалдиб кетди.

— Так!— деди Қоратой овозининг борича зарда билан бақириб,— ҳаром ўлгури!

Сўп у хотинига қайрилиб, хўмайиб ёвузларча тикилиб қаради.

— Сенинг Собирбегинг!— деди у ранг-қутн ўчиб, қалтираб,— ё мени де, ё уни де!..

Бунга ўқуб боядан бери кўнглин хиралашиб, агла-қандай ёмон нарсани сезиб ҳадиксираб юрган Хонимтулнинг қалби яна Собирбек, детанида кинидан чиқиб кетгудай бўлди. У Қоратойга қараб отилди ва от узангисига ёпишиб олиб ялиниб-ёлворди:

— Тўхта, Қоратой! Тўхта, бу нима деганинг? Нима учун бундай депсан?.. Қайси Собирбек?..

Бироқ Қоратой хотинининг сўзларига қулдоқ солмай, унинг қўлини силтаб ташлаб, отига устма-уст қамчи босиб, чанг-тўзонни кўтариб чоппиб кетди.

Хонимтул «Қоратой! Қоратой!»— деб бақирганича қолаверди. Тоғдан эсаётган кечки шамол ғазабга тўлган Хонимтулнинг этак-енгларини ҳилпиратди: «Сен бу ерда нима қилиб турибсан, қитиқлайинми-а?» дегандай юлқилаб ўйнаётган эди. Хонимтул уйга қайтаркан, елкалари совуқдан учиб титтарди.

Тоғдан қоронглик босиб кела бошлади. Адлақардан, олис-олислардан бойўғлининг қичқирити эшитилди. Эшитилди-ю дарҳол жимиб қолди. Самода юлдузлар фанари ёна бошлади. Қонног уйкута кетди.

II

Уша кунни кундузи чақирилган қолхоз миқроблари ва дағачилик бригадалари кенгашига Қоратой бир оз кечиб келди. Район ижроия комитети раисининг катта кабинети кенгаш қатнашчилари билан йиқ тўлган эди. Қайси бирлари деразаларнинг остида, бошқалари эшикнинг бўсағасида деворга суянганича ўтиришарди.

Қоратой коридорга кириб, эшиги икки ёққа очиб қўйилган кабинет томон бўйин чўзиб ўтиришган кишилар тўпига келиб қўшилди.

Кенгашда чиқиб сўзлаганларнинг бариси биргина масалани муҳокама қилишарди. Районда суғориш иши ёмон аҳволда, экин-тикин вақтида суғорилмай қуриб,

күйиб кетипти. МТСининг бош агрономи «Бештош» колхози хақида узоқ гапирди. Унда Қоратой мироблик қиларди. Илгор колхозларда бедалар икки бор ўрилиб, парамланастган бўлса, «Бештош» колхозинда бир марта ўригандан сўнг бошқа суғорилмай, беда сувсизликдан шу бўйича ўсмай қолган. Иш шу аҳволда бўлар экан, бештошликлар бу йил ҳам ўтган йиллардагидек бедални икки марта ўриб олишга кўан етмайди. Жўхори бўлса эндигина бир марта суғорилибди, қай бир ерларига бутундай сув чиқмай, тап-тақирлигича ётибди, бошқа колхозларда бутакўз экинлари тўрт-беш бор суғорилган бўлса, «Бештош»да атиги икки марта суғорилган, холос.

Колхоз шайнига айтган агрономнинг бу хилдаги сўзларини Қоратой бепарволик билан оdatлагани сўзларда, дегандай тинглаб ўтирди. Бу еттишовчиликлар хақида унинг ҳам ўзгача айттар сўз бор. Бу нарсалар унга илгаридан беш кўлдай маълум эди. Чунки Қоратой ўзининг жонажон иши — миробичлик хақида эртта кеч бош қотираар эди. У кўлдан бери бундай саволларга жавоб бериш учун ўйлаб, тайёрланиб юрарди. У ўз фикрларининг тўғрилигига қаттиқ ишонар эди ҳам. Миробичнинг ўзига хос тегишли ишлари бор: колхозга берилган сувни белгиланган норма бўйича ариқларга бўлиб тарқатиш керак. Қолган бошқа ишлар эса рангга тегишли, бригадафта тегишли. Ишчи ўшалар бошқаради-ку! Дарвоқе, сув иши колхозда фоят ёмон аҳволда, бирок бунга ким айбдор? Қоратойми? Йўқ, колхозда сув еттишмаса Қоратойнинг кўлидан нима ҳам кела олади? Йўқин йўқини? Айрим вақтлари сув етарли бўлгани билан суғорилган одам етишмай қолди, ҳаммасига колхоз ранси айбги, у жавоб бераверсин...

Қоратой бу гап ҳам кенашда айтгилдагилан гапларини кўнглига олмай оdatлагидек қош-қовоқ қилиб ўтирмасдан, келган бўйидан овулга қайтиб кетаверини мумкин эди. Бирок кенаш охирида кимдир биров бурчақдан туриб гапириб қолди: «Ўндай деган билан ҳам, бундай деган билан ҳам, барибир сув нормаси кўпайтирилиб, ҳар биримизга уч-тўрт кўлоқдан сув кўшиб бермагувча иш битмайди». Қоратой ўзини бирдан енгил ҳис қилди, — унинг айни муذاосиндаги гап айтган эди. Ўзи ҳам доимо сув деб қақшаб юрарди. Иш кўнглидагидек бўлиш учун колхозга бўлиб берилган сув яна кам деганда ярим барабар кўпайтирилгани зарур эди. Кўпчилик мироблар

бу таклифини қувватлаб шовқин-сурон қилишди: «Тўғри! Тўғри айтди, ҳамма гап шунда-да!»

Овозлар бир оз босилгач, Собирбекка сўз берилди. Собирбек Қоратойларга кўшини — Жданов номли колхозининг мироби. У порусина¹ кўйлагининг эталини орқа томонига тортиб кўйдиди, стол ёнига енгилгина одимлаб келди. Сўнг ўтирганларнинг кўнглидагини билмоқчи бўлгандай, уларнинг ҳар бирига кўз югуртириб чиқди. Ҳадеганда Собирбекининг ўзига хос белгиларини аниқлаб олиш қийин эди. Унинг еши ўттизлардан ошган, кенг ярингли, кўй кўзди, сариқдан келган киши эди. Унинг бақувват гавдаси кўринишдан ёшлик чоғидан меҳнатга чиниққан кишиларни эслатарди. Собирбекининг ёқимли кўлимсираб турган ялпоқ юзлари, кишиларни мафтун қилдирган ишончли кўз қарашлари, вазинчилиги, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган ювош кишини эслатарди. Бирок иш хақида, сув хусусида сўзлаганда, унинг ҳақлиги мўмин-қобиллиги бир зумда йўқ бўлади-қолади. Собирбекининг бу табиғатини Қоратой бошқалардан кўра яхшироқ биларди...

Яқин кишилар орасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар ҳам вақти келди жуда мураккаблашиб кетиши мумкин. Мана ҳозир Собирбек сўзгай бошлаганда, Қоратой унинг сўзларини менга ҳеч қандай қиярчи, тегишли жойи йўқ, дегандай, ўзига юқтирмай, шунчаки тинглаб ўтирди. Улар гўё илгаридан келишиб қўйган кишилардек, бир-бирини ҳеч вақт ёмонлаб ҳам, яхшилаб ҳам гапирмас эдилар. Сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман, сен меннинг ишимга аралашмасанг, мен сеннинг ишингга аралашмайман, деб келишиб қўйгандай, ўзаро ёқтиришмасалар ҳам бири-иккинчисига гап тегишайдан эҳтиёт бўлиб юришарди. Олдин дўстлашиб юрган кишиларнинг ораси бузилиб, йўллари икки томонга айрилиб кетган пайтларда шундай ҳодиса юз беради: яхши, ёмонни яширишиб бир-биридан узоқлашаверишди. Уларнинг дўстлиги одам қатнамай кўйган ёлғизоёқ йўлни ўт босиб кетгани каби бора-бора, ўз-ўзиндан унутулиб, қалбдаги ўқинчларни бир-бирига айтишмай юрган дўстлар орасидаги эндиликлар кучайиб, кек сақлайдиган бўлиб қоладилар. Улар очиқдан-очик қасдлашиб қолмаса ҳам, ҳар бири ўз дардини ичига тутиб, пайтини пойлаб юради.

¹ Порусина — канопдан тўқилган мато.

Мабодо, улардан бири кўл кўтариб қолгудай бўлса, иккинчиси от кўйиб курашга киришга тайёр туради. Ана шунда улар бир-бирига душман эканини яшириб ўтирмаздан, юзма-юз келади. Ҳозирча кўнглида бирор фаразни бўлмаган Қоратой Собирбекнинг сўзларини совуққонлик билан тинглаб ўтирарди.

Собирбек у-бу деб эъзалик қилиб ўтирмасдан, гапининг бўларини айтган эди:

— Бу ерда баъзи бирларимиз сувни тақсимлаш масаласи қайта кўриб чиқилсин, текширилсин, деган фикр-ни айтганимиз,— деди у бамайлихотир сўзлаб.— Бу бир томондан тўғри, албатта. Чунки ҳар бир ишни қайта-қайта кўздан кечириб, текшириб туриш — фойдадан холи эмас. Бизнинг сувчиларимиз — гидротехниклар ҳам буни аллақачон инобатга олиб кўйишган бўлса керак. Бу ҳақда уларнинг ўзлари гапиршар. Биз, мироблар эса бу ерда булдан бошқа ишлар тўғрисида келтириш олишимиз керак. Акс ҳолда қизининг сирини онасига маълум, деганларидай, бизнинг билганимиз битта. У ҳам бўлса: «Сув етмайпти, чанқадик, кўпроқ сув бер!» деб айоханнос солганимиз солган. Агар сувни кўпайтириб берганлари тақдирда ҳам яна сув етмайди деб чопганимиз чопган. Сувнинг кўпи яхши. Сув қанча мўл бўлса, нон ҳам шунча сероб бўлади, бу ҳаммага маълум. Лекин баъзи бирозларимиз Чўй ариғининг ҳаммасини далага буюриб юборсанг ҳам кўн тўймай, ўшанда ҳам сув етмайди деб зорланади. Иўк, ўртоқлар, бу кулги эмас. Бу муаммо ҳар биримизни қаттиқ ўйлантирмоқда. Ахир унга худонинг шунчаки оқиб етган суви деб енгил-елли қараш мумкин эмас-да. Сув деб қанчалик ташвиш тортиямиз, меҳнат қилиямиз... Шундай экан, бу ҳақда бафуржа ўтириб гапиришиб олайлик... Мана масалан, кўкдамада далани кезган вақтингда, бир текисда унинг чиққан экинларни кўриб қалбниг қувончга тўлади, кузга келиб хирмон кўтарилганда ҳосилни кўриб хафсаланг пир бўлади. Мана ҳозир ҳам экинлар сув юзини кўрмай қувраб кетяпти... Нега шундай бўляпти? Сув етишмас-дигиданми? Иўк, бундай эмас. Менинچа, ҳар бир колхозда етарли сув бор, ҳатто сувга серобимиз ҳам дая олиними мумкин. Хўш, шундай экан, асосий гап нимада?

Собирбек коридорда ўтирган бир тала оламлар томон фоздай бўйин чўзиб қараркан, бирдан Қоратойга кўн тушиши билан тақир қирғилган бошини қашиб, хаёлига

бирор нарса келгандай бир оз жим қолиб, гапини улаб кетди:

— Ҳар ким кўрган-билганини гапирарди. Қоратой билан иккимизнинг овулдимиз ёнма-ён. Ичадиган сувимиз ҳам бир. Катта ариқнинг нариги соҳили уларники, беринги соҳили бизники... Бу томондан Қоратойни дўст деб билмаган. Мен уни ёқоламоқчи эмасман, лекин мен буни ҳақ гапни айтмоладан ҳам туролмаймаган. Сен ҳам миробсан, мен ҳам миробман. Ўзингга маълум, «дўст аччиб гапирар, душман кўлдириб», деган мақол бор.

Собирбекнинг бу сўзларини тинглаб ўтириб Қоратой ўз кулгоғига баъзан ишонгиса келмасди. Бу гапларнинг ҳаммаси унга тўғридай бўлиб туюларди. Бироқ тўғри сўз тошни ёрар деганларидай...

Собирбекнинг сўзлари аста-секин Қоратойга оғир бошга бошлагди. Собирбек ҳақ гапларни айтган бўлса ҳам, Қоратой уни ақоига тушуниб, ғазабланаётган эди. Қоратой алданадиган анойи эмас, Собирбек нима учун бошқаларни мисолга келтирмай, унинг иши ҳақида гапирмаганини яхши пайқарди. Собирбек ундан ўч олмоқчи. У шу келганда халқнинг кўз олдига атайлаб унинг обрўйини тўкиб, шарманда қилмоқчи. Бўлмаса, «Бештош» колхоз экинларни сўғоришда энг орқанда қолган, деб бунчалик жаврамади.

Ҳақиқатан ҳам, Собирбек бутун ечиниб олги, курашга тушган кишидай дўстларини ҳам, бошқаларни ҳам юз-хотир қилмай, қаттиқ танқид қилаётган эди:

— Қачон бўлса сув оз, сув етишмайди, деб баҳона қилиб юради. Бу олатнингни ташга, Қоратой. Акс ҳолда иш ҳам юришмайди, экин ҳам ўсмайди. Сенинг ихтиёрингга уч юз литр сув бериб кўйилбди. Ўз деҳқон тилимиз билан айтганда, бу олти кулоқ суви! Хой, бу ҳазилгакам сув эмас. Мен ҳам уч юз литр сув оламан. Бизнинг экин майдонимиз ҳам даярли бирдай. Шу сувнинг ўзидан ҳам тежаб-тергаб фойдалансақ, худо ҳаққи, етиш у ёқда турсин, ҳатто ошиб кетиши ҳам мумкин. Лекин сен ўша ўзингга берилган сувнинг ҳаммасидан тўла фойдаланаётгубсанми? Ҳамма гап ана шундай! Мен ҳозир сенга тўппа-тўғрисиини айтиб бера қолай,— деб Собирбек чўнтагидан блокнотини олди. Ўтирганлар кўзгагиб ипришивр қила бошлагани: «Собирбекнинг гаплари тўғри! Ҳамма баҳо ўзимизда! Сув исроф бўлиб кетяпти». Со-

Бирбек блокнотини varaқлаб, бир жойини очди-да, га-
пира бошлады:

— Агар шу вақт ичида сўғорилган ер майонгларни
ҳисоблаб чиқилса, ҳалиги уч юз литр сувдан фақат бир
юз етмиш литринга фойдаланилган маълум бўлади.
Шундай экан, қолган юз ўлтмиш литр сув қаерга кетган?
Бу сувларнинг бекорга оқиб ётгани ўзингга ҳам аён, Қо-
ратой. Уларнинг бир томчисин ҳам экинларга сарфлама-
ган. Ҳўш, нима учун булар ҳақида гапирмайсизлар.
Бу миробнинг инин эмасми? Ҳосил оламини дер экинмиз,
ҳар кунни уч маҳал овақат қилишни қанда қилмаганимиз-
дек, экинларнинг ҳам бир кун эмас, бир соат ҳам кечик-
тирмасдан қолдириб сўғориб турганимиз керак. Бунинг
учун эса мироб эртаю кеч дагада, сўзинг бошида туриб
жон куйдириб ишлагани керак. Қоратой, сен туггани сўғо-
ришда бўласанми? Йўқ, албатта. Одам бўлиб ҳали би-
роп марта сени кечаси сув бошида кўртганим йўқ! Арик-
арикларга тақсимлаб берилган сув қаерга оқипти, уни
ким бошқаряпти, аминманки, қанчаси бекорга нероф
бўляпти? Сен шугларни текшириб кўрддингми? Уз сувчи-
ларинг айтсан, йўқ албатта, сен буни қилдирганинг йўқ.
Қачон қараманг тўғон бошида, рейкадан салгинга пасай-
динг, дарҳол гидротехникларга: менга сув етмаппти,
сув беринглар, деб чопиб қолаган. Аммо шу пайт пасда
қанча сув фойдаланилмай, нероф бўлиб оқиб ётгани би-
дан ишинг йўқ. Қандай бўлмасин, бироянинг ҳисобидан
бўлса ҳам, кўпроқ сув олмиш пайдидан бўлган, ўзини бў-
лай дейсан. Бошқалар сувсиз қолса ҳам сенига барибир.
Олма пиш, оғанимга туш, деб доимо рейканинг тагида
ўтирасан... Асов отни ўратиб минган каби сувнинг ҳам
тагин-чилбирини қаттиқ қўлга олмасанг тўғри келган
томонга уриб кетади... Бунни унутма Қоратой, сенинг ўр-
нинг рейканинг тагида ўтириш эмас, балки дагада, су-
винг бошида, сувчиларнинг орасида...

Собирбек борган сари қизиниб сўзлай бошлады.
Унинг сўзлари Қоратойгагина эмас, ўтирганларнинг
хаммасига қаттиқ ботаётгандай эди. Мироблар бошла-
рини эгнб, жиддий кифада жимгина ўтиришарди.

Собирбек «Бештош» колхозда ишламаса ҳам, у
колхозни миридан-сиритача ўрганиб чиққандай гапирар-
ди. «Бештош» колхозида сўғориш ишларида эртароқ
тайёрларлик кўрмайдилар. Фақат сув босиб келгандан

кейингина ташвинга тушиб қоладилар. Тажрибали деҳ-
қонлар бундай қилмайди, улар эрта кўкнамдан бошлаб
таралдулга киришади. Сўғориш карталарини ишлаб чи-
қишади... Ерга қўш тушини билан пешма-пеш янги
ариклар олинниб, тўғонлар тузатиб қўйилади, эски арик-
лар қазиб тахт қилинади, тажрибали сувчилар танланниб,
уларнинг ҳар бири маълум картагларга бериқтиб қўйи-
лади. Бироқ «Бештош» колхозида бундай ишлар қилин-
майди. Қоратой бўлса, бундай ишлар билан етарли шу-
ғулланмайди, ҳаракат ҳам қилмайди.

Қоратой, сенларга ажратилган сув экинларга етиб
бормасанок, эски арикларда йўл-йўлакай қуриб, йў-
қолиб кетмоқда. Шу зайлда экинлар сув чамасдан қолиб
кетипти, колхознинг олаётган ҳосили ҳам камайиб кетип-
ти. Бу билан иш битмайди. Ҳаммамизга маълум, ҳар бир
литр сув учун колхоз пул тўлайди. Сенларда бўлса, сув
йўлда-чўлда нероф бўлиб кетгани учун биргина утгад
йилнинг ўзида колхоз эглик минг сўмдан ортқ эиён
кўрди. Бутун район бўйича эса фойдаланилмай нероф
бўлиб кетган сув учун неча минглаб сўм зарар кўрдик.
Агарда бунинг устига, сифатсиз сўғориш натижасида
ҳосилнинг камайиб кетганини кўшиб ҳисоблайдиган бўл-
сак, келтирилган зарар миқдори ўн баравар, юз баравар
ошиб кетиши мумкин. Эй, оғанимлар, бунинг учун ким
жавоб беради? Уларнинг айттиглар-чи, ким жавоб бери-
ши керак? Менимча, аввало бунга биз, мана мен, мана
сен, Қоратой, мироблар жавоб беришимиз керак. Узола-
ринг бир ўйлаб кўринглар-чи, мабодо, чўпон бир улоқ
йўқотса, у улоқни тўлайди. Шунга жавоб беради. Агарда
бизнинг мироблар вақти билан юзлаб кубометр сувни
нероф қилиб юборсалар ҳам жавобгарликка тортил-
майди. Ахир, ўртоқлар, бунга чиндаб бўладими? Сув—
бу миробнинг боқиб юрган мол. Яхши мироб уйдан
доимо кўз-қулоқ бўлиб туради, ҳар бир томчисини ҳам
тежаб-тертаб сарфлайди. Мана шундай ҳаммамиз тул-
ланниш ўтирганда айтадиган таклифим шунки, меҳнат
кунин мироблик вазифаси учун ёзилмасдан, балки иш
жараёнида фойдаланган сувнинг ҳисобидан ёзилгани
керак, сиз қўшни районнинг вакилларида менинг бу
таклифимни ҳамма ерда қувватлашларингни сўрай-
ман... От устида юриб мироблик қилган бошқа-ю, сув
кечиб, жонини жаборга бериб ишлаган мироблик
бошқа...

Қоратой бу сўзларни эшитиб безовтаганиб ўтирарди. Бу ҳам майли-я, айниқса Собирбекнинг «сен», «сен» деб қўлини найза қилиб, кўрсатиб гапирган гаплари унинг суяк-суягидан ўттиб кетди.

— Ер трактор билан ҳайдалди. Колхозчиларнингиз бугудойни экиб, униб чиқишига ҳам эришди. Сўғориш маҳалига келганда, ҳаммаси бекорта кетди. Шунни билгинки, Қоратой, сен одамларнинг меҳнатини зое кетказдинг. Учтепа участкасидаги маккажўхорида қанузга қадар бирор марта ҳам сўғорилмади. Яхши униб чиққан экиннинг ноёвд бўлишига нега йўл қўйдинг? Биладан, сен ҳозир, бу телаликка сув чиқмайди деб айтасан. Бироқ, у томонга кун ботар бетдан ариқ олиб ўттиш мумкин, сен бўлсанг бу ҳақда эртароқ ҳаракат қилмадинг, бош ҳам қотирмадинг.

Қоратой ўтиртанларнинг ҳаммаси ўзига тикилиб қараётганини сезиб турарди. Қоратой шу пайт ер ёрилса-ю, ерга кириб, кўздан гойиб бўлгиси келди.

У қайноқ сувга пишиб олингандай бети-боши тарам-тарам қизариб кетган эди. Кенташ тамом бўлиши билан у ижрокомнинг эшигидан биринчи бўлиб югуриб чиқди-да, шу бўйича отига ирчиб миниб, туппа-тўғри дадага қараб чопиб кетди. Бироқ у от устида кетаётганда ҳам Собирбекнинг сўзлари кўлоқ остида жаранглаб эшитиларди. Гўё Собирбек унинг орқасидан қувиб келаётгандай эди. Қоратой Учтепа томон чопиб бораркан, у ҳамон кенташда айтилган гапларни бир-бир эслаб турди хил ўй-хаёлларга чўмарди. Аммо қанча ўйламасин Собирбекнинг айтган гапларини маъқул кўрмасди. Ҳини оқламоқ учун қандай бўлмасин, турли хил дағиллар излаб топнишга ҳаракат қиларди. Лекин шундай бўлса-да, топган жавоблари тинчигиб, ҳовурдан туширмаётган эди. Қоратойни изтиробга солаётган нарсаси: кенташда тангиб қолиб, Собирбекка ҳеч бўлмаса бир оғиз ҳам жавоб қайтаролмаганида эди. Мана энди Собирбек уни бурнига сиртмоқ солинган туя каби ўз изида солди олди. Эҳ, қаллаварам, Собирбекнинг бундай айёрлигини сал илгарироқ билса қани эди! Зарба бериб, шохини синдириб, иккинчи марта оғиз очмайдиган қилгиб кўлардинку-я!

Бироқ нима ҳам дея оларди? Сен, Собирбек, бошқаларнинг ишга аралашмасдан, ўзингни билавер деб энди айтиб бўлармиди? Энди ҳеч ким у ҳақда шикоят қилди-

майди. Собирбекни бугун район биледи, у моҳир сувчи, энг яхши мироб. Собирбекнинг колхозда беда ҳар йили тўрт мартадан ўриб олинади. Унинг колхозда сикоста мўлжаллаб экилган жўхорининг ҳар бир гектаридан олти юз центнердан ҳосил олинади, колхозчиларга ҳар бир меҳнат кунини учун район бўйича ҳаммадан кўп пул, фалда, тўшт, мой берилди. Область газетаси Собирбек ҳақида мақолалар босиб, ундан ўрناق олишга қақирди. Билми жиҳатидан ҳам Собирбек ҳаммасидан устун. Кўпчилик колхозларда жўхорини ер етилгандан сўнг ёппасига сўғоришда дейишди. Маълум бўлишича, бу эски усул яхши натижа бермабди. Унинг фикрича жўхорини жуяк-жуяк қилиб захлатиб сўғориш маъқул экан. Шунда ҳосил икки баравар ортар эмиш. Унинг айтишича, агар каноп ҳозирги кунда қониб сув ичса, суткасига 12—14 сантиметрча ўсиши мумкин эмиш. Тавба, ҳар бир ўсимликни ўлчаб юргандай гапирарди. Қишда сўғориш масаласини кўтарган ҳам Собирбек эмасмиди? Ерни қишда ҳам сўғориш керак экан, шунда ер намликни яхши сақлар эмиш. Буни эшитиб турган ёнидаги бир чол: «Оббо шайтон-эйн,— деб ёқасини ушлаб Собирбекка танд бераётганини Қоратой ҳам кўриб турган эди. Тўғри, Собирбекнинг илми зўр, ўзи ҳам шининг кўзини биледи, узокни кўради!

Қоратой-чи? У нималарни биледи? Қоратой ҳам минорлик касбини Собирбекдан кам билмайди, албатта. Улар иккаласи ҳам миробчилик курсида бирга ўқинган. Аммо Собирбекнинг бахти бор экан. Илгор колхозга келди-ю ишлаб, тезда ном чиқарди. Хўш, у «Бештош» колхозида ишлаб кўрсин-чи! Унинг кимлиги шунда маълум бўлди! Даставвал Қоратой ҳам ишга зўр илгос билан киришган эди. Унинг ҳам ҳалол меҳнат билан халқ ўртасида шухрат қозонсам деган орзу-умидлари бор эди. Аммо, иш бошиданок чаппасига келиб, ўзини ўнглаб ололмади. Ранслар бири келиб, бири кетиб тез-тез алмашиниб турди. Ана шундай шароитда янги таклифларни амалга ошириб, ҳавас билан ишлаб бўлармиди... Ойлар, йиллар ўтди. Қоратой ҳам бора-бора шининг борлишига қараб кўнникиб қолди...

Тақдир атайлаб қилгандай, кўп вақтлар Қоратой билан Собирбекнинг турмуш йўлини бир йўлдан бошлаб борди. Уларнинг қишлоқлари ҳам ёндош эди, ешилтидан бир-бири билан танниш эдилар, кейинчалик ўспиринлик

кезларида «ШКМ»¹ мактабида бирга ўқиндил. Уруш пайтида ҳам улар бир батальонда хизмат қилдилар.

Белоруссияда бир походда кетаётиб, жилдираб оқаётган кичик сувнинг бўйида дам олиб ўтиришгандлари ҳали ҳам эсида сақланиб қолган эди. Секин оқаётган кичкинагина ариқчанинг ёқасида соя ташлаб турган буталар, сув чида ўсган қалин қамишлар, мусаффо осмон, сукут сақлаб турган тушки пайт, худдас, атрофдаги жамини нарсалар нафасини чинга сақлаб, ўша сокин оқаётган сув тинчлигини бузмаётгандай бўлиб туюларди. Шу пайт отишмаларнинг овози ҳам эшитилмай, бир лаҳзага уруш даҳшатлари унутилиб, тинчлик ҳукм суради. Бундай сукунат оғушга чўмган солдатларнинг ҳар бири ўзинча тургли хил ширин ҳаётиларга бериларди. Собирбек эгитилиш ечиб қайта кияётган эди, кўзи сувга тушиб тикилиб қолди:

— Эх отайин, бизнинг қадрдон тоғ сувларимиз қандай ажойиб-а. Уларни жуда ҳам соғиндим-да, Қоратой!— деди у.— Ҳар бир ариқнинг суви ўзинча бир туганмас бойлик эканини энди пайқаб ўтирибман. Оқолда ётганимда баъзан сувнинг шилдираб оқаётгани эшитилиб тургандай бўлади... Омон-эсон унга қайтиб борсак, албатта сувчи бўламиз... Ушанда сен ҳам мен билан бирга қушилиб далага сурошишга чикмасан. Ахир, деконининг хузур-ҳагловати ушанда эмасми? Сенинг Хонимтулингни ҳам бирга эргаштириб оламиз... Далага сувчи бошқариб борамиз-да, кейин мен сизларга ашула айтиб берман. Суғоришда тилсиз киши ҳам қўйламасдан туромайди! Ёвни ентиб, омон-эсон қайтсак, тилагим шу!..

Ушандан бери ордан қанча йиллар ўтиб кетди. Уларнинг никаласи ҳам урушдан бир вақтда қайтиб келишди, иккови ҳам мироб бўлиб бирта ншлаб юришди. Қоратойнинг оғир табиатлиги ва тунд мижозига қарамасдан улар ўртасидаги дўстлик алоқалари аввалгидай давом этверди. Бироқ, кунлардан бирини Собирбек ўз ўртоғи Қоратойнинг қалини Хонимтулин севар эмши, деган сўз чикиб, овулда миш-миш гаплар тарқалди. Шуншу Қоратойнинг дўстидан кўнгли совиб, Собирбекдан ўзоқлаша бошлади. Қоратой Хонимтулга уйлангандан

кейин ҳам Собирбекка очик кўнгли билан қўл бергани йўқ. Қоратой бу ҳақда қанча уйлаб кўрса ҳам, бир қарорга келолмай, сабр косаси тўлиб юрди. Бунинг сабаби ҳам бор эди, албатта, у сиртдан қаратганда унчалик сезилмай юргани билан Хонимтулин жондан азия кўрарди. Унинг ичи торлиги ҳам, рашиқ қилиши ҳам шунга яраша эди: Хонимтулга бирор киши қўлиб қарадими, бўлди, жонажон дўстими, туғилган кишимми— ким бўлишиндан қатъи назар, заҳарини сочиб, ҳазилми, чинми, суринтириб ўтирмасдан, қўлга тушса шу заҳотинёқ жикқамушталаниндан ҳам қайтмасди.

Илгаридан шубҳаланиб юрган ёвуз ниятли Қоратой Собирбекнинг ҳар бир боғдан қадамини кузатиб юриб, унга нафрат билан қарай бошлади. Буни сезган Собирбек ҳам у билан кўпдан бери гапиринмас эди. Қоратой Собирбекнинг бундай юришини кўриб ўзинча: у Хонимтулин учуголмайпти, Собирбек менинг бахтимга чанг солипти, деб сал нарсадан гумонснраб юрди. Бора-бора Қоратой Собирбекнинг меҳнатда эришган ютуқларига ҳам ҳасад билан қарай бошлади. Сиртдан қаратганда, у Собирбек эришган муваффақиятларни назар-писанд қилмай юрган бўлса ҳам, аслида уни кўрганда чиндан энг кетиб юрарди. Тўғри, Қоратой ҳам Собирбекдан орқада қўлиб кетмаслики учун ҳаракат қилди. Бироқ унинг ишлари нима учундир илгари босмади. Булар Қоратойнинг қалибини баттарроқ тирнаб-ўртаб, эски қадрдонидан ўрناق олишга, ёрдам сўрашга, унга бошимин эгиб бораманми, деган гурур йўи бермасди. Собирбек бўлса, ўяқлишгандай номи халқ оғзидан тушмай макталиб, борган сари обур-эйтибори ортиб бораётган эди. Сўнги вақтларда Қоратой бунчи халқ тутугў ўз хотинининг озгидан ҳам эшитиб қолди. Кунлардан бирини Хонимтул Собирбекнинг сурати босилган газеталари мақоладани ўйиб ўтирган эди. Бунга кўзи тушиб қолган Қоратой ҳадеганда сир бой бермай, жимгина турди-да, сўнг сабри чиндаёлмай:

— Не, яна сенинг Собирбекнинг ҳақида ёзипибдимми? Кани, яна нималар деб макташибди!— деб, рашиқ келиб, чиндан кўйиб бораётганини сездирмасликка ҳаракат қилиб қўлимснраб қўйди. Бундан бир оз олдинроқ Хонимтул дугоналарга билан бирга Собирбекларнинг қишлоғида қўйилган кинога бориб келган эди. Айгишларича, у ерда Собирбек билан Хонимтул ёнма-ён ўтиришиб, ки-

¹ «ШКМ»—30-йиллардаги овул қишлоқ ёшларининг мактаби.

нони ҳам кўрмасдан, бир-бирларин билан гапиршиб ўтирган эмиш. Бунни эшитган Қоратой хотини билан очинчасига гаплашиб олмоқчи бўлди, бироқ у нари-б-ерини ўйлаб:— Визанинг овулмида шу кунгача клуб қурилмаганига ким айбдор?— деди-ю, яна шаштидан тушди.

Бошидан кетганларини шу тарзда ўйлаб борар экан, Қоратой Учтепадаги экинзорлар томон қандай етиб келганини билмай қолди. У энди жўхоридагининг қай аҳволда эканлигини ўз кўзи билан кўрди. Қўрғандарига ишонгиси келмай, кўзларини уқалаб-уқалаб кўйдди. Лекин бу билан манзара ўзгармади. Сарғиш тортиб кўйиб ётган бўз тупроқ гўтурт чақсанг доп этиб ёниб кетгудай. Жўхоридаглар бўлса аллақачон кувраб ўткир кучейи нурига тоб беролмай япроқларини найча сингари қатқат ўраб олган эди. Она-Ер, у экинга сўт бералди, ҳаёт бахш этади. Лекин, у ҳозир етим боғалардек ўтай қолган. Унинг сўти йўқ, эгасиз қолган жўхоридаглар аянчиди аҳволга тушиб бари бир овоздан: «Визга сўз керак! Сув! Тезроқ бир томчи бўлса ҳам сўз керак!» дея ялғиниб-ёлвораётгандай эди. Ана шу пайтда Қоратойнинг юраги умрида биринчи марта, ҳақиқатан ҳам изтироб чекиб, зирқираб оғримоқда эди. Шунда унинг қўлоқлари остида яна Собирбекнинг овози жарагшлаб эшитилгандай бўлди. «Сен миробсан, сув кўлингда, ҳосил учун сен жавоб берасан. Билгиб кўй, Қоратой, элнинг ризқини қийганинг, тер тўкиб қилинган меҳнатни зое кеткизганинг учун халқининг увови туталди сени».

Шу маҳал кўнглини беҳуд қилувчи гармсел бошланди. Исёиқ шамолининг куюқ тўлқинлари ер бетига олов пуркаб, қолган-қутган сўнги намликни ҳам сўриб олаётгандай Қоратойнинг баданларини куйдириб ёндирарди.

— Гармсел!— дея бақирарди Қоратой жон-жаҳди билан, нафаси бўғанга тиқлиб.— Гармсел келди!— сўнг у отнинг ёлтига муқкасидан йиқилиб тушди-да, ўзинча бўғиқ овоз билан пичирлай бошлади.— Бундан кўра, менинг сувсиз қолганим яхши эмасмиди? Бундан кўра, менинг чанқаб ўлганим маъқул эмасмиди?

Бир оздан сўнг Қоратой бошини бир чулгаб олдиди, ўлқир-чўнқирларга қарамай, дала бўйлаб, чанг-тузон кўтариб овул томон от кўйиб бораверди. У тизгинини бўш кўйиб чопиб борар экан, ҳозиргина кўчада подани тўсиб

турган Хонимтул билан Тўқоннинг олдига етиб келди-да, отни таққа тўхтатди.

III

Тўқоннинг биринчи ярми шу кунларда одатдагидан қолқоронг эди. Ой қорайиб кўринган тизма тоғ чуққидаридан кечикиб чиқётган эди. Сўғориш учун тун энг яхши вақт. Собирбек сўғоришнинг қандай бораётганини текшириб юрди. Ҳама иш жойида. Сувчиларга кундуз кўни топириқ бериб қўйилган, уларнинг ҳар қайсисига алоҳида ер ҳам тақсимлаб берилган. Энди бўлса Собирбек бирор ерга сув чиқмай қолмадимикин деб, марзамарза юриб сўғорилган экинларни кўздан кечириб юртан эди, бир вақт:

— Собирбек, қаердасан, ҳо-о-о, Собирбек қаердасан!— деган овоз эшитилиб қолди.

— Мен бу ердаман!

— Сув йўқ! Сув кўриб қолдинг!— дея бақирарди Ҳалғити сувчи. Собирбек у томон чопиб бораркан, нарини ёқдан яна қийқирқ овози эшитилди:

— Хой, мироб, сув йўқ! Сув қани?

Ҳақиқатан ҳам ариқдаги сувлар ўзидан-ўзи камайиб кўриб қолган эди. «Катта ариққа уриб кетдим, нима бўлди?»— деганча Собирбек катта ариқ томон чопиб кетди... Ариқ жойида, боғ-боғлидай. Аммо сув камайганидан камайиб, ариқ тубидаги тошлар қоронғида йилтираб кўриниб турарди. «Тавба, бу нимаси бўлди?»— деб Собирбек танг қолди-да, каналнинг бирор ерини сув олиб кетганини деган хаёлга бориб, бирдан чўчиб кетди. Бўлмаса бу каналдан ёлғиз Собирбеклар эмас, «Бештош» колхозини ҳам сув ичарди, қолаверса, каналнинг уриб кетган ерини боғлаш осон иш эмас. Унга қанча куч, қанча вақт керак. Сўғориш қизғин кетаётган ҳозирги пайтда сувсиз қолиш бу ҳосилдан маҳрум бўлиш деган гап. Нима бўлса ҳам тезроқ ҳаракат қилиш керак, деб Собирбек тун қоронғисига қарамай, отга яна қамчи босди.

Мана, у каналнинг бошига ҳам етиб келди. У ерда иккала колхоз учун сув бўлиб бериб турадиган катта шлов ўрнатилган эди. Собирбек отини канал четидати толга боғлади-да, ўзи каналнинг тепасига иргиб чиқди ва шловнинг кўприги билан юриб бораётиб бирдан тўх-

таб қолди. Собирбек катта арқ бошидаги шлюзнинг беркитилганини кўриб ўз кўзига ишонмасди. Канадан ариққа томон хеч бўлмаса жилдираб ҳам сува оқатгани йўқ. Қоратойларнинг шлюзи бўлса, охиригача кўтарилган. Сувнинг ҳаммаси уларнинг ариғида шарқираб оқатган эди.

«Бу нимаси, буни ким қилди?»— деб Собирбек ўзига-ўз савол берарди-ю, унга жавоб топа олмади. У ум-рида бунақа ҳодисага дуч келмаган эди. Сувнинг шов-қин солиб, шарқираб оқатганидан Собирбекнинг сўзларини эшитиб бўлмади.

— Йўқ, бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор. Бундай бўлиши мумкин эмас. Буни дарҳол тузатиш керак!..— дедирди Собирбек ўзига-ўз пичирлаб.

У отининг ёнига бориб, ҳамшиша эгарининг қошига бортаб юрадиган катта ключчини ечиб олди-да, қайтиб келиб ўзига тегишли сувни очиб юборайин деган мақсад билан ключчини шлюзнинг тайкасига солиб бураётган эди, яқин атрофдан бировнинг ҳайбатли овози эшитилди:

— Тегма унга, кўлингни торти!

Собирбек ялт этиб ён-атрофига қараган эди, кўп-ригининг устида қандайдир қанотини ёзиб юборган бургутга ўхшаб, ола-була жулдур ёпинандай бошини нечта оlib келаятган кўланка пойдо бўлди. Унинг афти башараси кўзга кўринмасди.

— Сен кимсан?

— Кўлингни торт дегиман!

— Қоратой, сенмисан?

У жавоб бермасди.

— Бианинг суви сен бўғиб олдингми?

— Ментга сувнинг ҳаммаси керак!

— Бундай хужуқни сентга ким берди?

Қоратой лапантлагачча икки сакраган эди, Собирбекнинг қаршисида пайдо бўлди.

— Йўқол, ҳозир кўзимга кўринма!

— Қоратой, ақлинг жойламан ўн? Нима деб вайсаясан?

— Ҳозир бу ердан кет! Суви бермайман дедимми, бермайман! Уни ўзим учун эмас, қолхоз учун олиман! Экинлар кувраб кетибди, ментга сувнинг ҳаммаси керак. Ҳозир кет, жонингдан умидинг бўлса, бу ердан ҳозир кет! Нима қилсанг ҳам суви бермайман.

— Бошқаларнинг экини сўғорилмасдан қолиб кетса майлими? Бу куракда турмайдиган сўз. Бу ўғриликдан бошқа нарса эмас!

— Мен ўғриманми? Тилнинг тий!— Қоратой сакраб бориб Собирбекнинг кўлидаги темир ключчини юлиб олди-да, орқага бир қадам тисариллиб, қулочкашлаб туриб Собирбекнинг бошига урмоқчи бўлган эди, Собирбек энцилик қилиб, Қоратойнинг кўлини ушлаб қолди. Сўйра у кўлига бутун кучини тўйлаб, Қоратойнинг билатини қопқон каби синдиригудек маҳкам сиқиб тураверди. Ниҳоят, ключ Қоратойнинг кўлидан шўли этиб сувага тўшиб кетди. Бироқ Қоратой ҳамон ён бергиси келмади. Афтидан, у холдан тойиб йиқилмагунча олинмоқчи. Собирбекни кўп-ригининг четига судраб бориб, сувага итариб юбормоқчи. Буни сезган Собирбек бир кўли билан шлюзнинг темирідан ушлаб олиб, ўрнидан қимирламай тура берди. Улар шу зайлда юзма-юз олишиб, кўп-риқ устидан сувага тўшиб кетмаслик учун бир-бирини ушлаб, ёни-пишарди. Қадрон дўст бўлиб юрган кезларда ҳам улар бир-бири билан бунчалик яқинлашган эмас эди. Атроф бўлса жимжит, қоронғи, бирор тирик жон йўқ. Фақат эдинггина бош кўтариб келаятган тўлин ой бу олиниб ётганлар ким бўлди, дегандай, кпр орқасидан бош чўзиб қараятган эди. Агарда ҳозир кун қоронғи бўлмаганда, Собирбек Қоратойнинг кутургайдай қон тўлган кўзларини баралда кўрган бўларди, чаккасида бўғриб чиққан қон томирларини юрати билан биргалликда тунгиллаб ураётганини сезган бўларди, унинг ирвайган оғизлари мурдани эслатарди. Бироқ қоронғида Қоратойнинг кўйиб-ёнаётган иссиқ гавдаси, анқиб турган тер ҳиди ва хириллаб чиқаятган сўзларини сезиларди.

— Суви бермайман дедим— бермайман! Бутун тун сувдан мен фойдаланаман. Экинлар сувсизликдан қувраб кетяпти!..

Бир оз вақт ўтгач, Қоратойнинг мадори қуриб, бўшаган эди, Собирбек уни ўзидан нарига итариб юборди:

— Урингдан жилма, Қоратой! Кўзгага кўрма!— деди Собирбек.— оқибат шу эдимми? Ҳосил учун, биринчилик учун бунақа курашилшимиз керак экан-да. Сен мени ким деб биласан?

— Сен ментга душмансан!— деди Қоратой энткииб хириллаб.— Сен ментга душмансан... Сен менинг севган

хотинимга кўз олайтирипсан, сен мени синмоқчи бўлиб йиғилишларда ёмон ишлайди, деб ишимни муҳокама қиласан. Лекин мени алдаёлмайсан, билиб кўй шуни... Сугорини қанақа қилиб илгор бўлиб юрганлигини ҳам билмаман, сен менинг сувимни ҳам туни билан ўзингга фойдаланиб юрибсан!...

— Нима-нима?— деди-ю, Собирбекнинг томоғи бўғилб, бошқа сўз айтишга чамаси келмади шеклиди, Қоратойнинг ёқасини кўш қўлаганича ўзига ниқтаб тортди, шу бўйича қимирлатмасдан хиппа бўғиб тураверди, сўнг қоронғида унинг кўзидан кўнглида нималар борлигини билб олмоқчи бўлгандай, юзига аначагача тиккилиб турди-да, қандайдир ўқичи билан бошини чайқайди:

— Ҳаммаси тушунарли! Мен кетдим. Аммо шуни билгинки, сенинг ариқларинг шуңча сувга чидаш беролмайди... Сен ўзингга-ўзинг душманлик қилибсан... Агар бир хўлдам сув бекорга кетса, кейин ўзингдан ўпкада...

Собирбек кетгандан сўнг Қоратой кўприкнинг устидида туриб, ой нурида оқариб кўришган Собирбекнинг тиласида ёқасига аначагача қараб қолди. Собирбек бу тўқнашувда голиб чиққандай бошини бағлади кўтариб, кўрагини кериб, мардонавор одимлаб кетгандан эди, Қоратойнинг бўлса боши айланиб, бутун вужудини олов бўлиб ёнаётган эди. У, ҳозир ўзини гоёт кучсиз, бир қадар шириниб, ёлғиз ташлаб кетган гўдак сингари ҳис қилди. Шу пайт у кетиб бораётган Собирбекка: «Тўхта! Менга сувинг керак эмас, сувингни оли!» деб бақириб юборишга сал қолди.

Ўз қилмишини тўғри деб топиб ва ундан қаноат ҳосил қилдиш учун Қоратойга яна нимадир етиштиётган эди. Қанглининг тепасидан чопиб тушган Қоратой ариқ ёқасига келиб ўтирди-да, жонини жабборга бериб топган сув сенимасан, дегандай томоғи қуриб-чапқаган киши каби ҳовуқлаб култ-култ сув ичди-да, ўзича нималар билдири гапирётган эди:

— Шопмай тўр, ҳали мен сента кўрсатиб қўяман. Энди ҳамма сув ўз қўлимда... Бу кеча ҳамма экинларни сугориб олмаман. Муддаман шу. Мени ўғри деб кўрсин-чи, мен, ўғри эмасман!.. Улар экинларини тўрт-беш мартаглаб сугориб олишган. Бир кеча сув олмасан олмайди-да... Бизга бўлса ҳозирок сув керак. Мана, яна гармсел эсиб келипти... Иўк, Собирбек, бекорларни айтибсан, бизга олти кулоқ эмас, ўн-ўн беш кулоқ сув керак... Учтепа-

даги жўхоридага сувни ўша эски ариқлар билан олиб бораман.

Ҳақиқатан ҳам ариқда катта сув тўлқиниланиб оқиб кетган эди. Унинг кучли оқимида қараб турган Қоратойнинг кўзлари жимирлаб кетди. Баҳорги тошқин дарё каби қирғоқлари билан тўлиб оқётган ариқ сувига кафтинини солиб тўсмоқчи бўлган, сув тўе асов тойдек санчиб, дуч кетган томонга олиб кетиши мумкин. Сув эркин оқини яхши кўради. Агар унга кулоқ солиб турсанг, сув ўзининг кучли оқими билан ариқ қирғоқларини кемириб кетиб, кўзга кўринмас қумларни муттасил оқизиб бораётгани эшитилди. Бироқ Қоратойнинг хаёли бошқа нарсадан эди. У бутун қандай бўлмасин, туни билан экинларнинг ҳаммасини сугориб олмоқчи эди. Сув ҳозиргача Учтепага етиб борганини, у ерда сувчилар кечадан бери шайлашиб, тайёр бўлиб турганини хаёлидан ўтказди-да, Қоратой ўрнидан сапчиб туриб қувончидан ўзича мийида кулиб қўйди. Ҳа, сугориб бошланди! Энди тезроқ ҳаракат қилиб қолмиш керак...

IV

Қаглин канопининг қоқ ўртасидаги ёлғиздек йўл билан чор атрофга назар ташлаб бир аёл келарди. Унинг бошига бир ўрам қилиб боғлаб қўйилган оқ рўмоли елкасига сидириниб тушган, кўйлагининг ёқалари очиб юборилган, қоронғида кўкси оқариб кўриниб турарди. Бу Хонимгул эди. У шопилганича қаергадир кетиб борарди. Уйкусидан чўчиб ўйғониб кетган тўрғай ёнидан париллаб ўчиб кетган эди, Хонимгул чўчиб кетиб қичқириб юборишга сал қолди ва кўрқанидан қандаги туғувчани чани кўрагига босиб олди. Иўк, у қўлидаги туғувчани ташламоқчи эмас. Қоратой ишга бутун овқат эмасдан кетган, яна бунинг устига, унинг кайфияти ҳам бузуқ эди. Агар бирор ҳодиса юз берганини билганда, Хонимгул Қоратой учун жонини беришга ҳам тайёр эди...

Шу пайт алдақаердан: — Қоратой! Қоратой! Сув уриб кетди! Тезроқ кел! — деган кучли овоз эшитилди.

Шопиб қолган Хонимгул ўша томонни кўзлаб чопиб кетди. Уч-тўрт киши, қимлигини билб бўлмасди, уриб кетган ариқ ёқасида уймаланиб ётган эди. Аммо Хонимгул улар орасидан Қоратойни дарров таниди. У сув

ўйиб кетган арнақ ўртасида энкайганча нимагадир ўриниб ётган эди. Катта арнақдан сиқилиб оқабетган кучли оқим йиртқич хайвон каби тутқич бермай, қирғоқчи уэнб-юлқиб, тулпроқ чиккидиларини ўзи билан бирга оқизиб сойга томон чопарди. Сувнинг шовуллаб оқабетган оқими нчидан дам-бадам кишиларнинг шовқин-суронлари эшитилиб қоларди.

— Бўди.. Тезроқ! Чимни олиб кел.. Тошни бос...

Хонимгулнинг етиб келганини ҳеч ким пайқаматаган эди. Бироқ унинг қаердан, қачон келганига ҳам ҳеч ким ҳеч қанча таажжубланмасди. Хонимгул сув кечиб, Қоратойнинг олдинга югуриб борди. Қоратой унга ялт этиб бир қараб кўйдиди:

— Чим, чим олиб кел! Тезроқ!— деб буйруқ қилди. Ундан кейин нима бўлганини Хонимгул яхши англамасди. Боши қотиб, ганграб унгими, тушим, фақат жонжаҳди билан чим ўйиб ётганини биларди, холос. Чимни ердан ажратиб олиш кийин, уни тирноқлари билан уэнб олиш керак. Чим жууда отир бўлса ҳам, Хонимгул уни ташламай бола кўтаргандай кучоқлаб кўкрагига қисиб, Қоратойга олиб келарди. Қоратой бўлса хотинига бирон нима демасдан бўғилиб хириларди. Шу чоқ нариги томондан бировнинг қичқирган овози эшитилди:

— Нима? Нима бўлди?

— Тезроқ, тезроқ бўлинглар! Сув олиб кетилти!— Мускуллари темирдай бўртиб чиқиб, ҳансираб, бир-бирларини турткиниб сув билан олишиб ётган одамлар орасидан аёшинг қорғин овози кўлоққа чалинди. Хонимгулнинг оёғига тош тушиб кетган эди. У оёғининг оғриғига чндай олмасдан «вой жоним», деганча тишини тишига босиб, сувнинг ичда ўтириб қолган эди, нариги ёқдан Қоратойнинг «бўланглар», деган буйруғини эшитиб, ўрнидан иргиб турди. Шу заҳоти бир нараса қирс этиб кетди. Нима бўлди, оёғи синдимми?.. Қоратойнинг қоқабетган қозини синиб кетган эди...

Кўзлари жимирлаб тиниб кетди...

— Бари бир, бўлмайдил!

— Нета бўлмайди?

— Эски арнақ эски кўйлак сингари, бир жойини ямасанг, иккинчи ери йиртгиллаверадил.

— Бас қил!

— Бундан чиқди, ишлаб ўлгин деб кўя қол?

— Ули!

Яна шиддатли кураш давом этади! Сув — бу тилсиз ёв. У бостирилаган тош ва чимларнинг остидан отилиб чиқиб, ҳамма ёққа тошиб, буэнб борабетган эди. Уни жийовлаб бўлмасди... Кўлларининг тобора мадори кўриб, юзларидан номакоб тер куйилларди... Сувчилар Қоратойдан норози бўлиб, уни кўришга кўзи йўқ эди...

— Шу ҳам арнақ бўлди-ю, ичидаги чўп-хасига ўралишиб йиқиласан киши... Яна ундан сув қандай оқсин...

— Арнақларни дурустпроқ қазитмай ранс билан мигроб нима қилиб юрибди...

— Буларнинг ҳаммасига Қоратой айбдор, икки ўртада на ўзига, на ўзага қилди...

— Текни томоқ юракни оғритади!

Бу сўзларни Хонимгул ҳам эшитиб турган эди. «Улар нима дейишпти, Қоратой бирор қалтис иш қилиб кўйдими?» деб кўрқиб кетди.

Сувчилардан бири жаҳл билан бақирди:

— Бас эдил, сувни очиб юбор!

Кимдир биров сувни арнаққа ташлаб юбориш учун шлюз томон югуриб кетди. Қоратой бўлса, бир-икки сакраб этиб келди-да, унинг йўлини тўсди.

— Сенга ким айтди сувни ташлаб юборсини деб? Ҳазир изнитга қайт! Жавобини ўзим бераман!

— Ниманинг жавобини брасан? Бировларнинг сувини очиб олиб, арнақларни буэнб юборганинг учунми?

Қоратой дом-ним демасди. Қовоқ ослан бўйича қаршилик кўрсатмоқчи бўлиб тулланб турган сувчиларга томон кўлидаги кетмонини салмоқлаб яқинлашиб борди.

Ҳалиги сўзларнинг маъносини, кўёнининг қилмишларини Хонимгул эди аниқ англаб етган эди.

Қоратой сувчиларга газаб билан ташланди:

— Ишни ташлаб кетишга ким руҳсат берди?

— Кўп бақираверма! Яхшилик билан сувни очиб юбор!

— Сен ўнралаган сув учун биз жавоб бермаймиз!

— Очиб юбормайман!— деб бақирган Қоратой жонини бўғизга келиб, кетмон кўтариб сувчиларга ҳамма қилди.

Шу заҳоти сувчилардан бири уни ўз кетмони билан тўсиб қолди, кетмонлар бир-бири билан тўқнашиб, қороняда олов учкунлари чақнади. Сувчилар кўйлашиб Қоратойни босиб йиқитиб, кўлидаги кетмонини тортиб олишди. Қоратой шунда ҳам тиңланмасди. У олдда турган одамларни боши-кўзи демасдан сола бошладил.

Бошқалар уни ушлаб кўлини орқасига қайришган эди. Қоратой кўлдан чиқиб кетиб, икки-уч қалам нарига бориб йиқилиб тушди. Бироқ яна ўрнидан тура солиб, кутурган хайвон каби олишиб кетди.

Хангу манг бўлиб қолган Хонимгул тили қалимага келмай, мажони кўриб, ўша ўтирган бўйича ўтириб қолди.

— Вой, бу қандай мудҳишлик!— деганича Хонимгул мушталашиб ётганларни ажратмоқчи бўлиб, ўзини уларнинг орасига отди. Гандирақлаб ҳолдан кетган Қоратойнинг олдини тўсиб, уни ураётган одамлардан ҳимоя қила бошлади:

— Кўйишлар, садаганг кетайлар, ҳой бу нима қилганларинг, бола бўляпсизларми, кўйиб ноборинглар!— деб Хонимгул йиқилиб-суритганича Қоратойни ажратиб олишга талпинарди. Кўзига қон тўлиб, жон талвасасида олишайётган Қоратой аёлига бўй бермай, уни қайта-қайта силтаб ташлади. Шўнга қарамай Хонимгул ўзини қоронғида мушталашиб ётган оломон орасига отиб сувчиларга ялиниб-ётворди:

— Кўйсаларинг-чи, айб сизларда эмас... Қўли билан қилган, боши билан жавоб беради. Вунга Қоратойнинг ўзи жавоб берсин, сизлар кетаверинглар... Кетинглар ҳозир... Урманглар даяман!

— Ҳой, уришни ким бошлады? Унинг ўзи эмасми? — Бошлаган бўлса, бошлагандир, ўчаларингни мендан олинглар, ундан кўра, мени уринглар.

— Нега сени урар эканмиз... Ҳозир кетамиз, бу ерда ётиб қоладиган одам йўқ. Бироқ биз буни шу бўйича оқибатсиз қолдирмаймиз. Тегинши жойда гапириниб оламиз... «Кўрамиз! Ҳали парторг, правлененининг олдига ҳам борамиз!»— деганча сувчилар кетмонларини елкаларига ташлаб, овулга йўл олишди.

Қоратой бўғиқ овоз билан: — Тўхта! Орқага қайтинглар, ҳозир қайтинглар!— деб бўйинига осилиб олган Хонимгулни судраб, улар томон интиларди.

Сувчилар тўхтамади, унга жавоб ҳам қилишмади. Бир оздан сўнг улар қоронғида гойиб бўлишди.

Боядан бери олишавериб ҳолдан кетган Қоратойнинг эси оғиб, бутун вужудини титраб-қалтираб, кўлдари дарталай шалвираб қолган эди. Дала устидан тўё момақалдироқ гулдураб ўтиб кетгандай атроф жимжит.

Димчиққан илтиқ тун майин тортиб қизиб ётган ер бетига салқин тушайётган эди. Ариқ бўйлаб тегиз ўсган ихрож билан сариқ бош ўсимликларнинг ўткир ҳиди ҳавода аниқиб турарди. Канал тарафдан қурбақаларнинг қурилдаши элас-элас эшитилиб турарди. Нарини ёқда эса қалин бутазор орадаб она туя ўтлаб юрибди. У бўталоғини эркалаб, чўзиқ овоз билан ўзига чорларди ва янтоқ пояларини киртидлатиб чайнардди.

Ҳа, табиат олатдагидай тинч, ўз маромида, улинл оудалигини фақат биргина нарса — ариқнинг шариллаб оқётган суви бўзмоқда эди. Кичкинагина камарчадан куч билан отилиб чиқётган сув сой бўйлаб шарқираб оқмоқда. Қоратой бошини кўли солиб, ўртаниб ётган юрагини тўхтатолмай камардан пишиқириб қайнаб чиқайётган сув каби энгликиб, оғир нафас оларди. Унинг «дяндик» ураётган юраги кўёвини кучиб турган Хонимгулга тўё ўз қалби ураётгандай аниқ сезилиб турарди. Мана, сув сўнгги тош ва чимларини ҳам суриб оқизиб бормоқда. У ўчакшангандай, аввалтисидан ҳам кучлироқ шарилламоқда.

— Вуни мен ёлғиз ўзим учун қилдимми?— дярди Қоратой ўз-ўзинча, кимга юзланганини билмай.— Йўқ, қол-хозини деб қилдим... Сув бўлмаса... Экин майдонни йилдан йилга кенгайиб бораётган бўлса...

Хонимгул кўёвининг бу ноглишини кўриб, юраги товданиб кетди:

— Ҳечқиси йўқ, Қоратой, кўп хафа бўлаверма!— дярди Хонимгул кўёвининг қуллоғига шивирлаб.

Қоратой бир хўрсиниб, Хонимгулни кучоқлаб турган кўлларини ажратиб, уни нарига итариб юборди.

— Кет бу ердан!— деди у зарда билан қаҳри келтиб.— Кўзимга кўринма, йўқот!

Хонимгул бирон нарса демасдан жимгина қайрилди, олмилаб кетди. У юриб бораркан, йўл-йўлакай куврайларнинг бошини чимчиб, уларнинг аччиқ донларини қафига уқалаб, ерта сепиб борарди.

Ёлғиз қолган Қоратой яна бир оз ўтирдн-да, сўнг тўғонни кўзлаб юриб кетди.

У

Тонг ҳам ота бошлады. Тоғ ён бағирларига ўрнаниб олган паға-паға енгил булгутлар уйқудан секин-аста бош кўтара бошлады.

Кутлиматинда ёмғир қўйиб берди. Бир зумда пайдо бўлган лойқа сел чуқур жарликларни ювиб, кекса арчаларни таг-томири билан қўпориб, йўлидаги тошларни суриб-супуриб, дарадар оша шарққираб оқарди. Даҳшатли бу оқим ана шундай шиддат билан бориб, Байдамтолга қўшилди.

Пилқириб, қутуриб оқётган дарё ўзини қўйишга жой тополмай, дара бўйлаб шовқин соларди. Қош қорайиб қолган бўлса-да, аҳён-аҳёнда ўрқач-ўрқач ваҳимали қора тўлқинларнинг жон-жаҳди билан қирғоқ томон ташланишини кўриш мумкин эди. Шиддаткор тўлқинлар куч билан тошларга урилар ва парча-парча бўлиб, яна шовуллаганича қайтиб кетарди.

Йна сал ўтмай сув билан қоя тўқнашиб, дарани тўлдурас овозлар қоллаб оларди. Тўлқинлар сипшимаётгандай бир-бирининг устига мингашарди. Тоҳо-тоҳо айғир каби олишиб, осмонга салпичарди. Дарё тепасидаги пўлат симга осиб қўйган лодьякани ҳозир узиб кетаётгандай туюлди.

Тўлқинланиб оқётган дарё тепасидаги улкан қора қоялар қовоқларини солиб ҳеч нарса билан иши бўлмагандай эътиборсиза туришарди.

Унчалик катта бўлмаган ховлида ит фингширди. Қоронғи дараза остига ўтириб олган кучук, елкасини ялаб кетаётган аччиқ совуқ нитиробидан бўлса керак, тобора қаттиқроқ увилди. Шамол уннинг овозини бағанд дарадар оша узок-узокларга олиб кетарди.

Ася Ухлай олмади. Айниқса, чақмоқ чаккиб, гўё биров дараза остига келиб тутурт чаққандек, бир зумда ҳамма ёқ ёришиб кетар, ёмғир сели оқиб тушаётган ойна орпидан увалага ўхшатган сур булутлар мўралаганда кўзига алаести кўрингандай, унинг юраги орқасига тортиб кетарди. Улар, ҳатто Асянинг кўзига ойнани чертаётгандек бўлиб туюларди. Ася кўрққанидан қўлидаги очиқ китобни куксига босди. Ваҳима ичидан кўзини томди-да, нафас чиқармай ташқарига секин қулоқ солди.

Деворнинг шундай орқатинасида гидротехник Бектемирнинг оиласи яшарди. У ёқдан онда-сонда гангир-

Қоратой бўлса ерда чалқанча тушиб ётган эди. Хозир у ерни қучоқлаганича ёлғиз ётарди.

Ер ҳаммасини тушунди, одамнинг секин-қувоничга ҳам, қайғу-аламига ҳам шерик бўлиши, ўз бағрига сингдириши мумкин. Мана, ҳозир ҳам чуқур хаёллар олушига чўмиб ўтган воқеани эслаётган Қоратойнинг тинчини бузгиси келмагандай, секин-аста ёришиб келаётган тонг шўъласи ер бетига тўшалиб, юқоридан эсаётган майин шабада уннинг зирқираб-қақшаб оғриётган танаси, қавариб кетган қўлларни узра гирдиккапагак бўларди. Қоратой ётган ерга яна кимдир биров шарпасиз яқинлашиб келди-да, унинг ёнига ўтира қолиб, Қоратойнинг бошларини, кифтларини силэй бошлади. Бу илғик қўллар Қоратой учун гоят яқин, гоят ёқимли туюларди. Қоратой заррача бўлса-да, қўзғалишидан кўрқарди; гўё сал қўзғалса бу оромбахш лаҳза, жон ато қилган бахт қўши парвоз қилиб, учиб кетиб, иккинчи марта қайтиб келмасдек бўлиб туюларди.

«Қадрингга етмадим, Хонимгул,— деб ўйлаб ётган эди у.—Сенинг табиатингни тушунмасдан пастлик қилдим. Кечир мени, юзингга қандай қарайман энди. Бахтоле деган нарса фақат уйда, ўчоқнинг бошидагина эмас, балки эл билан, коллективнинг меҳнати билан чамбарчас боғлиқ эканини ўзинг ҳам тушунган бўлсанг керак...»

— Қоратой, ўрнингдан тур, Собирбек келпти! — деб шивирлади Хонимгул. Қоратой бошини салтанглатиб ўрндан турди.

— Ма, дагада қолиб кетибди, бошингга кийиб ол,— деб Хонимгул унга қалпоғини узатди. Қоратойнинг чангта ботган уст-бошини қоқиб, кўйлагининг йиртилган жойларини тўриглаб, қистириб қўйди.

— Мен уйга кетаверайин, сен кейин борарсан... Отинг кўрғоннинг нариги ёғида тушовли юрибти,— деди Хонимгул кетиб бораётиб.

Собирбек ариқни ёқалаб секин келаётган эди. У баъзан узангига оёқларини тираб, отининг жигдовини тортиб, атрофга назар ташлаб борарди. Балки, у янги ариқнинг қаердан тушиниши мўлжаллаб юрандир.

Қоратой жингина қараб турарди.

Дўст олдида жавоб беришдан кўра душман қўлида ўлган яхши эмасми?!

Гүниҗүр гапирништан ва йўталган овоз эшитилиб турарди. Бу Бектемирнинг отаси кекса Аслибойнинг шарпаси эди. У обдон азоб чекар, афтидан бугун чолиниг суякларин яна қақшаб оғриб азоб бераётганга ўхшайди. У кучүкши бир неча бор бақириб-чақириб сүкиб олди:

— Кет, йўқол, Бойкүрөч, йўқол бу ердади! Овозинингнн ўчир, касофат, ўлгинг келиптими? Учир овозинингнн!

Сўнг Аслибой Ася этган хона эшитига яқинлаб келди-да, йўталганича жаҳл билан гапирга бошлад:

— Ҳали ҳам ётмадингми, Ася? Чироянги ҳамон ёниб турибди, дам олсанг бўлмайдингми, қизим? Китобини ўқишга кейин ҳам вақт топилар. Ё кўрқясанми?

— Йўғе, отажон! Сиз ташвишланманг, ётиб ухлай-веринг, иссиқроқ ўраниб олинг,— деди Ася.

— Қани энди уйку келса? Ёмғир ҳам жонга тегди, ер югтур кучүкшинг овозини айтмайсанми, дард устига чипқон бўлди...

Орқадан хуноб бўлиб гапирётган келинининг овози эшитилди:

— Вой худло-ей, жимгиша ёта қолмади бу чол, ахир болани уйғотиб юборасиз-ку? Ит билан нима шинингиз бор, ақиллаб-ақиллаб ўн жимиб қоладил!

Аммо қулони оғирлашиб қолган Аслибой бу гаплардан кейин ҳам тинчмади. У тўшақларини қайтадан тугзатаётиб яна қаттиқроқ гўлдираб гапирди:

— Эй худло, ўзинг паноҳингда асра! Наҳотки фалокат юз берса! Байдамтолнинг қутуриб оқётганини қаранг! Лолыкани сиздан ўнб кетгудай бўлсам, қилдириб топиб бўбсам. Худло, мунча қаҳринг келмаса, вой белгим, белгинам синиб кетяпти!

Эрталаб кўёш тоғлар орасидан тиг уриши биланок, Бектемир отни эгарлаб, дара томон йўл олди. У тоғдаги йиртқичлар юрадиган сўқмоққа кўйиб келинган қопқонни туңги сув оқими олиб кетмадимикан, деб у ерта эрта-роқ етиб боришга шоянларди.

Ёмғир ҳам тиниб қолди, аммо сувга ботган кингиздек оғир бўлгудлар ер устида муаллақ осилиб турарди. Бир кечадаёқ чўққиларни ва тизма тоғларин қоллаб олган оппоқ қор кўкиш тортиб эриб ётган эди. Қор уюмлари орадаб дарадан эсаётган аччиқ изғирин киши баданини жулжиктирарди. Ер бағирлаб ётган ўл-ўланлар ва буталар сувга ботган бошларини сикитиб-қоқиб, қаддла-рини ростлаётган эдилар.

Сўқмоқ йўл сирғанчик бўлгани учун Бектемир отини екин йўртириб борарди. У от жигловини бўш кўйиб юбониб, ўз ишлари ҳақида ҳаёл суриб кетди. Кутимлағанда бир таққа тўхтаб қолди, «чу-чу»лаб ҳайдага ҳам ўрнидан ўзгалмади. «Бу нимаси бўлди, бирон нарсани сезяптими?»—ўғилди Бектемир ва чор атрофга назар ташлади... Сўқмоқдан бир неча қadam нарида бир одам ётар эди. Бектемир бу тасодифдан дол бўлиб, турган жойида қониб қолди. У одам жарлик остида, сувнинг қовлаб кетган ёрида ер кучоқлаб ётарди. Бошида ва кўрткасининг йиртигидан кўрниниб турган қўлида қотиб қолган қон излари бор эди.

«Тирикми ё ўликми?»— Бектемир отдан тушмай эҳтиётлик билан яқинроқ келиб: «Бу ким бўлди экан?»— дед қаради.

Байдамтолда ҳеч ким яшамайдн, бу яқин ўртада қишлоқ ҳам йўқ. Тўғри, баъзан овчилар келиб туришадн, уларнинг ҳаммаси таниш кишилар бўлиб, ҳар гал келганларида ов ҳақида Бектемир билан маслаҳатлашиш учун, албатта гидрология пунктига тушишадн. Бу одам эса овчига ҳам ўхшамайдн. Яна сочини ҳам шаҳарликларникига ўхшатиб олдирган, кийимлари ёққа ботган, билатига соатн...

Бектемир унга синчиклаб қаради. Бу кишининг бутуни тун бўйи ёмғир остида қолиб келгани кўрниниб туради. Тавдасининг ярмини жарликдан оқиб тўшайётган дойқа сув кўминб юборган. Кўрнинишдан ёш йигитга ўхшайди. Кийимининг тиззаси ва тирсагидан йиртилганига қараганда у қаттиқ олинган, юқорига эмаклаб чиқишга интиган. У ҳозир ҳам жарлик тубидан худди эмаклаб чиқётгандек бўлиб ётибди: ўнг қўли олдига узатилган, қаетгандек бўлиб ётибди; ўнг қўли олдига узатилган, бармоқлари тошини тимидалаб — тирмашганича турибди. Қаердан ва қайси томондан келди экан у? Буни аниқлаш мушкул — ёмғир изларин юзиб кетган.

Шу маҳал ётган одам кутимлағанда кўзгалниб, секитгина ингради.

«Хайрият тирик экан ҳали!»—севиниб кетди Бектемир ва отдан сакраб тушиб, унинг қўлини ушлади.

— Хой ўртоқ, мента қарал!

Аммо у жавоб бермасди. Бектемир машаққат билан уни чаққанча ётқизди, ёқаларини ечиб, кўкратига кўлини кўйди. Юраги ҳали уриб турарди. Бектемир унинг киссаларини қовлаб кўрди, комсомол билгетидан

Бошқа ҳеч нарса топмади. Билетнинг сувага ботган ва-
рақлари бир-биринга ёпишиб, сиеҳлари ёйилиб кетган эди.
Бектемир кўндалаги уч сўзни ўқий олди, холос: «...Алиев
Нурбек... 1930...»
— Кизиқ! — бошини чайқайди Бектемир. Сўнг Нурбек-
ни эгарга беозор ўнгариб олиш учун отни қўлайроқ жой-
га етаклаб келди.

II

«Пенсиядлин тутаяпти, нима қилиш керак?» — Нур-
бекнинг бу ерда эшитган биринчи сўзи шу бўлди. Бу сўз-
лар худди узоқда гапирилгандек қўлогига арапч қалин-
ди. Аммо бу сўзларни ким сўзлади, у кимга тегишли,
буни Нурбек англамасди. У ҳар қанча уринса ҳам кў-
зини очолмади, мажолли қуриб, ўзини аяглақандай зулмат
ичига қўлаб тушгандек ҳис этди.

Кейинроқ Нурбек кимдир оғзинга сув қуйётганини
сезди. Оғзидан оқиб тушаётган муздек сув ўзини кўйини-
га тушганда у секин кўзини очди. Бу сафар у, кимдир
бироз бошида энташиб туриб:

— Қаранг, Асидбой ота, кўзини очди! — деганини
ашқ эшитаётган эди.

Нурбек гапирётган киши ё қиз бола ёки ёш жувон
эканини овоздан билди. Бироқ шунда ҳам унинг юзини
кўрмасди: кўз олдини тумандек қоронғилик қоплаб ол-
ган, ҳеч нарса кўринмасди. «Бу эҳтимол тушим бўлса
керак», — ўйлади Нурбек. Шу пайт иккинчи бир киши
гапга аралашди, у ҳар ҳолда кекасароқ кўринарди.

— Ҳа, қизим, у яна ҳаётга қайтди! — деди-да, енгил
тортиб нафас олди. — Сен савоб иш қилдинг, Асид-
мана буни худонинг қудрати-ю, дорининг кўмаги дей-
дилар!

Улар яна нималар ҳақидадир пичирлашиб гапирши-
дилар-да, сўнг чинқиб кетилди. Чол эшикни эҳтиётлик
билан ёпаркан:

— Дамини олсин, бечора! — деди.

Аста-секин беморнинг кўз олдн равшанлаша бошла-
ди. Нурбек унчалик қатта бўлмаган, янги оқланган озода
хонага ҳайрон бўлиб кўз югуртириб чиқди. У қандай
қилиб бу ерга келиб қолганини билмасди, лекин хонада
бирон маданиятли киши яшашини дарров сезди. Жапон-
ларда тартиб билан териб қўйилган китоблар, стол усти-

да эса айланималар ёзилган қоғоз тахловлиқ турарди.
Бурчақлати шкафда Нурбекка нотаниш бўлган қандай-
дир приборлар қўйилган. Деворда альпинистларнинг
кўзойнаги осилгик турибди. Аста эглиб дераза томон
қаратан эди, кўзи тумбочка устидаги ойна ва кўпчилик
бўлиб олдирилган суратга тушди. Суратнинг тепасига
«География факультети» деган сўзлар ёзилган. Дераза-
дан тоғ чўққилари, мовий осмоннинг бир парчаси кўзга
ташланиб турарди. Қаердадир ёлгинасида, тўё уйининг
ёнбошида дарё тўхтаовсиз шовулдаб турарди.

— Ҳеч нарсани эслолмайман! — пичирлади Нурбек
ва ойнага тикилганча қараб қолди. Ранглари синиқиб,
юзлари ичига чўкиб кетган, кўлдан бери соқол-муйлови-
га устара темлаган, боши бинг билан ўраб боғланган
киши қаравотда ётган бўйича ойнадап унга тикилиб қа-
раб турарди.

— А-а! — бақирди Нурбек. Унинг юзлари оғриқ ва
даҳшатдан ўзгариб кетган эди. Тўё у қандайдир жирканч
ва ваҳши бир қисфани кўргандек бўлди. Нурбек қўли
билан юзларини бекитиб, илгиратганча тескари ўтирилиб
ётди. Эшик очилганда эса кўрқувдан чўчиб кетиб, кўл-
дарини юзидан олди. Хонага узун сочларини орқасига
тутиб олган, эгинда чангичлар қостоми ва оёғига қа-
длин чармли тоғ ботинкаси кийиб олган бир қиз кириб
келди.

— Қалай, дурустми-сиз? — олднй бир оҳангда бемор-
дан ҳол-аҳвол суралди ва кўлидаги чойнакни столга қўй-
ди. Нурбек қип-қизариб кетди. Ёнингда қиз бола тур-
са-ю, йилит бўла туриб қаравотда ялпайиб ётсанг, қизик
туюлар экан, у туришга ҳаракат қилиб кўрди.

— Сиз нима қилипсиз? Ётнинг, туриш мумкин эмас,
сизга!

Нурбек қизга жавоб бермоқчи эди, лекин улгура ол-
мади, қовураси тагида қаттиқ санчиқ туриб, кутилма-
ганда нафаси бўғилиб, йўтал тутиб қолди. Нурбек икки
бўкилиб, кўкратини чангаллаганча хириллаб ётган эди.
Қиз кўрқиб кетганидан нима қилишини билмай, хонада
гир айланарди. Охири, келиб Нурбекнинг бошини тутди.
Йўтал тўхтагач, енгил нафас олиб, беморнинг мангтайи-
ни сочиқ билан арта бошлади.

— Ушкангиз қаттиқ шомоллаган. Сиз ўзингизни эҳ-
тиёт қилишингиз керак. Кечадан бери ҳушсиз ётибсиз.
Ҳароратингиз ҳам баланд. Бугун ҳам ўтгна тўққиз.

Етинг... Бу ерда ўзингизни ўйингизадагидек ҳис этганинг... Мен бўлсам, Радиобулжада бир неча дақиқа айланиб қолибман...

Нурбек йўталдан сўнг ҳам ўзига келмади, қизга нимаи айтишни, нима деб жавоб қайтаришни билмай, хижолат тортиб довлдиратанча қараб туради, холос. Эркакларга ўхшаш кийиниб олган бу қиз негадир минут сайин унга яқинроқ ва танишроқ бўлиб туюлар, тўғ Нурбек уни кўпдан бери кўриб юртандек эди. У қорачадан келган, оддий қирғиз қизи эди. Унинг юмалоқ юзи, чиройли кенг пешонаси тоғ шамоли ва кўёшдан пишган эди. Таранглашган қанин лаблари ҳозир кулиб юбораётгандай, ҳаммаша майин табасум билан бағқиб турарди. Буларнинг ҳаммаси кишида боғаларча соддалик ва эзулик тугдирарди. Фақат унинг кўзларидан жиддийлик ва ўчангликни сезиб олиш мумкин эди. У унчалик катта бўлмаган семиз ва бақувват кўллари билан кўрпани тузатиб, Нурбекнинг оёқларини яхшилаб ўраб қўйди.

— Каравот қисқарок, ёстиқни бағландроқ қўйиб берайми?

— Йўқ, йўқ, ташвишланманг... Кечирасиз, ситтигичам, мен ҳозир қаерда ётибман?

— Қиз ажабланиб, қошларини чимирди.

— Бу ер гидрология пункти!

— Гидрология пункти дейсизми?

— Ҳа! Сиз Байдамтол дарёси ҳақида эшитгандирсиз?

— Сизни Бектемир оға толди. Сиз уни танийсизми?

— Йўқ, эслаётмайман!

— У бизнинг гидротехникимиз.

— Бу ерда одам яшайдими?

— Ҳа, яшайди. Лекин жуда озмиз — Бектемир оғанинг оиласи ва мен, холос.

— Сиз бу ерда ишлайсизми?

— Ҳа, гидрологман.

— Мента қилган яхшиликларингиз учун раҳмат, синглим, бироқ...— Нурбек гапиролмай тугилиб қолди.

Сўнгра сир бой бермай, сўради:— Сизнинг исмингиз

нима?

— Ая. Сизнинг номингиз — Нурбек-а, шундай эмасми?

Сиз Байдамтолга бирон-бир муҳим иш билан келган бўлсангиз керак?

Нурбек Аянинг сўзларига жавоб бермади. Тескари

қараб бошини кўрпага ўраб олди, лекин шу заҳотиёқ кўрпани иргитиб ташлаб, қизга хўмрайиб қараган ҳолда.

— Мен жинотчиман! — деди.

Ая кўлидаги чойнакни секин ерга қўйди.

— Сиз жинотчири? Қандай жинотчи, қандақасига?

— Ҳа, синглим! Сиз одамни кўтқардик деб ўйларсиз...

Бу тўғри, менинг ўрнини бошча ҳар қандай киши

бўлганда ҳам умрининг охиригача ўзини сиздан қарздор

деб биларди... Аммо, мен дом-дарақасиз йўқолиб кетган

нимда, атар тошқин дарё менинг суякларимни узоқ-узоқ

ларга оқизиб кетганида, мен ўзининг мана шу аччиқ

тақдиримдан жуда хурсанд бўлдим.

Аяни кўрқув босган эди, лекин у ўзини дарров кўлга

олиб, беморни тезроқ тинчигишга ҳаракат қилди.

— Қўйинг, тинчланг! Сиз ҳажжонланмаслигингиз

керак. Ўрнингиздан қўзғалманг!

— Кетманг, синглим! Сиздан ўзиниб сўрайман, гап

ларимга кулоқ солинг! — Афтидан у Аяни ўзининг гап

ларини эшитмай кетиб қолишидан кўрқарди. — Тўхтанг,

Ая, мен сизга ҳаммасини айтиб бераман яширмаасдан...

III

Илк баҳор кунларидан биринда Нурбек завод дарво-засидан ташқарига чиқди, бўйнидаги жундан тўқилган шарфини олиб чўнтагига солганда, кенг елкаларини ростлаб, кўрагини тўлдириб-тўлдириб чуқур нафас ола бошлади. У кўриш мумкин бўлган ҳамма нарсага: кўчаларни, завод корпусларини, ҳаво ва парқларни — жамики нарсага қувонч билан назар ташларди.

Нурбек бўйчан, келишган йилит эди, ҳозир ҳам бошини юқори кўтариб, лабларини қисиб атрофга матарур боқиб туриши ўткинчиларнинг кўзига, айниқса, яққол ташланган турарди.

У, айниқса, бўғун баҳорнинг яқинлаб келаётганини яхши ҳис қилаётган эди. Ҳаво нам ва ёпишқоқ осмон сарғиш булутлар билан қопланиб, куёш кўринмаётган бўлса ҳам асфальтларда қорлар эриб кетаётган эди, пастқим ўтлоқлардан эса сувлар жилдираб оқиб, арнақларга бориб қуйилаётган эди. Баҳор дарақчиси — ўрик, унинг денорлар орқали кўчаларга ёйилиб кетган шохлариданги тўлишган куртақлари нозик хид тарқатарди. Нурбек троллейбусга ўтирди. Унинг баҳор ҳақидаги

Ғий-хаёллари хаёли тарқаматган. Яқиндашнинг келатган кунлар Нурбек учун қизикарли ва алоҳида аҳамиятга эга. У кўриқ ерларда ташкил эрилган олимпиаги бағанд тоғли совхозларга механик бўлиб боради. Завод партия ташкилотининг секретари унинг характеристикасига: «Магалади, ақлли механик, шунинг учун ҳам завод партия ташкилоти унга завод ишонч иши оқлашига тўла ишонч билдиради», деб ёзган эди.

Обкомнинг путевкаси кўлида, эрта-нинг клубда хайрлашиш маросими ўтказилган. Унда қанча илқ сузлар, яхши истақлар айтылади, музика, танца, кулги, кўл сикитиб кўришиш, сўнгра... сўнгра... Буларнинг барини, қалбига жо қилиб олган кўвончиди оқсизларнинг ҳаммасини таърифлаб бериш Нурбекка қийин. Бир сўз билан айтганда — олдинда янги нордоқ хаёт, янги иш, янги дўстлари...

Нурбек кўриқ ерларни забот этувчи шонли ёшларнинг биринчи бўлиб тайинланган. У ерда, асрлар бўйи одамзод қадами етмаган тоғ бағирларида экинлар бошқотилган, кўллар ётқизилган ва шунда халқ: «Бу бизнинг овулимиз, бизнинг мактабимиз, бизнинг устахонамиз...» деб фахр билан тилга олади. Нурбек бу ҳақда ўйлар экан, унинг кўллари кучиб туриб, ҳозироқ ишни бошлашга ошпади.

IV

Баҳор тоққа жууда кечикиб келди. Шудтордан ташқари, совхозда ишлар бошдан охиб ётган эди. Техникага ёқилги келтириш, ремонт устахонасини жиҳозлаш, уй, ошхона, ҳаммом кўриши ва бошқа қатъидан-қанча ишлар. Ахир янги, кимсасиз ерда ҳаммаси ҳам муҳим, ҳаммаси ҳам керак. Бирини қилдишми, орқасидан иккинчисини, учинчисини чиқаверди. Бироқ, механикаторлар шудтор қилиб, экин экинни муҳим ва асосийси деб ҳисоблар эдилар.

Матгул бўлишича, бу кимсасиз ерда шонли тоғ ораликларини инсон назмата бўйсундириш шунчаки енгил бир иш эмас экан. Аммо мавжуд қийинчи ишлар Нурбекнинг руҳини тушира олмади. У аввалда шонли ишларда, қизғин ва серғайратлигича қолди. Бунга яна серзардалик, нима деса айтганини қилдира олганган каби янги характер хислатлари ҳам кўрилади. У ҳамма ишни ўз

қўли билан бажаришни, ўз дидига ўтирадиган қилиб адо этишни истарди. Агар, мабодо унинг қўли остидики кишилардан биронтаси белгиланган тошириқни бажара олмаса, у бундайларга бўш келмасди: «Қанақа одамсан! — бақириб беради у, олатлагидек, — шу оддий ишни ҳам ундайиб олмайсанми?.. Сенга ухшаганларни бу ерда ким юбора олгани мумкин... Қани нарироқ тур, ўзим қиламан!»

Нурбек қандай ишга киришмасин, уни албатта, охирига етказмасдан қўймади. Афтидан Нурбексиз умуман бирон ишни бажариш мумкин эмасдай туюларди. Қачон қарама, белгини маҳкам боғлаганича чопиб юради. Палаткаларни ҳам ўзи бўзиб, бўльдозерларни ўзи бошқариб боради, тоғлардан кўчиб тушган қор уюмларини кураб, устахонадаги станокларни ҳам ўзи монтаж қилади...

Фақат ёмғир узоққа чўзилгиб, ишга чиқмай палаткаларга кириб олганган пайтда унинг бошига бирдан ғамгин ўйлар келарди. Унга шу нарсга қоронғи эди: нега у ханузга қадар бирон киши билан яқиндан алоқа боғлабмади, нега унинг бемалол дардлаша оладиган самимий, дилкаш дўстлари йўқ? Ишда бўлса одамлар унга бўйсунарди, ҳеч қачон айтганини икки қилмай, назат-хурмат қилаётгандай бўлиб кўринади, иш кўни тамом бўлганми, ҳатто у билан ҳеч ким тапиримайди ҳам... Шундай пайтларда Нурбек чамалондан фотосуратларни олиб, чироқнинг хира ёруғига тутиб узоқ вақт теринлиги қарарди.

Ойнагул суратда ҳам чиройли эди. Фотосуратдан унинг сеимли атир ҳиди анқиб турарди.

Ойнагул министрликда секретарь бўлиб ишларди. У юмшоқ йўлкалардан ва тўшаб қўйилган гилам устидан юришга кўнглик қолганиданми ёки туғма гўзаллигим, унинг енгил ва оҳиста қадам ташлаб юришлари фойт латофатли эди.

Нурбек кўриқ ерларга кетишга қарор қилганини айтиб, енидаги путевкасини кўрсатганда, Ойнагул Нурбек кутганидек унинг бўйига осилмади.

— Сен яхши ўйлаб кўрдингми? — сўради Ойнагул, пешонасини тириштириб.

— Ҳа, нима эди?

— Шундай ўзим... — деди ва секингина кўшиб қўйди: — Демак сен мени фақат сўзлаганига севар экансан-

да...—Ойнагулнинг қалин киприклари ёш билан намла-
ниб, кўзлари яна тўзаглик касб этган эди. Нурбек дов-
дираб қолди, у буни кутмаган эди.

— Нима кераги бор буни, Ойнахон? Совхозга кетса
мени эсдан чиқариб юборадди, деб ўйламагин сен! Мен
у ерларда сен билан бирга ҳаёт кечиршимизни орау
қиламан.

Албатта, Ойнагул кўриқ ерга бориш ҳақида тезда
бир қарорга келмаган эди. Буни Нурбек ҳам унга мас-
лаҳат солмаган эди. Аваало жойлашиб, уй олиш, кейин
эса турмуш кўриш ҳақида сўз бўлиши мумкин эди.

Нурбекни кузатаётиб, Ойнагул унга ўзининг фотосу-
ратини тақдим этди:

— Боравер, Нурбек,— деди у зарда билан лабларини
чўччайтириб.— Биламан, агар елингта бирон нарса ту-
шиб қолдимми, сира ҳам фикрингдан қайтмайсан. Агар у
ер ёқмай қолса, ўзингни қийнаб ўтирма, қайтиб келавер,
мен кутаман сени... Яна заводда гап қилишадди, деб ўй-
лама, бунинг унча аҳамияти йўқ... Иш ҳамма вақт
тонилди... Ҳа, айтгандай, ҳар эхтимолга қарши, тенги-
раб юрма, районда менинг тоғам ишлайди, мана унинг
адреси. Торғиниб ўтирма, унга муружаат қилавер, ҳам-
масига ёрдамлашадди у...

Бироқ маълум бўлишича, Ойнагул унга алашиб бош-
қа адресни берган экан. Унинг тоғаси қўшни районда,
жанубдаги довонда ишлар экан. Нурбек буни кейинча-
лик маҳаллий кишилардан сўраб билиб олди.

Совхоз кундан-кунга кўз ўнгида юксалиб, обод бўлиб
бормоқда эди. Нурбек бўлса ҳамон ўша кунни — Ойна-
гул билан ўз тақдирини бирлаштирувчи порлоқ кўнни
оранқиб кутаётган эди.

У

Тоққа баҳор анча кечикиб келади, уни оранқиб ку-
тиш керак, бироқ, у ўз ҳусн-жамолидан нишона кўрсат-
димми — дарҳол ер юзини гул ва кўккалар сепи қолди-
олади.

Пастда, водийда майсалар унинг чиқади, ниҳоллар
қоматини ростлаб янроқ ёзиб, соя ташлай бошлайди.
Ушанда баҳор навбатини ёта бериб, ўзи эса ер бетини
чўлгаб олган кўк-яшнги тусдаги гулдор кўйлақ барини
кўтариб судраганича тоғ сари йўл олади.

Тоғ зонасининг баҳори ўзгача табиатга, ўзгача гў-
залликка эга.

Эрталабдан қор ёғадди, тушдан сўнг қуёш чиқиб, қор-
лар эриб бутланади, бир кунлик гуллар тулғайди, кечга
келиб эса ер селгиб, ариқ ва жилғалар тун бўли музлаб
чиқади. Эртасига эрталаб чўққилардан қарасанг, кўз
илғамас кенгликдаги нақадар мусаффо тоғ баҳорини
кўриб, қалбинг қувончларга тулғайди. Чарақлаб турган
осмон денгизинга кичкинاتган доғ ҳам кўринмасди. Ер
эса ёшгина киз каби ясанган — ям-яшил, шабнам билан
ювилиб, гўё уялиб қулиб турарди... Агар қийқирсанг,
овозинг узоқ вақт жаранглаб чексиз ва юксак тоғ тиз-
малари бўйлаб тоза ҳавода йироқ-йироқларга таралиб
кетгади... Ҳеч қандай қор ҳам, туман ҳам, ёмғир ва ша-
мол ҳам баҳорни тўхтата олмасди, у яшил олов каби
аланталаниб тоғдан тоққа, чўққидан чўққига ёниб ўтиб,
тобора юқорилашиб, мангу музликлар сари бормоқда
эди.

Одамлар ҳамма ерда баҳорни экинни эртарақ тутал-
лаш билан банд. Тоғли ерларда эса бу, айниқса муҳим
эди,— муддатдан сал кенкилингми, экинлар пишиб етил-
май қоларди ёки тунги совуқ уриб кетарди.

...Нурбек совхознинг узоқ участкаларидан бири — че-
гаралаги «Катта сойга» кечқурун етиб келди. У мото-
циклдан тушмасданок, қиз телаликда тўхтаб қолган
тракторни кўрди. Нурбек аччиқланиб тугуриб, мотоцикл-
ни ўчирди ва трактор томон югуриб кетди. Олисдан
жаҳлн чиқиб бақирди.

— Эй, сен тракторни нега ётқизиб қўйдинг! Яна син-
дирдингми?

Ёш тракторчи Жуман қўлидаги папиросини оёқ остига
олиб тепкилаб ташляди.

— Тракторнинг ҳамма ери тахт!— ўзини оқламоқчи
бўлгандай жавоб берди у.— Бироқ бу ерда ҳайдаш
хавфли, оға.

— Нима дегисан?— Нурбек унга томон ташланди.
Сал бўлмаса муштни билан солиб юборгудай бўлиб.—
Ақлинг жойидами сенч?

— Э-э... Уртоқ механик, тушунасизми...

— Ҳа, аникроқ қилиб гапир! Трактор қачондан бери
юрмай турибди? Сенга айтганиман!

— Бир, соатдан бери...
Нурбек муштни билан ҳавонни кесиб:

— Ким рухсат берди сенга? Ким? Қандай аҳмоқ?
— Трактор ағдарилдиб кетади дедилман-ку. Ишлаш хавфли!

— Қайққа ағдарилди? Нега маҳмадоналик қилди-сан?

Бунинг устига бригадир келиб қолди. Нурбек Трофимовнинг бошидан оёғигача ғазаб билан назар ташлаб олди ва афеуслангандай бошини чайқаб:

— Буни сиздан ҳеч қачон кутмаган эдим! Тракторнинг бўш турганини учун партоборда жавоб берайсиз! Катта, кенг гавдали Трофимов, одати бўйича дағал мўйловини вазминлик билан силаб, бош ирғаб ҳаммасини маъқуллагандай:

— Тракторни тўхтатишга мажбур бўдинг, ўртоқ механик,— босиқ овоз билан гапирди у.— Кутдинг, сиз ёки агроном келиб қолсаларинг, маслаҳатлашамиз деб ўйладик... Машинани ҳайдашга рельеф имкон бермайдик. Нишаблик... Қияликин бир кўринг-а... Трактор сирғалиб тушиб кетиши мумкин, кишиларнинг ҳам бошига етишимиз мумкин! Сезилсизми, тракторнинг қандай туришини!

Нурбек тракторга ўтириб олиб ён бағир мулошга бир қараб олди-да, шошқалоқлик билан кўл сийтаб:

— Ортиқча эҳтиёткорлик! Бу филдиракли трактор эмас, заңжир филдиракли тракторлар бу қияликлардан юрaverади ва ҳеч қачон ағдарилмайди!

— Мен, худогоа шукур, тоғларда йитирма йиллар чамаси ишлапман, Нурбек Алиевич. Ҳар хил воқеалар тоз берди! Сиз бўлсангиз ҳали бу ерларга янги кишинсиз. Ишонинг менга, бу ерда трактор билан ишлаш мумкин эмас, жуда хавфли.

Менсимаслик ҳам эн билан-да! Демак бундан кўринадик, Нурбек ўз ишини эплаёлмаётган экан-да! Бунинг устига яна Жуман бригадирнинг сўзларини маъқуллаб кўшиб кўйдим:

— Бригадир тўғри айтади. Ҳақиқатан ҳам хавфли! — Агар хавфли бўлса ўтовда, уйда ўтираверини керак эди! — Тиш орасидан жавоб қилди Нурбек.— Қўриқ ерга кўрқоқларнинг кераги йўқ! Ўзингиз айттин-чи ўртоқ Трофимов, партия бизни нима учун юборди бу ерга? Агар биз қандайдир кичкина бир телаликка чиқишдан кўрқсак, топириқини қандай қилиб бажарамиз!

— Кўк, ўртоқ механик,— эътироз билдирди Трофимов.

— Ўзини бағота гирифтор қилиш эмас, балки оқилона иш тутуш керак. Ахир бу жиддий иш-ку.

— Сиз нимани таклиф қиласиз? Кўл қовуштириб ўтиришини?

— Нима кераги бор шунақа сўзларинг, ўртоқ механик. Қачон биз қўлимизни қовуштириб ўтирибмиз. Бу ерни ҳайдаш ноқулай экан, бўлмаса бошқа ерга ўтайлик.

— Маслаҳатингиз учун раҳмат! Демак, биз ер ҳайдаш ўринига, у ердан-бу ерга кўчиб юришимиз керак экан-да? Бир минут вақт ҳозир қанчалик қиммат эканлигини ўйлаб кўрдиларингми? Иккинчи бир ерга кўчиб ўтганиз делунча ўнлаб гектар ерни ҳайдаб кўйиш мумкин. Қолаверса, сизларга яна шунни эслатиб кўйишим керакки, ҳаммамизда ҳам план, график ва маршрут бор. Ўзбошимчалик қилишга ҳақимиз йўқ.

— Нега бундай экан, ўртоқ механик? Планга тузатиш киритиш мумкин эмасми? Мен сизга яна эслатиб айтилманки, бу тик телаликда тракторда юришини ҳеч ким хоҳламайпти. Истаган кишингиздан сўраб кўринг!— деди Трофимов тўғиланиб турган тракторчиларга ишора қилиб. Уларнинг биронтаи ҳам чурқ этмай турарди. Аммо қовоқ осиб туришларидан механикнинг айтган гапларини маъқул кўрмаётганликларини ўқиб олиш мумкин эди.

— Ҳар кимнинг жони ўзига аянз,— деди Трофимов тракторчиларнинг фикрини ифодалаб,— бундай ёнбағирликларда ҳазиллашиб бўлмайди, ўртоқ механик!

— Нотўғри айтасиз! Сиз бошқаларин ҳам кўрқоқ қилиб кўйибсиз. Мен— совхознинг механигиман, қайси машинидадан қаерда фойдаланишини менинг ихтиёримга кўйиб бераверинглар. Мен аминманки, бу ёнбағирликни ҳеч қандай ҳадиксирмасдан ҳайдайвериниш мумкин. Бўлмагур гапларга қулоқ соғмаслик керак! Сиз— коммунистсиз, ўртоқ Трофимов, қийинчиликлардан қочини керак эмас, балки курашмоқ керак.

— Қийинчиликлар сен яшаб турган замонга нисбатан мен босиб ўтган даврда кўп эди, ёш йигит!— бригадир тутқуқиб кетди у Нурбек томон яқинлаб кетаркан, ўзини ғазабдан аранг босиб кескин бўрилиб олдилаб кетди. Унинг орқасидан бошқалар ҳам кета бошладил. Нурбек ёлғиз ўзи қолди. Бу унга жуда қаттиқ ботиб қалби алди ва изтиробдан ачшиниб оғриётган эди. Нур-

бек ўрнидан сакраб туриб, Трофимовга етиб олди ва унинг енидан ушлади:

— Мен сизга дарҳол тракторни юртга олиши буюрамани!

Трофимов Нурбекнинг бошидан оёнгача жимгина назар ташлаб олдиди, кейин ундан кўлини тортиб олиб, юришда давом этди.

...Алдиқачон ярни кечадан охиб қолган, тунамоқ учун бағанд тор қолғани орасига булутлар сузиб келишмоқда, улар тўп-тўп бўлиб, ўзаро учиниб, эндигина уйкута бош кўйган эдилар. Тезрак-агроф суя сепгандай жимжитлик. Узоқ-узоқларда тракторнинг турлиланган овози аранг эшитиларди. Бригададаги кишиларнинг ҳаммаси уйкута кетган. Фақат Нурбек ухлагани йўқ. Аччиқ ва чийаб бўлмас алам ўтлари унинг қаённи тирнаб ўртаётган эди. У иондек тўлғаниб, сезилмасдан хўрсиниб, алганималар деб фўлдириларди. Ҳа, Трофимов уни бутун шарманда қилди, бутун халқ ўрасида шарманда қилди! «Йўқ, бунга жим туриб бўлмайди! Нима бўлса ҳам ўзининг ҳақ эканлигини исботлаши керак, фақат шундагина ўз обрў-эътиборини тиклаб олиши мўмкин!» Нурбек секин ўрнидан туриб овоз чиқармай пагалкадан ташқарига чикди. У ёқ, бу ёққа қаради, ҳеч кимса йўқ. Ўғрилардек энгашиб, у нарига чопиб кетди ва жарлик соясида фойиб бўлди.

Орадан бир оз ўтгандан сўнг, қия тепаликда, тракторнинг ёнида чўптак фонари бир-икки ёниб ўчди ва бирдан тўп тинчлигини бузиб, нулмет отилгандай «та-та-та-та!» деган овоз эшитилди. Бу тракторнинг овози эди. Орадан сал ўтмай, трактор бир мевёрда, сўниқ овозда тирилган бошларди. Бирдан чироқ ёниб, шу билан бир вақтда трактор ҳам ўрнидан кўзгалди. Нурбек ричагани босганича ҳаяжонланиб, илгарига тикилиб қарарди. Трактор тепалик бўйлаб юриб кетди.

«Ҳа, техника инсон кўл остида, фақат уни бошқара билниш керак, шунда у инсон кўли қаерни кўрсатса ўша томонга кетаверадди. Бунинг учун эса ботирик, жасурлик ва қатъийлик керак! Мана бунинг яққол мисоли — бошқалар журъат қилолмаган ердан тракторни Нурбек ҳайдаб бормоқда!»

— Йўқ, трактор кўлаб кетмайди! Бу беҳуда гап. Сизлар учун энди қизаришга тўғри келадди! — хитоб қиларди Нурбек, ҳаяжонидан типроқ босиб.

Трактор ҳақиқатан ҳали тик тепалик сари юриб бораётган эди. «Улар нимадан кўрқидилди? — Уйгади Нурбек. — Тўғри, ҳадеб бир томонга энгашиб ўтиривериш у айтгандай осон гап эмас экан, аммо бу сал нарса, чидаса бўлганди!»

Олдиди яси дўнглик кўринди. Трактор радиатори билан юқорига кўтарилди, у ҳозир ағдарилиб кетаётгандай, бироқ Нурбек тракторнинг юриш тезлигини ошириб, бир зарб билан бу дўнгликни ҳам босиб ўтди. Қарташинг охирига етиб тракторни орқага бурди. Энди Нурбек гадибага қатъий ишонч ҳосил қилган эди:

— Мен сизларга кўрсатиб кўяман, ким эканлигинини! — қичқирди у чираниб, бадхоҳлик билан. — Эрталабгача бу қия тепаликнинг ҳаммасини ҳайдаб кўяман, атар зарур бўлса, бу тоғларнинг ҳаммасини чўққилари билан бирга кўшиб ҳайдаб ташлайман! Эртага кўриб ишонч ҳосил қиласан, Трофимов, қайси биримиз ҳақ эканлигинимизни!

Нурбек иккинчи крутгни ҳам босиб ўтди. Ҳа, нисланиз куч пайдо бўлганини ҳис қилди, кўз ўнгиди гўё трактор билан бирга кўшилиб кудратли нулгал гади тургандай туюлди.

Олдиди яна тепалик кўзга ташланди.

— Ҳечқиси йўқ! — Узини тинчитарди Нурбек.

Трактор зўриқиб-бўқириб юриб бораётган эди, бирдан ёнбошга қараб оға бошларди.

— Ҳечқиси йўқ! — Ҳа, дағда берарди Нурбек... Кўли ричагда, учинчи скорость... Давнати трактор бўлса, ҳамон интраб-бўқирганича қийшайиб, оғиб бораётган эди. Тракторни энцилик билан бирдан юқорига буриб олиш керак эди, акс ҳолда у ағдарилиб кетарди! Нурбек олдинга ташланиб, ўнг томондаги ричагини куч билан ўзига тортиди. Трактор занкирди гилдирақлари билан тўпроқ нчида кескин бурилди ва бундай тепаликда юришга қолди эмасдай тумшугини осмонга кўтарганича туриб қолди. Нурбекнинг бошига тўп эниб қон урди: «Нима қилиш керак? Тезроқ моторни ўчир! Қани, тезроқ! Мотор жимиб қолди! Нима қилиш керак?»

Бироқ энди кечикилган эди. Тўхтаб қолган трактор шу заҳотлик нижирлаб овоз чиқариб, секин-аста плутни остига олиб эниб, орқа томон тисланаётган эди. У энди ағдарилди бошлай деган эди, Нурбек кабинадан сакраб тўшди. Кейинги воқеалар эса ана-мана дегунча бўлиб

Нурбек довон тепасига чиқиб олгунча чарчаб ҳолдан кетган эди. У қалин қор кечиб, бағки ҳали ҳеч қачон инсон оёғи етмаган ерларда юриб бормоқда эди. Довондан кучли ва муздек шамол эсарди. Мана унинг туз тотмаганига бир сутка бўлай деб қолди. Йиқилиб туз тот-тезроқ тушиш керак, бағки водийда чорвадорларнинг ўтовига дуч келиб қолар. Довондан бутун тоғ манзараси кўзга яққол ташланиб турарди. Пастда, катта дарё оқмоқда. Бироқ Нурбек у ерда инсон яшаганини кўрсатувчи бирор белгини учратмади. У мадорсизланиб, секин тошга ўтирдиди, кўли билан юзларини беркитди. «Бу ҳувиллаб ётган нотаниш тоғларда одам қардан бўлсин!—ўйларди Нурбек.—Наҳотки, фақат мен каби аҳмоқлар яшасан!»—у бошини яна ҳам кўйи солиб кўзларини беркитиб олди...

Кучли эсаётган шамолдан олов ё ўчиб қолиши, ёки яна ҳам алангаланиб ёниши мумкин. Аввалги қизиниб ётган Нурбек ҳозир мойи тамом бўлиб қолган чироқ каби сўниб қолган эди. Энди у—қоноқ, бир бурда нон ҳақида, ўзини ҳимоя қилиши ҳақида хаёл сурувчи, хилват жой топиб, ўт ёқиб жон сақлашни ўйловчи киши.

«...Ойнагулимнинг тоғаси қаерда яшаркин?» «...Районга қачон етиб оламанд?»—ўйларди Нурбек.—Айтгиларига қараганда мана шу довондан кейин яна икки кунлик йўл. У ерга етиб борсам, озроқ бўлса ҳам, ундан пул қарз оламанд, шаҳарга қайтаман ва Ойнагул олдида, энди кўриқ ер ҳақида, ҳатто оғиз ҳам очмайман!» деб қасам нааман.

Нурбек ўрнидан турди ва пастга, дарё томонга қараб секин юра бошлади. Довон тепасидан пастга тушиш унчалик қийин эмасдай, ҳаммаси кўзга ташланиб туради. Лекин у бирмунча вақт ўтгандан кейин, ўзини уст-уст қалашиб ётган қоллар орасида кўрди ва кўзига шу улкан тошлардан бўлак апрофда ҳеч нарса кўринмасди. Нурбекни ваҳима босди. У бу тошли қоллардан тезроқ чиқиб олишга интилиб, даярли югуриб борарди. Ана-мана дегунача қоронғилик тушиб, кеч кириб қолган эди. Нурбек бошини кўтариб қаради, тепасида қовоқ осиб турган паст бўлутларни кўрди. У юришини яна тезлатди. Момақалдироқ гулдурдади, тошларнинг устига йирик-йирик ёмғир томчилари шитирлаб туша бошлади. Кейин

ямғирни шамол эсиб, унинг орқасидан кучли дўл ёғиб селга айланди. Осмонни қалин будут қоплаб олиб, у намликни сўриб олаётгандай оғирлашиб, пастга томон яқинлаб кетганди. Ҳамма ёқни зулмат қоплаб олган. Нурбек ўзини қаерга олиб қочини билмасди. Кутайроқ жой топиб олиш учун олазарак бўлиб безовта ланарди. Яшши эса у қаерда, қай аҳволда дегандай қизиб, ёлғинасидаги қоллар чинга ёриб кириб, еру кўкни бир даққига ёритарди. Тўё дев қаҳқаҳа уриб қулгандай момақалдироқ гўмбурларди.

Нурбек бутунлай ўзини йўқотиб кўйдди. У қаерга бо-ришини, нима қилишини билмасди. Чўққидан кўчиб кетган улкан тош гулдурдаб шовқин солиб Нурбекнинг боши узра юмалаб келаётган эди. Унинг наъдан эса яна бир қанча тошлар кўшилиб, йўлда учраган нарсаларни эзиб-япишиб борарди. Нурбек орқасига тисарилди-да, пастга томон учиб кетди...

VII

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг Нурбекнинг би-ринчи марта ҳовлига чиқиши эди. Бироқ унинг шикаст-ланган оёғи ҳали ҳам оғриб турарди. Нурбек оқсоқла-ниб юрар, йўтали ҳам ҳали қолганича йўқ.

Тўлганишган ва кириб-чиқиб юртан кишилар Нур-бекка ўша машҳум воқеани ҳеч қачон эслатмасликка аҳдлашиб олгандек эдилар. Сўз очиб пайти келиб қол-ганда ҳам, унинг олдида шу вақтга қадар бу хусусда гапиришгандларини эшитмади. Тўғри, Ася ўз фикринеи тўғридан-тўғри унинг юзига айта қолди:

— Сизнинг ўрнинида мен бўлганимда, бундай кел-маган бўлардим! Кимки масбулунятдан кўрқар экан...—Ася айтмоқчи бўлган фикрини охиригача гапиролмади ва Нурбекка аянчли ҳолатда қаради-да, чуқур нафас ол-ди.—Сиз ҳаммасини очик гапириб бердингиз, мен сен-нинг шундай қила олганингизга сира ишонмайман!

Нурбек ўзини бир оз теликпроқ хис қилди. «Ася ме ни тўғри тушунди,—деб ўйлади у.—Демак, мен у айтгани-дай ёмон одам эмас эканман-да. У менга ишонди. Бош-қаларга ҳам ишонармикан?» Лекин бир зумдан кей ин-унда яна бошқача фикр тугилди: «Нега улар хабар ки-лишиб, мени тўтиб беришмади? Ёки улар менинг соғайи-шимни куттишаётганмикан? Менинг жиноятчи эканлигим

потиғрими, ахир? Ха, мен тавом бўлган одамман! Менга раҳм-шафқат қилиб турдишга ўрин йўқ, мен жазога тортишим керак!» Ойнагул ҳақида ўйлаганида миясига бошқа фикр келди: «Йўқ, мен бу ердан тезроқ кетгим керак. Бундай ҳаёт жонимга тегди. Ойнагулнинг олдинга қайтиб бормаман, у билан тинч ва бахтли ҳаёт кечиримиз».

Нурбек кечалари кўз юммай, рўй берган воқеани кишиларга қандай тушунтиришини, ўша пайтда моторнинг нега ўчиб қолганини ўйлаб ётарди. Олдинки аниқ. Унда нар бағанд тоғли ерларда ишлай олмаслиги аниқ. Унда тоғли районларда ишловчи тракторларни тақомиллаштириш борасида қандайдир фикрлар мавжуд... Ха, энди тириниш нима кераги бор... У энди нинга яна қайта олади-дими, кишиларнинг юзига қандай қарайди?

Хар кунни эрталаб Ася билан гидротехник Бектемир йўғон сим арқонга ўрнатилган лолыкага ўтириб лебедканинг иккада томонидаги чигирикни айлангатириб, трос бўйлаб бир зумда дарёнинг нариги томонига ўтиб олишарди. Кейин улар дарё соҳили бўйлаб, юқорига, Байдамтоғнинг қорли ҳавзалари томон кетишарди. Ася у ерда ўзининг кузатиш ишларини олиб борарди. Нурбек эрда ўзининг кузатиш ишларини ерғача кузатиб кўйиб, сўнг уларни, то дарёдан ўтаётган ерғача кузатиб кўйиб, сўнг ўзи орқага қайтарди. У қарийб бутун кунни Асилбой ўхшамасди. У жуда уфат, турпунг қилишини яхши кўра билган бирга ўтказарди. Чол, ўғли Бектемирча сира ҳам ўхшамасди. У жуда уфат, турпунг қилишларга бориб қолган динган одам эди. Унинг ёши етмишларга бориб қолган бўлса ҳам, эртдан кечгача тиним билмасди, қачон қандаманг ривирлаб, хўжалик ишлари билан банд бўларди. Бу новча, қотма ва бир оз бўкчайган чолнинг кўзлари худди еш боғаларнинг кўзларини эслатарди. Афтидан улар қандайдир янги, ажойиб нарсалар назаётгандай оламга завқ билан боқарди.

Бутун Асилбой унинг кўзидан ўнлаб олдиди, сирли қиёфада: «Юрчи бу ёққа, сента бир нарсани кўрсатаман», деди. У Нурбекни унча катта бўлмаган тепаликка олиб чиқди. Тепаликнинг кўёш тушиб тураётган томонига бир қанча еш олма дараклари экилган. Ниҳолларнинг бирида пушти гўл очилган эди.

— Бу биринчи очилиши!— деди шивирлаб Асилбой.— Ниҳолларни шахардан Асянинг ўзи олиб келган. Ушанда мен хайрон бўлиб, қизим, буларни нега олиб келдинг? Улар бу ернинг совуғига бардош бера олар-

ми? Бектемир онора бўлибсан, қизим, улар бу ерда яшай оладими?— дедим, у— сиз қардан биласиз, нега ундай қиёфада? Синаб кўриш керак, ўраниш керак...— деди. Қандай мен роса уялиб қолган эдим... Мана, энди кўриш керак, ордан неки йил ўтди... Биринчи нишона кўрсатди. Ася ҳали буни билмайди. Кўрса борми, қувончдан юзи осмонга етади... Бўлмасамчи, бу чакана иш эмасми. Байдамтоғга кишилар кўчиб келганда, уларнинг боғларини бўлади.

Эрталаб, кўёш тоғ тизмаларидан эндиғина мўралаб, ринг нурлари дарё юзидаги енгил туманга қадалганда, Нурбек, ҳар гагидек, Асяни дарё ёқасига кузатиб кўришга чиқди. У Асянинг Байдамтоғга яқинлашганда ҳар гал ҳам нимадандир ҳажжонланганини энди аниқ сезиб олади. У бирдан хўшёр тортиб, бошини секингина бедори кўтариб олиб, Нурбекни ортда қолдирганча соҳил сари чопиб кетарди. У дарёнинг қирғоғида ярми сувага осиб турган харсанг тошини яхши кўрарди. У тош олдинга тиниблаб чопиб борарди-да, унинг бир чеккасида териб, кўёшнинг дастлабки нурларини қаршилаганда, дарё сувининг оқшини ҳавас билан тингларди. У олдидикик Байдамтоғнинг тўлқин отиб, елиб-югуриб оқиб кетгани кўрсатиб, ниманидир айтиб қичқиради. Лекин тиниб сўзлари эшитилмас, товушини дарёнинг шағилдаги омон босиб кетарди. Ваъзан унинг сўзлари узвук-узвук куюкка чалиниб қоларди: «Эй-й-й! Нурбек!.. Қайра, Байдамтоғ!..»

— Нима дедилсан? Эшитилмапти, Ася!
— Қиз қафларини бир-бирига уриб, чапак чагиб кўриш.

Лекин Ася бутун ўша тош томон югурмади.
— Балки, сен зерикаётгандирсан, Нурбек?— деди ва ўзига Нурбекнинг кўзларига диққат билан боқди.— Қиз у китобини ўқиб бўлгандирсан? Бутунлай соғайиб кетганингдан кейин, биз билан қояга чиқасан. Мен олиб бораётган тажрибаларимни сента кўрсатаман. У ерда кун ажойиб нарсаларни кўриш мумкин.— Ася ўйганиб турганда, кейин кўшиб қўйди:— Бутун эса сен Терпеннинг «Балдос и думъа» деган китобини тошиб ўқи, у меннинг сенимли китобим. Мен курашчиларни, юксак мақсад сари иттилувчи, кучли кишиларни сезаман!

Милъкул, Ася.
Ася яна бир нималар демоқчи эди-ю, лекин улар

дарё ёқасига егиб қолишганди. Нурбек унинг люлькага чиқиб олишга ёрдам берди.

— Биз тезда қайтамиз!— қичқирди қиз. Улар дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олгач, Ася Нурбекка қараб: «Ўйга бор! Бу ерда турмай Шамоллаб қоласан!» дегандек кўл силтади. У узоқлашаркан, йўл-йўлакай яна бир неча бор тўхтаб, унга кўл силкиб қўйди.

Нурбек уларнинг муволишидан ўтиб, кўздан тойиб бўлиб кетугига қадар дарё бўйида кутиб турди. Кейин у орқасига қайтиш ўрнига, тош қия бўйлаб, дарё ёқасига тушди ва сув бўйидаги тошга бориб ўтирди. Байдамтол одатдагидек шовқин солиб, ҳайқириб оқарди.

Дарёнинг қирғоқ билан туташган саёз еридаги кичик-кичик тўлқинлар Нурбекнинг оёғига қадар ўрмалаб келарди. Тўё улар Нурбекка: «Кет, яқинлашма!» дегандек туюларди. Нурбек қўзғалмай ўтираверди. Фазабланган тўлқинлар унинг этигига лойка кўпик қолдириб бориб келарди. Нурбек кўлимсираб қўйди.

Байдамтол дарёси тизма тоғлардан бошланган. У ерлар мангу қор ва музликлар билан қопланган. Агар инсон мангу музликларни эритишни эллай олганда эди, Байдамтолни ҳам бошқара оларди. Бу ҳали муаммолитига қолиб келмоқда, аммо кимки бу масалани ҳал қилишга бел боғлаган экан, у ҳақиқий жасур ва ботир инсон саналади.

Нурбек ўрндан туриб, ҳаяжонланган бўйича дарёнинг сув ялаб кетган саёз еридан юриб, Байдамтолнинг шидатли оқишига назар ташлаб борарди.

Ася бу тўғрида ҳикоя қилганда бутунлай ўзгариб кетарди. Унинг осойишта, ўйчан кўзлари чақнаб, ғайратга тўлиб алганималар ёрқин кўринаётгандай туюларди. «Сен бир кўз олдигига келтириб кўр-а, Нурбек! Шундай бир вақт келадик, деҳқонларимиз қизиб-ёниб ётган ҳаводан раҳм-шафқат сўраб, илгитико қилиб ёмғир кутмайдинлар. Дарё оқинини ўз измига бўйсундирган инсон далагаларга қанча сув керак бўлса, шунча сувни етказиб беради».

Кекса Асилбой эса Байдамтолнинг келажаги ҳақида гап кетганда, ёқасини ушлаб ҳайратланарди.

— Вой, тавба!— дея бошини чайқарди,— ҳозирги ёшларнинг қилаётган ишнинг чегараси йўқ! Сен бир ўйлаб кўр-чи, улар шундай катта ишларга кўл уришяптики,

қатто ҳудо ҳам улар билан беллашолмайди! Худо насиб қилса, Асямиз айтганини қилади. Муқаддас кинилар йўқ дейишди, аммо у, менинг назаримда, кинилар учун муқаддас бўлиб қоладиганга ўхшайди... Қор ва сувларни ўз ҳукмига бўйсундирмоқ ҳазилдамканими! Кулганлар кулланерсин, лекин мен Асяга ўхшатган ёшларимизнинг ҳар қандай ишларини амалга ошира олганига ишончмисман. Кимки халқ учун, халқ йўлида хизмат қилар экан, у ҳар дони ўз мурдаосига эришади... Унга халқ кўмакдош бўлади...

Нурбек осма кўприк олдига келганда тўхтаб қолди: «Ася тевроқ қайтса эди! Вақт мунча секин ўтгани-а»,— деб хаёл суриб қолди. Лекин ўз фикридан ўзи чўчиб кетди. У Ася ҳақида кўлдан бери ўйлаётганини эслаб қолди. «Нега?— ўзидан-ўзи сўради Нурбек.— Наҳотки Асяни севиб қолган бўлсам? Нима, сен ақлдан озиб қолдингми, бундай бўлишни мумкин эмас! Мен унинг тўғрисида шунчаки ўйлапман, бу менга шундай туюлгани! Муҳаббат бундай келмаса керак. Мен уни жулда хурмат қиламан, ўз тугишган синглим, ўртоғимдек хурмат қиламан, лекин бизнинг ўртанмазда севгининг бўлиши мумкин эмас... Ҳа, шундай! Жим бўл, эсингдан чиқар, хаёлингга ҳам келтирма бун!»

Аммо улкан тошнинг кўчмони учун биргина кичик тош ҳам сабаб бўлаверарди. Нурбек неча бор Ася тўғрисида ўйламаслиқка ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Аксинча, қиз ҳақидаги хаёлилари қайта-қайта такрофланаверди. У нима қилишни билмасди. Нурбек беҳуда чўчиб тушмаган эди. «Асилбойнинг ёнига бориб, у ёқ-бу ёқдан гапллашсам, балки ўтиб кетар»,— деган қарорга келди. Лекин чол билан унинг буғуни суҳбатга сира ёнишмади.

— Нима бўлди булун сенга, ёки бирор нарсаниги йўқотдингми?— деб сўради ҳайрон бўлиб, Асилбой йўнилаган гўлачаларни бир томонга олиб кўяркан, ҳаяжонланган Нурбекка диққат билан кўз тикиб.

Йўқ!— Нурбек пўнғиллаганча хонага кириб кетди. У Герценининг китобини олиб икки саҳифа ўқиди, кейин уни ёниб қўйиб, деразадан тоққа томон тикилиб қолди. «Шу топда ниманидир йўқотгандайман!»— деди осоз чиқариб Нурбек.— Нима эди бу, қизақ, эслаш керак! Шу пайт:

— Аси қачон қайтаркин-а?— деган савод унинг оғ-

зидап бейхтиёр чикиб кетди.— Бас!— Нурбек столини мушти билан урди.— Унинг хаёти ва нишга хаважикт берипиша сенинг хақинг йўқи! Бунидай қила кўрма, унинг тинчлигини бузма.

Нурбек уйдан отилиб чиқиб, яна дарё томон йўл олди. У сув ялаб турган ўша саёз ердаги тошга ўтирди ва кўллари билан бошини қисди.

«Севаман деб айтишга қандай тилинг борди!— Уйдад Нурбек.— Ася бу кимсасиз тоғларда халқ учун бебаҳо нш қилиш истаги билан яшамокда... Сен-чи, сен кимсан? Ася мени ҳеч қачон севмайди, албатта! Унинг учун бошқа, ўзига муносиб, кишилар бор!..»

Тўлқинлар, Нурбекнинг оёғига келиб ўриланган тўлқинлар яна «Кет, йўқол бу ердан!»— десаётгандай туюлди.

VIII

Тун. Дара зулматдай қон-қоронғи. Тоғларнинг тепасида гўж-гўж юлдузлар чақнамоқда, улар тўе атрофини кўл босган лахча чўр сипгари эди. Пастда эса тиним билмай Байдамтоғ ҳайқиради.

Нурбек эшикдан чиққанда, дара бўйлаб эсаётган шамол унинг қалпоғини учириб кетди. У қалпоғини ердан олиб босиброқ кийиб олд-да, олма кўприк томон шошилиб юриб кетди. У кўприк олдига келиб, жимгина туриб қолди ва ўтирилиб қаради-да:

— Хайр, Ася! Индамасдан кетиб қолганим учун жаҳлинг чикмасин. Шундай бўлгани маъқул.

Нурбек люлькага чикди.

Асилбойнинг айтишига қараганда, дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олиб, оқим бўйлаб пастга томон юрилса, кейин дарата бурилиб довондан ошиб ўтгач, тош йўлга икки суткадан кейин чиқиб олиш мумкин бўларкан. У ердан эса катта йўл орқали тўғри шаҳарга бориш мумкин.

Нурбек люлькага жойлашиброқ ўтирди ва чигирни айлантира бошлади. Роликлар фикирлаб люлька ўриндан кўзгага бошлади. Люлькани сляжиктиш учча осон эмас экан: чигир икки кишига мослаштирилган эди. Нурбек ўзини тезда толиб қолгандай ҳис қилди. У нафасини ростлаб олиб, люлька бортидан пастга қаради, кўрқандан кўзларини юмиб, чигирнинг тутқичига янада маҳкамроқ епишиб олди. Пастда қандайдир ақл бовар

қозғалган айланаரசалар кўзга ташланарди. Жарлик қоронғи, паст-баланд қиргоқларга урилиб, кўпириб, даҳшат билан гувишларди сув. Тўе дара тун зулмати билан курашибетгандек. Улар бир-бирини шапир-шупур сувга боғлашар, лекин иккаласи ҳам бир-бирига бас келолмаётгандай туюларди. Нурбек пастга бошқа қарамасликка қарор қилди ва чигирни иложи борича тезроқ айлантди. Мана, у ярим йўлни босиб ўтди. Дарёнинг нариги соҳили равшанроқ кўрина бошлади. Нурбек жуда чарчаб қолган бўлса ҳам ўзига сира дам бермасди. Яна бир аур берди ва... нимадир қарсиллаб кетди. Чигирни секинлаб, люлька шу жойнаёқ тўхтаб қолди. Нурбек ўрндан туриб, тросдан чиқиб кетмадимикин деган хаёл билан роликларни пайпаслаб кўрди, ammo қаммаси жойида эди. Нурбек кўл фонарни ёқиб чигирни кўздан кечирди ва ҳолсизланиб ўтиришга ўтириб қолди.

— Нима қилиш керак?— рўйдирди у.

Кейин билса, трос ўрадайдиган барабиннинг ўқи ситиб кетган экан. Бу чигирни бир томонлама айлантириш туфайли юз берган экан. Агар асбоб бўлганда эди, уни қуватиш учча қийин эмасди. Лекин уни қаердан олиш керак? Люлька кутурган дарёнинг қариб қоқ ўртасида тўхтаб қолган. Нима қилмоқ керак? Бу туришида эрта тонгача ҳавода лақиллаб ўтириш мумкин, ammo эрта-даб... эрталаб бу ерга Ася билан Бектемир келадн. Бу эса уят, шармандалик-ку! Уларга шу ахволда кўринишга ўлган яхшироқ. Нима бўлса ҳам дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олиш ва тезроқ бу ердан йўқолиш керак.

Нурбек люлькани қолдириб, юқориги оснгилік тросни ушлаб қиргоққа ўтишга жазм қилди. Ҳа, ҳа, худди шундай қилиш керак, фақат юқори трос билан қуйи трос ораси унинг бўйидан баланд бўлмаса бўлгани, акс ҳолда юқориги тросга осилиб, оёқ ости таянчсиз қолиши мумкин.

Бироқ уят ўлимдан қаттиқ!

Нурбек ўрндан туриб, тросни икки кўллаб ушлади ва люлька бортидан чикди.

Унинг кўлоғига дарёнинг шағиллаган овози эшиттилар, айниқса, юрагининг гупиллаб уриши аниқ сезилиб турарди. Бахтига трослар ораси айна мақсадга мос экан, фақат кўли толиб чиқиб кетмаса бўлгани, жуда оз—тўрт метрча қолди! Сим тилиб кетган кафтлари қонаб,

ловилдаб ачншаётган бўлса ҳам, шопма, секин ҳаракат қил!

Мана, киргоқ. Нурбек сакраб ерга тушди.

— Утдим! Утиб олдим!— хурсанд бўлганидан қич-қириб юборди ва ерни ҳидлаб меҳр билан шивирлади:— Ер, ер! Энди нстаган жойга бора оламан.

Нурбек бир сакраб оёққа турди ва катта-катта қаддам ташлади. У осма кўприкка қараб олиш учун бир зум тўхтаб, жойида донт қотиб қолди, даҳшатли хасдан нафаси чинга тушиб кетди. Кошки ҳеч нарса юз бермаган бўлса, фақат люлька ўз ўрнидан силжиб, ёнғиз чўққайиб дарё устида тебраниб қолган бўлса.

— Бу қандай бўлди?— бўғиқ овоз билан шивирлади Нурбек ва ҳаяжон билан қоронғиликка тикилганча оғта ташланди.— Бу нимаси, чигирни синдириб кетяпманми? Улар мени ўлимдан саклаб қолди, даволашди, мен бўлсам миннатдорчилик билдириш ўрнига зарар келтириб қочяпман!

Нурбек ерга ўтирди, қўллари билан бошини ушлаб кўзини юмди. У эртага нима бўлишини тасаввур қиларди.

...Эртадаб гидрологлар осма кўприкка келишади ва люльканинг дарё ўртасига бориб қолганлигини кўришадди. Демак, кечаси кимдир ундан фойдалангану сўнг шу бўйича ташлаб кетиб қолган. Бироқ бу ким бўлиши мумкин? Узимзиникиларнинг ҳаммаси шу ерда. Эҳ-ҳа, Нурбек қаерда?.. Тушунарли.. Бўлмаса-чи, унинг йўли ҳам шу ёқдан... Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ишни бир минут кечиктириш мумкин эмас!.. Улар қиргоқ чигирни ёрдами билан люлькани тортиб олишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Лекин у ўрнидан қимирламайдди, чулки силжитувчи трос синиб қолган барабанга маҳкам ўраган. Улар арқон кўприкнинг ишдан чиққанини кўриб қаттиқ хафа бўлишади. Бунни ким қилди? Аблаҳ, Нурбек! — Мен ундан ҳеч қачон бунни кутмаган эдим!— паст овоз билан дейди Ася лабини тишлаб.

— Ҳа уйинг куйгур, зоти паст! Нима қилиб куйдинг-а?— оғир хўрсиниб олади Аслибой.

— Мен ўлдирмап бу дайди итни!— отилади Бектемир ердаги тошни олиб.

Хўп, кейин-чи, кейин нима бўлади? Ася ҳеч қачон ўз ишини тўхтатмайди. Бироқ у нима ҳам қила оларди? Фақат биргина йўл бор, Асбоб топиш керак-да, тросдан

ни люлькага қайтиб бориш керак. Лекин бу айтганига юзон, шунча масофани трос бўйлаб босиб ўтиб бўлармиди, ахир у қирғоқдан то люлькага қадар ўтти метрдан нима эмас, агар қўлинг бўшаб кетса борми, ўлиш ҳеч қанчае. Ыйдамтол шу захотиёқ оқзанб тошларга олиб бориб урди, ҳа, уларнинг қайси бири бундай хавфли ишга бориши мумкин? Ася! У ҳеч нарса олдида тўхта-нолди, у ишнинг бир минут ҳам тўхтаб қолишига йўл қўймади!..

— Йўқ, мен уни ҳалокаатга итармайман!— Нурбек ўрнидан ирғиб туриб, осма кўприк томон зинғилдаб чориниб кетди. У ҳали чигирни созлаш учун қандай талбир кўриб, қандай тузатиш кераклиги ҳақида аниқ бир тасаввурга келолмаган бўлса-да, бироқ бу ердан кетиб қолши мумкин эмаслигини сезиб турарди.

Нурбек кўприк олдига югуриб борди, оғир нафас олди-да, пешонасини металл устунига босди. Унинг миясанда фақат бир фикр хукмрон эди: «Нима қилмоқ керак? Чигирни қандай тузатиш мумкин? Қандай? Бирор кимса на жиниб беради ва на акс-садол Байдамтол, бағри тош дарё, ҳеч бўлмаса бир оғиз сўз айтсан-чи? Йўқ, сен илтифатсан, ёввойи ҳайқирининг билан кулоқларинг битиб қолган!.. Нима қил-ай... Ахир мен инсонман-ку, менинг нешим — Инсон!.. Мен бунни тузатишим, йўл топим керак!»

— Топдим!— хитоб қилди Нурбек.— Топдим!..

Ҳа, Нурбек талбир топган эди! У ҳозир трос орқали дарёнинг нариги томонига ўтади. У дарёнинг нариги томониди ишикда асбоблар турганлигини кўрган эди. Ундан керакли асбобларни олиб, беинга бослаши ва яна шу трос бўйлаб, люлькага қайтиб келиши, люлькани ремонт қилиб бўлгач, бу қирғоққа қайтиб келиши керак эди. У кўприкнинг ёнига бошқа яқинлашмайди, яхшиси, боши оққин томонга кетади, балки дарёнинг куйроғидан бирор сазз жой топилар... Эй, бу унча ўйлайдиган нарса қим эмас, хозир асосий масала у эмас, муҳими ҳозир — ўзлаганиг фикрни амалга оширмоқ, бош масала — Асянинг улган ишга ҳалаф бермаслик!

— Ҳа фикримдан қайтмайман!— деди Нурбек қатъий қилиб ва шончезилик билан кўшиб кўйди:— Бироқ бил-долмадим ўлдасидан чиқа олармикинман, бундай оғир ишни бажариш учун куч-қувватим етармикин?.. Бу ердан люлькагача олти-етти метр, бу йўлни босиб ўтганман,

ҳозир яна у ердан ўтаман, бироқ люлькадан у қирғоқ-қача трос бўйлаб ўттиз метр юришим керак! Бу жуда узоқ йўл! Жуда узоқ! Хўш, нима бўлти, ҳаммасига тай-ёрман, Аса!

Нурбек устунга чиқиб юқориги тросни ушлади. Паст-ки тросни эса оёғи билан пайпаслаб толиди. Унг оёғи билан биринчи қадамни ташлади, кураш бошланди.

У биринчи қадамни ташлаганда пастдаги кутуриб оқаётган дарёнинг даҳшатли шовқин-сурони унга бозор жойида дорбозларнинг ўйинида ҷалниндаган ноғора ва карнай-сурнайларнинг арағаш-қурағаш овозидек бўлиб туюлди.

Нурбек саёқ дорбозларни ёшлик кезларидеёқ кўрган эди. Улар қарийб терак бўйи баландликда арқон устида юришди. Уларга ҳар бир дақиқада ўлим таҳдид солаётгандай бўларди, аммо у довлорак киши эса кўкка сипганиб: «Ё пирим, ё олло!..» деб илтижо қиларди.

«Опа!— кўрқиб кетган Нурбек ўшанда онасининг куйлаги барига яшириниб.— Кетамиз, опа, бу ердан кетамиз!» дярди ва у ҳатто юраги дов бермай томоша ҳам қилолмаган эди.

Энди бўлса, Нурбекнинг ўзи дорбоз. Нурбек ҳам дорбозчилар сингари ҳавода ўша дор арқонидан йўғон бўлмаган трос бўйлаб бормоқда.

Люлькага етиб борганда Нурбек мажолсизланиб ўзини бортга отди. Бир қисм йўл босиб ўтиди. Лекин шу кичкина ғалаба ҳам қанчалик қимматга тушди! Троснинг симидан тилиниб, юлқиланган кафтларидан қон оқар, ўпкаси кўкрагига сигмас, худди пойгада чопавериб хансираб, кишнаб кетган отлар сингари ковурағалари бўртиб чиққан эди. Олдинда эса ҳали узоқ, бундан кўра юз баробар оғир ва уқубатли йўлни босиб ўттиш керак. «Орқанга қайт, бахти қора, ҳали ҳам кеч эмас, ҳалок бўласан!»— деди ички бир овоз унга.

— Йўқ, мен охиригача аҳдимида тураман!— жавоб қайтарди овоз чиқариб Нурбек.

У ўрндан турди, камзулининг астарини йиртиб қўлини ўради. Яна кураш бошланди.

У биринчи қадамни босиши биланоқ чилдирманнинг бака-банги, карнайнинг увос тортиб жар солиши эшитилди.

Бироқ бу гал Нурбек аввалгига нисбатан тезроқ ҳолдан тоя бошлади. У кўрқанидан пастга қарай олмас

қам, тасолифан оёғининг остига кўз қирини ташлади. Дарёнинг кучли оқими тўхтагандек туюлди, унинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Гўё ҳамма нарса— тоғлар қам, туи ҳам, дарё ҳам, ҳаммаси улкан сув тирдобиди бир айланиб, ундан узоқлашар ва доира ҳосил қилиб ила унга яқинлашарди. Ҳар қанча бўлса-да, Нурбек ўзини тутиб олди. У бошини юқори кўтарди, лекин шамол уми юлиб кетаётгандек бўлди. Шамол тўсатдан унинг кўкрагидан элиб, чапқанча ағдариб ташлади. Оёғи тросдан сирғалиб чиқиб кетди. Лекин у юз машаққатлар билан оёғини яна тросга қўйиб олди. Елкасидан иссиқ тер оқиб туша бошлагди. Нурбек бош айлангани қолар деган умидада кўзларини чирт юмиб олди, аммо, у яна кўзини очганда ҳеч нарса кўрмагандек, яна аввалгича ҳамма нарса тир айланиб, кўнгилли айнаиб бошлагди, ўзини йўқотаёзди. У ўзини ажойиботлар дунёсига келиб қолгандай ҳис қилди. Бу янги дунёда у ўз ҳаётини қайтадан бошиқталдик эди.

Ҳаммаси, ўтган ва янги юзага келган нарсаларнинг барчаси унинг кўз олдига суэиб юрар ва турнақатор бўлиб тизилганиб ўтар эди. Аммо унинг ўзи тўхташи мумкин эмас, олға, фақат олға илтилиши керак, акс ҳудди ҳалокат ноз бериши мумкин, деган ягона фикр хувморонлик қиларди. Шунинг учун у олмай бошлагди, сөөки, нимлайб бўлса ҳам олға сижийверди.

Авчиқ тер унинг юзидан озига оқиб тушарди. Қўлига ўратан латталари алдақанон титиллиб кафтлари қавариб кетди, бармоқлари увуша бошлагди, тавдаси эса ҳалдан ташқари оғирлашиб пастга торта бошлагди. «Агар дарёга ўзини отсам нима бўларкин?»— ўйлади Нурбек.— Бари бир мен ўлган одамман, менга бари бир амисми». Кўприк-чи? Уни ким тўзатади? Демак, эртата Аси Байдакголининг бошига боролмайдинми? Демак, унинг халқ учун қилган барча меҳнатлари барбод бўлдикин?»

Нурбек ўзини ўнглаб, яна бир-икки қадам олға босди. «Аси — ҳаёлан мурожаат қилди, у қизга.— Сенинг мақулиг чикмасин, хафа бўлма, мен муносиб киши эмасман, жинпоқчман, иродасиз қочқинман, лекин сени сенимчи Менга инонгин, худо ҳақи, мен сени севаман! Хал Ҳатто ўзимдан яшириб юрганмига ҳам иқрорман!..» Нурбек дарёнинг ўртасига келгач, бошқа сижкишга инонди келмай қолди. Оёқ-қўлларининг мадори кўриб,

хушдан озаёзган эди. Яна бунинг устига негадир пастки трос салқи бўлиб қолганди. У пона қоқиб маҳкамлаган эди-ку! Балки бу одамнинг оғирлиги билан бўшаб қолгандир. Нурбек оғири остидаги троснинг секин-асета пастга тушиб кетаётганини сезиб сесканиб кетди, кўкрагини тўлдириб нафас олган эди, бирдан йўтал тутиб қолди. Йўтал уни яна оғир аҳволга солиб қўйди. Нурбекнинг кўкраги ачишиб оғриётганидан нафас олиши ҳам оғирлашган эди. Қонга беланган қўлларидан куч кетиб, оёқ остидаги трос борган сари пасайиб кетмоқда эди. Нурбек сизм устида тебраниб, у ёқдан-бу ёққа чайқаларди.

— Ажал! Ажал!— деб ғолиб келгандай Байдамтол шовулдаб оқарди, тўе ўз ўлжасини кутаётгандай эди. Нурбекнинг қўллари энди унга итбат қилмай қўйган эди. Тоқатсизланиб турган Байдамтол яна:

— Ажал! Ажал!— деб ғазаб билан ўшқирди.

— Сув, бир қултум сув!— сўради Нурбек чанқоқдан туюқиб.

«Бошингни эг, дарёдан олиб ич сувни! Сув кўп, сенинг чанқоқингни қондирнишга етади, бош эг!»— кимдир макфорлик билан қулоғига шипшитгандек бўлди.

Нурбек охирига куч билан бармоқларини қисди. Шу пайт у қўлида соатининг чиққинтаб ишлаётганини эшитди. Бу ғайри табiiн бўлиб кўринса ҳам, ҳақиқатда эшитилаётган эди. Дарёнинг қулоқини қар қилгудек гудураган овозлари орасида бир меъёрда аниқ, жаранглаган «тик, тик, тик» товуши ҳам равшан эшитилиб турарди. Ана шу ҳар бир секунда уриши билан бирта ҳаёт ҳам ўтаётган эди. Ҳаёт! Киши ҳаёт! Шу қисқа бир дақиқа ичида у ҳаётнинг нима эканлигини ўқиб олди...

Зўр ирода куч билан у бошини бирдан кўтариб олди ва бутун дарага қараб тантанавор қичқирди:

— Мен яшайман!

...Нурбек қирғоққа чиқиб олганидан сўнг, ўзини ерга ташлади ва қарийб бир соатга яқин жонсиз киши каби кимирламасдан чалқанчасига ётди. У наизга қайтишда асбобларни олдим, йўқми, аммо асосий иш битди. Тортилиб қолган трос бўшади. Қирғоқда чинирик ёрдамда Нурбек лоджани жойинга олиб келди. Тонгда у ишини тутатди.

Нурбек сув бўйига тушиб, эгипи билан сув кечди ва фақат эндигина сув ичшига ўзини ҳақли деб билди.

У сувни қалта-қалта қултумлар билан секингина

ичиркан, болаларча қулиб қўйди. Бутун у ҳаётда биринчи марта чиннакам кураш ва ғалабанинг лаззатини туюшди. Бу сафар у фақат ўн учун, ўз шухрати ва қаҳримонлигини кўрүк намойиш қилиш учун эмас, балки катта орзулар учун, юксак мақсад йўлида хизмат қилган Ася учун жасорат кўрсатди.

— Ҳа, мен бахтлиман!— деди Нурбек.— Эрталаб Ася Байдамтол ўзанлари сари йўл олади. Йўл очик, кўприк тўлатилган!

Нурбек завқланганидан қумлик ҳўл қирғоқдан чопиб кетди. У уйга келиб, қўлига қалам олиб бир варақ қонга эгри-бутри қилиб ёзди:

«Ася, мен қаяқдан келган бўлсам, ўша ёққа кетяпман, Балки биз ҳеч қачон учрашмасмиз, лекин мен сени қандай ғўзал бўлсанг шундайлигинича умрбод қалбимда сақлайман. Жаҳлинг чиқмасин, мендан қулма, Ася, сен мен учун... Ҳайр, омон бўл... Узингни эхтнёт қил... Ҳа, сени бўлмаса унутаёзиман, мен Перпеннинг китобини ўқиб уларролмадим, кечир, мен уни ўзим билан бирта олиб кетяпман, ахир бу сенинг севимли китобинг, кўрашичан инсон ҳақидаги китоб-ку... Менинг тасодифан сен билан бўлган учрашувиам ҳаётимдаги энг қийин ва энг бахтли кунлар бўлиб қолади. Раҳмат сента, Ася, бирча вхшиликларинг учун... Сен менга кўп нарсаларни ўргатдинг... Сен мени Байдамтол устидан ғалаба қилишинг учун дунёда ҳаммадан кўпрок тилак тиловчи дўстинг деб ҳисобла... Мен аминман, Ася, Байдамтол забот қиллади!»

IX

Асиябой эрталаб барвақт туриб, ҳовлини айланиб юрдан, отини сувнинг бўйига етказиб келди ва уни чуқур-чуқурлаб бўлиб пақирлаб сув қуя бошлади. Тоғ ормалармоқчи бўлиб пақирлаб сув қуя бошлади. Тоғ ормалари кўёш кўтарилди. Асиябой қўлини пешонасига қўлиб кўёш томон астойдил тикилиб қолди. У юзларига сираган ариқ сувидан сесканиб кетди ва қўлидаги пақирини тушириб юборди. Асиябой Асянинг деразаси ёнига югуриб борди ва кучининг борича уни тақилдатди.

Ася, тур тезроқ, у кетди!

Ҳеч нарсани англай олмаган Ася ҳовлига югуриб чиқди:

— Нима гап, отажон?

МҲНДАРИЖА

Қисса ва ҳикоятлар

Бурқунда А. Рашидов таржимаси	3
Виринин муаллими. Зайнаб таржимаси	41
Сомон йўли А. Рашидов таржимаси	97
Оқ қовил А. Рашидов таржимаси	191
Оқ йил А. Рашидов таржимаси	320
Рақоблар А. Рашидов таржимаси	332
Вилдмитол соҳилларида А. Рашидов таржимаси	359

— Қара-чи, қизим, у ёққал— гурур билан деди Асилбой узоқлашиб кетаётган кишини кўли билан кўрсатиб. Одам доvon томон кетаётган эди.— Бу Нурбек!— тушутирдил Асилбой.

— Нурбек! Нурбек!— Бор кучи билан қичқирди Ася. Афтидан, у югурмоқчи бўлди, лекин шу заҳотиёқ тўхтаб, севинган, бениҳтиёр ва ҳаяжонланган тусда, худди ҳар галгидек эрталаб қоя тош олдига югуриб бориб, Байдамтолнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб тургандек, донт қотиб қолди.— Шундай бўлишини билган эдим!— шивирлади Ася.

Нурбек катта қоя орасига яширинди. Ася у билан фахрданар, айни чоқда уни кўмсаб юрак-бағри ўртаниб ёнаётган эди. У кўз ёши қилмаслик учун юзини тескарли бўриб олди ва сўради:

— Ота, бу ердан совхозгача узоқми?
— Довондан нарида, анчагинна йўл, лекин баҳузур борса бўлади.

На узбекском языке

Чингиз Айтматов

ИЗБРАННЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ В 2-х ТОМАХ

ТОМ II

ПОВЕСТИ И РАССКАЗЫ

Редактор Х. Мансурова
Расом Д. Цирини
Расмлар редактори А. Боброва
Техн. редактор Т. Смирнова
Корректор М. Холматова

ИБ № 488

Босмаконига берилди 21/VI-77. Босши-
га рухсат этилди 31/V-78. Формати
84x108/16. Босма д. 12,25. Шартли босма
д. 20,58. Намр. д. 21,21. Тиражи 60000.
Фабур Фулон номинати Дабоиет на сант-
ат наштири, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 105-77.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия
ва китоб савдоси ишлари бўлими Давлат
комитетининг Тошкент «Матбуот» полиг-
рафия ишлаг чикариши Бирдлашасида МП
қорога бошлади, Тошкент, Навоий кўча-
си, 30. 1978 йил, Заказ №1057, Баҳоси
1 с., 60 т.